

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

Феруза МУҲИДДИНОВА

ЎЗБЕКИСТОН СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАРИ ТАРИХИ

Тошкент – 2006

Феруза Мухиддинова. Ўзбекистон сиёсий ва хуқуқий таълимотлари тарихи. Т.: ТДЮИ нашриёти, 2006. –176 бет.
Сарлавҳада: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, ТДЮИ.

**ТДЮИ ўкув-услубий Кенгашининг 2006 йил 25-май 10-сон мажлис баённомасига кўра
нашрга тавсия этилган.**

Тақризчилар : ю.ф.д доцент : А.Ш Жузжоний
Ю.ф.н. проф: О.А. Каримова

Мазкур қўлланмада Ўзбекистон сиёсий-хуқуқий таълимотлар тарихи фанининг предмети, мақсад ва вазифалари, Қадим Туронда сиёсий-хуқуқий таълимотларининг шаклланиши ва ривожланиши, ўрта аср сиёсий-хуқуқий таълимотлари, Шарқ Уйғониши даври сиёсий-хуқуқий таълимотларининг асосий хусусиятлари, одил ҳукмдор, суд ва судлов, қонунчилик ҳақидаги ғояларнинг ривожи, янги давр сиёсий-хуқуқий ғоялари ва ҳозирги давр Ўзбекистонда давлат ва хуқуқ масалаларининг ўрганганлиги қайд этилган.

Кўлланма ўкув дастурига мос равишда тузилган.

Ўзбекистон сиёсий-хуқуқий таълимотлар тарихи фанининг предмети ва ўрганиш усуслари

Режа:

1. Ўзбекистон сиёсий-хуқуқий таълимотларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши: даврийлиги,
2. Фаннинг предмети, услубий асослари.
3. Фаннинг юридик фанлар тизимидағи ўрни.
4. Сиёсий-хуқуқий таълимотларнинг Ўзбекистонда демократик хуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги аҳамияти.

«Шарқда демократик жараёнларнинг қадимдан шаклланган ўзига хос ва ўзига мос хусусиятлари бор. Буни асло назардан қочириб бўлмайди. Яъни Шарқда демократик жараёнлар узвий равишда ва аста-секин тараққий топади».

Ислом Каримов

Ўзбекистон сиёсий-хуқуқий таълимотлар тарихи фанининг вазифаси: бўлажак юрист мутахассисларнинг миллый давлатчилигимиз сиёсий-хуқуқий таълимотлари асосида миллый истиқлол мафкурасини амалга оширишда малакали, билимдон, етук мутахассис қилиб тарбиялашга илмий, ғоявий замин яратишдан иборатdir.

Зеро, Ўзбекистон сиёсий-хуқуқий таълимотлари тарихини ўрганиш, ўтмиш меросимизда илгари сурилган адолатли давлат, инсонпарвар қонунлар, одил судлов ғоялари ҳақидаги манбаларни тадқиқ этиш, улардан бугунги кунда сиёсий-хуқуқий, ижтимоий ислоҳотларни амалга оширишда фойдаланиш ҳам назарий, ҳам амалий, ҳам маърифий аҳамият касб этади. Бу ҳақда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг қуйидаги сўзлари фикримиз далили бўла олади : «**Мустақиллик биз учун аввало ўз тақдиримизга ўзимиз эгалик қилиш хуқуки, келажагимизни ўз қўлимиз билан барпо этиш, юртимиз бойликларидан фақат ҳалқимиз ва Ватанимиз манфаатлари йўлида фойдаланиш демакдир**¹

Ўзбекистон сиёсий-хуқуқий таълимотлари дурдоналари бой маданий меросимиз, қадриятларимиз, авлодларимизнинг давлат, хуқуқ, борасидаги оламшумул тарихий, илмий тажрибаларини ўзлаштириш, ўрганиш ҳаётга тадбиқ этиш учун, ҳалқимиз ҳаётини фаровон қилиш учун сафарбар этишга имкон яратади.

Ўзбекистонда мустақиллик декларацияси, мустақиллик, тўғрисидаги қонун ва бошқа ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистоннинг ўз-истиқлол ва тараққиёт йўли”, “Ўзбекистон келажаги буюк давлат”, “Янги уй қурмай туриб эскисини бузманг”, “Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик”, Ўзбекистон иқтисодиёти сиёсатининг устувор йўналишлари , “Ўзбекистон Бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли”, “Ўзбекистон :миллый истиқлол, иқтисод, сиёsat, мафкура”, Ўзбекистон буюк келажак сари”, “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда”, “Жамиятимиз мафкураси ҳалқни-ҳалқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин”, “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда” каби нутқ мақола, сухбат ва рисолаларидағи ғоялар, қарашлар тизимини, назарий хуносаларини ҳам ўрганиш, таҳлил қилиш сиёсий-хуқуқий таълимотлар тарихининг аҳамияти, зарурлигини англашга имкон беради. Чунки ҳозирги кундаги сиёсий, хуқуқий, иқтисодий, маданий муаммоларни ҳал қилишда сиёсий-хуқуқий таълимотлар тарихи биз учун ғоят муҳим манбадир. Айниқса, Ўзбекистонда хуқуқий демократик давлатни ташкил қилиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, ҳамда унинг назарий асосларини яратиш, бир сўз билан айтганда Ўзбекистонни буюк давлатга айлантириш

¹ Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-том. –Т.: «Ўзбекистон», 2003, 19-бет.

муаммоларини ечимини топиш, бу муаммолар моҳияти, мазмунини англаб этиш, уни ҳал қилиш йўлларини излаб топишда сиёсий хуқуқий таълимотлар тарихини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон сиёсий-хуқуқий таълимотлари тарихига мурожаат қилиш ҳалқимиз олдида турган муаммоларни ҳал қилиш йўлида тарихий тажрибаларига таяниб ўз йўлимизни топишимиш ўз мустақил йўлимизнинг илмий асосларини ишлаб чиқишида адашмаслигимизнинг муҳим таянчи, сўнмас таёғи бўлиб хизмат қилади. Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, Марказий Осиё ҳалқлари қаторида ўзбек ҳалқининг ўз мустақиллигини қўлга киритиши, ўз мустақил давлатни ташкил қилиши, ўз моддий ва маънавий бойликларига тўла хуқуқлигини таъминлаш имкониятига эга бўлиши ўз тарихи ва маданий меросини ўрганишга ҳам шарт-шароит яратмоқда ва йўл очилмоқда. Ўлкамиз худудида шаклланган ва ривожланган сиёсий-хуқуқий институтлари ва фикрларини жаҳон сиёсий-хуқуқий таълимотлари билан уйғунликда ўрганиши, ҳалқимиз орасидан этишиб чиққан йирик давлат арбобларининг мамлакатни бошқариш, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатни амалга ошириш қонунчилик соҳаларидағи тажрибаларини ўрганиши, улардан тегишли хулосалар чиқаришига ўрганиш ушбу фаннинг бош мақсадларидан биридир.

Ушбу фан ўқув режасидаги давлат ва хуқук назарияси, Ўзбекистон давлати ва хуқуки тарихи, жаҳон ҳалқларининг сиёсий-хуқуқий таълимотлари тарихи, фалсафа, сиёсатшунослик каби ижтимоий фанлар билан чамбарчас боғлиқдир.

Юқоридаги мушоҳадаларни хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси хуқуқий жамият қуриш йўлида демократия ва ҳокимиятнинг бутун имкониятларидан фойдаланмоқда, бу борадаги ҳамма тадбирларни амалга оширмоқда. Давлат ва шахс ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштириш учун давлат кўрилишида ўз тарихий анъаналаридан тўла фойдаланмоқда. Ўтиш даврида республиканинг бутун ҳаракатлари қонунчилик асосларини яратишга йўналтирилди, бундан мақсад демократик ҳокимият тузилмаларини шакллантириш, давлат идораларини демократияни ҳимоя қилиш бўйича вазифа ва ваколатларининг бўлишидан иборатдир.

Ана шундай даврга мос бўлган янги жамият қадрлари ва мутахассислари тайёрлаш ва тарбиялаш учун Ўзбекистон сиёсий - хуқуқий таълимотларини ўрганиш, улар илгари сурган адолатли давлат барпо этиш, ҳалқ манфаатларини ўзида акс этган мукаммал қонунлар қабул этиш ғояларини ўрганиш ҳамма вақт долзарб ва аҳамиятлидир.

Ўзбекистонда хуқуқий демократик давлат барпо этишнинг назарий -хуқуқий, тарихий асосларини ўрганиш, жамиятда суд-хуқук ислохотларни чукурлаштиришда, ахолининг хуқуқий онгини ва хуқуқий маданиятини юксалтиришда катта аҳамиятга эгадир.

Бу жараённинг сиёсий аҳамиятини Президентимиз қўйидаги тарзда ҳар томонлама асослаб берди:

- ҳалқнинг турмуш тажрибасига, республика аҳолисининг миллий ва маданий анъаналарига, барча ижтимоий гурухлари ва қатламларининг манфаатларига мос келадиган ҳақиқий демократия принципларини қарор топтириш;

- қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ваколатларини ажратиш асосида миллий давлатчиликни барпо этиш;

- барча фуқароларнинг қонун олдидаги хуқуқий tengligini ва қонуннинг устуворлигини, жамият манфаатлари ҳимоя қилиниши ва ахолининг хавфсизлигини кафолатладиган хуқуқий давлат барпо этиш;

- Ўзбекистонда туғилган, унинг заминида яшаётган ва меҳнат қилаётган ҳар бир киши, миллий мансублигидан ва эътиқодидан қатъи назар, Республика мизнинг тенг хуқуқли фуқароси бўлишга муносибидир, деган инсонпарварлик ва ватанпарварлик қоидасини рўёбга чиқариш;

- бир мағкуранинг, бир дунёқарашнинг яккаҳокимлигидан қатъяян воз кечиш, сиёсий ташкилотлар, мағкуралар ва фикрлар хилма-хиллигини тан олиш;

– кўп partiya вийликни амалда шакллантириш².

Бундай сиёсат одамларда нафақат хўжаликка хўжайнлик ҳиссини, балки она-замин, миллат ва мамлакатга эгалик-хўжайнлик, мансуб-алоқадорлик туйғуларини ҳам кучайтириб юборди. Мустақиллик, озодлик ва эркинлик туйғуси инсон имкониятлари ҳақидаги тасаввурларни кенгайтириб, маънавий кучга айланади.

Ўзбекистонда барпо этилган икки палатали парламентда қабул қилинадиган қонунларнинг сифатини янада замон талабларига жавоб берса оладиган даражага қўтаришда, бўлажак юкори малакали ҳуқуқшуносларимиз бугунги куннинг энг долзарб муаммоларини ўтмишда ўрганган буюк алломаларимизнинг ушбу мавзуларга оид илмий меросларини, ҳамда ҳуқуқшунос олимларимизнинг бугунги кундаги фикр ва мулоҳазаларини, асарларини мустақил таълим олишда ўрганишлари лозим.

² Каранг: Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. –Т.: «Ўзбекистон», 1996, 44-45-бетлар.

Қадим Туронда сиёсий-хуқуқий таълимотлар. «Авесто» сиёсий-хуқуқий манба

1. Қадимги Туronда сиёсий ва хуқуқий ғояларнинг гнесеологик асос-илдизлари, манба ҳамда афсонавий, диний йўналишлари.

2. Халқ оғзаки ижоди ва сиёсий-хуқуқий қарашлар, ғоялар (Жамшид ҳақида ривоят, «Широк», Тўмарис афсоналари ва б)

3. Зардуштийлик (оташпараслик) ва монотекстик сиёсий-хуқуқий таълимот.

4. Авесто қадим Туron сиёсий-хуқуқий тафаккурининг буюк илохий расмий манбайи.

Қадим Туron сиёсий-хуқуқий таълимотларининг ривожи.

5. Маздак сиёсий мағкурасининг ўзига хос хусусиятлари.

Яшаш, озодлик ва мустақиллик учун кураш ҳуқуқи - инсоннинг, кишилар жамоаси турли шакллари – уруғ, қабила, халқ, миллатнинг ажралмас ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқдан жаҳон халқлари фойдаланган ва ҳозир ҳам фойдаланмоқда. Ҳозирги кунда жаҳон сиёсий харитасида янги мустақил давлатлар қарор топди. Ўзбекистон Республикаси - улардан биридир. Бу Ўзбекистон халқлари тарихида тасодифий ҳодиса эмас, балки неча йиллар мобайнида бобокалонларимиз, оталаримиз олиб борган курашнинг қонуний натижасидир.

Озодлик ва мустақиллик қадим-қадимдан аждодларимиз олий мақсади бўлиб келган. Бу кураш қадим ўтмишда бошланган бўлиб, мамлакатимиз халқларининг бутун тарихи мобайнида давом этган.

Тарих манбалари далолат беришича, эрамизгача бўлган дастлабки минг йиллик бошларида Марказий Осиё ҳудудида 20 га яқин қабилалар яшаган бўлиб, улар бир неча қабилалар уюшмаларига биришишган. Буларнинг орасида сак қабилаларини бирлаштирган массагетлар уюшмаси алоҳида ўринни эгаллайди. Ҳар бир қабила бир неча уруғлардан таркиб топган.

Бу қабилалар турмуш тарзи тўғрисидаги маълумотлар бизга қадими музаллифлар асарлари туфайли етиб келган. Масалан, Страбон ўзининг "География" асарида бундай ёзади: "Бу ер (Тавр)дан чапда, каримизда бутун шимолий ҳудудни эгаллаган скиф қабилалари ва кўчманчилар яшайди. Скифларнинг Каспий денгизигача бўлган ҳудудда яшовчи қисми дайлар деб юритилади, яшовчи массагетлар ва сақлар деб аталадилар, қолганлари, агарда барча кўчманчилар демасак, скифлар деган умумий ном билан аталадилар. Ҳудди шундай массагетлар сақлар таркибига атасиялар ва хоразмийлар ҳам киради деб хабар беради.

Марказий Осиёда яшаган қабилалар орасида массагетлар алоҳида ўринни эгаллайди. Бўлар тўғрисида Страбон қуидагиларни маълум қиласди. Массагетларнинг айримлари тоғларда, айримлари текисликларда, учинчилари, дарёлар ҳосил қилган ботқоқликлардаги оролларда яшашади.

Айтишларича, Аракс (Амударё) мамлакатда бошқа дарёларга нисбатан қўпроқ тошар экан. Оролларда яшовчи массагетлар илдизлар ва ёввойи меваларни еб кун кечиришган, чунки улар деҳқончиликдан хабардор бўлишмаган. Юкорида баён этилганлардан, массагетлар ва сақлар Марказий Осиё, шу жумладан, Ўзбекистон халқларининг аждодлари бўлишган деган хулоса келиб чиқади.

Бизгача етиб келган манбалар таҳлили бу қабилалардаги бошқариш, урф-одат ва анъаналар шакллари асосан ўхшаш бўлганлигидан далолат беради. Ҳар бир қабила бир неча уруғдан таркиб топиб, уларнинг аъзолари биргаликда меҳнат қилишган ва уруғ мулкидан биргаликда фойдаланишган. Эркаклар ва аёлларнинг хуқуқ ҳамда мажбуриятлари тенг бўлиб, ҳарбий ҳаракатларда аёллар бошчилик қилишган. Масалан, ўтмиш музаллифи Диодорнинг ёзишича, сақларда Зарина исмли ўта жанговор аёл шоҳлик қилган. Умуман олганда, бу қабила аёллари жуда мардона бўлиб, урушда эркакларга ҳамроҳ бўлишган.

Энг муҳим ва умумий масалалар уруғ ҳамда қабила аъзоларининг умумий йиғинида муҳокама қилинган. Ижтимоий муносабатлар одат ва анъаналар воситасида тартибга солинган. Ҳар қандай хукм ва қарорлар уруғ ва қабила йиғинида қабул қилинган. Умуман, бу қабилалар ўзини ўзи бошқарадиган, эркин ва мустақил бўлишган.

Эрамизгача бўлган VI асрнинг иккинчи ярмида Аҳмонийлар давлатининг шоҳлари Ўрта Осиёга юриш бошлашган. Уларнинг юришларига массагетлар кучли қаршилик кўрсатишган. Улар ўз ерларнинг ҳар бир қаричи учун ўз эркинликлари ва мустақилликларини сақлаб қолиши учун мардонавор курашишган. Тўмарис исмли аёл ҳокимлик қилганлиги тарихдан маълум.. Тўмарис тарихий шахс бўлиб, у Ўрта осиёда яшаган сак-массагет қабилаларининг ҳукмдорларидан бири бўлган. Тўмарис аёл киши бўлишига қарамай, бир сўзли, мард ва ниҳоятда шиддаткор саркарда бўлган. У ўзининг шахсий баҳтидан кўра ўз қабиласининг, ҳалқининг баҳт-саодатини, тинчлик ва осойишталигини афзал кўрган. Шунинг учун ҳам у ватаннинг даҳлсизлигини, қабиладошларининг эрки ва мустақиллигини таъминлаш учун қудратли Эрон аҳмонийлар сулоласининг шоҳи Кирни енгади.

Эрамиздан олдинги 522 йилда Эронда ҳокимиёт Доро 1 (эрадан олдинги 486 йилгача ҳукмронлик қилган) қўлига ўтган. У подшолик қилган даврда Ўрта Осиёда эронликлар ҳукмронлиги ўрнатилган.

Ўлканинг эркесвар қабилалари ва ҳалқлари чет эллик ҳукмдорларга қарши тўхтовсиз курашганлар. Ўз фаолиятини абадийлаштириш мақсадида Доро 1 томонидан ўйдириб ёздирилган машҳур Бехустун ёзувида Парфийлар, Марғиёналиклар, саклар мамлакати эронийлар ҳукмдорлигига қарши бош кўтарганлиги кўрсатилган. Ёзувдан кўйидагиларни ўқиймиз: "Подшо Доро гапиряпти: "Парфия ва Гиркания мендан ажralиб чиқдилар ва Фарвартишга қўшилдилар. Менинг отам Виштаси Парфияда бўлди. Ҳалқ ундан ажралган ва қўзғолон кўтарган. Шунда Виштаси ўзига содик қолган қўшин билан юриш бошлади. Парфиядаги Вишта ўзатиш шахри яқинида парфияликлар билан жанг қилди. Ахурамазда менга кўмак берди. Ахурамазда хоҳишистаги билан Виштаси қўзғолончи қўшинни қириб ташлади. Сўнгра мен Виштасига Рага деган жойдан эроний қўшинларни юбордим. Қўшин Виштасига етиб келганда, Виштаси қўшини ўз қўмандонлигига қабул қилди ва Парфиядаги Патиграбон шахри томон юрди, қўзғолончилар билан жанг қилди. Ахурамазда менга ёрдам берди. Ахурамазда хоҳиширодаси билан Виштаси қўзғолончилар қўшинини яксон қилди.

Марғиёна деб аталадиган мамлакат мендан ажralиб чиқди. Фрада исмли бир кишини марғиёналиклар ўзларига ҳукмдор этиб кўтарганлар. Шунда мен ўзимча қарам бўлган Бактриядаги ҳоким Додаршишга одам юбориб унга шундай дедим: "Бор ва мени тан олмаган қўшинни яксон қил". Додаршиш қўшини билан юриш қилди ва марғиёнликлар билан жанг қилди. Ахурамазда менга кўмак берди. Ахурамазда хоҳиширодаси билан менинг қўшиним қўзғолон кўтарган қўшинни буткул енгди.

Шундан сўнг мен қўшин билан Саклар мамлакатига, ўткир учли бош кийим кийувчи сакларга қарши юриш қилдим. Шундан сўнг дарё бўйига (Амударё ёки Сирдарё назарда тутиляпти) келиб, уни солларда кечиб ўтдим. Шундан сўнг сакларни бутунлай енгдим. Уларнинг Скунў исмли бошлиқларини ушлаб олдимга олиб келдилар. Шунда мен ўз истагимча бошқа одамни уларга бошчи этиб тайинладим. Шундан сўнг мамлакат менини бўлиб қолди¹. Бехустун ёзувида бобилликлар, эламитлар, мидианликлар, эронлар ва бошқа бўйсундирилган ҳалқлар эронликлар ҳукмдорлигига қарши бош кўтарганликлари тўғрисида малумотлар бор. Бу ҳалқлар қўзғолонлари оғир ўлпонлар, мушкул мажбуриятлар, **қундан** қўзғолонлари Аҳмонийлар давлатининг мустаҳкам эмаслигини кўрсатди. Аҳмонийлар давлати ҳарбий-ўлпон тўлайдиган маъмурий округлар ҳокимларга бўйсунди. Ҳокимликка ҳокимлар - подшо ноиблари бошчилик қилишган. Улар эронликлардан тайинланган. Маъмурий ислоҳотлар ўтказгунга қадар ҳокимликлар ҳарбий бўлмаган ноиблардан тайинланарди. Ижро этиш бошқарув ва суд ҳокимияти уларга бўйсундирилганди. Улар ҳокимлиқдаги хўжалик ҳаётини, ўлпонлар

ийғилишини кузатиб боришарди, ўзларига бўйсунувчи ҳудуддан ўтувчи йўллардаги ҳавфизликини таъминлашарди, мансабдор шахслар фаолиятини назорат қилишарди. Уларга кўплаб мансабдор шахслар ва мирзолар, солик тўловчилар ва жарчилар, суд терговчилари, ҳисобчилар бўйсунарди. Ҳокимлар кумуш танга зарб қилиш хукукига эга эдилар. Кўшинга бевосита подшога бўйсунувчи лашкарбошилар бошчилик қиласиди.¹ Ҳокимлар ва лашкарбошилар марказий бошқарув билан узвий алоқада бўлганлар, подшо ва унинг амалдорлари уларни доимо назоратлари остида ушлаганлар. Марказ ва музофотдаги барча воқеа ва ҳодисалар устидан доимий кузатувни ҳокимлар ва бошқа маҳаллий ҳокимиятдан мустақил бўлган, бевосита подшога бўйсунадиган ва унга ҳар қандай гап ва ишлар тўғрисида ахборот бериб турадиган "подшо қулоқлари", "кўзлари" амалга оширишган.

Босиб олинган ерларда бутун бошли ҳарбий гарнizonлар сақланган. Лашкар босиб олинган ҳалқлар қаршилигини бостириб турувчи асоси куч бўлган. Эрамиздан олдинги V асрда Миср, Бобил, Мидия, Кичик Осиё ҳалқларининг эронликларга қарши ғалаёнларининг янги боскичи бошланди. Босиб олинган мамлакатлар ҳалқларининг ғалаёнлари эрамиздан олдинги V аср охирида ҳам VI аср бошларида ҳам давом этди. Бу борада Ўрта Осиё ҳалқлари алоҳида ажралиб турадилар. Улар хорижий зулмга қарши доимий кураш олиб борганлар, қаҳрамонлик ва жасорат, Ватанга, ота-боболари ерига садоқатни намоён килганлар, ўз мамлакатларини ўзгалар ҳукмонлигидан озод қилишнинг мумкин бўлган барча чораларини куришган. Бундай тўхтовсиз курашлар натижасида эрамиздан олдинги -IV аср иккинчи ярмида Хоразм мустақил давлатга айланди. Худди шу даврда Суғдиёна ва сак қабилалари ҳам мустақилликни қўлга киритдилар.

Мана шу даврда сиёсий уфқда Аҳмонийларнинг ҳавфли душмани Искандар Зулқарнайин (Александр Македонский) пайдо бўлди. Эрамиздан олдинги 334 йил баҳорида унинг лашкарлари Аҳмонийларга қарши йўлга чиқди. Биринчи тўқнашув Геллеспонт кучогида бўлди. Искандар қўшиларининг қўли баланд келди. Эрамиздан олдинги 333-330 йилларда македонияликлар эронликлар давлати таркибида бўлган Киликия, Сурия, Миср, Бобил, Персополь, Пасаргад ва бошқа мамлакат ҳамда шаҳарларни бирин-кетин қўлга киритдилар. Натижада Эроннинг ўзи ҳам енгилди ва Искандар империясининг қисмига айланди. Худди шу даврда Бактрия ҳокими Бесс ўзини "Осиё подшоси деб эълон қилди. У Бактрия, Марғиёна, Суғдиёна ва Парфияни бирлаштирган ягона давлатни ташкил этишга урунди. Аммо унинг бу йўналишдаги уруниши ижобий натижажа бермади. Манбалар далолат беришича, Ўрта Осиё ҳалқлари Искандар қўшинига кучли қаршилик кўрсатишган. Ҳар бир шаҳар, қалъя учун босқинчилар ва ҳимоячилар ўртасида шиддатли жанглар бўлган. Бу курашда сўғдиёналиклар алоҳида ўрнак кўрсатган. Улар грек македонияликларга қарши бир тан, бир жон бўлиб курашганлар. Гап она заминларнинг озодлиги ва мустақиллиги ҳақида борганда, улар ўз ерларини ўта мардлик кўрсатиб босқинчилардан ҳимоя қилганлар. Бу кураш Ўрта Осиё ҳалқлари қадимий тарихининг ёрқин саҳифаси бўлган.

Искандарга қарши курашга маҳаллий лашкарбоши Спитамен бошчилик қилган. Ўзигача ҳеч ким эриша олмаган нарсага эришишга муваффақ бўлди: у жангда македонияликлар қўшинининг бир қисмини қириб ташлади". Аммо Ўрта Осиё ҳалқларининг босқинчиларга қарши курашлари бу билан тўхтаб қолмади. Халқ қўзғолонлари гоҳ у, гоҳ бу шаҳарда кўтарилиб турди.

Чет эллик золимларнинг босқинчилик юришларига қарши курашга ундовчи асосий куч мустақилликни сақлаб қолиш масаласи бўлган. Айнан мана шу гоя барча уруг ва қабилаларни бирлаштирувчи асос бўлган.

Ҳалқларнинг эронликлар ва юнонларлар ҳукмонлигига қарши кўп сонли курашлари ҳаддан зиёд солиқлар ва мажбуриятларни бекор қилиш, ўрнатилган тартиб ва ҳокимият вакилларига бўйсунмаслик, чет эллик золимлар ҳокимиятини афдариш, улар қабул қилган

қонунларни тугатиш, мамлакатдан ҳарбий ва маъмурий мансабдорларни қувиб чиқариш ишлари остида ўтган.

Бу қўзғолонлар қатнашчиларининг асосий мақсади озодлик ва мустақиллик бўлган. Курашлар жараёнида мустақил давлатлар сиёсий-хуқуқий тузилиши тўғрисидаги ғоялар шаклланган ва ривожланган. Ўз қонунларини яратиш, иқтисодиёт, маданиятни ривожлантириш, маросим, одат ва анъаналарга риоя қилиш хусусида маҳаллий аҳоли манфаатларига жавоб берган уруғ ва қабила органларини тиклаш тўғрисидаги фикрлар илгари сурилган.

Айтиш мумкинки, хорижий зулмга қарши кураш жараёнида илгари сурилган ғоялар мустақил давлатлар органларини ва уларнинг ҳуқуқий муассасаларини ташкил этишда ўз аксини топди. Ўрта Осиё ҳалқлари манфаатларига жавоб бермайдиган, уларнинг турмуш тарзи ва анъаналарига мувофиқ келмайдиган сиёсий-хуқуқий тартиботлар эса тугатилган. Эрамиздан олдинги II асрга келиб Ўрта Осиё ҳалқлари тарихида сиёсий бекарорлик даври бошланади. Бу даврга келиб Бактриядан Суғдиёна ажralиб чиқади. Бактрияning қисми Марғиёнани парфияликлар босиб олади. Бактрияга шимолдан кўчманчи массагетлар қабилалари ҳужум қиласди. Натижада Бактрия худудида ўтроқлашган шаҳарлар Хоразм билан чегарадош бўлган Тоҳаристон давлатини ташкил қиласдилар. Ўша вактларда Хоразм давлати таркибига Хоразм, Суғдиёна ва Чоч (Тошкент) киради. Эрамиздан олдинги I асрда собиқ Юонон бактрия подшолиги худудида бир нечта давлат юшмалари ҳукм сурган.

Буни эсда туting-Уруғ, қабила, илк давлат бирлашмалар.

Тўмарис, Широқ, Спитамен ҳақидаги сиёсий қарашлар, ҳамда уларда илгари сурилган ғоялар.

Зардўштийлик таълимотидаги сиёсий ва хуқуқий ғоялар.

“Авесто”даги сиёсий-хуқуқий ғоялар

Ўзбекистоннинг милоддан аввалги 1-минг йилликнинг биринчи ярмига оид тарихи илк ёзма манба “Авесто”да берилган. Авестода биринчи бўлиб, ушбу заминда яшаган элатлар, ҳалқлар, афсонавий қаҳрамонлар, подшолар, ҳамда давлатлар, давлатларнинг бошқарув тизими, ҳалқларнинг машғулоти батафсил баён этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов “Авесто” хусусида “Учинчи минг йиллик ибтидосиди биз ҳозирги Ўзбекистон худудида қадимий цивилизациянинг, давлатчилик ва зардўштийлий даври динининг пайдо бўлиши ва ривожланиши нуқтаи назаридан бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган, умумий инсоният тараққиётида ёрқин из қолдирган икки шонли сананинг гувоҳи бўламиз”, - деган ЮНЕСКО Ижроия Кенгашининг якунловчи 155-сессиясида сўзлаган нутқида.

“Энг мўътабар, қадимги қўлёзмамиз “Авесто”нинг яратилганига 3000 йил бўляяпти. Бу нодир китоб бундан XXX аср муқаддам икки дарё оралиғида, мана шу заминда умргузаронлик қилган аждодларимизнинг биз авлодларга қолдирган маънавий, тарихий меросидир. Авесто айни замонда бу қадим ўлқада буюк давлат, буюк маънавият, буюк маданият бўлганидан гувоҳлик берувчи тарихий ҳужжатдирки, уни ҳеч ким инкор этолмайди”.- деб юртбошимиз тарихчи олимлар билан сұхбатда таъкидлаган эдилар.

Ҳақиқатан ҳам уч минг йиллик тарихимиз ҳақидаги, давлат пайдо бўлиши ва унинг бошқарилиши, одамлар ўртасидаги муносабатлар, эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш ғоялари билан сугорилган буюк тарихий-сиёсий-хуқуқий манбадир.

“Авесто”да дунёнинг яратилиши, инсоннинг камол топиши, эзгулик учун ёвуз кучлар билан кураши, эркинлик ижодкорлик ва бунёдкорлик йўлидаги орзулари ўз ифодасини топган.

“Авесто” китоби милоддан олдинги VI асрда юзага келган.

Берунийнинг хабар беришича, “Авесто”нинг қўлёзмаси ўн икки минг молнинг терисига олтин ҳарфлар билан ёзилган экан. Искандар “Авесто”ни кўйдириб ташлашдан олдин унинг тиб, астрономияга оид қисмларини юонон тилига таржима қилдирган. “Авесто”нинг уч қўлёзма

нусҳаси бўлган. Унинг бир нусҳасини Искандар йўқ қилиб ташлаган. Бир нусҳаси Юноистонга жўнатилган. Бир нусҳасини эса зороастризм эътиқодига содик кишилар сақлаб қолганлар. Таъқиб ва қувғин шароитида уни сақлаб қолиш осон бўлмаган. Кейинчалик сосонийлар ҳукмронлиги даврида (милоднинг III-VПасрлари) зороастризм расмий эътиқод сифатида танилган. Сосонийлар “Авесто”ни тиклаш учун унинг мазмунини ўрганиш, ҳамда уни паҳлавий тилда ёзиб чиқишиган.

1755-1761 йилларда француз олими Анкетил Дюперрон Хиндистоннинг Гужарат вилоятида эрон зардуштийларининг авлодлари – парсларнинг урф-одатлари ва диний маросимлари билан танишиб чиқкан. Ҳамда энг асосийси, француз олими парсларнинг диний ёзувларини ўқишига муяссар бўлган.

Шундан “Авесто”нинг хозирги таҳлил учун асос нусҳаси бунёд этилган.

Авесто – буюк ҳуқуқий манба

Марказий Осиё ҳалқларининг тарихини Турон замин ҳудудида шаклланган энг қадим даврни ўрганишда асосий тарихий-ҳуқуқий манба – «Авесто», яъни зардуштийликнинг муқаддас китобидир.

«Авесто»да зардуштийлик динининг қонун-қоидалари, фарз ва суннатлар, Яздони покнинг яратувчилик қудрати таърифи-ю, мадҳи билан бирга ижтимоий ҳаёт, турли ижтимоий табақалар, мавжуд тузум тартиб-низомлари, хотин-қизлар ҳақ-ҳуқуқини эъзозлаш, оила даҳлсизлиги ва мустаҳкамлигига эришиш, ота-онанинг фарзанд олдидағи, фарзандларнинг отона олдидағи бурчи ҳақида ёзилган.

«Авесто»да қадимда Сирдарё ва Амударё бўйидаги ҳалқлар тарихидан ҳикоя қиласи. Унда инсон ҳаёти, турмуш билан боғлиқ жуда кўп муаммолларга тўхталган. «Авесто»да жазо бериш – диний-этник қоидаларга бўйсундириш вақтидаги ҳаракат маъносида қўлланилиб, хатти-ҳаракат учун тўловни англатган.

Мамлакатимиз тарихига оид энг қадимги ёзма гувоҳликларни ўзида мужассамлаштирган «Авесто»да минтақанинг Хоразм (Каиризем, айранам-вэжо), Суғдиёна (суғдлар макони Гава), Марв (Моуру, Нисо), Бактрия (Бахди) каби бир қанча тарихий вилоятлар номи келтирилган. Бунда воқеалар баёни Ахурумазда номидан бериб борилади: «Мен Ахурумазда энг аввал макон ва мамлакатлар сирасидан Айранам-вэжони... сўнгра суғдлар яшовчи Гавани, кейин эса Моурини ва тўртинчи бўлиб Баҳдини, бешинчи бўлиб эса Моуру ва Баҳди орасидаги Нисайини... яратдим».

«Авесто»да келтирилган бу маконлар катта бир вилоят сифатида шаклланиб, ўзининг жуғрофий ҳудудига эга бўлганлигига шубҳа йўқ. Мазкур жараён минтақадаги Амударё, Зарафшон, Муғроб, Тажан, Кундуз каби дарёлар атрофида кечган. Шунга кўра Хоразм, Бактрия, Ария (Ариана), Парфия, Гиркания, Марғиёна ҳамда Фарғона каби бир қанча вилятлар бўлиб, уларни бирлатириб турувчи асосий марказ Хорази ҳисобланган. Хоразмнинг энг қадимги сиёси сулолалари сиёвшлар деган ривоятлар мавжуд. Дастрлабки «Авесто» 21 тарихи китобдан иборат бўлган. Айрим қисмлари сақланиб қолган: Ясна – «курбонлик келтириш», Виспарт – «ҳамма ҳукмронлар», Яшт – «қадрлаш», «улуглаш», Видевдат – «девларга қарши қонун» бўлиб, сосонийлар даврида таҳлил килинган.

Ясна китоби 72 бобдан иборат бўлиб, улардан 17 таси «Готалар», пайғамбар Заратуштранинг «муқаддас қўшиқлари», унинг диний насиҳатларидан иборат.

Виспарт 24 бобдан иборат бўлиб, зардуштийларнинг айрим худоларига бағишлиланган мадхиялардир. Улар байрам ва диний маросимларда ижро этилган.

Яштнинг 21 бобида ёзувсиз замонларга оид эроний қабилаларнинг тасавурлари сақланган. Бу китобида афсонавий қаҳрамонларга ва улуғ ҳудоларга бағишлиланган мадхиялар тўплланган. Қадимги қабилалар оғзаки ижоди асосида Яшт боблари пайдо бўлган Видевдат тўлиқ сақланган китобидир, унинг тарихий санаси Ясна ёки Яшт қисмларига нисбатан нисбатан

ёш ҳисобланади. Видевдат 22 та бобдан иборат. «Авесто»ни ўрганишда пайғамбар Заратуштра фаолияти ва зардустийлик динининг вужудга келиши муаммосига эътибор берилади.

Заратуштра (юононча – Зороастр, ўрта форс тилида – Зардушт)нинг номи қадимги Эрон Зрауштра сўзидан келиб чиқкан. «Зар» - бу олтин, «уштра» тую ёки уч хил маънода – «Олтинтуяли», «Олтин тую эгаси», «Туялар етаклаган одам» деб таржима қилинади. Гап шундаки, "Авесто"нинг яратилиши давлат арбоби ва қонуншунос, дин илоҳиётчиси сифатида Заотар ва Отарбон унвонлари соҳиби, ўз давида «пайғамбар» (эзгулик ҳақида хабар берувчи) сифатида шуҳрат қозонган Спитамон номи билан боғлиқ бўлиб, Спитамон Зардушт таҳминан м.авв. 630-553 ёки 618-341 йилларда яшаган даврда Марказий Осиёда кўчманчилик инқизотга учраб, Турону Эронда эл бўлиб, ўтрок яшай бошлаган: туркийлар, форсийлар, дербиклар, бактрияликлар ўтрок ҳаётга мослашиб, дехқончилик, чорвачилик, хунармандчиликка ўта бошлаганлар ва қадимиги шаҳар вилоятларига асос бўлишган эди. Патриархал уруғ жамоаси муносабатлари ўрнини марказлашган давлат тизими эгаллаши билан характерланади.

"Авесто"да инсон ижтимоий меҳнати туфайли барча ёмонликдан, ёвузиликдан қутулиши мумкинлигиояси ётади. Дехқончиликдаги меҳнат яхшиликнинг юзага чиқишида ва инсонни қайта тарбиялашда асосий омил Ахурамазда қонунига бўйсуниш ҳисобланади. Ким фалла экса олий жанобдир. Фалла эккан киши эзгулик уруғини сочади. Демак, меҳнат ва табиий эҳтиёж туфайли инсонлар бирга яшашини илгари сўради.

"Авесто"да эркин, мўътабар одам «адама» деб жамоа уруғлари, Эркин жамоа аъзоси «асна» маъносида қўлланилган. Бойлик «гайта» деб, у мол билан ўлчанганд. Ижтимоий таркиби «нмана» – оила бирлиги бўлиб, уй, хонадон маъносида бўлган. Оила бошлиғи – Нманапати, Видевдат китобида кул «вайса», яъни уруғ қули деб тилга олинган.

«Вира» нмана – катта оила хизматкори дейилган. "Авесто"да эркин жамоа аъзоларидан камбағаллашгани – «парнайтар» чўпон атамаси билан юритилиб, унинг кимгадир қарам, тобелигини билдиради. «Вира, вайса, парнайтар» – бошқа эркин аъзоларга нисбатан ҳақ-хуқуқлари чекланган. "Авесто"да жамият тўртта асосий қисимга бўлинади. Уй, оила жамоаси – «нмана», «дмана», уруғ жамоаси – «вис», «қабила», «занту», қабилалар иттифоқи – «дахию» деб аталган. Вис 15 тарихий қариндош нманадан ташкил топган. Висга қизнинг фарзандлари кирмаган. Чунки вис мутлақо патриархал оила бўлган. Жамият иқтисодий асосини уруғжамоаси ташкил этиб, ижтимоий-хуқуқий вазифани бажарган. Мамлакатни идора қилган шахс «кави» ёки «састар» деб юритилган. «Састар» сўзи орқали қабилаларнинг ҳарбий йўлбошчиси тушунилган.

Оқсоқоллар кенгаши – «варзанопати», «ханжамана»,

Халқ йигини мажлиси – «въяхा» деб юритилган.

Яштнинг учинчи бобида бундай хабар қилинади: «Худо Митрани биз улуғлайсиз. Унга хеч ким ёлғон гапира олмайди: уйда - оила бошлиғи, уруғ оқсоқоли, қабила йўлбошчиси ва мамлакат сардори. Агар уй эгас, уруғ оқсоқоли ёлғончи бўлса, ғазабланган Митра бутунлай оилани, уруғни, қабилани, мамлакатни ва уларнинг бошлиқларини тамоман йўқ қиласди. Оила, уруғ, қабила бошлиқлари «пати» сўзи қўшиб нманапати, виспати, дахиюпати деб ишлатилган. Шу билан бирга мамлакатни идора қилган шахс «кави» ёки «састар» ҳам деб аталган. "Авесто"да ўч олиш, гаровга туриш қоидалари бўлиб, у Виспати – уруғбошлиғи, судья, диний устоз томонидан тартибга солинган.

Барча пати бошлиқлари сайлаб қўйилган. Даҳиу устидан – даҳъя састар турган. "Авесто"да қадимги жамиятнинг тўрт тоифасини ажратиб берилган: коҳинлар, жангчи аскарлар, чорвадорлар ва хунармандлар (Ясна, 19 боб) "Авесто"нинг энг қадимги қабилалари чорвачилик билан ҳаёт кечиришгани ҳақида ҳам сўз юритилади.

Манбада келтирилган маълумотлар Марказий Осиёда қабилаларнинг сиёсий бирлашмаси ташкил топган даврларга (мил.авв. IX-УІІІ асрлар) мансуб – Арёнам Вайжо, жуда катта ҳарбий аҳамиятга эга деб кўрсатилади.

"Авесто"га кўра Шарқий Эрон подшоларининг рўйхати қуидагича: «Хаошъёнҳ эронийларининг биринчи афсонавий подшоси (Шоҳномада-Хушанг), кейин Йима (Жамшид) – подшо-подачи, Съёваршон (Сиёвуш), Кави Хаосров (қай-Хисров), Кави Виштасп.

Кавилар – подшолар сулоласидир.

Зардуштийлик динида имон уч таянчга асосланади: 1) фикрлар соғлиги; 2) сўзнинг событилиги; 3) амалларнинг инсонийлиги. "Авесто"да «Берган сўзнинг уддасидан чиқиши, унга содик қолиш, савдо-сотик ва шартномаларга қатъий амал қилиш, қарзни ўз вақтида тўлаш, алдамчилик ва хиёнатдан ҳоли бўлиш имонлилик аломатидир» - дейилган. Ҳаётига, соғлиғига ва шахсига қарши қаратилган хатти-харакатлар энг оғир жиноятлар ҳисобланиб, бундай жиноятлар подшоҳ томонидан кўрилиб, ҳукм чиқарилган. Мазкур жиноятлар учун ўлим жазоси қўлланилган. Айрим ҳолларда жиноят содир этган кишининг оила аъзолари ҳам ўлимга ҳукм этилган.

"Авесто" қонунлари ижтимоий ва иқтисодий ҳаётдан, аўлоқ ва диндан келиб чиқсан қарашлар, жамиятдаги инсонларнинг ўзаро алоқалари тажрибасига асосланган бўлиб, инсон ва жамоанинг ҳар қунги ҳаётини, ички ва ташқи муносабатларини ҳуқуқий назорат қилишига қаратилган. Бундай ёndoшув даставвал ноҳақлик ва жиноятга тўсиқ қўйиш, уларнинг олдини олиш мақсади билан узвий боғланган.

Зардуштийларнинг муқаддас китоби «Авесто»да одамларнинг ижтимоий-иқтисодий муносабатлари маълум қонун-қоидаларга асосланганлиги ҳақида маълумот бор.

Агар кишилар Ахура-Мазда яратган қонунларга қатъий амал қилсалар, ҳақиқат (адолат) ва эзгулик ёвузлик устидан тантана қилиб бораверади, дейилади.

«Авесто»да таъкидлаганидек, Сипийтмон Зардушт бутун ҳаёти давомида Эзгу фикр, Эзгу калом, Эзгу амал каби ахлоқий-ҳуқуқий ғояларга риоя қиласди. Улимдан сўнг марҳум устидаги ўтказиладиган ҳисоб-китобда Ҳақиқат тангриси (Илохи) Рошну эзгулик ва ёвузлик ишларини адолат тарозида салмоқланиб кўради.

«Авесто»да жамиятнинг барча аъзолари ким бўлишидан қатъи назар, эзгуликка интилиши лозимлиги таъкидланади.

Қадим Турондаги сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларнинг кейинги даврларда ривожланишига туртки бўлган омиллардан бири Моний ва Маздак ғоялари ҳисобланади.

Зеро, сиёсий таълимотларнинг хилма-хиллиги сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар тарихи ривожига маълум даражада таъсир этишини инкор этиб бўлмайди. Барча сиёсий таълимотларни бир тизимга солмоқчи бўлсак, барча даврларга хос бўлган ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий муаммоларга нисбатан билдирилган илғор сиёсий фикрларга дуч келинади. Ана шундай ўз даври учун илғор сиёсий-ҳуқуқий қарашларга қуидаги таълимотлар мисол бўла олади:

III асрда республикамиз худудида кенг тарқалган монийчиликнинг сиёсий-ҳуқуқий мағкурасининг айрим парчалари бизгача етиб келган. Монийчилик Шарқда илгари тарқалган динлар буддизм, оташпарастлик ва христианликка қарши мухолиф диний оқим сифатида шаклланган. Монийчилик асосчиси Моний бундай ёзади: "Олдинги динлар фақат битта мамлекатда ва битта тилда мавжуд бўлган. Фақат менинг диним шундай хусусиятга эгаки, унга исталган мамлекатда, исталган тилда эътиқод қилишлари мумкин. Уни энг чекка мамлекатларда ҳам тарғиб қиласди. Монийчиликнинг марказий ғояси икки асос. Зиё (яхшилик) ва Зулмат (ёмонлик) ўртасидаги кураш бўлган. Бу табиат учун ҳам, жамият учун ҳам ўос нарсалардир. Зиё (яхшилик) сиёсий ва ҳуқуқ тилига таржима қилинганда ҳукмронликнинг яхши, саховатли шаклини, адолатлилик, қонунийлик, тинчлик, осойишталик, ҳалқ ҳақида ғамхўрлик ва шу қабиларни англатади. Зулмат (ёмонлик) эса - ўзбошимчалик, зўравонлик, истибодд, қонунсизлик, ноҳақлик, уруш, жиноят, тартибсизлик ва шу қабилардир.

Монийчилик сиёсий-ҳуқуқий соҳадаги бутпарастлик, зулм, қонунсизлик, эзиш, жиноятчилик, ҳаракатсизлик ва тенгсизликни қоралаш билан тўйинган. Моний ва унинг издошларининг фикрича бу сиёсий-ҳуқуқий иллатлар абадий эмас. Улар устидан идеал сиёсий-

хукуқий тузумнинг асосий принциплари бўлиб қолиши лозим бўлган одамлар ўртасидаги адолатсизлик, қонунийлик, инсонийлик, тенглик, тинчлик ва дўстлик муқаррар ғолиб келади.

Моний таълимотида талангандан ташқирланган деҳқонлар оммасининг талаб ва идеаллари ўз аксини топган. Умуман у деҳқон демократик тусда бўлган. "Аммо монийлик ҳар қандай фаол ҳаракатни рад этган ва курашнинг маҳсулсиз пассив усулларини тарғиб қилган, натижада у кейинчалик тушкунлик, тасаввуб ва ҳаётдан кечишни тарғиб қилувчи турли майда секторларга бўлинниб кетган.

V аср охири - VI аср бошларида сиёсий-хукуқий тафаккуридаги энг кучли оқим маздакийлик бўлиб, у Эрон, Озарбайжон ва Ўрта Осиёда кенг тарқалганди. Маздак таълимотида жамият меҳнаткаш табақаларининг сиёсий-хукуқий талаблари акс этган. Маздак ва унинг издошлари хусусий мулк, бойлик ва зеб-зийнатни кескин қоралайдилар. Уларнинг фикрича ижтимоий-сиёсий ва хукуқий ҳаётдаги барча нуқсонларнинг асосий манбай озчилик қўлида тўпланган хусусий мулк ҳисобланади. Барча нуқсонларга барҳам бериш учун хусусий мулкни сиёсий ҳокимияга эта бўлган бойлар қулидан зўрлик билан тортиб олиш лозим. Мулк жамиятнинг барча аъзолари ўртасида тенг тақсимланиши лозим, зеро, Худо уни бирга тенг эгалик қилиши учун яратган.

Маздак ва унинг издошлари жамиятда мулкий тенгликни қарор топтириш тарафдорлари бўлиб чиққанлар. Маздак ҳақидаги қиссани Фирдавсий "Шохнома" достонида шундай байтлар билан бошлайди:

*Дунёда яшарди Маздак номли зот,
Нотиқу билимдон, тадбирли устод.
Улуғ аслзода, донишманд киши,
Кубодга маслаҳат ҳунари, иши...*

Фирдавсийнинг ёзишича, оч кишилар Маздак ёнига келиб, уларни ўз ҳимоясига олишни илтимос қилишди. Маздак уларга ваъда бериб, шоҳ ёнига йўл олади. Маздак подшога шундай савол беради:

Илон чаққан кишидан тарекни аяб бермаган кимсанинг мукофоти не бўлур?

Бундай золимнинг жазоси - ўлим! - дейди шоҳ Кубод. Бундай жавоб олган Маздак халқни тинчлантиради. Эртаси кун у яна шоҳга савол беради: - Улуғ шоҳ, қўл-оёғи боғлиқ бермай, унинг очдан ўлишига сабаб бўлган кишининг мукофоти не бўлур?

-Ўндайнинг жазоси - ўлим! - дейди шоҳ. Шоҳдан бу сўзни эшитган Маздак саройдан чиқиб, очларга мурожаат этади ва бадавлат кишилар, шу жумладан шоҳлик омборларидаги донни талаб олавериш кераклигини уқтиради.

Шоҳга хабар етади, - Маздакни чақириб уни жавобгарликка тортади.

Маздак шоҳга ўз савол-жавобини эслатади: Маздак жавоб берди:

*"Саодатли шоҳ, Ҳар сўзинг бекиёс ақлдан гувоҳ.
Сенинг сўзларингни айтдим улусга,
Неки деган бўлсанг ҳар бир хусусда.
Дединги, бирорни чақсаю илон,
Бирор тарекини гар тутса пинҳон,
Баробардир, дединг, қотиллик билан,
Шундай ҳукм этдинг одиллик билан.
Оч қолган кишининг нондир тариги,
Буни ҳис этгайми тўқнинг идроки".*

Маздак ва унинг издошлари бўлган кишилар ўртасида мулкий тенглик, давлат ва қонун олдида тенглик қарор топадиган жамиятни орзу қилишган. Тенглик ғояси катта муваффақиятга эта бўлган ва кенг халқ оммасини жалб қилган, у жамият меҳнаткаш оммаси қатламларининг ижтимоий зулм, хукуқсизлик, деспотизмга қарши, курашида асосий талабга айланган. Табарийнинг сўзларига кўра, "оддий халқ бу қулай фурсатдан фойдаланиб, Маздак ва унинг

издошлари сафига қўшилган ҳамда унинг теварагида жипслашганлар". Беруний хабар беришича, "сон-саноқсиз кишилар унга эргашганлар". Маздакийлик тарафдорлари тенглик ғоясини илгари суришнинг ўзи билан чекланиб қолмаган. Улар буни амалда рўёбга чиқаришга уриниб кўришган: бойлар мулкини тортиб олиб, уларни камбағаллар ўртасида тақсимлашган.

"Шоҳнома"да ёзилишича, Маздак барча жамият аъзоларининг ижтимоий, сиёсий, ҳукуқий тенглигини ҳимоя қилган.

Маздак оддий ҳалқа фикр этиб изқор,

Дерди "Бою гадо – баробар зинхор.

Кам ортиқ бўлмасин ҳеч кимнинг моли,

Бир бўлсин ўриши ва арқоқ мисоло,

Бойлик, бечоралик бўлмасин, токим

Тенглик бўлсин жаҳон мулкида ҳоким

Бир хилда яшасин қашиоқ билан бой

Қашиоқда ҳам бўлсин оила, уй-жой

Ушибу эътиқодим менинг динимдир...

Маздак ва унинг издошлари томонидан кенг кўламда кўтарилиган ҳалқ қўзғолонининг мақсади ҳам ғояси ҳам тенглик ўрнатиш эди . Тенглик учун кураш ғояси ҳалқ оммасини зулм, истибдодга қарши курашга кўтарган.

Бизгача бир неча унлаб ёзувлар (кабр тошлари ва бошқалар) етиб келган бўлиб, улар араблар ҳукмронлиги ўрнатилишидан олдин Ўрта Осиё, шу жумладан, Ўзбекистон ҳалқлари сиёсий-ҳукуқий тафаккурини умумий таърифлаш имконини беради. Ёзувларда давлат ҳокимиятнинг мустақиллиги, унинг қудрати, тинчлик ва осойишталиктининг ўрнатилиши ҳалқнинг иқтисодий" фаровонлиги билан узвий боғлиқлиги тўғрисидаги ғоялар берилган. Ҳалқ ҳақида ғамхўрлик қилиш ҳукмдорнинг бош бурчидир. Ҳалқ эса ўз ҳукмдорига ишониши, уни қуллаб-қувватлаши керак. Ҳукмдор фармонлари фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади. Ҳукмдор ва ҳалқнинг ўзаро келишуви - давлат мустаҳкамлигининг энг муҳим принципидир. Одамлар ва уларнинг ҳукмдорлари, уруғлар, қабилалар ўртасида адолатлилик, ўзаро келишув ва ҳурматнинг йўқлиги, турли гуруҳлар, шахслар ўртасида адолатлилик, ўзаро келишув ва ҳурматнинг йўқлиги, турли гуруҳлар, шахслар ўртасида ҳокимият учун кураш, душманларга ортиқча ишониш давлатчилик заминлари заифлашувининг сабаблари ҳисобланади. Бунинг натижасида мамлакатни чет эл босқинчилари томонидан босиб олиниши учун қулай шароитлар яратилади.

Бу ёзувлар заминида мамлакатнинг парчаланишига, айирмачилар, ички ва ташки душманлар, бойлик, мансаб, имтиёзлар деб разилликлардан қайтмайдиган ўз ҳалқи, мамлакати манфаатларига хиёнат қилувчиларга қарши муросасиз кураш ғояси ётади. Уларда шунингдек, барча турк қабилаларини ягона давлатга биритириш, кучли ҳокимиятни сайланадиган ҳукмдор қўлида қарор топтириш, давлат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш ғоялари ҳам баён этилади. Ватанни ҳимоя қилиш ҳар бир кишининг муқаддас бурчи сифатида эълон қилинади. Бу ёзувлар ватанпарварлик, ўз Ватани ва ҳалқига муҳаббат, аждодларининг анъана ва одатларини ҳурмат қилиш, мамлакатда тинчлик ва осойишталиктин қарор топтириш ғояси, руҳи билан сугорилган.

1932 йилда Муғ тоғидаги қасрда ва қадимиј Панжакентда VII-VIII асрларгача даҳлдор 80дан ортиқ ҳужжатлар топилган. Улар орасида юридик ҳужжатлар ҳам бор. Бу ҳужжатлар даражаси анчагина юқори бўлганлигидан далолат беради. Шартнома шартларининг бажарилишини таъминлаш, ҳуқуқий муносабатлар субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаш, кейингиларнинг амалга оширилишини кафолатлаш механизми алоҳида қизиқиш уйғотади. Бу ҳужжатлар заминида шартномалар тузишда қонун талабларига сўзсиз риоя қилиш; ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар субъектлар ҳуқуқий муносабатларининг тенглиги; шартнома шартларини бажаришнинг

ижтимоий, иқтисодий ва юридик кафолатлари тўғрисида; битим шартларини бузганлик учун жазонинг муқаррарлиги тўғрисидаги ғоялар етади.

Умуман кўриб чиқилган давр сиёсий-хуқуқий тизими ва тафаккури Ўзбекистон халқлари тарихида маълум илгари ташланган қадам эди Бу даврда Ўрта Осиё элатлари ўзбеклар, туркманлар, тожиклар, қирғизлар ва бошқаларнинг зарур сиёсий ва маданий заминларини яратишида олга қадам ташланганди. Ўлка сиёсий-хуқуқий ҳаётининг ўзига хос хусусияти авлодларимизнинг мустақилликка ва бир-бирига яқин қабилаларни ягона давлатга бирлаштириш, тинчлик ва тенгликка интилишлари бўлган.

VI асрдан бошлаб Ўзбекистон халқлари сиёсий-хуқуқий тарихидаги янги давр бошланди. Бу Ўрта Осиёда араблар ҳукмронлигининг қарор топишига боғлиқ.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Ўзбекистон халқларининг сиёсий-хуқуқий таълимотларининг ўрганишнинг аҳамияти.
2. Қадим Турон халқларининг сиёсий-хуқуқий қарашларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши.
3. Сиёсий – хуқуқий таълимотларда илк мустақиллик ғоялари. Қадим Турондаги диний-афсонавий қарашларда илгари сурилган асосий сиёсий ғоялар ҳақида фикрингиз.
4. Зардўштийлик таълимотининг пайдо бўлиши, ҳамда ундаги сиёсий –хуқуқий ғоялар.
5. Қадим Турондаги сиёсий-хуқуқий қарашлардаги илк демократик ғоялар.
- 6 Моний ва маздак таълимотларидаги сиёсий-хуқуқий ғоялар.
7. Маздак таълимотидаги сиёсий ғоялар ва уларнинг асосий хусуссиятлари.

Адабиётлар:

1. А. Сагдуллаев. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. –Т.: “Ўқитувчи”. 1996.
2. Авесто. Тарихий –адабий ёдгорлик. –Т.: “Шарқ”, 2001.
3. Т. Маҳмудов. Авесто ҳақида.
4. Х.Бобоев. Ўзбек давлатчилиги тарихи. –Т.,-2005.
5. Х. Бобоев. С. Хасанов. “Авесто” – маънавиятимиз сарчашмаси. Т-2001.
6. А.Қаюмов.М.Исҳоқов ва бошқалар... Қадимги ёзма ёдгорликлар. Т., -2000.
7. Ф.Муҳиддинова.Ўзбекистон халқларининг сиёсий ва хуқуқий таълимотлар тарихи. Ўқув қўлланма. –Т.:“ТДЮИ”. 2004.
8. Ф.Муҳиддинова.Ўзбекистон халқларининг сиёсий ва хуқуқий таълимотлар тарихи.Ўқув-усулубий қўлланма. –Т.: ТДЮИ. 2005.

2-мавзу. Ислом сиёсий ҳуқуқий мафкураси

Режа:

1. Ислом сиёсий-хуқуқий мафкураси тушунчаси, унинг хусусиятлари.
2. Ислом ҳуқуқи (шариат) ва унинг манбалари. Куръони карим-шариатнинг бош манбаи.
3. Имом Бухорий ҳадисларидағи сиёсий-хуқуқий ғоялар. Ислом ҳуқуқшунослигига инсон ҳуқуқи масалалари. Қози, шайхулисломнинг - исломда дин ва ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда туттган ўрни.
4. Ислом ҳуқуқидаги оқимлар (мазхаблар), уларнинг ўзига хос хусусиятлари. Суннийлий ва унинг йўналишлари. Шиалик ва унинг йўналишлари.
5. Илк Шарқ Уйғониш даврига умумий тавсиф ва сиёсий ҳуқуқий тафаккур. “Мухтасар” асаридаги жиноят ва жазо масалалари. Абу Мансур Мотурудий ва Махмуд аз-Замаҳшарийларнинг қарашлари ҳақида.

XX асрнинг сўнги ўн йиллиги ҳамда янги асрнинг бошланғич даври давомида дунёning қатор мамлакатлари ижтимоий-сиёсий ҳаётида ислом динининг таъсири кучайиб бораётганлиги кузатилмоқда. Шу муносабат билан ислом давлат дини деб тан олинган ва шариат қонунчилик ва судлов асосини ташкил этган Осиё ва Африканинг айрим мамлакатлари (Саудия Арабистони, Иордания, Мароккаш, Эрон, Покистон ва ҳоказо) бугунги ҳаёти ва ўтмишини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Мусулмон ҳуқуқи (шариат) ҳозирги замоннинг энг иирик ҳуқуқий тизимларидан бири бўлиб, унда инсоний муносабатларнинг барча асосий соҳалари (оила, жамият, давлат)ни мутаносиблаштирадиган нормалар тизими мавжуд.

Турли хил маълумотларга кўра «мусулмон олами»да 600дан 800 миллионгача киши истиқомат қиласи, бу эса ер юзи аҳолисининг 1/5 қисмига яқинини ташкил этади. Мазкур ҳудудда жаҳон нефть заҳираларининг 2/3 қисми жойлашсан. Бошқа хом ашё турларининг, нодир металлар, маъданлар, каучук, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг анчагина улуши ушбу минтақага тўғри келади.

Фақатгина Осиё ва Африкада 30 дан ортиқ давлатларда мусулмонлар аҳолининг ярмидан ортигини: мазкур давлатларнинг 10тасида 50 дан 85 гача, 30 тасида эса мусулмонлар диний жамоаларнинг анчагина улушини ташкил этади.

Мусулмон ҳуқуқи – ислом динининг фақат бир жиҳатини ташкил этади. Мазкур дин, биринчидан, теологияни (илоҳиётни) ўз ичига олади. Теология эса ақидаларни қарор топтиради, шунингдек, мусулмонлар нималарга ишонишлари лозимлигини аниқлаб берди; иккинчидан, мазкур дин таркибида шариат, яъни динга ишонувчиларнинг нималарни уddyалашлари ва нималардан эса воз кечишлири лозимлиги тўғрисидаги йўл-йўриқлар мавжуддир. Шарқ ёки шариат «эрғашиб, юриш йўли» маъносида бўлиб, мусулмон ҳуқуқидан иборатдир.

Шариатни ўқитиш мусулмон ҳуқуқининг ислом сиёсий-хуқуқий тафаккурининг инсоният маънавий маданиятига муайян ҳисса қўшган умумжаҳон ҳуқуқий маданияти бир қисми ва мустакил ҳуқуқий тизим (маданият, марифийлик) сифатидаги мақомини ўрганишдан иборат. Шу боис мусулмон ҳуқуқини қўйидаги асосий йўналишлар бўйича ўрганиш жуда муҳимдир:

Биринчидан, шариатнинг назарияси ва тарихини- мусулмон ҳуқуқи, ислом сиёсий-хуқуқий ғоялари тарихини, ҳамда .

-ислом маънавий меросининг муҳим қисми ҳисобланган мусулмон ҳуқуқи: шариат, фикҳнинг назарий негизларини таҳлил этишдан иборат;

Энг авалло, ислом динининг Ўзбекистон ҳудудига кириб келиши, ёилиши тарихи ва ислом динининг мафкура сифатида сиёсий-хуқуқий таълимотларга таъсири ҳақида тўхтамоқ лозим.

Исломнинг келиб чиқиши маккалик савдогар Мұхаммад (570-632 йиллар)нинг номи билан узвийдир. Монотекчик янги дин исломнинг башоратчиси, «пайғамбари» бўлган Мұхаммад айни пайтда «қабила бошлиғи - Сайд, ҳарбий юришлар бошлиғи – канд ва қабила суди-ҳакам, сухандони (оротари) котиб эди» у барча араб қабилаларини бир шаҳарга бирлаштириб, факат динга эмас, айни замонда давлатга ҳам асос солди

Исломни ёйиш шиори ичида халифалар жуда катта давлат барпо этдилар. Голибона юришлар натижасида Византия салтанатининг анчагина қисми, Сосонийлар давлати, жанубий Фарбий Осиё, Шимолий Африка ва Буреней ярим оролидаги қатор давлатлар уларнинг тасарруфига ўтди, VII асрнинг ўрталарига келиб эса Эрон, Ирок, Сурия, Фаластин, Миср, Ливия, Мағриб мамлакатлари (Жазайир, Тунис, Марокко), Испания, Кавказ ортининг бир қисми (Бош Кавказ илгари), Ўрта Осиё вилоятлари (жумладан, Самарқанд, Хоразм, Фарғона), Афғонистоннинг катта қисми, Шимолий - ғарбий Хиндистаннинг айрим туманлари (Синд ва Хинд дарёсининг муютангана бўлган водийси), Сицилия ва Мальта худудлари ҳам халифалик таркибига кирди. Мазкур истилолар араб жамиятида иқтисодий ва ижтимоий тарақиёт жараёнини тезлаштириди.

Арабларнинг Ўрта Осиёга хужумлари VII аср иккинчи ярим йиллигига бошланади. VII аср бошларида араблар Хурсон ҳукмдори қутайба ибн Муслим қўмондонлиги остида кенг кўламда ҳарбий ҳаракатларни бошладилар, натижада Мовароуннахр босиб олинди. "Ўрта Осиё ҳалқлари оммаси араб истеълочиларига қаттиқ қаршилик кўрсатдилар, аммо бир неча бор ўз подшолари хиёнатига дучор бўлдилар, бу масалан, Хоразм ва Суғдда содир бўлди. Арабларнинг ваъдалари ишонган кўпчилик маҳаллий ҳукмдорлар ҳалқ оммасининг мустақиллик учун курашига бошчилик қилиш ўрнига истеълочиларга тобеликни афзал кўрдилар".

Мовароуннахрни забт этиш жараёнida араб кўшинлари шаҳарлар ва аҳоли яшаш жойларини босиб олдилар, ўлка ҳалқларининг маънавий ва моддий бойликларини таладилар, тарихий ёдгорликларни аёвсиз йўқ қилдилар, талон-тарож қилдилар. Босиб олинган ерлар араб оқсуяклари ўртасида тақсимланди. "Ўз мавқеларини мустаҳкамлаш мақсадида босқинчилар ҳамма ерда маҳаллий динларни қалбаки деб эълон қилиб, ҳалқни исломга эътиқод қилишга мажбур қилдилар. Исломни тезроқ илдиз отиб ўрнашиб олиши учун араблар айрим ҳолларда ислом динига кирганларни жон солиги (жўзя)ни тўлашдан озод қилдилар. Бу мақсадда Бухоро, Марв, Самарқанд ва бошқа шаҳарлар маҳаллий аҳолиси уйларига араблар жойлаштирилди. Ўрта Осиё ҳалқлари эътиқод қилган барча динлар қалбаки деб эълон қилинди. Араблар айниқса, оташпаратликка қарши қаттиқ курашдилар. Оташпаратликка қарши кураш ниқобида факат диний китоблар эмас, балки Мовароуннахр дунёвий адабиёти ҳам йўқ қилинди.

Маъмурий-худудий муносабатда Мовароуннахр Араб халифалиги таркибига киритилди ва уни бошқариш халифанинг Хурсон бўйича ноиби зиммасига юкланди. Шаҳарлар ва бошқа аҳоли яшаш жойлари ноиб томонидан лавозимга тайинланадиган ва олиб ташланадиган ҳокимлар томонидан бошқариларди. Уларнинг асосий мажбуриятлари соликларни йиғиш ва жойларда тартибни сақлашдан иборат эди. Йирик шаҳарларга араб ҳарбий гарнizonлари жойлаштирилганди, улар бўйсундирилган ҳалқлар устидан араблар ҳукмронлигини таъминлашда асосий ролни ўйнадилар. Араблар бу ерларда бошқарув аппаратини ва миршаблар бўлинмаларини ташкил қилдилар.

Араблар ҳокимиятни рўёбга чиқаришда йирик ёр эгалари ва асосан араб задогонларидан иборат бўлган руҳонийлар алоҳида рол ўйнадилар. Бу ерларда ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи асосий восита шариат қонунлари бўлиб қолди.

Мовароуннахрда араблар ҳукмдорлигининг ўрнатилиши муносабати билан меҳнаткаш ҳалқ-дехқонлар, хунармандлар ва чорвадорлар аўволи мушқуллашди. Сосонийча соликлар: ер солиги (хирож) у хосилнинг ярмигача ҳисобланарди ва жон солиги (жўзя), дастлаб исломни хунармандлардан бошқа йигимлар ундириларди, улар шунингдек, натура мажбуриятларини,

иморатлар, кўпприклар ва қалъа деворларини қуриш, зовурлар қазиша мажбурий ишларни бажаришарди ва шу қабилар. Солиқни тўламаганлар қаттиқ жазога тортилиб, ерлари олиб қўйиларди". Хорижий ва ижтимоий зулмнинг йилдан йилга кўчайиши, эзувчилар ва эзилувчи омма ўртасидаги, араб юқори табақалари ва маҳаллий маъмурият намоёндалари, жамиятни бошқарувчи турли доиралари ўртасидаги курашнинг кескинлашуви тўнтаришлар ва ғалаёнларга сабаб бўлди.

Бу ўлка аҳолисининг мустақиллик учун курашини кейинчалик ривожланиши учун маълум шарт-шароитлар яратди. Оқибатда араб халифалиги ҳудудида бир неча мустақил давлатлар пайдо бўлди. Улардан бири пойтахти Бухоро шаҳри бўлган Сомонийлар давлати эди. У IX аср охири X аср бошларида таркиб топди. Сомонийлар давлати таркибига Мовароуннаҳр Хурросон ва Эроннинг бир қатор шарқий ҳамда шимолий вилоятлари киради.

Улкан ҳудудни бошқариш учун ҳокимиятнинг қатъий марказлашган тизими ташкил этилганди. Давлат идораси подшо саройи (даргоҳ) ва девон (марказий бошқарув органлари)га бўлинганди. Саройга соҳиби ҳарос ёки амирий ҳарос бошчилик қиласарди. Унинг зиммасига давлат бошлиғи амир фармонларининг бажарилишини таъминлаш юклатилганди. Унга 20та олтин, 20та кумуш ва 10та ёғоч чўқморли 50 чўбдор девонбеги (қотибият мудири) бош котиблар, котиблар ва бошқалар бўйсунарди.

Хоразмшоҳлар давлатида кучли марказлаштирилган давлат бошқарув идораси ташкил этилди. Давлатга қонунчилик, ижро этувчи ва суд ҳокимиятини ўз қўлида ушлаган шоҳ бошчилик қиласарди. Давлат идорасида вазир бошчилик қилувчи бош девон алоҳида ўрин тутади. Вазир давлатнинг ички ва ташқи сиёсатига раҳбарлик қиласарди, мансабдорларни мансабга тайинлар ва озод қиласарди, барча мансабдор шахсларнинг фаолиятини ва солик тўпланишини кузатиб бораарди. Шоҳнинг алоҳида топшириқларини бажарувчи улуғ котиб, сарой харажатларини назорат қилувчи устоздор, давлат бошлиғи номига битилган илтимоснома ва арзларни қабул қилувчи қиссадор энг аҳамиятли (нуфузли) мансабдор шахслар ҳисобланардилар. Хоразмшоҳлар давлатида қудратли армия ташкил этилганди. Хоразмшоҳ Муҳаммад хукмронлиги даврида (XIII аср бошида) сиёсатда қипчоқ ҳарбий зодагонларнинг сиёсатдаги роли кучаяди. Лашкарбошларнинг давлат ишларига ўзбошимчалик билан аралашувлари ҳокимият учун курашнинг кескинлашувига сабаб бўлди. Бу Хоразмшоҳ давлатининг заифлашувига олиб келди.

Ўрта Осиё ҳалқлари сиёсий-хуқуқий тафаккурининг турли оқимлари юқорида баён этилган тарихий вазиятда шаклланди. Буйсундирилган ҳалқларнинг араблар хукмронлигига қарши бу оқимлар намоёндаларида сиёсат, давлат ва хуқуққа нисбатан қарашлар шаклланиши ва ривожланишиларининг белгиловчи омили бўлди. Бу ўринда шуни қайд этиш лозимки, араб халифалигининг турли жойларидаги, жумладан, Мовароуннаҳрдаги кўп сонли ҳаракат ва ғалаёнлар диний курашнинг мафкуравий шаклига ўралганди. Маҳаллий ҳалқларнинг араблар хукмронлигига қарши чиқишлари кўпинча қадимий маҳаллий-диний эътиқодларнинг исломга қарши кураши шаклини касб этарди.

Иккинчи томондан, халифаликда турли феодал гурухлар ўртасида ҳокимият учун кураш бораарди, бу ҳам диний тусга эга бўлиб, турли секта ва оқимлар ўртасидаги зиддиятларнинг кескинлашуви шаклида намоён бўларди. Исломда илк бор икки оқим-суннийлар ва шиаларга бўлиниш VII аср охирида ёк, Али ибн Абу Толиб ва Усмон тарафдорлари ўртасидаги ҳокимият учун кураш натижасида содир бўлганди. Али ва Усмон издошлари ўртасидаги кураш жараёнида VII аср охирида исломда учинчи оқим-хорижийлар юзага келди.

Бу оқимлар ўртасидаги асосий фарқ мусулмон жамиятида ҳокимият тўғрисидаги тушунчани турлича шархланишидадир. Шиалар таълимотига кўра олий ҳокимият - имомлик "илоҳий" белгиланиши туфайли Али авлодига тааллукли бўлиши керак. Сўзсиз Али авлодлари қўлида бўлиши лозим бўлган имомликнинг тайинланиши билан ҳақ ва адолат тантана қиласади. Чунки имомлик Аллоҳнинг инояти, пайғамбар авлодининг давом этишидир, чунки имом-

пайғамбар вориси. Имомни сайлаш мумкин эмас. Шиалар таълимотида ўн икки имом сулоласи тўғрисидаги ғоя алоҳида ўринни эгаллайди. Шиалар таъкидлашича, сўнги имом Муҳаммад ал-Махдий яширинганд, аммо у қайтиб келиши ва пайғамбар авлоди хукуқларини тиклаши лозим. Шиалар учун бешта асосий ақида: яккахудолик, адолат, пайғамбарлик, имомлар ҳокимиюти, қайта тирилишни тан олиш ва ҳимоя қилиш характерлидир.

Шиаларнинг асосий сиёсий ғоясига кўра имомлар ҳокимиятсиз исломнинг бўлиши мумкин эмас. Имомлар - Аллоҳнинг ердаги ноиблари. Ўз замонаси имомини тан олмай вафот этган одам нодонликда диндан қайтган тариқасида ўлади. Шиалар дунёвий ҳокимиятни тан олмайдилар. Шиалар фикрича, қуръон оятларининг Алига тааллуқли оятлари унинг матнини тузишда атайин тушириб қолдирган.

Улар Али номи қайд этилган ҳадисларнигина тан оладилар. Шиалар назариясига кўра суверенлик яккаю-ягона Аллоҳга тегишилди, мусулмонларга дахлдор барча ишларни фақат Аллоҳ иродасини акс эттирадиган шариатгагина бўйсунадиган ва жамоа иродаси билан бурчдор бўлмаган имомнинг ўзигина ҳал қиласди.¹ Имом ҳоким мутлок, унинг шахси – муқаддасдир. У жамоадан юқори туради. Аллоҳ иродасига эришга, шариат қонунларини мукаммал биладиган одамгина имом деб тан олиниши мумкин.

Суннийлар шиалардан фарқ қилиб, Муҳаммад пайғамбар вафотидан сўнг, Аллоҳ билан алоқа тўхтаган, халифалар эса пайғамбарларнинг ўринбосаригина бўлиб, Аллоҳ ва мусулмон жамоаси ўртасида воситачи ролини бажармайдилар деб таъкидлайдилар. Улар қуръон, ҳадислар шариат ва умуман мусулмон жамоаси ҳимоячилари ҳамда сайловчилари сифатида чиқадилар.

Суннийлар дунёвий ва диний ҳокимиятни халифа қўлида мужассамлаштириш тарафдори, уни илоҳийлаштиришга қаршиидирлар. Суннийлар эътиқодига кўра халифа ҳокимияти дунёвий асосга эга. Уни одамлар ўрнатади. Ҳокимият манбаи мусулмонларнинг кўпчилиги томонидан қабул қилинган хукм - ижмовъ хисобланади. “Айнан ижмовъ, уларнинг фикрича, халифаликни ҳукуқий норма, умуман, мусулмонлик ҳукуқининг принципи, элементларига айлантириб, вақти-вақтида халифага мажбурийлик характеристини касб этган”¹. Шу туфайли суннийлар Уммавийлар ҳокимияти ва мусулмонлар жамоаси томонидан сайланган кейинги халифалар Аббосийлар ҳокимиятини тан оладилар. Суннийлар энг кўп тарқалган концепцияга кўра, халифаликда олий суверенитет эгаси Аллоҳдир. Мусулмон давлати тулалигича унинг жамоага берган топшириши бўйича ташкил этилади.

Ерда Аллоҳ номидан олий ҳокимиятни Аллоҳнинг олий суверенитетининг “акс этиши” деб қараладиган тўлиқ суверенитетга эга бўлган жамоа амалга оширади деб ҳисобланади. Жамоанинг суверен ҳукуки жамоа ишларини жамоа номидан амалга оширадиган ўз ҳукмронларини сайлаш ваколатида намоён бўлади. Бунда жамоа ўзига тегишли бўлган мутлак ҳукуқларни халифага бермайди, балки ўзига раҳбарлик қилишни унга ишониб топширади. Бу ваколатни амалга оширишда на, норма ижодчилиги ҳукуқини амалга оширишда қам жамоа суверенитети фақат бир нарса- мусулмон ҳукуқида ифодаланган Аллоҳ иродасига боғланади. Шунинг учун масалан, жамоа фақат қуръон ва Суннада тартибга солинмаган масалалар бўйичагина қонуншунослик билан шуғулланиши мумкин. Жамоанинг халифага бўйсуниши эса мусулмон ҳукуки кўрсатмаларига аниқ риоя қилиш лозимлигидан келиб чиқади. Суннийларнинг сиёсий-ҳукуқий концепциялари ҳукуқнинг сиёсий муассасаларидан устунлигидан келиб чиқади. Суннийлар зўравонлик, тартиббузарлик, анархияга қаршиидир. Улар кучли ҳокимият, барча субъектлар - давлат, унинг алоҳида органлари, мансабдор шахслар, ташкилотлар, фуқаролари шариат қонунларига қатъий риоя қилиниши тарафдорларидир. Суннийлар назариясига кўра, давлат шариатнинг моддий воситаси, қонуннинг ўзига хос кўриқчисидир. Давлат органи ва мансабдор шахслар томонидан чиқариладиган ҳукуқий хужжатлар қуръон, Сунна ва шариат кўрсатмаларига асосланган бўлиши керак.

Ижтиомий муносабатларнинг ривожланиши, Янги иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий тартибот ва тузилмаларнинг пайдо бўлиши мусулмон ҳукуқшунослари олдига ҳал

етилиши Янги назарий ишланмаларни талаб этувчи кескин вазифа ва муаммоларни кўндаланг кўйди. Исломнинг икки асосий йўналиши – сунний (Ханафий, Моликия, шофиъия, Ҳанбалия ва бошқалар) шиа (исмоилийлар, Жаъфария, Зайдилар ва бошқалар)нинг кўп сонли ҳуқуқий мактаблари (мазҳаблари) шулар туфайли юзага келиб, улар мусулмон ҳуқуқининг бундан кейинги тараққиётида катта таъсирга эга бўлдилар. Бу мазҳаблар орасида Ўрта Осиё ҳуқуқий ҳаётида танҳо устунлик қилган ханафия энг нуфузли мазҳаб ҳисобланади. Ханафия мазҳабининг ўзига хос хусусияти унинг мослашувчанглигидадир.

Ханафия шариатнинг қаттиқ нормаларини минтақадаги Амалий турмуш шароитларига мослаштириш, исломгача бўлган ҳуқуқий нормалардан кенг фойдаланиш, ҳуқуқ соҳасида якка тартибда эркин муҳокама юритиш ва ўхшашлиги бўйича муҳокама юритиш, ўзгача фикр юритувчилар билан муроса қилиш, қуръон ва ҳадисларни эркинроқ талқин қилиш тарафдорлари бўлишган.

Халифатнинг турли минтақаларида асрлар давомида мусулмон ҳуқуқининг сунний (Ханифийлар, Моликийлар, Шафитлар, Ҳанбалийлар) ва шия (Жаъфарийлар, Исломиийлар, Ҳайдийлар) йўналишларидан кўп сонли мактаб (мазҳаб)лар пайдо бўлди. Улар ҳуқуқий томондан бир-биридан фарқ қиласи яъни умумий заминий нуқтаи-назарнинг мавжудлиги ҳолатида ҳам улар позитив (ижобий) ҳуқуқни таърифлашнинг турли оқилона усувларидан фойдаландилар ва шу асосда хусусий масалалар бўйича турли ҳуқуқий нормаларни қўлладилар.

Ўз асосчиси Имом Абу Ханифа (699-767 йиллар) номини олган ханифийлар мактаби жуда катта нуфузга эга бўлиб мусулмон ҳуқуқшунослари орасида энг мослатувчан деб ҳисобланган. Мазкур мактаби ўзининг янги ҳуқуқий нормалар ишлаб чиқиш назариясини ўрта асрчилик жамиятининг ривожланаётган муносабатларига маслай билди ва мазкур нормаларни ифодалат олди. Ҳозирги кунда шахсий статусга оид (никоҳ, ворислик, васийлик ва ҳоказолар) Миср, Сурия, Ироқдаги қонунлар, одатда, мазкур ҳуқуқий мактаб таърифланган хулюсаларни мустаҳосаммишга асосланган.

Шимолий Африканинг баъзи мамлакатларида Моликийлар мазҳаби катта таъсир кунига эга. Мазкур мазҳаб ушбу худудга (масалан, Ливияда шахсий статус тўғрисидаги қонунларни, шунингдек, мусулмон ҳуқуқи нормаларини акс эттирадиган бошқа хужжатларга чиқаришда асос қилиб олинган. Саудик Арабистонида расмий мазҳаб ҳанбалийлардир.

Ўрта Осиёлик ҳуқуқшунослар ва ҳадисшунослар мусулмон ҳуқуқи умумий назариясининг ҳам, унинг айрим тармоқларининг назарий ҳамда Амалий ривожланишига ҳам ўлкан ҳисса қўшганлар. Улар асосан ханафия мазҳаби тарафдорлари бўлишган. Абу Сайи Абулкарим ибн Мухаммад ас-Сомоний ўзининг китоб ал-ансаб асарида ёзишича, Ўрта Осиёнинг турли шаҳар ва қишлоқларида IX-XI асрларда 370 та қонуншунос, 2300 ҳадисшунос бўлиб, улар 50 атрофида ҳуқуқнинг умумтариҳий масалалари бўйича катта роль ўйнаганлар. Бу масалалар уларнинг асарларида асосан ҳурфиқрлилик нуқтаи назаридан қўриб чиқилган.

Ушбу даврда Мовароуннаҳрда ислом дини билан бирга мусулмон қонунчилик тизими жорий қилинган.

Ислом ҳуқуқшунослигининг асосини шариат ташкил этган.

Шариат икки қисмдан: Илоҳиёт ақидалари тамойиллари ва ҳуқуқ (фикх)дан иборат. Фикх ёки мусулмон ҳуқуқи икки қисмдан: биринчиси-мусулмонга, унинг ўзига ўхшаганларга нисбатан хулқ-атвори (муомалат) қандай бўлиши лозимлигини; иккинчиси-Оллоҳга нисбатан бурчларнинг баёнидан тузилган. Шариатнинг мазкур икки қисми турли ҳуқуқшунослик мактабларидан белгиланган ва ўрганган шаклда ҳуқуқшунослик фанининг баҳс мавзуидир.

Шариат қўйидаги манбаларга таянган.

Қуръони Карим – мусулмонларнинг муқаддас китоби.

Ҳадис ёки Сунна – Мухаммад пайғамбарнинг панд- насиҳатлари, ўғитлари ва кўрсатмалари билан боғлиқ ахлоқий, ҳуқуқий меъёрлар.

Ижмоъ – мусулмон хукуқшуносларининг турли муаммолар бўйича чиқарган хукми қарорлари.

Қиёс – аналогия, ўхшатиш йўли билан чиқарилган хукм.

Урф-одатлар ҳам муҳим манба сифатида амал қилган.

Фатво атамаси ҳам кенг қўлланилиб, у ислом қонуншуноси олий мартабали ва нуфузли шахсларнинг дунёвий хукмдорларнинг қарорлари ва фармонларини ёзма равишда тасдиқлашни англатган.

Ислом қонунчилигини амалга оширувчи хукуқшунослар маълум номга эга бўлишган ва муайян поғонада туришган.

Шариат энг аввало турли хукуқий макатабларнинг шаклланиш даврида амалда бўлган урф-одатлар асосида тузилган. Шу боис унга тарихан кўп фикрлилик мансуб. Барча тан олинган сунний ёки шия мактаблари мазҳабида – Мадина ва Ироқ мактаблари туради. Мазкур қадимий мактаблар ўзлари назорат қилиб турган ҳудудларда урф бўлган оддий хукуқдан фойдаланиб, уни янги диннинг эхтиёжларига мувофиқлаштирадилар. Тарихий сабабларга кўра ҳозирги кунда мусулмон хукуқида тўртга сунний (Ханифийлар, Моликийлар, Шофийлар, Ханбалийлар), шунингдек учта шия Жаъфарийлар, Исмоилийлар, Зейдийлар) мактаблари мавжуд, ҳар бир мактаб ўзининг хукуқий услуби ва таълимотига эга. Шу боис мусулмон хукуқи мактабларини эмас, балки ҳар бири мусулмон хукуқининг мустақил тизими мақомини олишга даъво қиласидиган хукуқий тизимларни ўзаро тафовутлаш мумкин.

Фикҳ ёки ислом хукуқида «Ҳақ» -хукуқ нима деганда, ёзади А.Ш.Жузжоний,, «ҳақ» - арабча сўз бўлиб, событ маъносини англатади. Ҳақ бир инсон учун ҳар томонлама исботланган ва унга хос бўлган бир нарсадир.

Ҳақнинг моҳияти ақлан ё шаръян эътиборий ҳисобланади, яъни ақл ёки шариат томонидан эътибор берилиши асосида келиб чиқади. Шунга кўра, ҳақ, хукуқни қонунийлигини қўйидагича изоҳлаш мумкин.

Ҳақ қарор топадиган жой, масалан, ижарага берилган уйдан фойдаланиш хукуқи.

Ҳақ эгаси – ижарага берувчи киши.

Ҳақ зиммасида бўлган киши - уйни фойдаланиш учун ижарага олган киши.

Ҳақнинг машруъияти, яъни шариат асосчиси томонидан ижара битимиға берилган рухсат.

Ислом хукуқшунослигига ҳақ эгаси нуқтаи назаридан ҳақ икки асосий тўрга бўлинади.

Биринчи тури- «Ҳаққуллоҳ» ёки «Ҳуққуллоҳ» дан иборат бўлиб, барча жамиятнинг хукуқи, яъни оммавий хукуқни ҳам ўз ичига олиб, катта аҳамиятга эга бўлгани учун ҳаққуллоҳ деб аталган.

Иккинчи тури – «Ҳаққул-абд» банданинг хукуқи, яъни хусусий ёки шахсий хукуқдан иборат бўлиб, инсонлараро мавжуд бўлган барча муомалат соҳаларини ўз ичига олади.

Ислом хукуқшунослигига ижтиҳод қиёс ва ижмода қўлланиладиган метод (услуб) ҳисобланади.

Ислом хукуқшунослигига кенг қўлланиладиган фикҳ- арабча сўз бўлиб, луғавий маъноси фаҳм қилмоқ, англамоқ, тушунмоқ деб, ёзади олим А.Ш.Жузжоний ўзининг «Ислом хукуқшунослиги» китобида. Фикҳ олими бўлиш учун эса факатгина шариат хукмларини содда ва юзаки билиш, ёд олиш етарли бўлмасдан, балки уларнинг барча сабаб ва ҳикматларини билмоқ ва шариат асосчисининг мақсадларини англамоқ зарурдир. Щунинг учун ҳам шариат хукмларини содда услубда билган кишини олим дейишсада, факих деб тан олишмайди. Ислом дини ва ислом хукуқини ривожлантиришда бизнинг буюк ватандошларимиз, йирик факих ва алломаларимиз ўз таълимотлари билан катта ҳисса қўшганлар. Имом ал – Бухорий, имом Абу Исо Термизий, Абу Мансур Мотурудий, Бурхонуддин Марғиноний каби кўплаб ҳадисшунослар ва факихлар шулар жумласидандир.

Улар таъломотида илгари сурилган сиёсий-хуқуқий ғоялар бугунги кунда ҳам ўз қадр-қимматини йўқотмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганларидек, «**Мана шу қутлуғ заминимизда туғилиб вояга етган, муборак номларини бутун ислом дунёси чексиз эҳтиром билан тилга оладиган Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Хўжа Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Абдухолик Гиждувоний, Замаҳшарий каби пири комилларимизни назарда тутамиз.** Чунки бу буюк инсонларнинг азиз номлари, ўлмас мероси муқаддас динимиз билан чамбарчас боғланиб кетган. Уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Биз динимизни бу улуғ номларсиз, бу улуғ номларни эса динимизсиз тасаввур қила олмаймиз.

Биз бу мутафаккирларимизнинг қутлуғ меросидан бутун халқимиз, жумладан, ёшларимизнинг ҳам баҳраманд бўлишига, уларнинг мана шундай маънавий камол топишига, ислом динининг инсонпарварлик фалсафаси буюк ғоялари ёш авлод юрагидан ҳам жой олишига шароит яратмоқдамиз».

Ҳақиқатан ҳам, Ўрта Осиё халқларининг ушбу даврдаги сиёсий –хуқуқий ғояларини ўрганиш мухим аҳамият касб этади.

IX асрда, яъни Муҳаммад вафотидан 200 йил ўтган 600 минг ҳадислар йифимлар ва у мусулмон илоҳиётчиларидан уларнинг баъзиларини шарҳлаш ва танлашни талиб қилди. Мазкур ўринда биз илгари шарҳланган ҳадисларга эмас балки, улардан 3-4та машҳур бўлганларига 78 тиборни қаратмоқчимиз.

Сунна диндорлар амал қилиш лозим бўлган пайғамбарнинг турмуш тарзи ва хулк-атвори тўғрисидаги хотиралардан хиқоя қиласи. Сунна Муҳаммаднинг қатор воситачилар томонидан қайтадан аслидек ишлаб чиқилган хатти-ҳаракатларни ва хикматларига оид одатлар, яъни анъаналарнинг тўплалиндир; бу- Муҳаммад пайғамбарнинг ижтимоий ҳаёт қоидалари ва Қуръонни шарҳлаш, диний ибодат ва ҳуқуққа оид манбах бўлган қилишлари ва хикматларидир. Сунна Муҳаммаднинг хикматлари ва унинг дин ва жамоа ҳаётнинг тузиш тўғрисидаги пайғамбар замондошлари томонидан яратилган ва инсон Муҳаммад хақиқатлари ҳақидаги ривоятлар билан тўлдирилган ҳадисларда инъикос этган. Ҳадислар оғзаки кўчиб юрган, сўнгроқ эса VIII-IX асрларда ёзib олинган, олтига сунийлар томонидан умум эътироф этилган ва энг эътиборли ҳадислар тўплами мавжуд. Уларни ал-Бухори, Муслим, Абу- Давуд, ат-Термизи, ан-Часон, Ибн Можалар тузишган. Бундан ташқари, кўпгина мавзуларга оид ҳадислар тўплами ва энг мухим ҳадисларнинг тўпламлари ҳам мавжуд.

1. Имом ал- Бухорийнинг ҳаёти ва ижоди.
2. Имом ал- Бухорий ва ҳадис илми.
3. «Ҳадислар» даги сиёсий ва ҳуқуқий ғоялар.

Ҳадис илмида катта муваффақиятларни қўлга киритган олти мухаддиснинг деярли ҳаммаси Марказий Осиёлик бўлиб, улар:

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, Имом Муслим ибн ал-Хажжож, Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ат - Термизий, Имом Абу Довуд Сулаймон Сижистоний, Имом Аҳмад Ан - Насоий, Имом Абу Абдуллоӯ Муҳаммад ибн Язид ибн Можжа каби алломалардир. Шулар ичидан «Ҳадис илмида амир ал-муминийн» деган шарафли номга Имом ал - Бухорий сазовор бўлган.

Имом ал-Бухорий 810 йилда Бухоро шаҳрида таваллуд топган.

Имом ал-Бухорий томонидан «Ал-жомеъ ас-Саҳих», «Ал-адаб ал-муфрар», «Ал-таъриҳ ас-сагий», «Китоб ал-илал» каби йигирмадан ортиқ асарлар ёзилган. Буюк алломанинг энг мухим асари «Ал Жомеъ ас-саҳих» бўлиб, унинг аҳамияти шундаки, Имом ал-Бухорийгача хеч ким Ҳадисларни тизимлаштиришга, тўплашга эриша олмаган эди.

Имом ал - Бухорий эса Ислом оламида биринчи бўлиб, 600 мингдан ортиқ Ҳадисни ёд билиб, ундан 7275 тасини тўғри Ҳадислар тўпламига киритган.

Имом ал-Бухорий Ҳадисшунослик илмининг «саҳих» аталмиш йўналишига асос солган бўлиб, бу йўналишда фақат тўғри ва ишонарли Ҳадислар киритилган. Ушбу асар 4-жилдан иборат бўлиб, ислом таълимотида қуръондан кейин иккинчи ўринда туради.

“Қуръон” мусулмон ҳуқуқи учун раҳбарий қоидалар бўлса, “Ҳадислар” уларни аниқлаштирувчи, ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга кўмаклашадиган –Кодекс (қоидалар тўплами).

Масалан, шундай ҳадислардан бири билан танишсак, Имом ал-Бухорийнинг 4 жилдан иборат «Ал-Жомиъ ас-саҳих» номли ҳадислар тўплами мусулмонлар учун қуръони Каримдан кейин турувчи иккинчи манба ҳисобланади. Бу асарнинг тўлиқ номи «Ал-Жомиъ ас-саҳих ал-муснад мин хадийси Расулилоҳ саллалоҳу алайхи ва саллам ва сунанихи ва айномихи», қисқача «Ал-Жомиъ ас-саҳих» ёки «Саҳиҳ ал-Бухорий» номи билан машҳур китобdir. Олти юз минг ҳадисдан фақат (7275 та)си танлаб олиниб ушбу китобга 26 йил давомида тўпланган. Имом ал-Бухорийнинг исмлари Мұхаммад, қунялари Абу Абдуллоҳ, лақаблари «Имом ал-муҳаддисийн («Муҳаддислар имоми, пешвоси») ёки «Амир ул-муминийн фил-хадийс» (Ҳадис илми бўйича мўминлар амири) ва насаблари Мұхаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн ал-Муғири ибн Бардазбех ибн Базазбехдир. Абу Абуллоҳ Мұхаммад ибн Исмоил Ал Бухорийнинг «Ал-жомиъ ас Саҳих» тўпламиning тўртинчи жилдида мерос масалалари ёритилган.

Мұхаммаднинг қилган ишлари ҳақидаги ҳикоятлардан, фикр ва ўғитларидан ташкил топган ҳадислар тўплами Сунна деб аталган ва бу ҳадислар иккига: 1.Иснод далил ва 2.Матнга бўлинib, қуръонга қўшимча ҳисобланган, ёки яна уларни қўйидагича изоҳлаш мумкин.

Ҳадис илми икки турга бўлинади.

Биринчиси, ривоятул-ҳадис Пайғамбардан ривоят қилинган унинг сўзлари, амаллари, тасдиқлари, унинг ахлоқи ва олий фазилати, шунингдек, саҳобалар ва тобинга нисбат берилган нарсаларни ўрганади.

Иккичиси, дироятул – ҳадис ва Суннни ривоят қилишда фойдаланиладиган усул ва қоидани ўрганади.

«Дироят» сўзи бир нарсани том маънода тушуниб олишдир.

Ана шундай кенг оммага багишлиланган ҳадислар тўпламини биринчи бўлиб имом ал-Бухорий бошлаб берганлар. Ушбу асарнинг яратилганига 1200 йил ошганига қарамасдан, ислом таълимотида қуръондан кейин турувчи муҳим манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Имом ал-Бухорийнинг ушбу асарининг қўплаб нусхалари турли шаҳарларда тарқалган.

«Ал-Жомеъ ас-саҳих» га жуда қўплаб шарҳлар ёзилган.

Ҳадисларда ватанга муҳабbat, инсонпарварлик, ҳаллоллик, меҳр-муҳабbat, сахийлик, етим-есирларга муруват, фақир бечораларга ҳиммат ғоялари илгари сурилган.

Ҳадислардаги сиёсий-ҳуқуқий ғоялар

Амирнинг совға олиши ҳаром ва қозининг пора олиши диндан чиқишидир.

-Омонат қўйган кишининг омонатини ўз вақтида адо этинг. Ҳаққингизга хиёнат қилган кишига сиз хиёнат қилманг.

-Иложи борича одамларни олий жазога тортмасликка ҳаракат қилинглар. Лекин олий жазолар ҳам бутунлай бекор қолмасин.

-Ёв томондан бирор киши ўз жонига омонлик сўраб келса, уни ўлдирманг.

-Қайси бирларингга қозилик лавозимини ўташлик тўғри келиб қолса, жахлу ғазаб келганда ҳукм чиқарилмасин, хусумат билан келганларга қарашда, уларни ўтказишида ва уларга имо-ишора қилишда баробар бўлинсин.

-Бирор қабиланинг улуг қишиси ёки бошлиғи келса, сизлар ҳам уни иззат-икром қилинглар.

-Қачонки, тангри бирор подшоҳга яхшиликни хоҳласа, унга содик вазир баҳш этади, у унутган пайтда эслатади, эслаган пайтда ёрдамлашади. Агар Тангри подшоҳга ёмонликни истаса, унга ёмон вазир ато қилади, у унутса эслатмайди, эсласа, ёрдамлашмайди.

-Савобли иш қилганингизда хурсанд бўлсангиз, гуноҳ иш қилганингизда хафа бўлсангиз, демак, сиз ҳақиқий мўминидирсиз.

-Бу дунёда одамларга қаттиқ азоб берадиган кишиларни Тангри қиёмат куни қаттиқ азоблайди.

-Меросларингизни тақсимлашда бир-бириларигизга хиёнат ва зулм қилманглар. Зулм қилувчилардан мазлумлар ҳакини ундириб беринглар. Одамларга ўзларингизча инсоф қилинглар.

-Касбнинг энг яхшиси ўз қули билан бажарадиган иши ва ҳалол савдодир.

-Зоту насабларингизни яхши таниб олинглар, токи қариндошлар билан алоқа яхши бўлсин. Ўзи яқин тургани билан ўзаро муруввати бўлмаса, унинг яқинидан фойда йўқ. Ўзи узок тургани билан бир-бирига муруввати яхши бўлса, узоклигининг зарари йўқ.

-Мўминларнинг афзали ҳулқ-атвори яхшиларидир.

-Судхўрлик гуноҳидан ҳам ашаддийроқ гуноҳ мўмин кишининг обрўсини ноҳақ тўкишдир.

-Сизлар одамларни молу-дунёларингиз билан мамнун қила олмайсизлар, балки очиқ юз ва яхши ҳулқларингиз билан миннатдолар қилишларингиз мумкин.

-Фақат хайрли ва савобли ишлар буюрилганда, унга итоат қилиш керак.

-Сизлардан олдинги ўтган қавмлар нима учун ҳалок қилинганлар. Чунки улар ҳурматли одамлар ўғрилик қиласа кечирганлар, аммо заиф ва бечора ҳол одамни эса жазолаганлар.

-Икки заиф тоифа, яъни етим ва аёл ҳаққини емоқлик сизларга ҳаром қиласан.

-Биродарларингизга – хоҳ у золим бўлсин, хоҳ мазлум, ёрдам беринг. Сўрадилар – «Мазлумга-ку ёрдам берамиз, золимга ёрдам беришлик қандай бўлади». Жавоб бердиларки - «Уни зулм қилишдан тўхтатиб қолсангиз, шу унга қилган ёрдамингиз бўлади».

-Қўшни билан яхши алоқада бўлинглар.

-Ҳаққингни хоҳ мукаммал, хоҳ ками билан бўлса-да, ҳалол қилиб ол.

-Сизларнинг яхшиларнингиз ўз олган қарзларини чиройли қайтарадиганларингиздир.

-Икки хил қиозилар борки, уларга дўзахга маҳкумдирлар, бир хиллари эса жаннатидирлар. Ҳақни билса-да, ноҳақ ҳукм чиқарадиган ёки умуман илми йўқ бўла туриб, ўз хоҳлаганича ҳукм чиқарадиган қозилар дўзахидир.

-Ҳеч бир ота ўз фарзандига ҳулқу одобдан буюкроқ мерос беролмайди.

-Кимки билиб туриб ўғрилик нарсани сотиб олса, у шу ўғриликнинг ори ва гуноҳига шерик бўлади.

Ином ал - Бухорий нафакат йирик олим, балки ўзининг гўзал ҳулқ-атвори, саховатлилиги билан ҳам ажralиб турган. Маълумотларга қараганда, Бухоро амири Ҳолид ибн Аҳмад аз - Зухлий билан ал-Бухорийнинг алоқси бузилиб қолган. Бунга сабаб, амир олимдан саройга келиб «Ал-Жомеъ ас-саҳих», «Ат-Тарих» китобларини ўқиб беришни талаб этган. Лекин ал-Бухорий «Мен илмни хор қилиб, уни ҳокимлар эшиги олдига олиб бормайман, кимга илм керак бўлса, ўзи изласин, - деб жавоб қайтарган. Амир эса ал-Бухорийни шаҳарни тарқ этишни буюрган экан. Шундан кейин ал-Бухорий Самарқандга йўл олган ва Ҳартанг қишлоғида бетоблиқда вафот этган. Бу жой Республика Президенти Ислом Каримовнинг бевосита раҳнамолигида замонавий, шарқона услубдаги зиёратгоҳга айлантирилди. 1998 йилнинг кузида эса буюк алломанинг 1225 ийлиги нишонланди.

- **Абу Мансур ал – Мотурудий таълимоти.**
- **Мотрудийнинг қалом илмида тутган ўрни.**

Ислом таълимотида фикх ва калом илми хақида гапирилар экан, албатта шу ўринда Абу Мансур Мухаммад ибн Мухаммад ибн Махмуд ал-Ханафий ал-Мотурудий ас-Самарқандий ва ушбу алломанинг калом илми хусусидаги хизматларини ўрганиш бўлажак хукуқшунослар учун ўринлидир.

Калом-сўз, нутқ дегани бўлиб, ўз асосида ислом фалсафасини акс эттирган Яхин ва Ўрта шарқ халқларининг ўрта асрларда вужудга келган диний фалсафа жараёнидир. Бу илмий оқимнинг олимларини «мутакаллим» деб атайдилар.

Илми калом VIII асрда вужудга келган. Бу даврга келиб, ислом дини кенг ёйила бошлади. Кўп давлатлар ислом динига кира бошладилар. Табиийки, шу жараёнга хамоҳанг тарзда кўпдан-кўп фирмалар, мазхаблар пайдо бўла бошлади. Натижада, улар орасида бахсу мунозаралар вужудга келиб, бу хол суннат ақли имонини сустлаштиришга олиб кела бошлади. Ана шундай бир вазиятда, бир-бирига зид бўлган хар-хил бидъят мазхабларидан «ақли суннат вал – жамоат»нинг ақидаю эътиқодларини омон сақлаш маҳсадида хам калом илми вужудга келди. Зухриддин Хуснiddинов ўзининг «Ислом: йўналишлар, мазхаблар, оқимлар» номли китобида таъкидлашича, суннийлик йўналиши хисобланган «Ақли сунна вал жамоат» 4 та фиқҳий: ханафий, шофеъий, моликий, ханбалий ва 2 та ақидавий : ашъарий ва мотурудий мазхабларидан иборат бўлган. Бугунги кунда дунёдаги таҳминан 1,3 миллиард мусулмон ахолининг 92,5 % ни суннийлар ташкил этиб, улар мазхаблар бўйича қўйидаги нисбатда бўлинганлар: ханафийлар – 47%, шофиъийлар – 27 %, моликийлар – 17%, ханбалийлар – 1,5 %.

Манбаларнинг далолат беришича, Мотурудий Имом Аъзам (Ханафия) мазхаби занжиридаги энг юқори турган алломалардан таҳсил ва ижозат олган.

Ал-Мотуридийнинг «Таъвилоти ақли сунна» асари қийматли тафсир китобларидан бўлиб, унинг ўзига хос хусусиятлари бор.

Биринчидан, асар тафсир китоблари ичида биринчилардан бўлиб «таъвил» номи билан аталган.

Иккинчидан, ақли сунна олимлари томонидан Қуръонни тафсир қилишга бўлган ilk харакатлар намояндасидир.

Имом ал-Мотуридий асарлари уч асосий масалага қаратилган

хукм чиқаришдаги асосий манбаларни белигилаш яъни, Қуръон ва ҳадисдан хукм чиқариш усуслари,

эътиқод масалаларини ақл ва нақлга тўғри келадиган далиллар билан асослаб бериш

- **Куръон маъноларини одамларга тушунтириб бериш.**

• Имом Мотурудий ўз хаётини ва фаолиятини суннатдан ташқари чиқиб, оғишган кишилар мулоҳазаларини синдириш ва ислом ақидасини ҳимоя этишга бағищлагандир. Чунончи исломий ишлардан бўлмиш фиқҳ усул ва каломда ўта мукаммал эканлигидан далолат беради.

• Фиҳҳ усули борасидаги асарлари қўйидагилар эди:

- 1. «Махозу уш - шариъа»; маъхаз аш-шараъи, «шариатларнинг манбаси ва соғлиги»
- 2. «Китобул – жадал».

• Шу билан бирга, Хазрати Имом Мотурудий тафсир ва калом илмлари соқасида хам ақли суннат усули ила асарлар ёзганлар.

• Тафсир хақидаги китобига «Таъвилоту ақли сунна» ёки бошқача номи « Ат - таъвилотул – Мотурудия фи баёни усули ақли суннат ва усули тавқид » деб ном берган.

• Ушбу китоб хақида Хожа Халифа номли машхур олим шундай деган эди: «Бу тенгсиз бир китобдир. Хатто илми каломда бундан олдин ёзилган китобларнинг хеч бири бунга тенг кела олмайди. Бу китоб бошқа китобларга нисбатан жуда осон тушунилади ва истифода этилади»

- Мотурудийнинг «Ат–таъвилот» китоби, унинг «Ат–тавхид» китобига қараганда, яна хам ойдинроқ, ояту тафсирларнинг янада қулайроқ ёзилганлигини, муаллифнинг бу илмларни чукур ўрганганлигидан дарак беришини қатор тадқиқотчилар ургу бериб ёзишган.

- Унинг «Китоб ал усул» («Асослар китоби»), «Китоб тавилот л-Қуръон» (Қуръон тафсири хақида китоб) «Китоб ал-Мақолат» («Мақолалар китоби») каби асарларида ханафийлар таълимотига оид фикхнинг йирик масалалри ёритиб берилган.

- Бугунги кунда шарқшунослар, файласуфлар, ҳуқуқшунослар, сиёсатшунослар томонидан Мотурудия таълимотини ўрганишнинг ахамияти каттадир. Чунки алломаларимиз қолдирган бой меросни ёшлар томонидан ҳам чукур ўрганилса, тадқиқ этилса, миллый маънавиятимизнинг тарихий илдизлари янада мустаҳкамланиб бораверади.

Шарқ уйғониш даври шундай қомусий олимларни юзага чиқардики, уларнинг жаҳон маданияти ва илму фанига қўшган ҳиссаси ҳанузгача ҳайрат билан эътироф этилади. 2000 йилда тавалтудининг 910 йиллиги нишонланган Бурхониддин Марғиноний ҳам ана шундай буюк сиймолардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганлариdek, «Ислом дунёсининг буюк алломаси, машҳур «Ҳидоя» асарининг муаллифи, XII аср бошида тавалтуд топган улуғ зот Бурхониддин Марғиноний ҳам шу замин фарзандидир».

Буюк факих Абул Ҳасан Али ибн абу Бақр ибн Абдул Жалил ал-Фарғоний ар-Риштоний ал-Марғиноний 1123 йил 23–сентябрда туғилган. Ул зотнинг Бурхонуддин вал-милла деган шарафли номлари халқ орасида машҳур бўлган. Ул зотнинг нисбаларидағи ар-Ришдоний нисбасини ал-Марғиноний нисбасидан олдин бўлишининг сабаби, бир томондан, алломанинг айнан Ришдонда туғилганлиги бўлса, иккинчи томондан эса, ўрта асрларда Ришдон Марғилондан кўра каттароқ шаҳар бўлган. Шунинг учун ҳам Ришдон Марғилондан олдин қайд этилган.

Бурхонуддин Марғиноний Қуръони, Ҳадис илмини мукаммал эгаллаб, фикҳ – ислом ҳуқуқшунослиги борасида чукур илмга эга бўлганлиги учун

Бурхон уд-дин ва-л-милла ва Бурхонуддин ал-Марғиноний номлари билан машҳур. «Бурхонуддин» - дин хужжати, дин далили, диннинг ифтихори каби маъноларни англатади.

Бурхониддин Марғиноний яшаган давр Шарқ (мусулмон) уйғониш даврининг жамият, маданият ва фан тараққиёти ҳамда фикҳ илмига катта зарурат туғилган бир даврга тўғри келган.

«Ҳидоя» китобида Ҳуқукий масалаларнинг ечими дастлаб фикҳ илмининг йирик олимлари фикрларининг баёни ва унга бошқа муаллифларнинг эътиrozлари ёки қўшилишларини изҳор этиш йўли билан берилган. Ана шундай обрўли фаҳиклар фикрларидан келиб чиқиб, муайян ҳуқукий масалаларда энг маъқул ечимни танлаб олиш йўлига амал қилинган. Шу тариқа ундан қонуннинг айнан ифодасигина эмас, балки унинг мукаммал шархи ҳам асослаб берилган. «Ҳидоя» асарида ҳар бири ниҳоятда қисқа ва муҳтасар, ҳамда фикҳий ҳукмларни ифодаловчи жумлаларнинг қар бири алоҳида ўзига хос шаклда берилган.

Адабиётлар

1. И.А.Каримов. Оллоҳ қалбимизда юрагимизда.
2. Ислом ҳуқуқшунослиги. А.Ш.Жузжоний.
3. Ўзбекистон тарихи-давлат ва жамият тараққиёти. А.Сагдуллаев ва бошқалар. Т., 2000.
4. Усуул фикҳ. Абдулваҳҳоб Халлоф. Т., 1997.
5. Буюк алломаларимиз. «Тошкент ислом университети».2002
6. З.Муқимов. Мовароуннаҳр фикҳ мактаби. Самарқанд. –1997.49-бет

7. Ал-Мотрудий таълимоти ва унинг ўрта асрларда Мовароуннахр маданиятида тутган ўрни. Маърузалар тўплами. Т., –1999. 70-бет
8. К.Каттаев. Самарқанднинг буюк алломалари. Самарқанд.-1998.
9. Буюк алломаларимиз. Тошкент ислом университети. –2002.

Шарқ Уйғониш даври сиёсий-хуқуқий таълимотлари

Режа:

1. Шарқ Уйғониш даври сиёсий-хуқуқий таълимотлари.

2. Абу Наср Форобийнинг сиёсий-хуқуқий қарашлари.

3. Форобийнинг давлат тўғрисидаги таълимотининг, шунингдек, давлатда хуқуқ ва мағкуруанинг ўрни ва роли хусусидаги таълимотининг ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги муштарак аҳамияти.

4. Берунийнинг сиёсий-хуқуқий қарашлари. Берунийнинг сиёсий-хуқуқий қарашларида тенглик ва тинчлик тўғрисидаги; давлат ва хуқуқнинг ривожланишида жўғрофий омилнинг таъсири борасидаги фикрлари.

5. Ибн Синонинг сиёсий-хуқуқий қарашлари.

Шарқ уйғониш даври шундай қомусий олимларни юзага чиқардики, уларнинг жаҳон маданияти ва илму фанига қўшган ҳиссаси ҳанузгача ҳайрат билан эътироф этилади.

Бу даврнинг ютуқларидан бири сифатида илм масканларига бўлган катта эътибор, олимлар учун яратилган шарт-шароитлар, диний илмлар билан бирга дунёвий илмларни тадқиқ этилганини кўрсатиш мумкин.

Айни даврда рўй берган қулай ижтимоий –маънавий шароит, диний бағрикенглик, сиёсий барқарорлик туфайли табиий ва ижтимоий фанларнинг ривожланиши учун катта имконият яратилишига туртки бўлгани омил сифатида Маъмун академиясининг ўрнини қайд этиш лозимdir.

Ушбу академиянинг илм-фан соҳасидаги ютуқлария замин тайёрлаган алломалардан бири Шарқ ва Гарбда кенг танилган хоразмлик олим Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий бўлиб, унинг ҳақида немис олими Э.Видемани шундай ёзган: “Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий- биринчи мусулмон энциклопедиясини тузувчилардан бири бўлган”. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг энциклопедик асари “Мафотих ал-Улум” бўлиб, олим илмлар таснифида юнон фалсафасини алоҳида ўрганган, ҳамда бу ҳақда ўз асарининг кириш қисмida : “ ...Мен бу асарни икки қисмдан иборат қилиб туздим. Биринчи қисм шариат ва у билан боғлиқ илмларга, иккинчи қисм эса араб бўлмаган, яъни юнонлар ва бошқа ҳалқлар илмларига бағишлиланган”,-деб ёзган.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий фалсафа илми асосларини ёритишида асосан Арасту ва Шарқ олимларининг, хусусан Абу Наср Форобий таърифларидан келиб чиқкан.

Шу ўринда Шарқ уйғониш даври етказган буюк қомусий олим Абу Наср Форобий қолдирган сиёсий-хуқуқий таълимотларга эътибор берсак.

Ана шу даврнинг қомусий олим, мутафаккирлардан бири Абу Наср Форобийдир. Ул зотнинг тўлиқ исми-шарифлари - Абу Наср Мұхаммад ибн-Мұхаммад ибн-Тархон ибн-Узлуғ ал-Форобий ат-Туркий бўлган.

Форобий 873 (ёки 874) йилда Арис сувининг Сирдарёга қўйиладиган жойидаги Фороб туманида таваллуд топган (950 йилда Дамашқда вафот этган). Тадқиқотларга кўра, бу жой Шош (Тошкент)дан шимолроқда жойлашган бўлиб, у ерда асосан туркий қабилалар яшаганлар ва бу жой кейинчалик Ўтрор деб ҳам юритилган¹. Форобийнинг отаси Васиж шаҳрининг Фороб туманидан ер олиб, жойлашиб қолган, ўғуз ва қарлуқ қабиласидан чиққан турк ҳарбий бошлиқларидан бири бўлган, деган тадқиқот хulosалари мавжуд¹. Мутафаккирнинг болалиги шу худудларда ўтган бўлиб, у ёшлик чоғидаёқ саводини чиқарган ва мавжуд илмлардан сабоқ олган. Тадқиқотларга таяниб қайд этиш лозимки, Ўрта Осиёда (Мовароуннахрда) болаларни 5 ёшдан бошлабоқ савод чиқариш ва илмга ўрганишга берганлар¹. Шубҳасиз, Абу Наср истеъдодли, зехни ўткир бўлгани боис унинг илмий қизиқиши соҳалари ҳам кенг бўлган. Ушбу эҳтиёжларни қондириш мақсадида дастлаб Фороб, Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида таҳсил олган, кейинчалик у ўз юртини тарқ этиб, илм-фан билан боғлиқ ҳаёт қайнаб-тошган

шаҳарлар (Боғдод, Қохира, Дамашқ, Алеппо ва бошқа жойлар)га сафар қиласи. Форобий ушбу юртларда одамлар ва жамиятлар ҳәти билан танишади, турли миллат ва диний эътиқодга мансуб олиму-фузалолардан кўплаб илм соҳалари (фалсафа, тиб, мусиқа ва бошқалар) бўйича таълим олади, ўзи учун жуда муҳим бўлган илмий ва, айниқса, ҳәти хулосаларни чиқарадики, бу унинг қатор илмий рисолалари ва фалсафи-хуқуқий қарашларида ўз аксини топади.

Маълумки, Форобий ҳәтигининг кўп қисми ўша вақтларда Аббосийлар халифалигининг пойтахти ҳисобланган Боғдод шаҳрида ўтган. У бу ерда жуда яхши таълим олиб, қадим юонон олимларининг асарлари билан ҳам илк бор шу ерда танишган, араб тилини ҳам мукаммал равишда Боғдодда ўрганган. Бу шаҳарда турли мамлакатлардан келган савдогарларни, унинг гавжум бозорларида эса турли-туман халқ вакилларини учратиш, илмнинг турли соҳасига доир китобларни топиш мумкин бўлган, илмий-адабий сухбатлар ва баҳслар ҳам бўлиб турган. Боғдодда турли илмларни ўқиши-ўқитиши ишлари анча яхши йўлга қўйилган бўлиб, юонон, хинд, форс тилларидағи илмий асарлар араб тилига кўплаб таржима қилинган. Шу боис ҳам бу шаҳар дунёning мусулмон ўлкаларидан (шу жумладан Ўрта Осиёдан ҳам) кўплаб олиму шоирларни ўзига жалб қиласи.¹ Айниқса IX-X асрларда Боғдодда жуда кўп йирик олимлар етишиб чиқкан, улар орасида Ўрта Осиёдан борган мутафаккирлар, хусусан, Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Фарғоний (Европада Алфраганус номи билан машҳур бўлиб, 861 йилда вафот этган), Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (таксминан 850 йилда вафот этган) ва Мовароуннаҳрнинг бошқа олимлари ҳам Боғдодда яшаб, илмнинг турли соҳалари (астрономия, математика, жуғрофия, тиб, фалсафа, мусиқа сингарилар) ривожига катта хисса қўшганлар.

Мусо Хоразмий, Форобий, Фарғоний, Беруний ва Ибн Синонинг жаҳон илмига қўшган ҳиссалари ҳакида сўз боргандা, уларнинг ижтимоий фанлар ривожидаги хизматларини айниқса, фикҳ-Ислом ҳуқуқшунослигини равнақ топтиришдаги хизматларини алоҳида кўрсатиш лозим. Бағдодда илмий ижод қиласи ватандошларимиз яратган оламшумул ихтиро ва кашфиётлар Шарқ Уйғонишига, шу орқали Оврўпа Уйғонишига катта таъсир этган.

Айнан шу шаҳарда Форобий ҳам ўз билимини такомиллаштирган ҳамда кенг билимдонлиги, қадим юонон олимлари Арасту (Аристотель) ва Афлотун (Платон)нинг кўплаб асарларини мукаммал билгани боис, ўз даврида Шарқда ал-муаллим ас-соний, яъни Иккинчи муаллим, Шарқ Арастуси, унвонига мушарраф бўлган. Форобий умрининг охирини Алеппо ва Дамашқда ўтказади ҳамда ҳамадонийлар хукмдори, мусулмон динидаги исмоилийлик оқимида мансуб бўлган Сайф ад-Доулнинг хурмати ва эъзози остида яшаб-ижод қиласи. Форобий сиёсий-хуқуқий таълимотини тўла англаб етишда ушбу фактнинг муҳим роли бор.

Форобийнинг сиёсий-хуқуқий қарашларига бағищланган қатор асарлари: «Фуқаролик сиёсати», «Фозил шаҳар аҳолисининг қарашлари», «Бахт-саодатга эришув ҳакида», «Бахт-саодатга эришиш йўллари ҳакида» ва бошқа қатор рисолаларини у яратган универсал ижтимоий тизимнинг якунловчи қисми дейиш мумкин. Умрининг сўнгги даврларида маромига етказган ушбу таълимотини Форобий қадим юонон илмидан, айниқса, Арасту ва Афлотуннинг сиёсий-этик қарашларидан, шунингдек, қадимги Шарқ ижтимоий ғояларидан кенг фойдаланган ҳолда, қолаверса, ўз даврининг ижтимоий турмуши муаммоларини чуқур ўрганиш асосида яратган.

Форобий жамият пайдо бўлиши ҳакида ўз концепциясини илгари сўради. Одамларнинг ўзаро бирлашишлари сабаблари сифатида куйидаги энг муҳим шарт-шароитларни эътироф этади: аввало, инсонлар, бир-бирининг ёрдамига муҳтожидирлар, шу нуқтаи назардан уларнинг ижтимоий вазият ва ҳолатлари бир хилдир; иккинчидан, бир жамиятга бирлашган одамларнинг ҳар бир инсон эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган фаолияти ҳам ижтимоий, ҳам индивидуал мукаммалликни қўлга киритишга хизмат қиласи. Шу боис ҳам кишилик жамиятининг пайдо бўлиши, Форобий фикрига кўра, эзгу мақсадларга асослангандир. Масаланинг шу тариқа англаниши фозил шаҳар (давлат)лар пайдо бўлиши заруратининг муҳим ижтимоий-фалсафий асосидир, зеро бундай шаҳар (давлат)лар Форобий томонидан кишилик бирлашмаларининг энг олий шакли деб эътироф қилинади.

Форобийнинг жамият ҳақидаги таълимотининг ўзига хослиги, қолаверса, янгилиги шу эдикі, у жамият пайдо бўлишини, унинг шаклланиши ва ривожланиши муаммоларини одамларнинг табиий, ижтимоий-моддий эҳтиёжлари асосида тушуниришга, англаб етишга ҳаракат қилган.

Форобий ёзишича, ўз табиатига кўра ҳар бир инсон шундай яратилганки, ўзининг турли (ҳаётий-зарурий ва бошқа) этиёжларини қондириш ва мукаммаллик (комил инсонлик) даражасига эришиш борасида у жуда кўп нарсаларга муҳтождир ва бу нарсаларни у бир ўзи таъминлай олмайди. Шу боис, ушбу эҳтиёжларни қондириш ва бу учун зарур бўлган нарсаларга эришмоқ йўлида, у, ўзига ўхшаган одамлардан ташкил топган маълум бир жамоага муҳтожлик сезади. Айни вақтда ҳар бир инсон ўзига ўхшаган бошқа бир инсонга нисбатан юқорида қайд этилган вазият (эҳтиёжларни қондириш) нуқтаи назаридан айнан бир хил ҳолатда бўлади. Шунинг учун ҳам бир-бирига ёрдам берувчи одамлар фақат бирлашиши (жамоа бўлиб яшаши) орқали барча зарур эҳтиёжларини қондира оладилар ва шу йўсинда ўзларига табиатан ато этилган мукаммалликка (эмонация жараёни асосида) эриша оладилар.¹

Шундай қилиб, Форобий кишилик жамияти пайдо бўлишининг табиий ғоясини илгари сўради.Faқат ўзаро алоқадорлик, ўзаро ҳамкорлик орқали ҳамда ижтимоий гурух таркибида инсон маънавий камолотга эришиши мумкин. Зоро, инсон ўз моҳиятига кўра ижтимоий мавжудоддир ҳамда у комиллика эришмоқ йўлида зарур барча нарсаларни кўлга киритмоқни бошқа одамлар билан бирлашиш ва маълум бир худудда яшаш орқали амалга оширади¹.

Форобий кишилик жамияти моҳиятини очар экан, уни сон ва сифат жиҳатдан тафсифлайди. Шу асосда у жамиятни икки типга, яъни: тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган жамиятларга бўлади. Ўз навбатида тўлиқ жамиятлар уч қисмдан - хусусан: ўлкан (буюк), ўрта ва кичик жамиятлардан иборат деб кўрсатилади. Форобий бутун ер юзидағи инсониятни ўлкан (буюк) жамият сифатида эътироф этиб, унинг таркибиға барча қуий даражадаги жамиятлар киради, деб қайд этади. Унинг таълимотига кўра, ўрта жамият эса буюк жамиятнинг бир қисми бўлиб, ер юзининг маълум бир худудини эгаллаб турган алоҳида бир ҳалқ жамоасида ўз аксини топади. Кичик жамият ҳам ўз навбатида ўрта жамиятнинг (ҳалқ бирлигининг) бир қисми бўлиб, ушбу ҳалққа тегишли бўлган худуддаги маълум бир шаҳар аҳолисидан ташкил топади.

Тўлиқ бўлмаган жамиятлар эса алоҳида олинган шаҳарнинг турли қисмларидан иборат: а) қишлоқлар ёки аҳоли яшайдиган овуллар, гарчи улар шаҳар худудига кирмасалар ҳам ушбу шаҳарга хизмат кўрсатганлари боис унинг бир қисми ҳисобланадилар; б) шаҳардаги маҳалла уюшмалари; в) кўча; г) оила¹, мутафаккир фикрича, ўзаро бирлашган одамлар сонининг ортиши эвазига инсондаги, қолаверса, жамиятдаги мукаммаллик ўсиб боради.

Форобий инсон қадр-қиммати камситилмайдиган жамиятни орзу қиласи. Шу боис у «Давлат арбобининг ҳикматлари» рисоласида доимий урушлар ва зўравонликка асосланувчи жамиятни адолатсиз, жоҳил жамият сифатида қоралайди.

Форобийнинг фикрича, ҳалқлар: бир ҳалқ иккинчисидан уч табиий нарсалар билан фарқ қиласи: табиий-маънавий хулқ-атвор, табиий характеристи ҳамда, учинчидан, маълум маънода табиий бўлган ва инсоннинг характеристи хусусияти ҳисобланган яна бир нарса - тил билан, яъни фикрни етказиш воситаси бўлган нутқ билан фарқланади.¹

Форобий шаҳарларни моҳият ва мазмун жиҳатдан, улар аҳолисининг турмуш тарзи, хулқ-атворидан келиб чиқиб, асосан қутблашган икки гурухга, хусусан, фозил шаҳарлар (ал-мадина ал-фазила) ва уларнинг зидди бўлган жоҳил шаҳарлар (ал-мадина ал-жоҳилия)га бўлади. Унга кўра, адолатсизлик ва зулм ҳукм сурган шаҳарлар жоҳиллар. Одамларнинг бир-бирларини кўллаб-куватлаш ва шу асосда баҳт-саодатга эришиш мақсадида бирлашиб қурган шаҳарлар эса фозиллар. Бир-бирига ёрдам қўлини чўза оладиган ва ижтимоий моҳият-мазмундаги баҳт-саодатга эришувга биргаликда интиладиган ҳалқ (Форобий таъбири билан айтганда, тўлиқ типдаги ўрта жамият) ҳам фазилатли ҳалқдир.

Мутафаккир қайд этадики, агар шу тариқа барча халқлар ўзаро ҳамкорлик қылсалар, бутун ер юзи (буюк жамият) ҳам фазилатли бўлади. Айнан шу ғояларда Форобийнинг сиёсий идеаллари айниқса ёрқин намоён бўлади. Гарчи фозиллар шахри (давлати), адолатли жамият ҳақидаги ғоялар Форобийнинг ҳаёлий (утопик) орзуларига асосланган бўлса-да, бу ўз даври учун илфор қараашлар эди. Маълумки, бундай ҳаёлий ғоялар мавжуд ижтимоий воқелиқдан қониқмаслик, ундаги ижтимоий-сиёсий меъёрлар, турмуш тарзи ва турли қонун-қоидалардан, шу жумладан, мавжуд маънавий-ахлоқий муносабатлардан норозилик натижасида юзага келади.

Мукаммал (идеал) шаҳарни Форобий ўта соғлом инсон организмига ўхшатади ҳамда унинг барча қисмлари бир-бирига узвий боғлиқ ҳолда, ҳамкорликда фаолият юргизишни қайд этади.

Биринчи гурухга тааллукли давлатлар ўз фуқароларига нормал ва фаровон турмуш учун зарур шароитларни яратишга қодир эмаслар, бундай давлатлар орқали ҳақиқий бахтга эришишни тасаввур қилиш ҳам мумкин эмас. Чинакам бахтга саховатли, адолатли давлатлар оркалигина эришиш мумкин. Бу хусусда Форобий «Пировард бахтга эришиш ва уни сақлашга имкон берадиган турмуш тарзи ва имкониятлари мавжуд бўлган шаҳар ёки халқдаги бошқарувгина саховатли бошқарувдир. Бундай иш билан шуғулланиш саховатлидир. Бундай машғулотларга асосланган сиёсат саховатли сиёсатдир. Бундай сиёсат йўлбошчилик қилаётган шаҳар ва халқ ҳисобланади. Пировард бахтга ҳақиқий бахтга эришишни эмас, балки турмушдаги фаровонликлардан биттасига эришишни мақсад қилиб қўядиган ва оммага фаровонлик қилиб кўрсатадиган бошқарув ва бундай бошқарув ҳамда сиёсат билан шуғулланиш саховатли деб қаралмайди, уларни жоҳил бошқарув, жоҳил сиёсат, жоҳил машғулот деб қаралади.

Саховатли давлат ҳукмдори бўлиш - дейди чуқур ишонч билан Форобий – жуда қийин, маъсулиятли вазифадир. Бундай давлат тепасида ҳар қандай тасодифий кишилар турмаслиги керак. Саховатли давлатга бошчилик қилишга даъвогар бўлган киши табиатига қўра, бошқарувга мойил ва бундай маъсулиятли ишга тайёрланган бўлиши керак. Қуйидаги талабларга жавоб берадиган кишигина ана шундай киши ҳисобланishi мумкин. Тўрт мучали соғлом, нотиқ ва бошқаларни ҳам тинглай оладиган, ўткир зеҳнли, ўта ақлли, маърифатпарвар, нафсини тия оладиган, ҳақиқатпарвар, фиску - фасоддан йироқда юрадиган, адолатли, ўта гурурли, ор-номусли, қалби табиатан тоза ва ҳар қандай тубан ишлардан юқори бўлиши ҳамда юксак ишларга интилевчан, бойлиқка, мол-дунёга қизиқмайдиган, қонунсизлик, зўравонлик тарафдорлари билан курашувчи, қатъиятлилик, жасурлик, марду-матонатлилик намунаси бўлиши керак.

Аммо мутафаккир фикрича, бу талабларнинг барчасига бир йўла мувофиқ келадиган инсонни топиш қийин, аслини олганда мумкин ҳам эмас. Шунинг учун қўйидаги олтита талабга жавоб берадиган шахсни давлат тепасига қўйиш мумкин. Донишманд, қонунларни, урф-одат ва қоидаларни биладиган, хотираси кучли, ўз хатти-ҳаракатларида жамият қонунларига амал қиласидиган ва бошқалардан ҳам шуни талаб қиласидиган, ўзидан олдинги ҳукмдорлардан тегишли қонунлар қолмаган бўлса, янги қонунларни қабул қила оладиган, ҳар қандай вазиятда аҳволни тез англаб оладиган, чора-тадбирларни қўллай оладиган, фахм-фаросатли, энг олий мақсади шаҳар фаровонлигини таъминлаш, ҳарбий юришларда моҳир яъни ҳам, ҳарбий санъатда, ҳам давлатни бошқариш санъатида юксак маҳорат эгаси бўлиши керак.

Агар бу барча фазилатларга эга бўлган киши топилмаса, бири доно бўлган, иккинчиси эса қолган шартларни қониқтирадиган икки киши топилса, бу иккала киши шаҳар – давлатни бошқариши мумкин. Агар бу фазилатлар икки ва ундан ортиқ кишилар гурухида мужассам бўлса, бундай ҳолатда уларнинг ўзаро келишуви остида жамоа бўлиб давлатни бошқариш мумкин, - деган ғояни илгари сўради.

Форобийнинг фикрича, қонунларга риоя қилишнинг энг муўим шарти қонунларни мамлакат, давр, давлат ва ўалк манфаатларини, жамияти турли табақалари, маҳаллий урф-

одатлар, анъаналарни, фуқаролар ҳукукий маданияти даражасини назарда тутиб чиқарилишидир.

Агар қонун бу омилларни назарда тутмай чиқарилған экан, унинг ўаётга татбик этилишини талаб қилиш мүмкін эмас. Бундан ташқари, қонунлар адолатлы бўлиши керак, акс ўолда улар ўз зиммасидаги вазифаларни бажара олмайди. Қонунлар ижросини назорат қилиш – ҳукмдорнинг муҳим бурчидир. Бу ишда иккиланишлар, сусткашликлар, муросасизликлар бўлиши мүмкін эмас. Қонунларга қатъий риоя қилиш, давлат ишларида қаттиқ тартибининг бўлиши сиёсий-ҳукукий ҳаётнинг асосий тамойилидир.

Қуриб чиқилаётган давр қомусий олимлар, мутафаккирлар меросида халқаро ҳукукий масалалар сезиларли ўринни эгаллайди. Улар одамлар, ўалклар ва давлатлар ўртасида тинчлик ва дўстликнинг буюк тарафдорлари бўлишган. Доимий урушлар, бир-бирларига душманларча муносабатда бўлиш инсон табиатига зиддир. Бу нуқсонлар ҳайвонот оламига хосдир. Одамларга келсак, - таъкидлайди Форобий – инсонийлик бօгловчи асос сифатида чиқади ва одамлар, улар инсон зотидан келиб чиқканлари учун ҳам ўзаро тинчликни қуллаб қувватлашлари керак.

Бахт-саодатга эришиш мақсадида бир-бирига ёрдам берадиган халқ, барча шаҳарлар, саҳовтли ўалқидир. Шундай қилиб, агар халклар бир- бирларига баҳтга эриши йўлида ёрдам берсалар бутун замин саҳоватли дунёга айланади.

Буни эсда туting: *Форобийнинг фикрига кўра*, қонун ишлаб чиқарувчилар шаҳар аҳлини яхши одатларга ўргатадилар. Бу -ҳар бир қонун ижодкорининг мақсадидир.

Агар кимки, бунинг уддасидан чиқа олмаса, ўз мақсадига етиша олмайди, мағлубияттга учрайди. Мана шунинг ўзи ҳам яхши асосий қонун билан ёмон Асосий қонун орасидаги тафовутни белгилайди.

Абу Райҳон Берунийнинг сиёсий-ҳукукий қарашлари

Абу Райҳон Мұхаммад ибн Аҳмад, яъни бизга Абу Райҳон Беруний таҳаллуси билан танилган илк уйғониш даврининг буюк мутафаккирларидан бири 973 йилнинг 4 сентябрида Кат шаҳрида таваллуд топди. Беруний фаннинг барча соҳаларида самарали ижод қилган, унинг илмий мероси жуда кенг ва ранг-барангдир, олимнинг 160 дан ортиқ асарларига назар ташлаб буни билиб оламиз.

Берунийнинг илмий иш соҳасидаги зўр қобилияти унинг кўпчилик замондошлари ва кейинги олимлар томонидан эътироф этилган. Беруний зотан илмий қизиқишлари ниҳоятда кенглиги ва чуқурлиги ва илмий-назарий таҳлиллари-ю, таълимотининг беназирлиги, умумдунё тан олган ҳақиқатдир. Унинг иккинчи Птолемей дейишларининг ҳам сабаби – айнан шу ҳақиқат самарасидир.

Беруний 1010 йил «Ўтмиш авлоддан қолган ёдгорликлар» асарини ёзди. Беруний бу асарда биринчи манба асосида ва катта аниқлик билан қадимга греклар, римликлар, форслар, хоразмликлар каби бир қанча халқларнинг дини, урф-одати, қонун-қоидалари ҳақида ёзади.

Умуман, Берунийнинг сиёсий ва ҳукукий қарашлари унинг “Хиндистан”, “Минералогия”, “Геодезия”, “Ўтмиш авлодлардан қолган ёдгорликлар” каби асарларида қайд этилган.

Берунийнинг сиёсий ғояларидан бири унинг давлат пайдо бўлиши ҳақидаги қарашларидир. Унинг фикрича, одамлар ўз душманида қарши курашиш ва ўзларининг зарурий эҳтиёжларини қондириш учун уюшган ҳолда яшаш ва ишлашга мажбурдирлар. Беруний «Минераллар» асарида эҳтиёжлар турли хил бўлиб, у факат бир неча уюшсагина қониқтириши мумкин, деган ғояни илгари сўради. Шунинг учун одамлар шаҳарлар яратишга муштарақдирлар, дейди.

Беруний одамларнинг жамоа бўлиб яшашларининг асосий қоидалари бу ўзаро ёрдам, бир-бирлари билан тинч яшаш, умумий манфаатлар учун ишлаш каби принципларга асосланган

бўлиши керак. Инсоннинг асосий вазифаси – бу меҳнат қилишдир. Чунки барча нарсаларга меҳнат орқали эришилади. Кишиларнинг бой ва камбағал бўлишининг, эзувчи ва эзилувчиларга бўлининининг асосий сабаби – мулкий тенгсизлик эканини тушунтиради ва фуқаролар ўртасида тузилган меҳнат ва айирбошлиш шартномаларини икки турга бўлади: 1-қонуний ёки адолатли шартномалар – бунда меҳнатга яраша иш ҳақи олади. 2-қонунсиз ёки адолатсиз шартномалар – бунда тенгсизлик, зўрлик, қаллоблик амал қилиб, бунда фақат бир томоннинг манфаатлари эътиборга олинади.

Беруний давлат ва хуқуқни пайдо бўлиши ва уларнинг вазифалари масалаларини Форобий каби, табиий эҳтиёжлардан қидиради. Берунийнинг фикрича, одамлар ижтимоий адолатли тартиб-қоида ўрнатиш учун, яъни шартномага асосланиб давлатга бирлашадилар ва Берунийнинг ғояларида диспотияга қаршилик ҳисси сезилиб туради. Маърифатли шоҳлар эса улуғлар экан, унинг фикрига кўра, жамият подшоҳга хизмат қилмай, подшоҳ жамиятга хизмат қилиши керак.

«Идора қилиш ва бошқаришнинг моҳияти балки бошлиқ золимлардан азият чекканларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш, бировларнинг тинчлиги йўлида ўз тинчлигини йўқотишдир. Бу уларнинг оиласини, уларнинг ҳаёти ва мол-мулкини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш йўлида бадан чарчашидан иборат». Унинг сиёсий қарашларида давлат бошлиғи табиатан бошқариш қобилиятига эга бўлиши лозим. Бунинг учун эса давлат бошлиғи давлатнинг муҳим масалаларини ҳал этишда донишмандларнинг қонунларига амал қилиши лозим. Бунда Беруний Арстунинг Искандарга қилган насиҳатларини, ҳамда Искандарнинг уларга амал қилганини мисол қиласи. Берунийнинг фикрича, «одил ҳокимнинг вазифаси олий ва паст табақалар, кучлилар ва кучсизлар орасида тенглик, адолат ўрнатишдан иборатдир».

Беруний давлат ҳокимиятни наслдан-наслга ўтиб туриши қонун-қоидасига қараб, подшолик меросга айланганини кўриб, инсоннинг жамиятда тутган ўрни наслнинг қадимиyllиги, авлод-аждодларнинг хизматлари билан белгиланишига қарши чиқади. Бу ҳақда шундай: Кимки ўзининг марҳум қариндош-уруғи ва бувалари орқали мансабга (подшолик ёки ҳокимликка) эришаман деса унинг ўзи марҳумдир, лекин марҳум авлодлари барҳаётдир» дейди.

Унинг фикрича, у ёки бу давлат арбобининг ҳокимиятни бошқаришга яроқлилиги унинг авлодлари қобилиятидан бўлмай, балки унинг давлатта раҳбарлик қилишдаги ўз қобилиятига боғлиқ бўлади.

Бундай ташқари, яна одамларнинг ранги, тили, ташқи қўринишининг турлича бўлиши фақат наслига боғлиқ бўлмасдан, балки улар яшаётган мухитга, ҳавога, сувга ҳам боғлиқ, деб ёзар экан, унинг фикрича, турлича давлатларнинг мавжудлиги, турли ҳукмдорларнинг бўлиши ҳам юқоридагиларга боғлиқлигини таъкидлайди.

Беруний жамиятни бошқаришда биз бу ҳақда юқорида ҳам эслатиб ўтгандик, яъни жамият подшоҳга хизмат қилмай, балки подшоҳ, жамиятга хизмат қилиши кераклигини қўллаган: «Идора қилиш ва бошқаришнинг моҳияти азият чекканларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш, бировларнинг тинчлиги йўлида ўз тинчлигини йўқотишдан иборат», -дейди.

Берунийнинг сиёсий қарашларида давлатни бошқариш учун халқ томонидан сайлаб қўйиладиган ҳоким одил ва халқпарвар бўлиши ғояси илгари сурилади.

У ушбу ғояни ўзининг «Минералогия» асарида бир ҳикоят мисолида ёзган:

«У ерда ўлкани идора қилиш аъёнлари ва ер эгалари ўртасида навбатма-навбат бир-бирига ўтиб туармиш, кимга навбат келса, ўша уч ой ҳукм юритармиш. Муддат тугаши билан ўз-ўзидан ўлкани идора қилиш амалидан тушиб миннатдорчиллик учун садақа беради ва ўз аҳли орасига қайтади, у билан гўё кишандан бўшагандай хурсанд бўлар ва ўз иши билан банд бўлар эмиш. Бу шунинг учунки, давлатни идора қилиш роҳатдан маҳрум бўлиш деган сўздир. Бунда у ўша жойдаги эзувчиларни эзилувчиларга нисбатан адолатли қиласи, деб тинкасини қуритиш деганидир. Бу эса ўз қули остидагилардан ва уларнинг ўзларини ҳимоя қилиш учун уруш тадбирини тайёрлаш борасида ўз жонини қийнашдир...».

Беруний, хукмдорлар ўз давлатини идора қилиш сиёсатида адолатли қонунлардан тўғри фойдаланмасдан, уни бузиш орқали ҳалққа хиёнаткорлик қилишларини, оқибатида эса, бундай сиёсат давлатнинг вайрон бўлишига ва тартибсизликка сабаб бўлишини, ёзади.

Берунийнинг ҳукуқий қарашларида адолатлилик, оила никоҳ муносабатлари, жиноят ва уларга белгиланган жазолар алоҳида ўрин тутади.

Жумладан, унинг фикрича, жамиятдаги ахлоқсизликнинг энг ёмон кўриниши зўравонлик ва ўғирликдир. Бу каби жиноятлар жазоланиши, уларни содир этган шахсларни қайта тарбиялаш ҳақида ўз фикр–мулоҳазаларини билдирган:

«Ўғирликка келсак – ўғирланган нарсанинг миқдорига қараб жазо берилади. Баъзан зўр даражада ва ўрта даражада ҳалқларга иборат бўладигандек жазо бериб, гоҳо қийнаш ва тавон тўлаштишга, гоҳо ҳалқ ўртасига чиқариб ёйиш ва ошкора қилиш билан тўхтатилади». Унинг фикрича, агар ҳақиқат учун кимки, гувоҳликка чақирилган бўлса, гувоҳни подшолар олдида рост гапиришда уларнинг савлатларидан қўрқмасликка даъват этар экан, улар гавдангизга ҳукмронлик қилишлари мумкин, аммо виждонингизга тега олмайдилар, деб таълим беради. Чунки айнан ёлғончилар, разолатдан тап тортмай, уят, ор-номусни қадрлай олмайдиган кишилар бўлади. Улар ўз тубанликлари туфайли баҳт-саодатга ёлғон-яшиқ ёрдамида эришишга интиладиган кишиларки, уларга қарши курашиш фақат мард кишига хослигини таъкидлайди.

Унинг оила ва никоҳ хусусидаги фикрига кўра, «Ҳалқлардан ҳеч бири ҳам никоҳдан ҳоли эмасдир. Ҳар миллатнинг никоҳга оид ўзига хос расми ва одати борлигини қайд этади.

Беруний ўзининг «Ҳиндистон» асарида ҳалқлар ўртасидаги урушларни қоралайди. Унинг фикрича, айнан урушлар тараққийига ғов бўлади. Шунинг учун ҳам ҳалқлар ўртасидаги тинчликни сақлаш, давлат бошлиқларининг асосий вазифаси сифатида қараб, ҳукмдорлар ташки давлатлар билан ўзаро муносабатида элчиларга алоҳида талабчанлик билан қарашларни таъкидлайди. Элчиларнинг инсонийлик жиҳатлари давлатлараро муносабатнинг таянчи бўлишини ёзади.

Ибн Синонинг сиёсий-ҳукуқий қарашлари

Шарқ илк уйғониш даврининг буюк алломаси, йирик файласуф олими Абу Али ибн Сино - Оврўпада Авиценна номи билан машҳур мутафаккир 980 йил Бухоро вилоятининг Афшона қишлоғида туғилган.

Ибн Сино асарлари 450 дан ортиқ бўлиб, бизгача фақат 160 га яқин асари етиб келган. Китоб ул-инсоф, Инсоф китоби, Китоб ун-нажот Нажот китоби, Донишнома, Рисолаи тадбири манзил, тиббиётга оид Тиб қонунлари, Китоб уш-шифо каби асарлари дунёга машҳурдир.

У ўз даврида Шарқ ва Оврўпада Шайх-Ур-Раис, Олимлар бошлиғи, Табиблар подшохи каби буюк номларга сазовор бўлган.

Ибн Синонинг ижтимоий-сиёсий қарашлари Форобий асарлари таъсирида шаклланган ва шу боис ўрта асрлардаги барча фанлар Ибн Сино эътиборидан четда қолмади. Ибн Синонинг асосий фалсафий асарлари «Китоб-аш шифо», «Донишнома», «Нажот», «Китоб-ул инсоф», «Уржуза», «Ичак санчиклари», «Аҳд рисоласи», «Ахлоқ ҳақидаги рисола» асарлари инсон саломатлиги, инсон хулқини, феъл-атворини, ахлоқ илмини ўз ичидаги мужассамлаштирган.

Ибн Сино «Донишнома» китобида ўз даврида маълум бўлган илмларни иккига: амалий ва назарий илмларга ажратади. Биринчиси – бизни ўз хатти-ҳаракатларимиздан хабардор қиласди. Унинг фойдаси шундаки, у шу дунёдаги илмларимизни йўлга солиш учун нималар қилишимиз лозимлигини ўргатади. Иккинчиси эса бизнинг жонимиз ўз шаклини касб этиши ва у дунёда баҳтиёр бўлиши учун буюмларнинг борлиқ ҳолати ҳақида бизни хабардор қилинади.

Амалий илмларнинг ўзини Ибн Сино яна уч турга ажратади:

Биринчиси, мамлакатни идора қилиши;

Иккинчиси, уйни идора қилиши;

Учинчиси, ўз-ўзини идора қилиши.

Демак, Ибн Сино амалий илмлар деганда. Инсоннинг амалий ҳаракати билан боғлиқ бўлган илмларни тушунади. Жамиятни, халқни, мамлакатни идора қилишни, уйни бошқаришни, оила муносабатларини тартибга солиш, кишиларнинг ўз-ўзига қандай муносабатда бўлишлари ҳақидаги Амалий билимларини Ибн Сино маънавият, одоб-ахлоқ ҳақидаги билим, деб қарайди.

Ибн Синонинг одоб-ахлоқ ва инсонпарварлик ҳақидаги таълимоти катта илмий-амалий, тарбиявий аҳамиятга эга. Бу таълимот инсон олам ривожланишининг тожи бўлиб, у буюк шараф ва хурматга лойикдир, деган фикрга асосланади. Унинг фикрича. Инсон оламдаги мавжудотлар ичида энг буюк зотдир. Шунинг учун ҳам аллома ҳар бир кимсадан инсон номига лойик бўлишини талаб қиласди.

Ибн Сино ўзининг фалсафий таълимотида яхшилик ва ёмонлик, адолат ва адолатсизлик, роҳат ва азоб-уқубат, иффат, шарм-хаёв ва беномуслик, саҳијлик ва баҳиллик, донолик ва жоҳиллик, севги ва нафрат, поклик ва нопоклик, вафодорлик ва бевафолик, камтарлик ва манманлик, мактанчоқлик сингари одоб-ахлоқла масалаларга алоҳида эътибор билан қарайди. Алломанинг «Ахлоқ ҳақида рисола», «Бурҷ ҳақида рисола», «Нафсни покиза тутиш ҳақида», «Ҳикмат булоқлари» асарларида кишилар Амалий фаолиятида намоён бўладиган хусусиятлар тўғрисида тўлиқ маълумотлар берилган. Унинг фикрича, яхши ва ёмон хулқларнинг ҳаммаси одатдан пайдо бўлади. Айни пайтда у одамларнинг яхши ёки ёмон бўлишига ҳукumat ахлларининг таъсири ҳам зўр бўлади.

Ибн Сино «Донишнома» асарида яхшилик тушунчаси икки маънога эгалигини, яъни биринчиси, ўз табиатига кўра яхшилик, иккичиси, бирор кимса учун қилинган яхшилиқдан иборатлигини эслатиш лозим. Яхшилик ва ёмонлик мазмунан ва моҳияттан ўзаро тубдан зид тушунчалардир. Яхшилик, эзгулик бўлмаган жойда ёмонлик бўлади. Ёмонлик эса яхшиликни йўқ қилишга, унинг ривожланиши, кенг ёйилишига йўл кўймасликка ҳаракат қиласди.

Ибн Синонинг сиёсий қарашларида характерли бўлган нарса бу идеал давлат тўғрисидаги фояси. Унинг фикрига кўра идеал давлат тепасида маърифатпарвар шоҳ туриши лозим. Жамият аъзоларининг барчаси фойдали меҳнат билан шуғулланиши керак. Ибн Синонинг фикрига кўра, идеал давлат таркиби учга бўлинади:

маъмурий ишлар билан шуғулланувчилар

ишлаб чиқарувчилар

З – ҳарбийлар

Ибн Сино ўзининг «Рисолаи тадбири манзил» асарида шундай ёзади: « Агар барча одамлар шоҳлар билан, сultonлардан иборат бўлса ёки ҳаммалари оддий меҳнаткашлар бўлса, уларга раҳбарлик қилувчи сultonлар бўлмаса, улар ўлган бўлардилар». Ибн Сино аҳолининг барчасини бутунлай бойиб кетишига ёки қашшоқланиб кетишига қарши бўлган.

Ибн Синонинг ижтимоий-сиёсий қарашлари Форобий асарлари таъсирида шаклланган деб юқорида қайд этгандик, чунки унинг қарашларида Форобий таълимотининг таъсири кучли бўлган.

Жамиятнинг пайдо бўлиши тўғрисида Ибн Сино: «Инсон ўз шахсий эҳтиёжлари мустақиллиги маъносида алоҳида ажралган эмас, чунки уларни инсон зотининг бошқа вакиллари билан бирлашмай туриб қондирилмайди» деб айтган.

Ибн Сино фикрича, «Аъзолари учун умумий қонунлар қарор топган мамлакатда адолатсизлик бўлиши мумкин эмас. Жамият аъзосининг адолатсизлиги жазоланиши керак. Агар ҳукмдорнинг ўзи адолатсиз бўлса, унга қарши ғалаён жамият томонидан маъқулланиши ва қўллаб-куватланиши керак».

Ибн Сино ўзининг «Кўрсатмалар ва ўғитлар» китобида бундай ёзади: «Инсон ўз шахсий эҳтиёжларининг мустақиллиги маъносида алоҳида ажралган мавжудод эмас, чунки у ўз эҳтиёжларини инсониятнинг бошқа вакиллари билан мулоқотда бўлмай туриб коникира олмайди».

Одамлар ўртасида қарор топадиган алмашиш ва ўзаро муносабатлар жараёнларида ўар бир киши ўзга кишини қандайдир эхтиёждан халос этади, агар ҳар бир киши ҳама нарсани ўзи бошқарадиган бўлса, унинг зиммасига ўта мураккаб, қўлидан келиши гумон бўлган вазифа ишлатилган бўларди. Бунинг натижасида кишилар ўртасида битишув, адолат ва қонуннинг қарор топган нормалари зарур бўлади, қонуншунос эса бундай қонунга алоҳида белгиларга эга бўлганлиги туфайли мажбурийликни касб этиши керак.

Шунингдек, хайрли хатти-ҳаракатларни амалга оширувчилар учун ҳам, ёмон хатти-ҳаракатларни амалга оширувчилар учун ҳам буларнинг барчаси кимга маълум бўлса ва буларнинг барчасидан хабардор ҳамда ҳар нарсага қодир бўлгандан олинадиган мукофот назарда тутилган бўлиши керак. Шунинг учун ҳакамнинг ва қонуншуноснинг устуворлигини тан олиш зарур ва одамларнинг ўз хатти-ҳаракатларида амал қиласидиган сабаблардан бири уни эслаш бўлиши керак.

Қомусий олимларнинг фикрига кўра, ижтиомий муносабатларни тартибга солишда мамлакатда амалда бўлган қонунлар миқдори эмас, балки уларнинг сифати ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Қонунларнинг сифати эса кўп жиҳатдан қонуншуноснинг тафаккур қобилиятлари, билимлари савиясига боғлиқ бўлади. Нодон қонуншунос ҳеч қачон тараққийпарвар қонунлар ижодкори бўлолмайди. Қонунларнинг барқарорлиги, барча кишилар табиатан тенг бўлганликлари туфайли қонунларнинг бошқарилиши ва барча учун мажбурийлиги тарафдори бўлганлар. Бу борада Аҳмад Юғнакий шундай деган. Ўзини бойликлари туфайли таккабурона тутадиган киши - мақтанчоқлик қиласи холос, зеро ўлим барчага баробардир. Агар димоги баланд киши мен улуғ зотданман деса, мен унга барча ҳалқлар бир ота, бир онадан туғилганлар, яъни барча одамлар тенгдирлар деб кескин жавоб қайтараман.

Қонунларга риоя қилиш барчанинг муқаддас бурчидир, деб ҳисоблашади, ушбу давр мутафаккирларимиз. Агар ҳукмдор ўзи чиқарган қонунларга риоя қилмаса, у бошқа мансабдор ва фуқаролардан уларга риоя қилишларини талаб қилишга ҳақсиздир.

Беруний, Ибн Сино, Юсуф Хожиб ва бошқа мутафаккирлар ҳам давлатни адолатли ва адолатсиз давлатга ажратадилар. Улар адолатсиз давлат инсон табиатига зиддигини, онг принципларига номувофиқлиги, бундай давлатларда ҳокимият ўзбошимчалик ва зўравонликка асосланганлигини, уларни илмдан узоқ, жоҳил ҳукмдорлар бошқаришини қайд этадилар. Бундай давлатлар ўз ҳалқларини талаш билан шугулланадилар. Улар тажовузкор урушлар олиб борадилар, бошқа ҳалқларни асоратга соладилар, уларнинг бойликларини талайдилар. Бундай давлатларнинг асосий принциплари адолатсизлик, қонунсизлик, шафқатсизлик, ўзга давлатларга душманлик назари билан қараш ҳисобланади.

Умуман Ўрта Осиё, шу жумладан, Ўзбекистон мутафаккирлари асарларида жоҳил, адолатсиз давлатларнинг ҳалққа қарши туси ҳар томонлама таърифлаб берилади, давлат органларида кенг тарқалган нуқсонлар фош этилади, ҳукмдорлар ва бошқа мансабдор шахслар кескин танқид остига олинади.

Қомусий файласуфлар, мутафаккирлар комил ишончига кўра ўзбошимчалик ва зўравонликка асосланган жоҳил, адолатсиз ҳокимият абадий эмас, бундай давлат вакти келиб ўз ўрнини адолатпарварлик, қонунийлик, инсонийликка асосланган ҳокимиятга бўшатиб беришга мажбур бўлади. Бундай ҳокимият фақат хайриҳоҳ, адолатпарвар давлат ўз фуқароларига чинакам баҳт-саодатга эришишлари учун, мамлакатда тартиб, осойишталик ва тинчликни қарор топтириш учун ҳамда қўшни давлатлар билан дўстона муносабатларни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мумкин.

Умуман олганда саховатли давлат, унинг бошлиғи – ҳукмдорнинг асосий ички вазифалари ўз фуқароларининг моддий ахволларини яхшилаш, уларни ақлий тарбиялаш, адолатни, ҳалқ маорифини қарор топтириш, эзгулик ва олий феъл-атворни жорий қилиш, ўз фуқаролари соғлиги, номуси, фазилатлари ҳамда мол-мулкини ўғрилар, босқинчилар, жиноятчилардан ҳимоя қилиш, фаннинг турли тармоқларининг ривожланиши учун шарт-

шароитлар яратиш, илм аҳлига ҳомийлик қилиш, адолатли қонунлар чиқариш, тартиб ва қонунийликни таъминлаш, мансабдор шахслар фаолиятини назорат қилиб боришдан иборатдир.

Мамлакатнинг ташқи вазифаларига мамлакатни ташқи душманларда ҳимоя қилишни ташкил этиш, давлат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, қўшин ҳақида ғамхўрлик қилиш, бошқа давлатлар билан савдо, маданий ва дипломатик алоқаларни ўрнатиш киради. Саховатли, адолатли давлат агар унда ҳокимият тегишли тартибда ташкил этилган ва у омилкор кишилар қўлида бўлган тақдирдагина ўзининг ички ва ташқи вазифаларини уддалаши мумкин. Бу муносабатда мутафаккирлар мансабдор шахслар, энг аввало ҳукмдорнинг шахсий ва ишга оид сифатларига алоҳида аҳамият берадилар.

Эътибор беринг!

Шарқ Уйғониш даври таълимотларидаги асосий сиёсий ва ҳуқуқий ғоялар.

Ушбу даврдаги сиёсий ва ҳуқуқий ғояларга таъсир этган омиллар.

Фаробийнинг давлат пайдо бўлиши ва уни бошқариш ҳақидаги қарашлари
Форобийнинг ҳуқуқий қарашлари.

Ибн Синонинг сиёсий қарашлари.

Берунийнинг сиёсий қарашлари.

Ушбу мутафаккирларнинг сиёсий ва ҳуқуқий қарашларда қандай умумийлик бор, ва фарқли жиҳатлар.

Адабиётлар

1. Ҳ.Бобоев. Ўзбекистон халкларининг сиёсий-ҳуқуқий таълимотлари тарихидан қўлланма.
2. Ҳ.Бобоев.,С.Хасанов.Берунийнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари.
3. Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Т., 1993.
4. Ф.Мухиддинова. Форобийнинг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги таълимоти.
5. Ф.Мухиддинова. Форобийнинг ҳуқуқий қарашлари.
6. Беруний. Туғилган кунининг 1000 йиллигига. Т., 1973.

4-мавзу. Мовароуннахрда сиёсий-хуқуқий таълимотлар

Ўрта аср Мовароуннахр сиёсий-хуқуқий таълимотлари.

Режа:

1. Юсуф Хос Ҳожибнинг сиёсий-хуқуқий қарашлари, ҳамда давлат бошқарувидаги нормаларнинг тутган ўрни, идеал давлат лойиҳаси ва уларнинг аҳамияти.
2. Низомулмulkнинг сиёсий-хуқуқий қарашлари.
3. “Сияр ул-мулук”, (Сиёсатнома) асаридаги сиёсий-хуқуқий ғоялар
4. “Сиёсатнома”да давлат ва уни бошқариш масалалари.
5. Бурхонуддин Марғинонийнинг хуқуқий қарашлари. “Ҳидоя” асари ва ундаги хуқуқий масалалар; қозилик ва унга кўйилган талаблар.
6. Ўрта аср таълимотларида сўфизм ғоялари: Яссавия, Нақшбандия, Кубровия таълимотлари. Тасаввуф ва тариқат.

«Қутадғу билиг» асаридаги сиёсий-хуқуқий ғоялар

«Қутадғу билиг» «қутга, яъни баҳт-саодатга эриштирувчи билим» демакдир. Ушбу асар буюк аждодларимиздан Юсуф Хос Ҳожиб қаламига мансуб XI аср туркий халқларининг ноёб ёзма ёдгорлиги бўлиб, асарда илм, маърифат, одоб-ахлоқ, давлатни бошқариш йўл-йўриқлари, миллий-маънавий қарашлар кенг қамровда аксини топган. Бу таълимот мазмун – моҳияти асосини инсон муаммоси ташкил қиласди.

« Қутадғу билиг »да Оллоҳнинг ер юзидағи халифаси – Ҳазрати Инсоннинг ижтимоий моҳияти, ҳислат ва фазилатлари, қадр - қиммати, одоб-ахлоқи, маданияти, маърифати, барча мавжудотлар ичра буюк ва бебаҳолиги фалсафий таҳлил этилган. «Одамзод насли, - дейди, - аслида ер юзидағи барча жонлилар орасида энг улуғидир, аммо бу улуғлик билим билангина тўлиқлик, мукаммаллик касб этади».

Асар асосида тўрт нарса ётади.

Бири тўғриликка таянч – АДОЛАТ,

Бири давлат эрур, у қутли гоят.

Учинчи – улуғлик Ақл ҳам зако,

Тўртинчи – қаноат эрур бебаҳо.

Уларнинг ҳар бири алоҳида номларга эга. Адолатнинг номи – қунтугди. Қунтугди элиг вазифасини бажарувчи, яъни подшо, давлат бошлиғидир.

Давлатнинг номи – Ойтўлди бўлиб, у вазир вазифасини бажаради. Заковат, ақл эса Ўгдулиш, қаноат – Ўзгурмиш деб номланади, ҳамда шулар орқали давлатни бошқариш масаласи таҳлил этилади.

«Қутадғу билиг»да билим ва заковат соҳиблари машъал, маърифат йўлини ёритувчи маёқ деб талқин этилади. Муаллиф хукмдорларни, аҳли донишларни қадрлаш, ўзларини уларга яқин туришга, ҳадялар бериб олимлар кўнглини шод этишга даъват этади. Илмсиз кишиларни жоҳилларнинг қаторида қарайди. Бу ҳакида у «билимсиз кишилар бир мевасиз ёғоч, мевасиз ёғочни нима қилсан оч», - дейди у. «қутадғу билиг»да уқтирилишича, билим ва заковат тўғри ололмайдиган tengsiz жавоҳирдир. Билим ва заковат асло соҳибини камбағал қилмайди. Киши билим билан юксалади, қадр - қиммат топади. Кимда билим бўлса у асл. Чунки билим кишини қашшоқ қилмайдиган бойлик. Юсуф Хос Ҳожиб инсон ҳаётида содир бўладиган барча ярамас ишлар билимсизлик, жаҳолат, нодонлик оқибати эканлигини таъкидлаб одамларни илм-маърифат ва маънавиятга чақирган эди. У ўз таълимотида илм-фан ва маданиятни халқ манфаати йўлида хизмат қилдириш зарурлигини қайта-қайта уқтирган. Достонда кишининг билимдонлиги унинг тили орқали намоён бўлиши ҳам айтиб ўтилган. Қайд этилишича, заковат

ва билимнинг очкичи тилдир. Бу ҳақида Юсуф Хос Ҳожиб шундай дейди: «Сўзингга эҳтиёт бўл, бошинг кетмасин, тилингга эҳтиёт бўл тишинг синмасин», «Билиб сўзласа, сўз донолик ҳисобланади, нодоннинг сўзи ўз бошини ейди», «Киши сўз туфайли кўтарилади, малик бўлади, кўп сўз бошни ерга эгади».

«Қутадғу билиг»да уқтирилишича, давлат бошлигини улуғлайдиган, Эл-юртда мартабасини оширадиган асосий нарса - билим, ақл-идрок ва заковатдир. Билимли, оқилу-доно, тадбиркор, адолатли, эзгу ниятли кишилар бекликка муносибdir, дейилади. Асарда муаллиф беклар, ҳукмдорларни адолат шамчироғини икала кўлларида баланд кўтариб юришга, илм ва заковатни асос қилиб олган ҳолда давлатни идора қилишга, элни бошқаришга ундейди. Давлатни ақл-заковат, маънавият ва маърифат, адолат асосида бошқариш курол кучи билан идора қилишдан, Эл-юртни куч билан босиб, ушлаб туришдан минг чандон устундир. Бу «қутадғу билиг»нинг етакчи гояларидан ҳисобланади.

Юсуф Хос Ҳожиб Эл-юртни гуллаб-яшнатиш, халқни бойитиш, тўқ-фаровон қилиш, эзгуликка ном чиқариш учун нималар қилиши, қандай инсоний фазилатларга эга бўлиши керак, деган савонни ўртага ташлаб, Ўгдулмиш номидан ўзи шундай жавоб беради: «Бек доно, ботир, жасур бўлиши керак, унинг билимли, заковатли, мулоҳазакор бўлиши тақозо қилинади. Очиқ юзлилик бекнинг яхши фазилатларидан биридир. Бундан ташқари бек эзгулик йўлида событ ва комил тўрмоги керак. Билим иш бошини белгиласа, идрокни юритиш барча юмушларни ўнглайди. Билим билан эл ёмон йўлдан асрнади».

«Қутадғу билиг»да мамлакат бошлиғи бўлиш учун кишининг таг-туби, асл насли тоза, андишли, покиза хулқли, ақл-идроқи кучли бўлиши, ғафлатда қолмаслиги, ёлғон гапирмаслиги шарт, деган йўл-йўриклар берилган. Муаллифнинг таъкидлашича, Эл учун икки нарса мустаҳкам таянчdir: бири хушёрлик, иккинчиси адолат. Иккаласи адолат илдизидир.

Қайси бек хушёр бўлса, элни мустаҳкамлайди, ёв бўйини янчib унинг устига балолар ёғдиради. Қайси бек Элида тўғри сиёsat юритса, элини яшнатади. Унинг кунларини ёритади. Хушёрлик элни орттиради, ғофиллик элни бекликни бузадиган йўлдир. Шунинг учун хушёр бўлиш, ёв бўйини янчib ташлаш зарур.

Асарда келтирилишича, агар бек эл ҳақида ғамхўрлик қилса, унинг фуқаролари бойиб кетади. Ўшанда мамлакат бошлигининг ҳамма истаклари рўёбга чиқади.

Юсуф Хос Ҳожибнинг қарашларида давлат бошлигидан халқ рози бўлиши керак, подшоҳдан яхши ном қолиши керак. Бу учун эса подшоҳ саховатли бўлиши кераклигини асарда қўйидагича ёзади

«Подшоҳдан қоладиган яккаю Юсуф Хос Ҳожибдан бизгача етиб келган илмий-маънавий мерос Ўзбекистон давлат мустақиллиги маънавий заминларини мустаҳкамлашда, миллий ўзлигимизни, истиқлол мафкурасини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Низомумулкнинг сиёсий-хуқуқий қарашлари

Абу Али Ҳасан ибн Али Тусий - Низомумулк сиёсий – хуқуқий қарашлари унинг «Сиёсатнома», (яъни Сияр ул-мулук) асарида кенг ёритилган.

Абу Али Ҳасан ибн Али Тусий – 1018 йили Тусининг Родкон вилоятидаги навгон қишлоғида дунёга келган. Бошланғич таълимни айнан ўзи туғилиб ўсган жойда олади, кейинчалик нишопур ва марвда ўқишини давом эттирган. Низомумулк салжуқийлар шохи Алпарслон (1063-1072 йилларда) саройида вазирлик мансабида ишлаб, барча давлат ишларини одилона бошқарагани учун ана шу даврда «Низомумулк» яъни мулкнинг низоми, тартиби номи билан шуҳрат қозонган.

Ҳатто, Алпарслон ўлдирилганидан кейин ҳам Низомумулк унинг ўғли Маликшох (1072-1092 йиллар) саройида вазирлик вазифасини бажарган. Давлатнинг сиёсий ҳаётидан бекиёс хизматлари учун Маликшох уни ўз ҳомийиси – отабек деб атаган.

Вазирлиги даврида у олимларга, машхур кишиларга ҳомийлик қилиб, ёрдам кўрсатган. Улуғ олим ва шоир Умар Ҳайём ҳам Низомумулкнинг оқилона сиёсатидан баҳраманд бўлган.

Амир Темур ақлли, билимдон ва ҳушёр вазир мамлакат ҳаётининг турли жабҳаларида жуда катта куч эканлигини, подшоҳнинг бошига тушган муҳим ва мушкул ишларни тадбиркорлиги ва узоқни кўра билиши билан осонлаштиришини олийжанобларча эътироф этади. «Бундай вазирни эъзозлаб, иззат икорм этсинлар, давлат шериги билиб, азиз тутсинлар, зинҳор унинг сўзидан чиқмасинлар, у нима деган бўлса, бари ақл кўзгусидир» дея қайта таъкидлар экан, шундай ҳурматга сазовор вазир сифатида Низомумулкни мисол келтиради.

Шу билан бир қаторда Амир Темур ўз тузукларида Низомумулкнинг давлат арбоби сифатида эслаб, шундай дейди.

«Масалан, Маликшоҳ Салжуқий ўз вазири Низомумулкни мархабасидан туширди. Вазир бошдан – оёқ яхши сифатларга ўралган эди. Унинг ўрнига зоти паст, ёмон бир кишини вазир қилиб тайинлади. Бу шумқадам вазирнинг қабиҳ ишлари, зулми-ситами ва нафси бузуклиги касофатидан салтанат биноси бузила бошлади».

Ҳақиқатан ҳам, Маликшоҳ ўлимидан кейин унинг авлодлари ўртасида таҳт учун кураш бошланган ва Низомумулк вазирликдан четлатилган. 1092 йили 14 октябрда Низомумулк Бағдод сафари йўлида Наҳованд шаҳри яқинида Абу Толиб исмли ёлланган қотил томонидан ўлдирилган.

Ўлимидан олдин Низомумулк 39 бобдан иборат «Сиёсатнома» ёки Сияр ул-мулук («Подшоҳлар турмуши») номли асарни ёзиб, Султон Маликшоҳга бериб қўйиш учун саройнинг маҳсус қотиби Муҳаммад Мағрибий ан- Носихга топшириб, ўзи Бағдод сафарига йўл олган.

Низомумулкнинг сиёсий қараашларида адолатли давлат, одил ҳукмдор, саховатли шоҳ, ҳалқпарвар давлат бошлиқлари фояси илгари сурилган. Унинг фикрига кўра, одил шоҳ давлатни бошқарса, адолатли давлат бўлади. Чунки, ҳукмдор «Оллоҳнинг ердаги ноиби» бўлиб, ўз фуқароларининг ҳуқуқ ва озодлигини, тенглигини ҳимоя қилиш учун керак. Бундай ҳукмдорга ҳалқ эргашади. Ҳукмдорнинг амри барчага қонун вазифасини ўтайди. Ҳукмдор, давлат бошлиғи бўлар экан, унинг асосий вазифаси - ҳақиқатпарвар бўлиш, ҳамда адолатли ҳукм чиқариш, мазлумларни ҳимоя қилишдир.

Адолатли давлат бўлиши учун ҳукмдор ўз атрофига билимли, тажрибали, ҳақиқатпарвар кишиларни тўплаши лозим,

Шу билан бирга шоҳ, энг аввалло, доно, оқил вазирларни хизматга олиши керакка, «улар ҳамма бидъат, фиску-фасодни, ақл кучи, таъсирчан фармон ва қилич зарби билан йўқ қиласидилар», деб таъкидлайди. Демак, ҳукмдор якка ўзи бутун давлатни бошқаришда одилликка, доноликка эриша олмайди.

Шунинг учун ҳам, шоҳ, султонлар доимо вазир танлашга катта эътибор беришлари лозимлиги уқтиради.

Сиёсатнома» асари давлат бошлиғининг фазилатлари, вазирнинг вазифалари, раиятнинг ижтиомий - сиёсий аҳволи билан боғлиқ бўлган ҳикоялардан, фоя ва фикрлардан иборат асардир. Ушбу асарда жамиятда барқарорликни, тартиб-интизомни ўрнатиш учун нималарга аҳамият бериш кераклиги, шариатга жазо бериш, дин ва давлат ўртасидаги муносабатлар кенг талқин этилган.

Низомумулк фикрича, адолат ва саховат хайр – садақадан, ноchor, ноилож кишиларга мадад беришдан, бева-бечоралар, майиб ва ногиронларга хазинадан нафақа ажратишдан ва инсонларнинг ҳуқуқларига риоя қилишдан иборатдир. Амалдорларни тўғри танлаб, уларга кўлларидан келадиган ишлар ва вазифаларни топшириш, бир кишига бир амал бериб, ундан итоат ва ижро фазилатини кутиш давлат бошқарувининг асосий талабларидандир. Ҳар бир ишда

амалдорларнинг маслаҳат билан иш кўришлари кўзда тутилади. Низомумулк шоҳ ҳаёт тажрибасига эга бўлган, жаҳон кезган оқсоқоллар, олиму мўътабар кишилар билан маслаҳатлашиб иш тутиши тарафдоридир.

Асарда хукмдорнинг асосий вазифасидан бири давлатни одилона бошқариш билан бирга ноҳақ қон тўкилишига йўл қўймаслик, бегуноҳ кишини ноҳақ жазоламаслик, умуман, хукмга қатъий эътибор бериши ҳисобланади.

Низомумулкнинг фикрича, раият аҳли, зулму ситам кўрган ҳар бир кишига, умуман норози бўлганлар амалдор ва ҳокимдан бошлаб вазир ва шоҳнинг ўзигача қабулларига бориб, шикояти ёки маслаҳатини баён қилишлари лозим. Шунга кўра у шундай ёзади «Подшоҳ ҳафтада икки кун зулм кўрганларни қабул қилиб, золимларнинг додини бериб, жазолаб ва раият сўзларини бевосита эшитиб бориши керак. Агарда худованд подшоҳ додхоҳларини олдига чақириб, ҳафтада икки маротаба уларнинг сўзларини эшитади ва золимларнинг жазосини беради, деган хабар мамлакатга тарқалса, унда ситам қилувчилар оқибатини ўйлаб қўрқиб бедодлик қилмайдилар».

Умуман, асар ўз даврининг сиёсий-ҳуқуқий масалаларини ёритишида муайян тарихий ва афсонафий шахслар, сулолар ва салтанатлар тарихидан, ўтмишидан фойдаланиб, ҳамда ўз замонасидаги салбий муносабатларни ўрганиб, таҳлил қиласди.

Ўша даврда ҳам ҳасадчи ва ғаразли амалдорлар борлигини, саройдаги макрлар, амалдорларнинг бир-бирига қасд ва душманликларини, ҳалқ ва салтанатга зиён эканлигини таъкидлаб шундай ёзади «Бизнинг замонда, - амирлар бир ҳаром динордан чўчимайдилар, ҳақиқатни ёлғонга чиқариб, иш оқибатини ўйламайдилар». «Хозир шундай замон бўлганки, юз мусулмоннинг қони тўкилса ҳам, бироннинг заррача иши йўқ. Олтинларни олганда ҳам биронни жавобгар қилмайдилар, ишни охиригача олиб боролмайдилар. Ажаб дунё, бундан кейин нима бўлар экан?!».

«Сиёсатнома»да жамият аъзоларининг ижтимоий-аҳлоқий жиҳатлари кўпроқ ўрганилганки, шу асосда жамиятга зарар етказадиган аҳлоқсизлик, тартибсизлик, шумлик, бироннинг ҳақини бермаслик, зикналик каби иллатлар, ҳамда уларнинг оқибатлари орқали ҳуқуқий масалаларга эътибор берилган.

Низомумулк жамият аъзоларининг манфаатларини ҳимоя қиласди, унинг фикрича, давлат бошлиқларининг ўзлари ҳам ўзлари чиқарган фармонларга, амрларга содик бўлишлари лозим.

Шоҳ, султон фармонларини бажариш ҳамма учун мажбурий.

Чунки фуқароларнинг ўз давлат бошлиқларига бўйсунмаслиги давлатга қарши қаратилган жиноятдир.

Умуман, Низомумулк жиноятларни қуидагича турларга, яъни давлатга, давлат бошлиқларига қарши қаратилган жиноятлар, дин билан боғлиқ жиноятлар, ҳамда шахсга қарши қаратилган жиноятларга ажратади.

Низомумулкнинг фикрича, давлатга қарши қаратилган оғир, ижтимоий ҳавфли жиноятлардан бири – бу шоҳ, султон ва унинг оила аъзоларига қарши қаратилган, давлат мулкини талон-тарож қилиш, солиқ тўлашдан бош тортиш, шоҳ фармонларига бўйсунмаслик, мажбуриятларни бажармаслик жиноятлари киради.

Шунинг учун ҳам, бу каби жиноятларни кечириб бўлмайди, уларга жазо белгилашда ушбу жиҳатларга алоҳида эътибор беришни таъкидлайди.

Жиноятларга жазо тайинлашда, аҳолининг ижтимоий табақасига қараб турлича берилган. Масалан, Низомумулк фикрича, оддий фуқаро томонидан содир этилган жиноятга қараб, агар бу жинояти мол-мулкка қарши қаратилган бўлса, унда етказган зарарига қараб, мол-мулкини мусодара этиш, ёки оғирроқ жазо турларини қўллаш мумкинлигини масалан, калтаклаш, жарима каби жазоларни белгилаш мумкин. Давлат мансабдорларига нисбатан эса худди шундай

содир этган жинояти учун биринчи карра «оогоҳлантириш», кейинчалик эса бажариб турган вазифасидан бўшатиш, ёки имтиёзлардан маҳрум этиш билан жазолаш белгиланган.

Энг оғир жиноятлардан яна бири давлат бошлиғига итоат этмаслик, ҳукмдор фармонларини бажармаслик бўлиб, бу каби жиноят учун барча фуқароларнинг жавобгарлиги назарда тутилган.

Низомумулк ушбу асарни давлат бошлиғига панд – насиҳат тарзида битганки, унга кўра, подшоҳ салтанатни мустаҳкамлаш учун жазони қатъиятлик билан белгилаши, жазо муқаррарлиги билан барчага тегишлилиги, яъни жиноят содир этган бўлса, ҳамда олий қози – судья ҳукмдорнинг ўзи эканлигини таъкидлайди.

Мабодо, шоҳ, султон жиноятларга ўз вақтида жазо белгиламаса, сарой амалдорлари ҳам, оддий фуқаро ҳам, шохга итоат этмай қўяди. Масалан, ўзбошимчалик билан, шоҳнинг буйруғисиз раиятдан солик ундириш, ёки соликнинг миқдорини ошириш, амалдорлар томонидан давлатга қарши қаратилган жиноятдир. Сабаби, бундай ҳолатда халқ ўз ҳукмдоридан норози бўлади ва бу халқ қўзғолонига сабаб бўлади. Бундай ҳолат учун сарой амалдорларининг очқўзлиги, илмсизлиги, золимлиги сабаб бўлади. Низомумулкнинг фикрича, ҳукмдор бундай нопок кишиларни вазифасидан бўшатиши, ҳатто жазолаши лозим.

Давлатни идора этишда амалдорлар катта ўрин тутишларини яхши тушунган Низомумулк уларни тўғри танлаб, жой-жойига қўйишни, ҳар бирига лойиқ амал бериб, асосий мақсад йўлида тарбия қилишни муҳим талаблардан бири деб ҳисоблайди. Ҳар қайси амлдорни тарбиялашга кўп вақт кетиши ва мушкул иш эканини тушунириб, ҳокимларга қўл остидагиларни эҳтиёт қилишни маслаҳат беради. Амалдорнинг хатосини кўриб, уни дарров ишидан олиш нотўғрилигини таъкидлаб, бундай хато учун биринчи галда кечириб, яна хато қилмаслиги учун тўғри йўлга бошлаб ҳимоя қилиш кераклигини айтади.

«Сиёсатнома»да давлат бошқарувига алоқадор қонун ва қоидалар, усул ва воситалар, қози ва қозихона ишлари, қўшин ва сарбозлар масалалари, сарой амалдорларининг вазифалари, маошлари, хазина ва элчилик масалалари, солик, закот масалалари кенг ёритилган бўлиб, бу асар бугунги кунда ҳам сиёсатчиларга, давлат амалдорларига, давлатчилик масаласига қизиқувчиларга дастур бўла олади.

Бурхонуддин Марғинонийнинг ҳуқуқий қарашлари

Шарқ уйғониш даври шундай қомусий олимларни юзага чиқарди-ки, уларнинг жақон маданияти ва илму фанига қўшган ҳиссаси ҳанузгача ҳайрат билан эътироф этилади. 2000 йилда таваллудининг 910 йиллиги нишонланган Бурхониддин Марғиноний ҳам ана шундай буюк сиймолардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганлариdek, «Ислом дунёсининг буюк алломаси, машҳур «Ҳидоя» асарининг муаллифи, XII аср бошида таваллуд топган улуғ зот Бурхониддин Марғиноний ҳам шу замин фарзандидир».

Буюк факих Абул Ҳасан Али ибн абу Бакр ибн Абдул Жалил ал-Фарғоний ар-Риштоний ал-Марғиноний 1123 йил 23-сентябрда туғилган. Ул зотнинг Бурхонуддин вал-милла деган шарафли номлари халқ орасида машҳур бўлган. Ул зотнинг нисбаларидаги ар-Рищдоний нисбасини ал-Марғиноний нисбасидан олдин бўлишининг сабаби, бир томондан, алломанинг айнан Рищдонда туғилганлиги бўлса, иккинчи томондан эса, ўрта асрларда Рищдон Марғилондан кўра каттароқ шаҳар бўлган. Шунинг учун ҳам Рищдон Марғилондан олдин қайд этилган.

Бурхонуддин Марғиноний қуръони, ҳадис илмини мукаммал эгаллаб, фикҳ – ислом ҳуқуқшунослиги борасида чукур илмга эга бўлганлиги учун

Бурхон уд-дин ва-л-милла ва Бурхонуддин ал-Марғиноний номлари билан машҳур. «Бурхонуддин» - дин ҳужжати, дин далили, диннинг ифтихори каби маъноларни англатади.

Бурхониддин Марғиноний яшаган давр Шарқ (мусулмон) уйғониш даврининг жамият, маданият ва фан тараққиёті ҳамда фикҳ илмиға катта зарурат туғилған бир даврга тұғри келған.

Фиҳқ илми бўйича у ёзган асарлар айниқса, «Ҳидоя» китоби ўша даврда мавжуд ҳамда катта амалий аҳамиятга молик бўлған қўплаб ҳуқуқий муаммоларни ечишга қаратилған.

1178 йилнинг апрел ойида Самарқандда ёзиб тутатган бутун ислом оламида машҳур асари «Ҳидоя» бўлиб, асарда ҳуқуқий масалалар хусусида кенг тўхталған.

Шу каби Бурхониддин Марғинонийнинг асосий фикҳий асарларига қўйидагилар киради:

- 1.«Наширул мазҳаб»;
- 2.«Китоб ал-маносакул-ҳажс»;
- 3.«Китобун фил-фароиз»;
- 4.«Китобул ҳмашойих»;
- 5.«Бидоятул-мубтадиъ»;
- 6.«Кифоятул-мунтақий»;

7.«Ҳидоя» шулар жумласидандир. Лекин санаб ўтилған асарлар ҳақида тўлиқ бир тасаввур йўқдир. Чунки ўрта аср фаҳиқларининг кўпгина асарлари каби, Бурхониддин Марғинонийнинг ҳқам асарларининг ҳаммаси бизгача етиб келмаган. Шулардан «Ҳидоя» асари ҳақида гапирадиган бўлсак, умуман Шарқда «Ҳидоя» номли анъанавий ёзиш усули бўлған. «Ал-ҳидоя» арабча сўз бўлиб, «тўғри йўлдан олиб бориш», «ишенчли қўлланма» маъносини беради. Машҳур турк қомусий олими қотиб Чалабийнинг «Кашф аз-зуннун» асарда берилган маълумотга кўра, «Ҳидоя» номи билан боғлик 70 дан ортиқ асар мавжуд. Бу асарлар фалсафа, мантиқ, табиат, илоҳиёт, фикҳ фанлари тўғрисида бўлған.

Бурхониддин Марғинонийнинг эса «Ҳидоя» асари бутун мусулмон оламида машҳур бўлиб кетган, ислом ҳуқуқи-фиҳқ илми бўйича энг аниҳ, изчил, мукаммал асар сифатида тан олинган.

Бурхониддин Марғиноний олдида унга қадар турли муаллифлар томонидан ёзилған юзлаб ҳуқуқий мажмуалар ва фатволарни ўрганиш ва улар асосида мавжуд ҳуқуқий муаммоларнинг жавобини топишдек мушкул вазифа турган. Уларда минглаб масалалар, айрим муайян аниқ муаммолар бўйича ўнлаб фикр мулоқазалар, ҳатто бир-бирига қарама-қарши турган назариялар мажуд бўлған.

Лакнавий ўз мукаддимасида «Ҳидоя»нинг биринчи қисмида зикр этилган сахобалар ва тобеинлар исмлари 50дан кўпроқ, тоифа ва уруғлар номи 12 та, жўғрофий ва тарихий жойлар номи 55 та эканлигини кўрсатиб, уларнинг ҳар бири ҳақида маълумот бериб ўтган. Шунингдек у, 90 дан ортиқ буюк фаҳиқлар, имомлар, мужтахидлар, жумладан, машҳур сахобалар ва муҳаддислар исмларини ва уларга тегишли бўлған маълумотлар бор.

Бурхониддин Марғиноний «Ҳидоя» асарининг назарий манбаларини қўйидагилар ташкил этади:

биринчидан, қуръони Карим оятлари;
иккинчидан, дастлабки тўрт халифа, сахобалар ва тобеинларнинг ривоятлари, улар хабар қилган муқаддас ҳадислар;
учинчидан, суннийлик оқимидағи тўрт мазҳаб асосчиларининг асарлари ва бошқа манбалар.

Бурхониддин Марғиноний «Ҳидоя» китобини ёзишда ўзига хос қайтарилмас услуб яратган.

«Ҳидоя» китобида ҳуқуқий масалаларнинг ечими дастлаб фикҳ илмининг йирик олимлари фикрларининг баёни ва унга бошқа муаллифларнинг эътиrozлари ёки қўшилишларини изҳор этиш йўли билан берилған. Ана шундай обрўли фаҳиқлар фикрларидан келиб чиқиб, муайян ҳуқуқий масалаларда энг маъқул ечимни танлаб олиш йўлига амал қилинган. Шу тариқа ундан конуннинг айнан ифодасигина эмас, балки унинг мукаммал шархи ҳам асослаб берилған. «Ҳидоя» асарида ҳар бири нихоятда қисқа ва муҳтасар, ҳамда фикҳий

ҳукмларни ифодаловчи жумлаларнинг қар бири алохидат ўзига хос шаклда берилган. Масаланинг аслига, насснинг иллатини мустақил ақлий далил қилиб келтирғанлар. «Ҳидоя» китоби, суннийлик оқимида ҳанафий мазҳаби бўйича, энг муҳим ва энг мукаммал ҳуқуқий манба сифатида 57 та китоб, 165 та боб, 152 та фаслдан таркиб топган бўлиб, мерос ҳуқуқидан ташқари, фурӯъ-ул фикҳнинг барча соҳаларини қамраб олади. «Ҳидоя»нинг ҳар бир жилди турли муаммоларнинг ҳуқуқий ечимига бағишиланган.

Биринчи жилди 5 китобдан иборат бўлиб, таҳорат ва амалий ибодатлар (намоз, рўза, закот ва ҳаж)га бағишиланган.

Иккинчи жилдидаги никоҳ, талоҳ, қулларни озод қилиш, шерикчилик ва вакф ҳуқуқи каби масалалар киритилган.

Айнан «Никоҳ» китобида шундай ёзилади: яъни (Никоҳ сўзи- «Никоҳ», ўйлантиrmок каби маъноларни беради, ҳамда «гувоҳларсиз никоҳ эмас», дейилади.

Учинчи жилдидаги олди-сотди, пул муаммолари, кафолат, гувоҳлик, ваколат, даъво, сулҳ, ҳомийлик ва қозиларнинг вазифалари, берилган гувоҳликдан қайтиш, иқрор бўлиш, қарз бериш, ижара, пулни сақлашга бериш, гувоҳликдан қайтиш, босқинчилик каби масалаларга эътибор берилган.

Тўртинчи жилдидаги шафоат, меросни тақсимлаш, овчилик, дехқончилик ва боғдорчилик, жиноятлар, хун ҳақи тўлаш, васият ҳусусидаги масалалар киритилган.

Асарда шариат судлари-қозилар, уларнинг олдига қўйиладиган мақсад ва вазифалар, иш юритиш, жазо, ҳукмни ижро этиш масалаларига бағишиланган маҳсус китоб «қозининг мажбуриятлари» деб аталади.

«Ал-Ҳидоя»га кўра, қозилик вазифасига шундай кишилар тайинламоги лозимки, у киши шу вазифани бажара олиши, фикҳ илмини яхши билиши, қарорлар қабул қила билиши, адолат тарафдори бўлиши лозим.

Агар қозиликка тайинланадиган шахс озод, мусулмон бўлмаса, вояга етмаган, тухматда айбланган бўлса, унган бу вазифа берилмаган. Демак, қози исталган шахс эмас, балки қози ақли расо, ҳуқуқ ва муомала лаёкатли, фикҳ илмидан хабардор киши бўлиши мумкин бўлган.

Қозиликка тайинланган шахслар ўз мажбуриятларини масжида ёки ҳалойиқ олдида, ўз ўйларида олиб боришилари керак бўлган. Энг яхши жой жомеъ масжидлари бўлган. Уларнинг пора ундиришилари, ўз қариндош-уруғлари ва яқин дўстларидан, бошқа шахслардан совға-салом олишлари мумкин бўлмаган. Аммо қариндош – уруғлари ҳам қонунга қарши ҳаракат содир этган бўлса, қози ундан совға-салом олишдан воз кечиши зарур бўлган. Ҳар бир қози ўз фаолиятида бошқа қозиларни адолат билан ишлашга ундаши, қуръони Карим ва суннатларга риоя қилишиликни талаб этиши лозим.

«Ҳидоя»да кўрсатилишича, гувоҳларнинг кўрсатмалари судда далил сифатида қўлланилар экан, унга қози катта эътибор бериши лозим.

Судда агар даъвогар жавобгарга бирор нарсани даъво қилсаю, жавобгар бундан тонса, у ҳолда жавобгар ўзининг гуноҳсизлигини гувоҳлар орқали исботлаши керак ва бундай ҳолларда жавобгарга ишониш керак.

«Ҳидоя»да келтирилишича, гувоҳнинг кўрсатмалари судда асосий далил, исбот вазифасини ўтар экан, гувоҳлик маъсулиятни талаб этади. Яъни гувоҳлик кўрсатмаларини бериш бу фарз, яъни мусулмонларнинг мажбуриятларидан биридир. Шунинг учун ундан била туриб, бўйин товлаш мумкин эмас. Шу билан бирга, қўллар, чўрилар, тухматчиликда айблангандар ва шу каби илгари ҳам суд қилинган кишиларнинг гувоҳ бўлишларига йўл қўйилмаган.

Унинг «Ҳидоя» асари шарқшунос олимлардан Броккельман, Флюгер, Розен, Марс, Крачковский, Семенов ва бошқалар дикқатини тортган ва уларни жиддий хулосаларига асос бўлган. Шунинг учун қам «Ҳидоя» асари ҳозирги кунга қадар фикҳ бўйича энг яхши қўлланмалардан бири бўлиб қолмоқда.

«Ҳидоя» асарининг тарихий аҳамияти шундаки, у Мовароуннаҳр фиқҳ мактаби ва ханафий мазҳабига оид энг обрўли манбадир.

«Ҳидоя»нинг кўлёзма ва босма нусҳалари Англия, Германия, Туркия, Россия, Франция ва бошқа мамлакатлар қўлёзма хазиналарида сақланмоқда.

Зеро, юртбошимиз таъкидлаганидек, “Бизнинг келажаги буюк давлатимиз ана шу фалсафага уйғун ҳолда, Ҳўжа Аҳмад Яссавий, Ҳожа Баҳовуддин Нақшбанд, Имом Бухорий, Имом Термизий, Амир Темур, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо сингари мутафаккир аждодларимизнинг доно фикрларига уйғун ҳолда шаклланиши лозим» экан, фуқаролик жамиятини шакллантиришда ушбу мутафаккирлар сиёсий-хуқуқий меросини ўрганиш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамият қасб этади.

Мустақиллигизнинг дастлабки кунлариданоқ аждодларимиз томонидан кўп асрлар давомида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди». ³

• **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганларидек, «Мана шу қуттулғуз заминимизда туғилиб вояга етган, муборак номларини бутун ислом дунёси чексиз эҳтиром билан тилга оладиган Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Ҳўжса Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Абдуҳолиқ Гиждувоний, Замаҳшарий каби пири комилларимизни назарда тутмамиз. Чунки бу буюк инсонларнинг азиз номлари, ўлмас мероси муқаддас динимиз билан чамбарчас боғланиб кетган. Уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Биз динимизни бу улуг номларсиз, бу улуг номларни эса динимисиз тасавур қила олмаймиз.**

• **Биз бу мутафаккирларимизнинг қуттулғуз меросидан бутун ҳалқимиз, жумладан, ёшларимизнинг ҳам баҳраманд бўлишига, уларнинг мана шундай маънавий камол топишига, ислом динининг инсонпарварлик фалсафаси буюк гоялари ёш авлод юрагидан ҳам жой олишига шароит яратмоқдамиз».**

• **Ҳақиқатан ҳам, ушбу бой тарихий, маънавий меросимизда алоҳида ўрин эгаллаган, ислом дини ва диний таълимотларнинг асосий ғояларини фақатгина мустақиллигимиздан сўнг ўргана бошладик, илмий тадқиқ этиш, фуқароларнинг виждан эркинлиги кафолатланишига эришдик, десак муболаға бўлмайди.**

• **Ислом динининг жамиятда тутган ўрни ҳақида юртбошимизнинг сўzlари:** «Ислом дини – бу ота- бобларимиз дини, у биз учун ҳам имон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат ъканлигини унутмайлик. У қуруқ ақидалар йигиндиси эмас. Ана шу маърифатни кишиларимиз жон-жон деб қабул қиласидилар ва яхши ўгитлрага амал қиласидилар. Мехр – оқибатли, номусли, ориятли бўлишга, иззат-эҳтиром тушунчаларига риоя этишга ҳаракат қиласидилар».

Ислом динида илгари сурилган ҳаллоллик, адолат, инсонпарварлик, меҳр – муҳаббат гояларини ўрганиш эса доимо долзарбdir.

Унинг долзарблиги ва аҳамияти асрлар давомида давлат бошлиқларини, олиму-фузалоларни, донишмандларни қизиқтириб келган.

Бугунги кунда ҳам, давлатимиз томонидан амалга ошишга қаратилган фуқаролик жамиятида ҳам – виждан эркинлиги масаласи долзарб муаммолардан биридир.

Адабиётлар:

1. И.А. Каримов “Ўзбекистон буюк келажак сари”. –Т.: Ўзбекистон, 1998 й.
2. И.А. Каримов “Адолатли жамият сари”. –Т.: Ўзбекистон, 1998 й.
3. И.А. Каримов “Биз танлаган йўл- демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли”. –Т.: “Ўзбекистон”, 2003 й. 11-том.

³ Каримов.И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари». –Т., Ўзбекистон, 1998. 524-бет.

4. И.А.Каримов.Эл-юртга ҳалол,вижданан хизмат қилиш-ҳар бир раҳбарнинг муқаддас бурчи. Халқ сўзи.2004й. 26-май сони.
5. Ҳ. Бобоев, З. Фофуров “Ўзбекистонда сиёсий ва маънавий-маърифий таълимотлар тараққиёти”, –Т.: “Янги аср авлоди”, 2001 й.
6. Ҳ.Б.Бобоев. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Т., 2004.
7. Й. Жумабоев “Ўзбекистонда фалсафа ва ахлоқий фикрлар тараққиёти тарихидан”, – Т.: “Ўқитувчи”, “Зиё нашр”, 1997.
8. Ф. Мухиддинова “Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи”.
9. Ж. Тошқулов “Ўзбекистон ҳалклари сиёсий ҳуқуқий фикрлар тарихи”. –Т.: “Ўзбекистон”, 1996 й.
10. Низомулмулк. Сиёсатнома.
11. “Темур тузуклари”. –Т.: “Ғ.Ғулом”номидаги нашр. 1991.
12. Ф.Мухиддинова. Форобийнинг ҳуқуқий қарашлари. Т., 2002.
13. Ф.Мухиддинова.М.Ҳамидова. Ҳожа Самандар Термизийнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашларида жиноят ва жазо масалаларининг акс этиши. Т., 2005.
14. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси 2001 йил
15. Ўзбекистон Республикаси Энциклопедияси – 1997 йил
16. Ўзбекистонда сиёсий ва маънавий – маърифий таълимотлар тараққиёти (2001 йил)
17. Туленев Ж. Фофуров З. Юсупов К. Истиқлол ва тараққиёт мағкураси: мақсад ва ўйналишлари. –Т.: Ўзбекистон, 1993
18. Эркаев А. Маънавий эҳтиёжнинг юксалиши. «Мулоқот» 1997, 4-сон.
19. Юсуф Ҳос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Т., 1990.

Амир Темурнинг сиёсий –хуқуқий қарашлари

Амир Темурнинг сиёсий ва хуқуқий қарашлари

Режа:

1. Амир Темур ва ўрта асрлар Шарқ Уйғониш даври тараққиёти.
2. Амир Темур марказлашган давлат асосчиси. Амир Темур сиёсий-хуқуқий таълимотининг шаклланиши ва ўзига хос хусусиятлари. Амир Темурнинг сиёсий-хуқуқий қарашлари. Амир Темур салтанатида давлат бошқаруви масалалари.
3. Амир Темурнинг сиёсий-хуқуқий қарашларида амирлар, вазирлар, қозилар: уларга кўйилган талаблар. Амир Темур сиёсий-хуқуқий қарашларида адолат талқини. Амир Темурнинг сиёсий-хуқуқий қарашларини ўрганишнинг янги даври ва ўрганганлик даражаси. “Темур тузуклари” нинг яратилиш тарихи.
4. Амир Темур „Тузуклари“ ва сиёсий-хуқуқий қарашлар. Амир Темурнинг темурийзодаларга панд-насиҳат ва ўгитлари. Амир Темур ўгитларида давлат ва адолат тамойиллари.
5. Амир Темурнинг сиёсат, давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги таълимотининг темурийлар давлати бошқарувидаги, шунингдек Ўзбекистонда мустақил ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва ривожланишидаги тарихий аҳамияти.

“Адолат ва ҳақиқат гояси ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олмоги даркор. Адолат ва ҳақиқат гояси қонунчилик фаолиятимизнинг замини, бои йўналиши бўлмоги шарт”⁴.

“Раҳбарликнинг энг буюк мезони адолат. Бу сўзнинг замерида бутун ҳалқ тақдирни, жамият истиқболи, мамлакатимиз келажаги мужассам бўлган. Буни чуқурроқ тушунайлик, чуқурроқ англайлик. Адолат ҳамма нарсадан устун бўлиши керак.

“Куч-адолатда” деган Амир Темур бобомизнинг бизга қолдирган ўгит-насиҳатларини эсимиздан, хаёлимиздан чиқаришига ҳаққимиз йўқ.”.

I.A.Каримов.

Амир Темур ҳижрий 736 йил милодий 1336 йил далилларда қашқадарё воҳасининг Шаҳрисабз (Кеш) беклигига қарашли Хўжаилғор қишлоғида, барлос Тарағай хонадонида таваллуд топган.

Темур ёшлигидан яхши таълим ва тарбия олган. Ўсмирилигидан қуръонни ёддан билган. Ёшлигиданоқ диний ва дунёвий билимларни ҳам эгаллаган, найзабозлик, чавандозлик ва ҳарбий машқларни ҳам пухта эгаллаган.

Амир Темур сиёсий майдонга тарихан ўта мураккаб вазиятда XIV асрнинг 60-йилларида, яъни мўғуллар кураши даврида чиққан.

Ушбу даврда Чифатой улусига қарашли бўлган ҳудудларда феодал тарқоқлик кўчайган бўлиб, тожу-тахт учун курашлар авжига чиққан эди.

Мовароуннахрда маҳаллий ҳалқ икки томонлама ҳам муғгуллар зулмидан, ҳам маҳаллий ҳокимлар ўртасидаги курашлардан азоб чекар эди.

Ана шундай оғир сиёсий вазиятда ўзбек давлатчилиги тарихида марказлашган давлат барпо этишни Амир Темур бош мақсад қилиб олган эдики, уни биз ушбу мавзуда ёритмоқчи бўлган соҳибқироннинг сиёсий–хуқуқий қарашларидан ўрганамиз.

Амир темур салтанатни бошқаришда 4 та нарсага амал қилган, улар:

Кенгаш

Маслаҳат

⁴ И.А.Каримов. Ватан саждагос каби муқаддасдир. Т.3. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -Б.11.

Қатъий қарор, тадбиркорлик ва хүшёрлик

Эхтиёткорлик.

Мамлакатни 12 қоидага таяниб бошқаргани қўйидагиларда ўз аксини топган
Биринчиси, ҳар ерда ва ҳар вақтда ислом динини қўллаб-куватладим,
Иккинчиси, Кенгаш, машварат, маслаҳат ва сабр-тоқат билан муросаю-мадора қилиш
орқали бошқариш.

Учинчиси, салтанат ишларини тўра – тузукка асосланиб, яъни қонун-қоидага, ўрнатилган
тартибга кўра юргизиш.

Тўртингчиси, давлат ишларини қатъиятлик билан бошқариш.

Бешинчиси, адолат ва инсоф тамойилига асосланиб, «гуноҳкорга ҳам, бегуноҳга ҳам раҳи
қилиб, ҳақоният билан ҳукм чиқариш.

Олтинчиси, салтанатни бошқаришда тежамкорлик, зукколикка таяниш,

Еттингчиси, сайидлар, тарихичилар, оқилу донолар, муҳаддисларни иззату-хурматлашни
жойига қўйиш,

Саккизингчиси, азму-жазм билан иш тутиш

Тўққизингчиси, раият ахволидан хабардор бўлиш, улуғларни ота ўрнида кўриш,
кичикларни фарзанд ўрнида кўриш

Ўнинчиси барча ҳалқ ва миллатни хурмат қилиш.

Ўн биринчи дўст, душман билан келишиб яшаш

Ўн иккинчиси дўст душманлигига қарамай сипоҳийларни хурмат қилиш.

Амир Темур давлатни идора этишда турли табақалар ва тоифалар билан биргаликда иш
юритган. «Давлат, салтанат устунларини ўшалар билан қувватлаб, мажлисларни шулар билан
зийнатладим. Салтанатим мартабаси бўлмиш тўра-тузуклар ва қонун-қоидаларни ҳам ўн икки
тоифага боғлаб туздим. Бу ўн икки тоифани салтанатим фалакининг ўн икки буржи ва давлатим
корхонасининг ўн икки ойи деб ҳисобладим,-деб ёзди соҳибқироннинг ўзи.

Амир Темур давлатнинг асосини 12 ижтимоий тоифа ташкил этган бўлиб, улар
қўйидагилар:

Сайидлар, уламо, машойих ва фозил кишилар.

Ишбилармон, донишманд одамлар

Художўй тарку дунё килган кишилар

Сипоҳийлар, ҳарбийлар

Раият

Махсус ишончли кишилар

Вазирлар, амирлар

Ҳақимлар, файласуф, донишманд кишилар

Тавсир ва ҳадис олимлари

Ахли хунар ва тарихичилар

Сўфийлар

Савдогарлар, муҳожирлар, саёҳатчилар

Темур салтанатни бошқаришда вазирларни, амирларни, девонбегини, вилоятлардаги
девон ходимлари ва бекларни танлаш, уларни жой-жойига қўйишда номзодларнинг насл-
насабига, ақл-фаросатига, ҳалқпарварлигига, адолатпарварлигига, зийраклиги-ю, одамлар билан
муомаласига катта эътибор берган. Унинг фикрича, давлат ҳокимияти зўрованлик билан эмас,
балки ўз ҳукмининг таъсирчанлиги ва адолат билан бошқарилишига таянмоғи керак. У
вазирлардан қўйидаги ҳислатларга эга бўлишни талаб этган

биринчиси, асллик, тоза насллик,

иккинчиси, ақл-фаросатлилик,

учинчиси, сипоҳу раият ахволидан хабардорлик, хушмуомалалик,

тўртингчиси, сабр-тоқатлилик. Шундай ҳислатларрга эга бўлган вазирга тўртта имтиёз:

ишенч, эътибор, ихтиёр ва ҳокимият берган.

Амир Темур вазирни ўз мансабига тайинлашда уни давлат бошқарув ваколатларини ҳам аниқ белгилаб берган.

Бу ҳақда Амир Темур «Давлату салтанат, - уч нарса мулк, хазина ва лашкар билан тирикдир. Доно вазир буларнинг ҳар учаласини тадбиркорлик билан яхши аҳволда, саранжом тутади,- деб таъкидлайди.

Амир Темур доно вазирнинг сифатлари ҳақида сўз юритар экан, бундай вазир салтанат ишларини сабр-тоқат билан ҳал этади, дейди, ҳамда бундай вазирни салтанат шериги деб атайди.

Доно ва одил вазирларни мамлакатдаги зулм ва инқизорзинг олдини олувчи деб билади. Унинг фикрича, агар, подшоҳ золим бўлиб, вазири одил бўлса, жабр-зулмни тўхтатиш мумкин, лекин вазир золим бўлса, салтанат ишлари тез муддатда инқизорзга учрайди.

Қайси вазир соғфлик, тўғрилик ва адолат билан вазирлик ишини бошқарса, давлатнинг хазинасига хиёнат қилмай бажарса, бундай вазирларни мартабасига ўтказиш зарур, деб ҳисоблаган.

Амир Темур салтанатни бошқаришда, авввало, мамлакатнинг осойиштилиги, раиятнинг ижтимоий аҳволи, иккинчидан, салтанатнинг событилиги ва ниҳоят подшоҳнинг келажаги вазирнинг донолигига боғлиқлигига катта эътибор берган.

Амир Темур давлат ишларини юритишида уламолар, илм-фан аҳллари умуман ўн икки ижтимоий табақага таянган.

Жумладан, бу ҳақда, «Фан ва диннинг машҳур кишилари ўз маслаҳатлари билан подшоларга ёрдам бериб келганлар. Менинг мақсадим мамлакатда адолат ўрнатиш, тартиб ва тинчликни мустаҳкамлаш, фуқаронинг турмушини яхшилаш, юртимизда кўрилишни кўчайтириш, давлатимизни ривожлантиришдир. Сизлар бу ишларни амалга оширишда менга ўз маслаҳатларинигиз билан кўмаклашларингиз керак. Мамлакатнинг аҳволи, девоннинг суиистеъмол қилинганлиги ва қилинаётганлиги, оддий одамларнинг жойлардаги ҳокимлар тмомонидан қисиб қўйилиши каби ҳолатлар ҳаммадан кўра сизларга аёндир. Шулар ҳақида маълумот берсангизлар, бу каби адолатсиз ишларни бартараф этувчи ҳамда шариат ва қонунларга мувофиқ чора-тадбирларни айтсангизлар яхши бўлур эди,- деб олиму-уламоларга мурожаат қиласди.

«Темур Тузукларида» ёзилишича, Амир Темур давлатни бошқаришда кенгаш ва маслаҳатга катта эътибор берган.

«Давлат ишларининг тўққиз улуши кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улуши эса қиличдир.» Демак, соҳибқирон ўз салтанатини кенгаш, қурултой, машварат ва тадбиркорлик билан бошқарган. «Гузуклар»да, юз минг отлиқ аскар қила олмаган ишни бир тўғри кенгаш билан амалга оширдим, деб ёзади.

Қурултойда давлатнинг энг муҳим масалалари кўриб чиқилган. Шулардан бирида, яъни 1369 йилнинг 8 апрелида Балудаги қурултойда, Амир Темур Мовароуннаҳрнинг амири деб эълон қилинади. Қурултойда шаҳзодалар, амирлар, вазирлар, ҳарбий бошлиқлар, таклиф этилган бошқа давлат элчилари иштирок этган.

Қурултойдан кейинда кенгаш-давлат мажлиси турган.

«Гузуклар»да бу хусусда маўсус «салтанат сараойида ўтириш тузуги» мавжуд бўлиб, унда барча мансабдор шахслар ва табақаларнинг мажлис вақтида ўтириш жойи белгилаб қўйилган.

Ушбу қоидага кўра, сайидлар, қозилар, уламо, фузало, машойих ва бошқа олий табақага мансуб кишилар амир таҳтининг ўнг томонидан, амир-ул-умаро, беклар беги, амирлар, сардорлар, шунингдек, ўнбоши, юзбоши ва мингбошилар мансаб даражаларига қараб таҳтнинг сўл томонидан, девонбеги, вазирлар ва уларнинг орқасидан баҳодирлар – таҳт орқасидан ўрин олишган.

Бундай тартиб-интизомни тўрт амир назорат қилган. Уларни – «салтанат қўрғонлари» деб аташган.

Мазкур кенгаш икки кўринишда-катта ва кичик кенгашдан иборат бўлган.

Катта кенгаш – тинчлик пайтида Самарқандда амир саройида чақирилган.

Кичик кенгаш – ҳарбий юришлар вақтида чақирилиб, унда фақат Амир Темурнинг яқин кишилари иштирок этган.

Амир Темур давлатида марказий бошқарув органи Девонхона бўлиб, барча соҳалар бўйича вазирлар томонидан бошқарилган.

Амир Темур ўз салатанатини асосий тўрт вазир ва сарҳадларда ушбу вазифаларни бажариш учун яна уч вазир, жами етти вазир орқали бошқарган. Ҳар бир вазирнинг вазифаси аниқ кўрсатиб берилган.

Биринчи вазир – мамлакат ва раият вазири бўлиб, мамлакатдаги муҳим ишларга, кундалик муаммоларга, раиятнинг ҳол-аҳволига, вилоят ва ўлкалардан олиб туриладиган ҳосил, солик ўлпонлар, уларни тақсимлашга, кирим – чиқимларга, хазина, мамлакатнинг фаровонлигини таъминлашга қарайдиган, ҳамда уларнинг барчасидан Амир Темурни хабардор қилиб турган.

Иккинчи вазир – сипоҳ вазири бўлиб, сипоҳийларнинг маош ва танҳоларини (танҳо-инъом этиладиган мулк, ер-сув) назорат қилиб турган.

Учинчи вазир – зиммасига эгасиз қолган, яъни уруш туфайли ўлиб кетган ва қочганларга тегишли мол-мulkни, хорижий мамлакатлар савдогарларидан олинадиган закот ва божларни, мамлакат чорваларини, ўтлоқ-яйловларни назорат қилиш, ғойиб бўлган ва йўқолганларнинг мол-мulkини меросхўрларга тақсимлаш вазифаси юклатилган.

Тўртинчи вазир – тамом давлат муассасаларининг кирим-чиқимлари, хазинадан сарфланаётган харажатларни назорат қилиб турган.

Бешинчи вазир – адлия вазири бўлиб, девони қузот (қозилар девони, яъни девони адл)га раҳбарлик қилган.

Олтинчи вазир – Девони расоил (ёки Девони иншо) эса хорижий мамлакатлар билан бўладиган савдо-сотиқ ва элчилик муносабатларига мутасаддилик қилган.

Бу давлатдаги вазирлар тизимининг ўзига хос томонларидан яна бири шу эдики, вазирлардан иккитасига ўта маъсулиятли вазифалар юклатилган эди, яъни улар ҳар қандай шароитда ҳам Соҳибқироннинг хатти-ҳаракатларини кузатиб бориши, уни доим тўғриликка даъват этиши, ҳар қандай шароитларда адолат мезонларидан четга чиқишига йўл қўймаслиги лозим эди. Улар Темур фаолиятини мутассил равишда синчковлик билан кузатиб, унга барча ҳақ гапларни айтишдан асло чўчимас эдилар.

«Мен ўзимга адолатли ва раҳмдил тўрт вазирни танладим,- дейилади қиссаи Темурийда. Улардан иккиси Маҳмуд Шаҳоб Хурросоний ва Носириддин Маҳмуд ал-Оромий эди. Бу икки вазиримга доимо мени кузатиб туришларини ва агар мен адолатсизлик қиладурғон бўлсан, дарҳол мени тўхтатаишларини, кимнингдир ёлғон сўзларига инонсанм ёки бегона кимса мулкига хиёнат қилсан, дарҳол мени огоҳлантиришларини таъкидлаб қўйдим».

Амир Темур давлатда адолат ўрнатиш тарафдори бўлиб, ҳар бир шаҳар ва аилоятда қози – судьялар ва муфтийлар аризачиларни қабул қилиб, суд ва судлов ишларини олиб борган.

Амир Темурнинг ҳуқуқий қарашлари унинг тузукларида яққол қўзга ташланади

Салтанатни бошқариш тузуги, Танҳо ва улуфалар бериш тузуги, ўғил ва набираларига улуфа бериш тартиб тузуги, вазир тутиш тузуги, амирлик ва ҳукмдорлик тузуги, сипоҳийларни рағбатлантириш тузуги, сопиҳийларнинг олий даражага кўтариш тузуги, соликлар тузуги, дўст-дushmanга муомала қилиш тузуги, элчилар билан муомала қилиш тузуги....

Раиятдан мол-хирож йиғишини адолат талаблари асосида олиб борган. Сабаби, бундай ҳолатга эътиборсизлик, ёки адолатсизликка йўл қўйилса, мамлакат қашшоқликка юз тутишини анлаган.

«Тузуклар»да, «Ҳар қандай одам менинг девонимдан паноҳ топган экан, гуноҳи бўлса ҳам, уни кечирсингилар, иккинчи, учинчи марта яна гуноҳ йўлига кирса, у ҳолда гуноҳига яраша жазолансин». - деб ёзилади.

Ҳарбий юриш вақтида ҳам қатъий тартиб, қоидалар мавжуд бўлиб, унга кўра, ўнбоши, юзбоши, мингбоши бирин кетин бир-бирига бўйсуниши шарт эди. Мабодо, бу тартиб бузилса, яъни юзбоши мингбошига бўйсунмаса, ёки ўнбоши юзбошига итоат этмаса, албатта уларга нисбатан тегишли жазо қўлланилган.

Кимки, ўз ихтиёри билан сипоҳгарчиликка ўтишни истаса, уни аскарликка олган. Сипоҳ ва раият ахволидан доимо хабардор бўлган.

Амир Темур давлатида ерга ишлов берган киши улуғланган.

«Кимки бирон сахрони обод қилса, ёки кориз кўрса, ё бирон боғ кўкартирса, ёхуд бирон хароб бўлиб ётган ерини обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, иккинчи йили раият розилиги билан берганини олсинлар, учинчи йили эса қонун-қоидасига мувофиқ хирож ийғинлар».

Буни аҳамияти шундаки, аҳолидан шунчаки солиқ йиғиш эмас, балки, аниқ белгиланган тартибга кўра солиқ тизими ўрнатилган.

Мансабни суиистеъмол қилиш, ўз вазифасига лоқайд бўлиш салтанатни издан чиқаришини билган соҳибқирон кучли хуқуқий давлат ўрнатишга ҳаракат қилган. Тарихий манбаларга кўра, Соҳибқироннинг ўғли Мироншоҳ, набиралари Пирмуҳаммад ва Халил Султонлар ўз мансабини суиистеъмол қилиб, маишатга берилгани учун халқ олдида жазога тортилишган, яъни маълум вақтга қадар ҳокимиятдан ҳам четлатилган.

«Тузуклар»да ёзилишича, Амир Темур нафакат ўз авлодларига нисбатан, ёки давлат ишларини бошқаришдаги адолатсизликка нисбатан курашган, балки молия вазирларини ҳам назорат қилган. Унга кўра, молия вазири молия ишларида хиёнат қилиб, хазинанинг бир қисмини ўзлаштириб олган бўлса, аввало, бу ҳолат синчковлик билан текшириб кўриш кераклиги уқтирилади.

Агар олинган маблағи ўзига тегишли улуфа миқдорига teng бўлса, унда уни жазоламай унга совға тариқасида бериш,

Агар ўзлаштирган маблағи маошидан икки баробар ортиқ бўлса, ортиғини унинг маошидан ушлаб қолиш,

Агар маошидан уч баробар кўп бўлса, салтанат хазинасига мусодара қилиш билан жазоланган.

Ҳар қандай содир этилган жиноят учун жазо муқаррарлиги Амир Темур давлатининг тамойилларидан биридир.

Умуман, Амир Темур сиёсий хуқуқий қарашларини ўрганиш Ўзбекистонда хуқуқий давлат қуришда катта аҳамиятга эгадир.

Амир Темурнинг «қаерда қонун ҳукмрон бўлса, у ерда адолат бўлади», деган сўзларида қонунийлик ва қонун олдида барча тенглиги назарда тутилган.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганлариdek, «...бизнинг тарихимизда Амир Темурдек улуғ сиймо бор экан, унинг қолдирган мероси, панду-насиҳати бугунги ҳётимизда ҳамоҳанг экан, олдимиизда турган бугунги муаммоларни ечишда бизга қўл келаётган экан, бизнинг бу меросни ўрганмасдан, таърифламасдан, тарғибот қилмасдан ҳаққимиз йўқ».

Адабиётлар

1. И.Каримов. Амир Темур – фахрмиз, ғуруримиз. Т., 1998.
2. Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. 1994.
3. Қиссаи Темур. Т., 2000
4. Темур тузуклари Т., 1996.
5. Люсьен Керен. Амир Темур салтанати. Т., 1999

6. Эргашев Ш. Демократик ғоя ва бошқарув тамойиллари. Т., 2000.
7. Маматов Ў.Т. Темур тузукларида давлат ва ҳуқуқ масаласи. Т., 2002. Диссертация.
8. Амир Темур васиятлари, маслаҳатлари танбаҳлари. Т., 2000.

Мирзо Улугбек, Бобур ва Алишер Навоийнинг марказлашган ва адолатли давлат тўғрисидаги сиёсий-хуқуқий қарашлари

1. Темурийлар сулоласи ва улар хукмронлик қилган даврдаги сиёсий-хуқуқий тизим.
2. Мирзо Улугбекнинг давлат, қонун, адолат, сиёсат тўғрисидаги фикрлари ва амалиёти. «Тўрт улус тарихи» асарида сиёсий-хуқуқий ғоялар ва уларнинг аҳамияти.
3. «Бобурнома» - сиёсий-хуқуқий ёдгорлик. Унда марказлашган давлат, унинг мақоми, моҳияти, вазифалари, давлатнинг шакллари, бошқарув тизими ва унинг тамойиллари, давлат маҳкамаси, солиқлар, халқ фаравонлиги ва жамият равнақида давлат ва хукукнинг аҳамияти, халқаро хуқуқий муносабатлар ҳамда дин тўғрисидаги қарашлар.
4. Алишер Навоий илмий мероси ва ижодида сиёсий-хуқуқий ғоялар “Тарихи мулукки ажам”, “Садди Искандарий” ва бошқа асарлари). Маърифатпарвар шоҳ ғояси.

«Бобомиз Захириддин Муҳаммад Бобур номи билан ҳар қанча фахрлансанк арзийди. Ўзбек халқининг довругуни дунёга таратган улуг аждодларимиздан бири ўлароқ, ул зот бизни тарихимизни қадрлашига, келажакка буюк ишонч билан қарашига ўргатади.

Бобур каби мумтоз инсонларни дунёга берган халқ ҳеч қачон хор бўлмайди, муқаррар тарзда саодатга эришиади”.

I.A.Каримов.

Алишер Навоий ҳам барча буюк мутафаккирлар сингари ўз даврининг ўша ижтимоий-иқтисодий, сиёсий муносабатларига нисбатан ўз илғор қарашларини билдирган аломмадир.

Навоийнинг дунёқараш коинот, илоҳиёт, инсон, табиат ва жамият ҳақидаги табиий – илмий, ижтимоий-сиёсий, фалсафий, хуқуқий, диний қарашлари у яшаган даврдаги ижтимоий мухит заминида ҳамда ўзидан аввалга асарларда яратилган маънавий бойликлар, цивилизация асосида шаклланди ва ривожланди.

Ўрта аср илк уйғониш даврининг Исмоил Бухорий, Исо Термизий, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро сингари диний алломаларда бўлгани каби Алишер Навоий ҳам бутун олам, борлик, коинот, юлдузлар, ой, қуёш, одамлар, жамики нарсалар худо томонидан яратилганини эътироф этади. Унинг фикрича, бутун олам, жумладан, табиат, жамият ҳам Оллоҳнинг зарурат этилишидир. Навоий инсон олий мавжудот, - деб таърифлайди: инсон оламдаги бутун нарсалардан устун турори, дунёда унга тенг келадиган ҳеч нарса йўқ.

Навоий асарларида ҳалоллик, поклик, ростгўйлик, имонлилик сингари инсонга ярашикли ахлоқий-маънавий фазилатлар эъзозланади.

Инсонни севган ва улуғлаган шоир келажакда маърифатпарвар шоҳ бошчилигига ҳалқларни тенгликка, озодликка, тинчликка эришиш учун курашади. Маълумки, маърифатпарвар шоҳ истаги Ўрта асрларда кўпчилик мутафаккирларга хос хусусият эди. Асрлар давомида мулкдорлар жабр-ситамини ютиб келаётган меҳнаткаш халқ келажакда шундай бир жамиятни орзу қила бошлиядики, у ерда на бой, на камбағал, на миршаб, на ўғри бўлсин. У жамиятда тенг ва озод бўлишини истайди.

Меҳнаткаш ҳалқларнинг асрлар давомида орзу қилиб келаётган «адолатли подшо», «адолатли давлат», «баҳтли ўлка», «қуёш шахри», «озод орол» каби ижтимоий идеаллари кейинчалик мутафаккирларнинг асарларида мустаҳкам ўрин олган. Навоий келажакда инсон номи улуғланадиган, қадрланадиган «баҳтли жамият» орзуси асосида ўзининг бутун бир ҳаёлий адолатли давлатини бунёд қиласи. Искандар ер юзасидаги барча мамлакатларда адолат ўрнатади. Жаҳон ҳалқлари золим подшолардан кутулиб, адолатсиз урушлардан холи бўладилар. Бутун дунёда адолатли ягона тартиб ўрнатилади.

Аввалини ўз мамлакатида адолатли шоҳ бошчилигига давлатга эришиш орзусида бўлган Алишер Навоий дўсти Ҳусайн Бойқаро ҳокимиятни қўлга олгандан кейин унинг таклифига

биноан давлат аппаратида хизмат қила бошлади. Ҳусайн Бойқарониadolатли султонга, унинг давлатиниadolатли давлатга айлантириш учун кўп йиллар давомида ҳаракат қилди. Оқибат Навоий Ҳусайн Бойқарониadolатли подшога айлантириш мумкин эмаслигини тушуниб етгач, вазирликдан истеъфо бериб, маърифатпарвар шоҳ орзуларидан узоқлашиб, ўзининг ҳаёлий образларини яратишга, шу жумладан ўзининг «Садди Искандарий» достонини ёзишга киришиади.

Алишер Навоийнингadolатли, ҳаёлий давлати шакл жиҳатидан монархия шаклидаги давлатларга ўхшасада, лекин монархия жиҳатидан улардан тубдан фарқ қиласди:

Биринчидан, Искандар Шарқ достонларида тасвирланган образларга ўхшаш бўлмасдан, у халқ манфаати учун курашувчи омма томонидан сайланган подшодир;

Иккинчидан, Искандар давлатни идора қилишда тенглик, халқлар дўстлиги, халқларнинг ўз тақдирларини ўзлари белгилаш, инсонпарварлик каби олийжаноб принципларга асосланади. Идрокка, тафаккур қудратига, илм-фан аҳлларига таянган ҳолда давлатни бошқарадилар;

Учинчидан, шоирнингadolатли давлати бир ва бир неча мамлакатни ўз ичига олмасдан, барча қуруқлик ва денгиз океанларини ўз ичига олган бутун дунёда яккаadolатли давлатдир.

Шу билан бирга бўлажак, яъни сайланажак шоҳ қандай фазилатларга эга бўлиши кераклигини ҳам таъкидлайди. Унинг фикрича, бўлажак шоҳ, куёшдек қудратли ва равshan замир-пок юрак, очик кўнгил, биланд идрокли бўлсин, душманга чорасиз ва айна пайтда, мамлакатни эрам боғига айлантирадиган халқпарвар, раиятнавоз, «адолат аро фасли наврўз»дек бўлсин, у халққа зулм қиласиган амалдорларнинг қўлини кесиши, йўлларини қароқчилардан тозалаши, ўғриларни, юрт таловчиларни жазолаши ва жуда одил бўлиши керак.

Анга тахту давлатни маскан қилинг
Бошин тож бирла музайян қилинг
Ким, ул ёғдириб абри эҳсонни,
Эрамдек қилиб мулк бўстонини...
Раиятга қилса қаламзан ситам,
Қаламзанинг илгини қилсун қалам.
...Берib зулмгустарга фарсадалик
Раиятга еткурсун осудалик,

Навоий давлатни бошқариш масаласини, шоҳ бўлишга лойик шахсни топиш ва уни тайинлаш масаласини бевосита халқ билан, жамиятнинг турли табақа вакиллари иштирокидаги анжуманда маслаҳат орқали амалга оширилиши қўллайди. Шу учун ҳам бундай анжуманда халқ сайлаган шоҳга одиллик ва халқпарварлик шартларини қўяди. Навоий сиёсий қараашларидағи энг асосий жиҳатларидан бири шуки, давлатни бошқариш анъанавий мерос тариқасида эмас, балки халқ-улус иштирокидаги анжуманда ҳал этилади. Агар шоҳ бўлишдан бош тортса, бутун халқ юртни ташлаб кетажагини билдиради. Албатта, бу ўринда Искандар шоҳликни қабул қиласди ва барча шартларни бажаришга амр этади. У золимларни жазолайди, мазлумларга шафқат қиласди, «халойиққа озор етадиган нимаики бўлса, уни йўқотишга ҳаракат қиласди, икки йиллик хирожни тўхтатади, хунар аҳлини иш билан таъминлайди, бозорларда нарх-навони назорат қиласди, карвон йўлларига қўриқчилар тайинлайди, давлатда адолат ўрнатади. Худди шундай адолат ва халқпарварликни бошқалардан ҳам талаб этади.

Хуллас, Навоийнингadolатли давлати туб маънода фақат шакл жиҳатидангина Шарқ мамлакатларидағи мутлақ монархия шаклидаги давлатлар билан ўхшаш бўлиб, моҳияти жиҳатидан тубдан фарқ қиласди. Шоирнинг «Садди Искандарий» достонини ёзишдан бош мақсад – дунёда яккаadolатли шоҳ идеалини яратишни орзу қиласдан, балки дунёда яккаadolатли давлатга, тартибга эришишни орзу қиласди.

Мутафаккир авваллари ўз мамлакати доирасидаadolатли, маърифатпарвар шоҳ ёрдамида баҳтга эришишни истаб, шоҳларниadolатга чақирган. Кейинчалик эса Искандардек халқ томонидан сайланган, унинг тўлиқ ишонч ва хурматига сазовор бўлган подшони халққа

бошлилк қилиб, дунёдаги барча халқлар ва элатларни золим подшолар зулмидан құтқаришга дағват қилди. «Садди Искандарий» достонидаги Искандар томонидан бутун жағонда үрнатилган ягона, адолатли давлат Навоийнинг ижтимоий идеалига айланди.

«Махбуб-ул қулуб»да айтилишича, адолатли подшох ёрқин күзгү бўлса, золим подшолар унинг тескарисидир. Униси ёргуғ тонг бўлса, буниси қоронғу кечадир. Зулм қилиш золим подшонинг кўнглига ором, ахлоқсизлик эса табиатига севинч баҳш этади. Агар у шароб ичишни бошлагудек бўлса, кўча-куйда мусулмонлар юришни тарқ этадилар. Ҳақиқат унинг қаршисида беҳуда, ақлли одамлар унинг наздида нодон.

«Махбуб-ул қулуб»да айтилишича, қози мусулмонлик биносининг таянчи ва мусулмонларнинг яхши ва ёмон ишлари юзасидан ҳукм чиқарувчи. Қозининг кўнгли дин илми билан тўла, дунёвий илмлардан хотири хабардор бўлиши керак. Ҳаётида шахсий манфаатга мойил бўлмаслиги, кўнгли иккиюзламачиликдан холи бўлиши, ҳукм вақтида ошнага ҳам, бегонага ҳам бир хил қарамоғи лозим. Билимдонлигидан ва қалби поклигидан кишилар кўнглида унга хурмат ва шукух, ишга дикқат-эътибор ва фаросат билан муносабатда бўлишидан беҳаё виждансизларнинг юрагида ғам-андух, кўнгли ҳақ қаломлари билан кучли, ҳукмлари ҳадисларга асосланган, пораҳўр муфтилар унинг қошида тубан ва хор, ҳийлагар вакиллар унинг қаршисида айбдор бўлмоғи зарур. Қози қонун йўлидан чиқмаслиги лозим. Модомики, ҳукми элнинг жони ва молига таалукли экан, қозининг шиори тўғрилик ва адолат бўлмоғи зарур.

Умуман, Алишер Навоийнинг нафақат сиёсий ва ҳуқуқий қараашлари, балки бевосита, унинг ўзи ҳам ушбу сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчиси бўлганлиги билан ажралиб турган мутафаккирdir.

Бундай дейишимизнинг сабаби шундаки, Навоий давлат арбоби бўлиши билан бирга халқнинг хурматига сазовор бўлган буюк алломадир. У оддий халқ манфаатини ҳамма нарсадан устун қўйган, золим амир-амалдорлар ва мамлакатни бўлиб юборишга интилаётган Ҳусайн Бойқарога қарши уюштирилган Ёдгор Муҳаммад фитнасини фош қилиб, уни бартараф этган.

Навоийнинг сайл-ҳаракати билан халқ зиммасига ҳаддан ташқари солиқларни ошириб, зулмларни кўчайтираётган амалдорлар ўз вазифаларидан четлатилдилар.

Унинг яққол ифодаси 1470 йилда мамлакат пойтахтида кўтарилган халқ қўзғолони бўлиб, ушбу қўзғолонда Алишер Навоий халқ томонида бўлган. Хурросон халқини хўрлаган бек ва амалдорлар қаттиқ жазоланган. Ҳусайн Бойқаро ҳам уни эъзозлаб шундан сўнг уни вазир этиб тайинлаган. Алишер Навоий аҳолига солинган солиқларни ўзи тўлаган пайтлари ҳам бўлганлиги тўғрисида маълумотлар бор. 1500 йилдаги Ҳирот халқидан жуда катта солиқ йиғилиши ҳақида фармон бўлганда, Навоий ўзи бу солиқни тўлаганки, сабаби, бундай солиқнинг солиниши факат халқ норозилигини кўчайтириши ва давлатга нисбатан халқ ғазабини оширишини билган.

Улуғ Алишер Навоийнинг буюк давлат арбоби, бош вазир сифатидаги шахсий сифатларини АқШ олимлари Томас Лентс ва Гленн Лоуври қўйидагича таърифлаганлар: «XV асрнинг охирида темурийлар салтанатининг маданий ҳаётига жуда мухим таъсирини ўтказган инсон Мир Алишер навоий бўлиб, у янги сиёсий ва иқтисодий шароитни яратишда ғоят катта ёрдам берди. Султон Ҳусайннинг «Кўкалдоши» (бирга ўсгани) ва яқин дўсти Мир Алишер мухтожларга хайру эҳсон қилувчиларнинг машҳури, шоир ва олим эди».

Хулоса, ўрнида шуни қайд этишимиз мумкинки, Алишер Навоийнинг сиёсий ва ҳуқуқий қараашлари одилликка, адолатга, ҳалолликка, тенгликка ва тинчликка асосланган давлат ғоясини илгари сурган.

Муҳаммад Тарагай Мирзо Улуғбек (1394-1449) Амир Темур сулоласига мансуб улуғ зот, ўлкан давлат арбоби ва буюк даҳодир.

Амир Темур набираси Улуғбекда энг аввало инсонпарварлик, адолат ва диловарлик фазилатлари бўлган. Зотан, инсонпарваргина саҳий ва адолатли бўлиши мумкин. Соҳибқирон фикрича, салтанатга даъвогарлик қилган ҳар бир киши салтанат шаъни-мартабасига лойик иш

тутиши ва унга мувофиқ бўлиши зарур. Узокни кўролмаган ҳукмдор яқинлари балоларига гирифтор бўлади. Аммо яқинни кўриб иш тутган ҳукмдор ҳам хато қилади.

Амир Темур набирасига ҳар доим толеингда битилган бўлса ҳукмдор бўлурсан, аммо ким бўлмагин мусулмон бўл, ҳеч кимсага ҳақсизлик қилма, сабабсиз ранжу озор етказма, тўғрилик тўнини кийгин. Фақирлар ва ожизларга ҳар қандай шароитда муруват кўрсат, - деб таълим берган.

Улуғбек соҳибқирон бобосининг қўйи остиндагиларнинг қалби ва қўнглидан фақат яхшилик билан жой топ, акс ҳолда қуввутсиз қолурсан ва унутиларсан, деган йўл йўригини ёшлик чоғидан ботинан ва руҳан ўзлаштириб, бутун ҳаёти давомида уларга қатъий амал қилган. Буларнинг ҳаммаси Мирзо Улуғбекнинг илмий камолоти ва сиёсий фаолиятида муҳим аҳамият касб этади.

Улуғбек ёшлик кезларидан бошлаб машҳур Юнон олимлари Афлотун, Арасту, Гиппарх, Птолемей, Битлимус ва Колиус таълимотларини синчиклаб ўрганиб, сиёсий, илмий-амалий фаолиятида кузатиш ва тадқиқотларида улардан унумли фойдаланган.

Мирзо Улуғбек узоқ йиллар мобайнида Моварауннаҳр диёрини номдор ҳукмдори бўлди. Ҳукмдор сифатида у тинчлик, тотувлик, ҳар томонлама тараққиётни қарор топтириш йўлида мислсиз шижот матонат кўрсатади.

Мирзо Улуғбек таълимотида илм инсон маънавиятининг асоси эканлиги ҳақидаги ғоя етакчи ғоя ётади. Дарҳақиқат, илм жаҳолат, хурофотнинг кушандасидир. Илм инсонни ғафлат уйқусидан уйғотади, фикрни теранлаштиради, тафаккурни ўтқирлаштиради. Инсон илм-маърифат ёрдамида улуғлар даражасига етади. Улуғбек ўзи қурдирган мадраса пештоқига: «Билим олиш ҳар бир муслим ва муслиманинг бурчидир», деб ёзиб қўйилган.

Мирзо Улуғбекнинг фикрича, одоб ва ахлоқ инсон маънавияти ва маърифати камолотида катта ўрин эгаллади. Инсонлар орасидаги ўзаро муносабат, одамгарчилик, меҳру-муҳаббат, дўстлик, биродарлик, аҳиллик асосида яшаш ва фаолият кўрсатиш ақлий-ахлоқий тарбияга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Мирзо Улуғбек ўз қарашларида ҳақиқий ва сохта дўстларини ажратиш лозимлиги, ғаразли киши дўст бўлмаслиги, бундай «дўстлар» кишиларни тўғри йўлдан чиқариши ҳақидаги ғояларини дастурий йўлланма сифатида илгари сурган. Мирзо Улуғбекнинг ҳеч қачон ихтиёргни тилёғламага берма, атрофиннга лаганбордорларга тўплама, улар сенинг эмас, ўз манфаатларини кўзлаб сени мақтайдилар. Ўз ихтиёрини шундай кишиларга бериб қўйган ҳукмдорга садоқатли инсонларни яқинлаштирайдилар, деган ибратли сўзлари мавжуд. Унинг фикр-мулоҳазаларидан кўриниб турганидек, қалби пок, нияти бузуқ, иймони бузуқ, беоқибат кишилардан ҳар қандай йўл билан бўлса-да. Йироқ бўлиш, тузогига илинмаслик тилёғламалигига учмаслик, аксинча, зоти тоза, насл-насабли кишиларни кўлдан кўймаслик керак. Инсон якка ёлғизлиқда қила олмаган юмушларини кўпчилик билан биргаликда бажариши мумкин. Дўстларсиз ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Улуғбекнинг илмий амалий фаолияти унинг бу назарий фикрини тасдиқлайди.

Улуғбек ижтимоий-сиёсий таълимотида меҳнатсеварлик ҳақидаги ғояни ўз даври талаб ва эҳтиёжларини назарда тутиб ривожлантириди. Тинимсиз ҳаракат қиласанг, меҳнат қилиб қасб-ҳунар ўрганмасанг, мураббийлардан таълим-тарбия олмасанг, - дейди бу ҳақида у, - ақл-заковатда етук, одоб-ахлоқ ва билимда баркамоол бўла олмайсан, жамиятда қадр-қиммат тополмайсан. Амир Темур таълимотича, тузукларидаги белгилаб берилган қонун қоидаларга умрбод содик қолди, Амир Темурнинг «куч адолатдадир» деган, умумбашарий аҳамиятга эга бўлган доно ўғити ва сабоғи Мирзо Улуғбекнинг шоҳ ва донишманд сифатидаги ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий фаолиятида мезон бўлиб хизмат қилди.

Башарият тарихининг ижтимоий-сиёсий, илмий-маданий соҳаларида салмоқли ўрин тутган сиймолардан бири буюк ватандошимиз Захриддин Мухаммад Бобурдир. Бобур 1483 йилнинг 14 февраляда Андижонда таваллуд топиб, 1530 йил 26 декабрда Аграда вафот этган.

У улуг шоир, мохир саркарда ва йирик давлат арбоби бўлиб, давлат ишларини бошқаришни ўсмирилик ёшидан бошлаганда, яъни 12 ёшида Фарғона таҳтига ўтирганда жаҳонда энг қудратли Темурийлар давлати парчалана бошлади. Катта – кичик темурийзодаларнинг таҳт учун ўзаро тўқнашувлари, сиёсий бошбошдоқликлар марказлашган давлат миллий бирлиги ва қудратига кучли салбий таъсир кўрсатган эди. Ана шундай алғов-далғовли, қонли курашлар авж пайтда Фарғонанинг ҳокими сифатида тарих саҳнасида пайдо бўлган Заҳириддин Мухаммад Бобур олдида Амир Темур салтанатини сақлаб қолиш, темурийзодалар орасида нифоқ, тож-таҳт талашишлар ўрнига дўстлик, ҳамкорлик, биродарликни, миллий ҳамжиҳатликни кўчайтириш, мамлакатни ташки душманлар ҳамласидан сақлаб қолишдек буюк мақсадлар туради. Бу масалада у имкон доирасида қўлидан келадиган ҳамма ишни қилди. Бироқ тарихий шароит унга йўл бермади.

Бобур, шароит тақозаси билан ўзининг ҳарбий юришларини Афғонистон ва Ҳиндистон худудига кўчирган бўлса ҳам, умрининг охирига қадар Ўрта осиёга қайтиш фикридан воз кечмади. Унинг бу ниятларини Ҳиндистондан туриб ўғиллари (Хумоюн, Комрон, Хиндол ва Аскарийга) берган кўрсатмаларидан ҳам кўриш мумкин.

Жумладан, у Хумоюнга ёзган хатларидан бирида шундай дейди.

«Яна Комронга, қобулдаги бекларга фармон бўлдиким, бориб санга қўшулуб, Ҳисор ё Самарқанд, ё ҳар соригаким, салохи давлат бўлса, юругайсиз. Тангрининг инояти била ёғийларни босиб, вилоятларни олиб, дўстларни шод, душманларни нисунгор қилгайсиз, иншооллоҳу таоло. Агар тангри инояти била Балх ва Ҳисор вилояти мусаххар бўлса, Ҳисорда сенинг кишинг бўлсун. Балхга Комроннинг кишиси бўлсун. Агар тангри инояти била Самарқанд ҳам мусаххар бўлса, Самарқандга сен ўлтургил, Ҳисор вилоятини, иншооллоҳ, ҳолиса қилгумдир».

Бобур Ҳиндистонда хукморонлик қилган даврда ушбу худудда сиёсий бекарорлик, феодал тарқоқлик, иқтисодий тушкунлик ҳукм сурарди. Ҳиндистон республикасининг биринчи бош вазири Жавоҳарлаъл Нерунинг таъкидлашича, «аҳвол яна шу боисдан ҳам ёмонлашган эдикни, қотиб қолган диний ақидалар ва қатъий, ўзгармас социал тартиб ижтимоий турмушнинг асосини ташкил қилиб, тараққиётни тўхтатиб қўйган эди».

Бобур асос солган салтанат, мамлакатни ана шундай инқироздан олиб чиқкан, мамлакат сиёсий жиҳатдан бирлаштирилган, маданий жиҳатдан юксалганлиги билан характерланади.

Бобур Моварауннаҳри тарқ этишга мажбур бўлди. У аввал Афғонистонни, сўнгра Ҳиндистонни қўлга киритиб, уч асрдан кўпроқ давом этган буюк Бобурийлар салтанатига асос солди. Ҳиндистонда Бобур асос солган давлат 332 йил давом этди. Бобур авлодидан 6 шахс, яъни Бобур, Хумоюн, Ақбар, Жаҳонгир, Шоҳ Жаҳон, Аврангзеб узок давр подшолик қилди.

Бобур Афғонистондаги каби Ҳиндистонда ҳам маҳаллий аҳолининг диний эътиқодларига, урф-одатларига, маданияти ва қадриятларига эркинлик берди. Атрофига ерлик олим ва фозилларни тўплади. Уларнинг маслаҳатларига эътибор билан қаради. Ўзининг қўл остидаги мамлакатларнинг кўпларида Сарой ва қасрлар курдирди ва боғлар яратди.

Бобур атоқли давлат бошлиғи ва сиёсий арбоб, истеъододли инсон, катта ақл-заковат соҳиби сифатида Ҳиндистоннинг ижтимоий-сиёсий тараққиёти ва сиёсий бирлиги учун зарур бўлган кўплаб ишларни қилди.

Ҳиндистоннинг ягона давлат қилиб бирлаштирилиши, салтанат ҳудудининг кенгайтирилиши ва бирлаштирилиши, маданиятнинг, ҳинд халқи миллий қадриятларининг ўсиши, Хумоюншоҳ сингари, Ақбаршоҳ номлари билан машҳурдир.

Ақбаршоҳ Ҳиндистон тарихидаги энг улуг бобурийзодалардан биридир. У Бобурий сулоласининг асосчиларидан бири ва донишманд шоҳ сифатида ўзининг эллик йиллик ҳукмронлиги даврида Ҳиндистонда жуда кўплаб ижтимоий ислоҳотлар ўтказди. Ақбаршоҳ айrim қабилаларнинг вафот этган эркаги билан тирик бева хотинини бирга кўйдириш одатларини бекор қилишга қаратилган қатор фармон ва қонунлар чиқарди. Унинг

буйруқларидан бири «хиндердаги 14 ёшга тұлмаган қыздарни ва 16 ёшга тұлмаган йигитларни никоғдан қонун йўли билан таъкилашдир». Шу билан бирга ёшми-қарими эр вафот этса, унинг хотинини албатта эрини күйдираётган гулханга ташлаб, ёш-соғлом аёл-қизни жасадини қўлга айлантириш, яъни «жазҳар» одатини (аёлни гулханга ташламаган тақдирда бир умр бошқа оила кўриш ҳуқуқидан маҳрум этилишини) Акбаршоҳ таъкилайди.

Акбаршоҳ номи билан боғлиқ бўлган энг муҳим ва ўзига хос ислоҳотлардан яна бири – динлар соҳасидаги ислоҳотдир. Бу ислоҳотларнинг бошқа турларидан фарқли равишда қисқа вақт ичидаги эмас, балки бир неча йиллар давомида амалга оширилган.

Акбаршоҳ ҳам отаси ва бобосига ўхшаб, Ҳиндистондаги ахолининг турли динларга эътиқод қилишини ҳисобга олиб ҳамда турли диндаги кишиларни ўзаро яқинлаштиришга интилиб фаолият кўрсатган. Шу мақсада кўпчиликни ташкил қилувчи ҳиндуларнинг ўз атрофига жалб этишга қарор қилган, рожпут хони қизига ўйланган. «Энди ҳиндуларнинг халқи билан қариндошланган Акбар уларнинг диний раҳбарлари – муқаддас брахман ва коҳинларини саройга хизматга жалб қиласи, уларни давлат ва қўшинларда юкори, масъулиятли лавозимларга тайинлаган. Ҳиндуларнинг муқаддас жойларини зиёрат қилишга имкониятлар яратиб беради ва улардан олинадиган жузъя солиғини тугатади.

Акбаршоҳ мамлакатдаги ҳинду, секх, жайн ва бошқа динлар вакилларини йифиб, диний масалалар бўйича мунозаралар ва баҳслар қиласи, ғолибларни эса қимматбаҳо совға ва пул билан мукофотлай бошлади. Давлат манфаатларини кўзлаб Акбар янги пойттаҳт Фотихпур секрида маҳсус ибодатхона қурдиради ва унда турли дин вакилларини йифиб, диний мунозаралар қиласи. Авваллари бу ибодатхонага фақат мусулмон уламолари ва шайхлари тўпланиб, ҳар жумада ибодатхонани катта залида илоҳиёт таълими бўйича мунозара ўтказадилар. Акбар уламолардан ҳар бир диндаги ҳақиқатни асослаб, очиб беришни талаб қиласи. Акбар саройда уламо ва шайхларнинг обрўси жуда катта бўлган.

Бобур ва унинг набираси Акбаршоҳ даврида Ҳиндистоннинг иқтисодиёти, дини, адабиёти ривожланди.

Бобур ҳам соҳибқирон Амир Темур ва донишманд шоҳ Мирзо Улуғбек сингари доимо олим ва фозиллар, санъат ва адабиёт аҳллари, файласуф ва ҳуқуқшунослар, тажрибали кишилар билан яқин алоқада бўлган, уларга ҳомийлик қилган. Амир ва беклар, фозиллар, адабиёт ва санъат аҳллари билан тез-тез машваратда бўлиб туришган. Бобур ўғилларига ҳам ҳар бир юмушни ўзаро маслаҳат ва кенгашиш асосида олиб бориши тавсия этган. Ўғли Ҳумоюнга ёзган хатларидан бирида давлатни бошқаришни кенгаш асосида либ бориш зарурлигини таъкилаб, шундай дейди: «*Агар менинг ризомни тиларсан, хиловатнишинликни ва эл билан кам эҳтилотликни бартараф этгин. Кунда икки навбат инингни ва бекларни ихтиёрига қўймай, қошимгга чорлаб, ҳар маслаҳат бўлса кенгашиб*», бу давлатгоҳларнинг иттифоки билан ҳар сўз унга қарор бергайсан».

Бобурнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари «Бобурнома»да ўз аксини топган. Асарда узоқ муддат давомида юз берган ижтиомий-сиёсий ва тарихий воқеалар хронологик тартибда баён қилинган ва унда XV аср охири-XVI аср бошларидаги Ўрта Осиё, Хурросон, Афғонистон ва Ҳиндистонда юз берган ҳодисалар тасвирланган.

Шунингдек, ушбу асарда темурий ҳукмдорларнинг ўзаро урушишлари оқибатида биринкетин мағлубиятга учраши, жумладан, Абусаъид мирзо вафотидан кейин унинг ўғиллари (Умаршайх, Султон Аҳмад, Султон Маҳмуд ва бошқалар) ўртасида чиққан жанжаллар, Бобур ва унинг амакиваччалари, беклар ўртасидаги курашлар, Ҳусайн Бойқаро билан ўғиллари орасидаги низолар, темурийлар билан Шайбонийхон ўртасида Мовароуннаҳр учун олиб борилган курашлар ҳикоя қилинади.

Бобурнинг ўзи бу ҳақда шундай дейди «Чун бу тарихда андоқ илтизом қилибтурким, ҳар сўзниң ростини битилгай ва ҳар ишнинг баёни воқеъини таҳрир этилгай».

Жумладан, Бобур мамлакат ҳукмдорларидан бири бўлмиш

Хусайн Бойқаро ҳақида шундай дейди «Султон Хусайн мирзонинг замони ажаб замоне эди, ахлу фасл ва беназир элдин Ҳурросон, батахсис Хири шаҳри мамлу эди. Ҳар кишинингким, бир ишга машғуллуги бор эди, химмати ва ғарази ул эдиким, ул ишни камога тегургай.

Умуман, «Бобурнома»да XV асрнинг охири-XVI асрнинг бошларида ҳукмрон мавқени эгаллаган Ҳасан Яъкуббек, Узун Ҳасан, Али Дўст Тагойи, Аҳмад Танбал, Ҳисравшоҳ каби ҳарбий амалдорлар, Абдул Али Тархон, Боки тархон каби арбобларнинг аҳлоқи, салтанатни бошқаришдаги хусусиятлари ҳақида кенг ҳикоя қилинади.

Айниқса, сиёсий қарашларида адолатли давлат бошқарувни орзу қилган Бобур, Ҳисравшоҳнинг золимлигини, айёргигини, халққа етказган жабру-ситамларини қоралайди.

Юртбошимиз Ислом Каримов 1994 йил 4 октябрда Андижон вилоятига қилган сафари чоғида Бобур номидаги миллий боғда ўрнатилган ёдгорлик мажмуини зиёрат қилиб, «Хотира дафтариға» куйидаги эсдилек сўзларини ёзиб қолдирди.

«Бобомиз Захриддин Муҳаммад Бобур номи билан ҳар қанча фахрлансак арзиди. Ўзбек халқининг довруғини дунёга таратган улуғ аждодларимиздан бири ўлароқ, ул зот бизни тарихимизни қадрлашга, келажакка буюк ишонч билан қарашга ўргатади.

Бобур каби мумтоз инсонларни дунёга берган халқ ҳеч қачон хор бўлмайди, муқаррар тарзда саодатга эришади....»

Бугунги кунда жаҳон илм-фани ва маданиятига бекиёс ҳисса қўшган Захриддин Муҳаммад Бобур сингари улуғ аждодларимиз фаолияти ва бебаҳо меросини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар:

1. Бобурнома. –Т.: «Шарқ» нашриёти. -2002.
2. Ўзбекистонда сиёсий ва маънавий – маърифий таълимотлар тараққиёти (2001 йил)
3. Навоий Алишер «Маҳбуб-ул қулуб». Т., 1991
4. Навоий Алишер «Лисонут тайр». Т., 1991

7-мавзу. XVII-XIX-асрларда Ўзбекистон халқларининг сиёсий-хуқуқий таълимотлари

Режа:

1. XVII-XX-асрларда сиёсий-хуқуқий ғоялар.
2. XVII-XX-асрларда сиёсий-хуқуқий фикрларнинг йўналишлари. Маърифатпарварлик ғояларининг юзага келиши ва ривожи.
3. Хонликлар давридаги сиёсий-хуқуқий фикрлар тарихи. Турди Фароғий, Сайидо Насафий, Нодира, Гулханийларнинг сиёсий-хуқуқий қарашлари. Бедилнинг сиёсий-хуқуқий ғоялари.
4. Самандар Термизийнинг сиёсий-хуқуқий ғоялари. “Дастур ул-мулук” асарини ўрганишнинг аҳамияти. XIX аср асосий сиёсий-хуқуқий ғояларида жамиятни ислоҳ этиш ҳақидаги харакатлар.
5. Сатторхон Абдуғаффоровнинг суд ислоҳотлари ва сиёсий-хуқуқий қарашлари.

XVII-XVIII асрларда ҳозирги Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Бухоро хонлиги (кейинчалик Бухоро амирлиги), Хива хонлиги, ҳамда қўқон хонлиги мавжуд бўлиб, ушбу хонликлардаги сиёсий – ижтимоий аҳвол деярли ўхшаш бўлган.

Ҳар учалла давлатда ҳам олий ҳукмдорлар, хон, амир, уларнинг қариндошлари, сарой бошликлари, вазирлар, йирик ер эгалари, руҳонийлар, садогарлар ва шу каби йирик мулкдорлар олий табақага тегишли бўлиб, маҳаллий аҳоли – дехқонлар, хунармандлар, чорвадорлар қўйи табақа вакиллари эди.

Ҳукмрон доиралар билан меҳнаткашлар ўртасидаги доимо нароziлик сабаби – адолатсизлик, тинимсиз тоҷу-таҳт учун бўлган урушлар, қўшни давлатлар билан урушлар, соликларнинг бир тизимга солинмаганлиги, уларнинг тинимсиз кўпайиши, аҳолининг ҳар хил мажбурий хизматларга жалб этилиши каби ҳолатларни қайд этиш мумкин. Ана шундай вазиятда меҳнаткаш аҳолининг сиёсий – ижтимоий – хуқуқий манфаатларини ҳимоя қилган янги сиёсий – хуқуқий таълимотлар шаклланди. Бу таълимотларнинг асосчилари нафақат аҳоли ичидан этишиб чиққан ҳур фикрли кишилар, балки ҳукмрон доирага тегишли бўлган юқори табақа вакиллари ҳам ҳисобланади.

Албатта барча ҳукмрон доира вакилларининг қарашларини ҳалқ манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган десак хато қиласиз. Сабаби кўп ҳолларда улар оддий ҳалқни амир, хон, умуман, олий ҳукмдорларга бўйсунишга длаъват этишган. Барча турмуш тақдирдан деб, унга кўнишга ҳалқни ишонтиришга ҳаракат қилишган.

Ҳалқни ҳукмрон бўлган тузумга қарши кураш ғоясини илгари сурган XVII-XVIII асрлардаги илғор демократик кураш тарафдорлари Турди Фароғий, Хўжа Самандар Термизий, Сайидо Насафий, Мирзо Абдул қодир Бедил, кейинги аср намоёндаларидан Нодира, Гулханий, Оғаҳий каби кўплаб алломаларимизнинг фикрларида яққол кўриш мумкин.

Турди Фароғий – XVII асрда Бухоро хонлигига яшаб ижод этган шоир. Даствор хонлик саройида ижод этиб, ушбу давр ҳукмдорларини ўз ижодида мактаган, уларга бағишлаб мадхиялар ёзган. Лекин кейинчалик меҳнаткаш ҳалқнинг азоб-уқубати, турмуш қийинчиликлари айнан ана шу ҳукмдорларнинг адолатсизлигидан эканлигини пайқаб етади ва унинг ижодида кескин ўзгариш рўй беради.

У жамиятдаги талончилик, босқинчилик, қонунсизлик, ўзбошимчаликнинг асосий сабаби сифатида тенгсизликни кўрсатар экан, бунда хон ва унинг яқинларини қоралайди. Чунки, айнан улар ўз манфаатлари йўлида бойлик ортириш учун талончиликка, боқинчиликка, қонунсизликка йўл очиб беришади ва ўзлари шундай ҳолатни қўллаб –қувватлашади.

Турди Фароғийнинг фикрига кўра, меҳнаткаш ҳалқ бундай

Ҳолатдан чиқиб кетиши учун, ўз мустақиллиги учун курашмоғи лозим. Ўз эркини қўлга киритгач, адолатли, маърифатпарвар шоҳга ўз тақдирини ишониши мумкин. Фақатгина ана

шундай шоҳ орқали тинч турмуш кўриш мумкинлиги қайд этади. Чунки маърифатпарвар шоҳ ўз атрофига доноларни, халқпарвар, тинчликсевар кишиларни тўплаб давлатни бошқаради. Унинг фикрича, агар шоҳ ўз халқининг тинч-осойишталигини ўйласа, ўзаро урушларга барҳам беради, ҳар қандай тож-тахт учун урушлар халқининг тинкасини курилади ва давлат инқирозга юз тутади.

Шундай сиёсий-хукукий гояларни XVI асрнинг охириларида яшаб ижод этган Сайидо Насафий ҳам илгари сурган. Сайидо Насафий камбағал оилада қарши шахри яқинида туғилган бўлиб, дастлабки билимини Бухорода олган ва шу ерда кейинчалик ҳам қолиб, ўз ижодини давом эттирган.

Сайидо Насафий ўз қарашлари билан оддий халқнинг манфаатини ҳимоя қиласр экан, айнан оддий, меҳнаткаш халқнинг бундай аянчли яшашида хукмдорларнинг олиб бораётган адолатсиз сиёсати эканлигини англаб етган.

Шунинг учун ҳам у ҳар қандай давлатнинг асосини халқ ташкил этишини таъкидлар экан, худди шундай шу давр шоҳ ҳокимиятининг таянчи – халқ эканини ва халқсиз хукмдор бўла олмаслигини уқтиради. Шундан келиб чиқиб, давлатнинг, давлат бошлигининг асосий вазифаси сифатида энг авалло – халқи учун ғамхўрлик қилишни, эл-юрт осойишталиги учун курашни илгари сурган. Бу вазифани бажармайдиган, халқи учун қайғурмайдиган шоҳни қоралаган, ҳамда халқ бундай хукмдорга нисбатан курашиши мумкинлигини, ўз норозилигини ифода этиши мумкинлигини ёқлаган.

Умуман, ушбу давр сиёсий-хукукий таълимотларига алоҳида ҳисса қўшган тарихчи Хўжа Самандар Термезий ҳисобланади. Хўжа Самандар Термизий сиёсий-хукукий қарашлари унинг «Дастур ал-мулук», яъни («Хукмдорларга маслаҳат») асарида ёритилган.

Ушбу асарда давлатнинг пайдо бўлиши ҳақидаги қарашларида диний таълимотлар асосида ўз фикрини илгари суриб, давлат худо томонидан яратилган бўлиб, уни бошқариш худонинг ердаги ноиби, яъни подшоҳга топширилган, - деган ғояни таъкидлаган. Унинг фикрича, худо давлатни бошқаришни ҳар кимга ҳам ишонавермасдан, балки ҳокимиятни бошқара оладиган, халқ осойишталигини таъминлай оладиган, ҳар қандай вазиятда ҳокимият учун кураша оладиган, қийинчиликлардан қўрқмайдиган кишига топширган. Шу учун ҳам давлатни бошқариш ўта маъсулиятли ва мураккаб вазифадир. Бундай вазифани фақат адолатли хукмдор бажариши мумкин. Ҳар қандай адолатсизлик давлатни инқирозга олиб келар экан, хукмдор ҳокимиятни мустаҳкамлаш учун қатъий тартиб ва қонунлар жорий этиши лозим.

Термизийнинг фикрича, халқ тўғрисида ғамхўрлик қилиш хукмдорнинг доимий вазифаси бўлгани учун, хукмдор ўз фуқаролари билан доимо мулоқотда бўлмоғи керак. Мулоқотлар эса фуқароларнинг шоҳга ёзган ариза, шикоятларини ўрганиш, ҳамда уларга нисбатан чора кўрилмоғи лозим. Ҳар қандай зулм-ситамга йўл қўймаслик учун, подшоҳ ўз ёрдамчиларига эга бўлиши керакки, токи жамият аъзоларининг ҳеч бирининг мулкига, оиласига зарар етмасин. Подшоҳ ёрдамчиларни танлашда уларнинг ақл-заковатига, ахлоқига, донолигига катта эътибор бериши лозим. Чунки, айнан ана шу мансабдорлар шоҳ билан халқ ўртасидаги муносабатни ҳал этади. Уларнинг инсонийлик жиҳатларидан давлатда осойишталиқ барқарор бўлади, улар давлатни мустаҳкамлаш учун хизмат қилишади. Агар нопок кишилар томонидан давлат бошқарилса, давлатда норозилик кучайишини уқтиради.

Подшоҳ давлат хизматчиларига нисбатан адолатли бўлишини, асоссиз бирор бир хизматчини айбламаслигини таклиф этади. Бир киши устидан ҳукм чиқариш учун етарли даражада далилларга эга бўлиши зарур.

Термизий давлатлараро тинчлик, яхши қўшничилик алоқалари ўрнатилиши тарафдори бўлганини, унинг элчи ҳақидаги қарашларидан биламиз. Элчи танлашда хукмдор ўта зийрак бўлиши керак. Чунки элчи подшоҳнинг бошқа давлатлар билан муносабатини ўрнатувчи экан, у подшоҳнинг кўзи ва тилидир. Унинг муносабатидан, муомаласидан икки давлат ўртасидаги тинчлик ёки, акси душманлик кайфияти пайдо бўлиши мумкин.

Термезий ўз қарашлари билан урушларни қоралайди. Унинг фикрича, ҳар қандай босқинчилик урушиadolatsizdir. Ўз давлатини ҳимоя қилиш учун курашган халқнинг уруши эсаadolatlıdır. Demak, давлатлараро уруш мавжуд экан, подшоҳ ўз қўшинига эга бўлиши, ҳарбийларнинг хол-аҳволидан хабардор бўлмоғи лозим. Етарли таъминотга эга бўлган қўшин ўз давлатини ҳимоя қила олади. Шу билан бирга қўшинни ташкил этган ҳарбийлар тасодифий кишилар бўлмасдан, балки жасур, ақлли, соғлом, кучли кишилар бўлиши керак. Демак, Термезийнинг қарашларига кўра, подшоҳ ҳокимиятини мустаҳкамлашда қўшиннинг ўрни катта. Қўшин бўлиши давлат мавжудлигининг бир жиҳати экан, тинчлик пайтида ҳам давлатда қўшин бўлиши лозим.

Албатта, Термезий илгари сурган ғоялар бугун Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларда ўз аксини топган. Бугун мамлакатимиз ўз мудофаа кучига, миллий армиясига эга. Бу келажаги буюк давлатнинг кучли қўшинидир.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб сиёсий ҳуқуқий таълимотларнинг асосий ғояси маърифатчилик бўлиб, ушбу ғоя намоёндалари Сатторхон Абдулғаффоров, Муқимий, Фурқат, Аҳмад Дониш, Бердақ қабиларнинг қарашларини мисол қилиш мумкин.

Уларнинг фикрига кўра, ушбу жамиятдагиadolatsizlikning асосий сабаби жамият аъзоларининг қолоқлигидадир. Шу учун ҳам улар ўз қарашларида халқнинг озод бўлишини, мустамлакачилик зулмини йўқотишни асосий вазифа деб ҳисоблашган.

Шулардан Сатторхон Абдулғаффоровнинг ушбу даврда илгари сурган сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари.

Сатторхон 1843 йилда Чимкентда имом оиласида туғилган. У дастлабки маълумотни бобосидан олади, 14 ёшида Тошкентдаги «Шукур – хон» мадрасасига ўқишга киради. Сатторхон 20 ёшида Чимкентда муфти лавозимига тайинланади. Кейинчалик у Чимкентда, қўқонда қозилик қиласди. Чимкент ва Тошкент шаҳарларида ўқитувчи бўлиб ишлайди. 1883 йилдан бошлаб «Туркистон вилояти» газетасида таржимон, Туркистон ўқитувчилар семинариясида форс ва ўзбек тиллари бўйича репититор – амалиётчи, Сирдарё вилояти бошқармаси қошидаги ер – солиқ комиссиясида таржимон бўлиб ишлайди. Сатторхон 1876 йилда Петербургда бўлиб ўтган III халқаро ориенталистлар қурултойида қатнашади ва маъзуза қиласди. Сатторхон ўзбек зиёлилари ичидан биринчилардан бўлиб рус тилини мукаммал эгаллаган эди. У XII асрда ёзилган машҳур мусулмон ҳуқуқшунослиги рисоласи «Ал – Ҳидоя» ни араб тилидан рус тилиги таржима қилишда фаол иштирок этади. Сатторхон Абдулғаффоров 1902 йилда Чимкентда вафот этади.

Сатторхон Абдулғаффоровнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари унинг «қўқон хонлиги ички аҳволининг қисқача очерки», «Мусулмон эшонлари», «Билимни эгаллаш», «Туркистондаги эшонлар ва халқни ўз-ўзини бошқариши ҳақида мулоҳазалар», «Сатторхон мактублари» номли асарларида баён қилинган.

Сатторхон ўзининг «Қўқон хонлиги ички аҳволининг қисқача очерки» (1892) номли асарида Кўқон хонлигига ички ҳокимиятни ташкил қилиш ва амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб беради. Унинг таъкидлашича, хонликда ҳокимиятни ташкил этишининг мухим хусусияти чекланмаган олий ҳокимиятнинг якка шахс – хон қўлида тўпланганлигидадир. Хон мамлакатнинг мутлақ ҳокими бўлиб, халқнинг ҳаёти, мол-мулки, тақдири, давлатни бошқариш, мансабдор шахсларни тайинлаш ва вазифасидан бўшатиш унинг хоҳиш-истагига боғлиқ эди. Вилоятларда ҳокимият беклар қўлида бўлиб, уларнинг ҳокимияти вилоят доирасида чексиз, ҳеч қандай норматив ҳуқуқий акт билан қатъий белгиланмаган эди. Бек ҳокимиятининг кучли ёки кучсизлиги қайси вилоятни бошқариши ва хон билан бўлган муносабати билан белгиланарди. Беклар ўз лавозимларига хонга қариндошлиги муносабати билан ёки кўп йиллик хонга кўрсатган алоҳида хизматлари эвазига эришарди.

Сатторхон қўқон хонлиги давлат органлари тизимида авжига чиқканadolatsizlik, қонунсизлик, порахўрлик, бошбошдоқлик ва тартибсизлик, ахлоқий бузуқилик каби иллатларни

фош қилиб ташлайди. Сатторхон қўқон хонлигининг асосий ожиз томонларидан бири сифатида мустаҳкам, мамлакат мудофаасини таъмин эта оладиган ҳарбий қўшиннинг йўқлигини кўрсатади. Мавжуд қўшин ҳам, унинг ёзишича, маҳсус тайёргарликка эга эмас, жуда ҳам ёмон куролланган, етарли кийим-кечак, озиқ-овқат билан таъминланмаган эди. Бу оқибат натижада рус қўшинлари билан бўлган жангларда хонлик қўшинларининг мағлубиятга учрашига олиб келди.

Сатторхон Ўрта Осиё хонликлари ўртасида юз берган урушларни кескин қоралайди. Бу урушларнинг асосий сабаби, унинг фикрича, хонларнинг шахсий манфаатлари ёки диний масалалар бўлиб, улар оқибат натижада мамлакатнинг вайронага айланиши, халқ аҳволининг янада оғирлашишишга сабаб бўлар эди.

Сатторхон ўз даврининг мусулмон ҳуқуқи билимдонларидан бири бўлган. У шариат ва унинг шаклланиши ҳақида ўзининг мустақил фикрларини билдирган эди. Сатторхон ҳуқуқнинг икки шакли: ёзма қонунлар – шариат ва оғзаки қоидалар – одат ҳақида мулоҳаза юритади. Мутафаккирнинг ёзишича, маҳаллий одат қоидаларидан улар шариатга зид бўлмасагина ҳуқук манбаи сифатида фойдаланиш мумкин. Акс ҳолда судда ишни ҳал қилишда одат нормаларидан фойдаланиш мумкин эмас.

Шариат, Сатторхоннинг фикрича, қуръонни кенг шарҳлаш натижасида вужудга келган «мустақил қонунлар тўпламидир». Шариатнинг шаклланиши қарийб 500 йиллик даврни ўз ичига олади. Шариатнинг шаклланишига бағдодлик, хиндистонлик ва Ўрта Осиёлик ҳуқуқшуносларнинг хизмати каттадир.

Сатторхон асарларида одил судлов ва уни амалга ошириш билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор берилган. Бу албатта бежиз эмас. Юқорида қайд қилинганидек, мусулмон ҳуқуқи асосларини мукаммал эгаллаган, бир неча йил муфти ва қози лавозимларида ишлаган Сатторхон бу соҳа билан яқиндан таниш эди. Мутафаккирнинг фикрича, одил судловни амалга ошириш давлат фаолиятининг муҳим йўналишларидан биридир. Одил судловни тўғри йўлга қўймасдан, суд органларини давр талаби даражасида ташкил этмасдан туриб, мамлакатда қатъий тартиб-интизом ўрнатиш мумкин эмас.

Суд органларини ташкил этиш, уларнинг фаолиятини амалга оширишнинг асосий қоидалари, Сатторхоннинг фикрича, давлат тузуми, бошқариш усули, халқнинг хулқ-атвори ва турмуш тарзи билан белгиланади. Сиёсий тузумнинг ва халқ турмуш тарзининг ўзгариши оқибат натижада суд тизимида ўзгаришлар қилишни тақозо этади. Ана шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, Сатторхон қўқон хонлиги ва Туркистон ўлқасининг суд тизимларига нисбатан ўз муносабатини билдиради. Унинг фикрича, қўқон хонлигига ташкил этилган суд органлари ва уларнинг фаолиятини амалга ошириш мавжуд давлат тузумига, давлатни бошқариш усулига ва аҳолининг турмуш тарзига моч келарди. Умуман олганда, хонликнинг суд тизимига нисбатан ижобий муносабат билдирган Сатторхон, унинг бир қатор камчиликларини ҳам кўрсатади. Бу камчиликлар мутафаккирнинг фикрича, жиноят ва фуқаролик ишларининг якка қози томонидан кўрилиб ҳал қилиниши, суд жараённада ҳимоячи қатнашмаслиги, суд ишларида иш юритишнинг ёзма тартиби қатъий жорий этилмаганлиги, ҳукм ёки қарордан норози бўлган тарафнинг шикоят аризасини кўриб чиқишининг аниқ тартиби белгиланмаганлиги қабилар эди. Шунингдек, мутафаккир хонлик даврида кенг тарқалган жиноятчига нисбатан тан жазоси қўллашга, унинг айбини исботлаш учун қийнашга, адолатсиз жазо тайинлашга қарши фикр билдиради.¹

Сатторхон чор ҳукумати томонидан амалга оширилган босқинчилик, мустамлакачилик сиёсати оқибатида Туркстонда юз берган ижтимоий, сиёсий-ҳуқуқий, маданий ҳаётдаги ўзгаришларни хисобга олган ҳолда суд органларини ташкил этиш, уларнинг чиқарган ҳукм ёки қарорларини қайта кўриб чиқиши тартиби, судьялар фаолиятини назорат қилиш соҳаларида ўзгаришлар қилиш лозим деган фикрни ўртага ташлайди. Унинг таъкидлашича, ўлкада ташкил этилган суд органлари, уларда жорий қилинган иш тартиби ҳалқ манфаатларига мос келмайди. Мавжуд суд тизимида амалда бўлган тартиб ва қоидалар тўрачилик, порахўрлик, мансабни

суюистеъмол қилиш каби иллатларнинг чуқур илдиз отишига шароит яратади. Бунинг натижасида судга мурожаат қилган кишиларнинг манфаатларига зарар етади, уларнинг ҳақ-хуқуқлари поймол қилинади. Шунингдек, Сатторхон Туркистонда жорий қилинганд қозиларни (халқ судьяларини) сайлаш тартибига нисбатан ҳам ўзининг салбий муносабатини билдиради. Унинг фикрича, биринчидан, ерли аҳоли қозиларни сайлаш учун етарли даражада сиёсий-хуқуқий онгга эга эмас эди. Иккинчидан, қозиларни сайлаб қуиши тартибини жорий қилиш гурухбозликни, порахўрликни, қозиликка номзодлар ўртасидаги курашни кўчайтиради. Учинчидан, бундай тартибни жорий қилиш суд органларининг айрим мулкдор ва амалдор кишиларга тобе бўлиб қолиши учун шароит яратади. Чунки сайловда кимнинг қозиликка сайланиши ана шу кишиларга боғлик. Қозилик лавозимига сайланган киши эса ўз мансабидан қолмаслик, яна шу мансабга қайта сайланиш учун уларнинг кўрсатмаларига биноан иш кўришга мажбур бўлади.

Қозиларни сайлаш тартибини аҳолиси сиёсий-хуқуқий жиҳатдан етук бўлган ўлкалардагина жорий қилиш мумкин. Сатторхоннинг таъкидлашича: «Сиёсий болалик ҳолатидан чиқмаган халқ сайлов неъматларидан фойдаланишга қодир эмас».¹

Сатторхон Туркистон ўлкасида чор Россияси қонунлари асосида судлов ишларини амалга оширишни жорий қилишга ҳам қарши чиқади. Унинг ёзишича, ерли аҳоли бунга хали тайёр эмас эди: аҳоли давлат тили бўлган рус тилини билмас, Россия империясининг қонунлари, суд органлари тизими, судда иш кўриш тартиби, далиллар тўплаш ва уларни судга тақдим қилиш қоидалари билан таниш эмас эди. Россия империяси судлов тизимини Туркистонда жорий қилиш учун аввал маҳаллий аҳолини бунга тайёрлаш керак. Бу иш маълум бир вақтни, бир қатор тадбирий чоралирни амалга оширишни талаб хилади. Шунинг учун Сатторхоннинг фикрича, Туркистон ўлкасининг суд тизимида ўзгаришлар қилиш икки босқичда амалга оширилиши керак. Биринчи босқичта ўлканинг ижтимоий - сиёсий шароитидан ва халқларнинг турмуш тарзидан келиб чиқсан ҳолда суд тизими ислоҳ қилиниши керак эди. Иккинчи босқичта суд тизимида сайлов тартибини жорий қилиш, Россия империяси қонунларига асосан ишларни куриб ҳал қилишга ўтиш керак.

Биринчи босқичда, Саттархоннинг ёзишича, Туркистон ўлкасининг суд тизимини ислоҳ қилиш қуидаги йўналишларга амалга оширилиши лозим: 1) қозиларни тайинлаш ва мансабдан четлатиш ваколати вилоятларнинг олий маъмурларига берилиши:

2) адолатсиз хукм ёки қарор чиқарган қози ҳарбий губернатор томонидан интизомий жазога тортилиши тартиби жойи қилиниши:

3) қози томонидан чиқарилган қарордан норози аризани кўриб чиқиш учун ерли аҳоли вакиллари ва форс тилини биладиган рус миллатига мансуб раисдан иборат маҳсус коллегиал орган ташкил қилиниши:

4) иккинчи босқичда (коллегиал органнинг) очиқдан-очиқ адолатсиз қарорини ўлка бошлиғи (генерал-губернатори) томонидан бекор қилиниши тартиби жорий этилиши;

5) қозилар томонидан белгиланадиган жазолар ҳақида маҳаллий халқ тилидаги устав ишлаб чиқилиши керак.¹

Сатторхоннинг фикрича, агар Туркистон ўлкасида юқорида баён қилинганд тарзда суд ислоҳоти ўтказилса, адолатнинг тантана қилишига, ҳар қандай ўзбошимчаликка, қонунсизликка барҳам бериш учун имконият туғилади, шундагина чор маъмурлари маҳаллий халқ билан ҳисоблашишга мажбур бўлади ва маҳаллий халқ ўз хуқуқини ҳимоя қилинишига эришади.

Сатторхон сиёсий-хуқуқий қараашларида маҳаллий руҳонийлар, айниқса, эшонларнинг ўз халқига нисбатан ноҳақлиги кескин танқид қилинганд. Унинг фикрича, халқнинг эзилиши нафакат рус маъмурларининг сиёсати билан балки, эшонларнинг фирибгарлилиги, халқнинг ҳақига хиёнати туфайли ҳамдир. Сабаби, эшонлар ушбу даврда энг катта нуфузга эга бўлиб, улар юқори табака вакилларига ҳам ўз таъсирини ўтказар экан, айнан жиноятчиларни ҳам ўз

паноҳида жазодан сақлашга ҳаракат қилишади. Бу эса аҳоли ўртасида норозиликнинг кучайишига сабаб бўлади.

Умуман, сатторхоннинг фикрича, ҳалқни илм-маърифатли қилиш билан ушбу сиёсий танглиқдан озод бўлиш мумкин. Бунинг учун эса, ҳалқни барча тилларни ўрганишга, айниқса, рус тилини ўрганишга чақиради. Ушбу даврдаги сиёсий кескинликнинг асосий сабаби сифатида мустамлакачилик сиёсатини қоралайди.

Мавзу бўйича саволлар

1. Ўрта Осиё хонликлари даги сиёсий – ижтимоий аҳволга умумий тавсиф.
2. Ўрта Осиё хонликларида сиёсий – ҳуқуқий қарашларнинг пайдо бўлиши.
3. Ушбу давр илғор сиёсий -ҳуқуқий ғоялари.
4. Термизийнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари.
5. XIX-асрнинг иккинчи ярми даги сиёсий-ижтимоий аҳвол.
6. Ушбу даврда илгари сурилган сиёсий ғоялар.
7. Сатторхон Абдулғаффоровнинг сиёсий қарашлари.
8. Сатторхоннинг ҳуқуқий қарашлари.

Адабиётлар

1. Ж.Тошқулов. Ўзбекистон ҳалқлари сиёсий-ҳуқуқий фикрлари тарихидан. Т., -1996.
2. Термезий. «Дастур ал- мулук». Т., -2001.
3. Бобоев.Х.ва муаллифлар жамоаси. Сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар тарихи дарслик.
4. Ф.Мухиддинова. Ўзбекистон ҳалқлари сиёсий-ҳуқуқий таълимотлари тарихи.

8-мавзу: XX аср Туркистон сиёсий-хуқуқий таълимотлари

Режа:

1. Туркистонда XX аср сиёсий-хуқуқий таълимотлари.
2. Туркистонда мавжуд оқимлар ва уларнинг сиёсий-хуқуқий ғоялари. Жадидчилик оқимларининг сиёсий-хуқуқий ғоялари.
3. Аҳмад Донишнинг давлатни ислоҳ қилиш лойиҳалари, унинг давлат бошлиqlарига қўйиладиган талаблар, давлат ҳокимиётининг таркибий қисмлари, давлат кенгаши, бошқарув органларини тартибга солиш, қонунийлик ва хуқуқий тартибот ҳақидаги фикрлари.
4. Махмудхўжа Бехбудий, Абдурашид Мунаввар Қори, Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний, Чўлпон каби мутафаккирларнинг сиёсий-хуқуқий қарашлари. Файзулла Хўжаев, Туар Рисқуловларнинг сиёсий-хуқуқий фикрлари.

*Бут эдинг, бутун эдинг, дориломон Туркистон,
Ким қилди парча-парча, бу не макон Туркистон?*

Барот Бойқобилов.

XX аср бошлари учун Ўзбекистон халқларининг кураши кўчайиб борганлиги характерлидир. Мана шу даврда мамлакатнинг ижтимоий иқтисодий, ижтимоий сиёсий ва маданий ҳаётида муҳим ўзгаришлар рўй берди. Бир томондан, ижтимоий мустамлакачилик зулми, ўлканинг моддий бойликларини талон-тарож қилиш, уни чор Россиясининг тўла хом ашё қўмитасига айлантириш жараёнлари кучайиб борган бўлса, иккинчи томондан, ишлаб чиқаришнинг буржуазияга хос услуби пайдо бўлади, миллий буржуазия ва ишчилар синфининг шаклланиши, миллатнинг маънавий уйғониши бошланади.

Аҳмад Дониш XIX асрнинг ўрталарида яшаб, Бухоро амирлигига ижод этган, ҳамда илғор сиёсий-хуқуқий қарашларини илгари сурган мутафаккирдир. У 1827 йилда Бухоро шаҳрида туғилган бўлиб, айнан шу ерда дастлабки билимини олган. Унинг сиёсий-хуқуқий қарашларининг шаклланишига таъсир этган Ибн Сино, Навоий, Фузулий, Бедил каби алломаларнинг асарлари бўлиб, айнан ушбу асарлардан Аҳмад Дониш ўз сиёсий-хуқуқий қарашларида кенг фойдаланган. Унинг сиёсий-хуқуқий қарашларига таъсир этган омиллардан бири сифтида унинг Бухоро амири Амир Насруллоҳ саройида хизматини, уч маротаба Бухоро элчилари таркибида Петербургда бўлиб, Оврўпа маданияти, турмуш тарзи, илм-фан соҳасидаги ютуқларидан олган таассуротларини кўрсатиш мумкин.

Ушбу сиёсий жараёнларни ўрганар экан, унинг қарашларининг асосий ғоясини Бухоро амирлигидаги тартиблар, уларни янгилаш, ислоҳ қилиш ҳақидаги масалалар ташкил этган. Бу эса амир Музаффариддин томонидан норозиликка сабаб бўлиб, Аҳмад Дониш Ҳузар қозиси бўлишга олиб келган. Айнан Аҳмад Донишнинг сиёсий-хуқуқий қарашларига унинг қозилик лавозимида ишлаши ҳам таъсир этган.

Унинг сиёсий-хуқуқий қарашлари «Ўзаро ёрдам ва маданийлик тартиби ҳақидаги рисола», «Фаромушхона ҳақидаги ҳикоя», «Наводир ул-вақое», «Рисолаи мухтасаре аз тарихи салтанати хонадони мангития», яъни «Бухоролик мангит амирларининг қисқача тарихи», «Рисола» каби асарларида ўз аксини топган. Аҳмад Донишнинг асосий қарашларида ушбу давр тараққиётига қаршилик қилаётган куч – шу жамиятдаги сиёсий тузумдир.

Унинг фикрича, «давлат бир гуруҳ кишилар эҳтиёжларини қондириш учун эмас, халқ манфаатлари учун, мамлакатни обод қилиш учун хизмат қилмоғи зарур. Биз дунёни гуллаб-яшнатиш учун, денгизлар кезиб ўрганиш учун, ер ости бойликларини топиш учун, унинг ҳамма қитъалари ва аҳолисини билиш учун туғилганмиз, - деб ёзар экан, бунинг учун ҳукмдор билимдон, маърифатли, одил ва ўз фуқаролари манфаатлари учун хизмат шартлигини таъкидлайди. Шунинг учун ҳам ҳукмдор доимо ҳар қандай масалани ҳал этишда, энг аввало ўзини оддий фуқаро ўрнига қўйиб кўриши кераклигини илгари сўради. Шундагина адолат

ўрнатилиши мумкин. «Мамлакатни идора қилишда, ҳукмдор муҳим давлат муаммоларини ўз атрофидаги маслаҳатчилар билан биргаликда ҳал қилиши керак ва уларнинг фикри билан ҳисоблашиши шарт, чунки қўпчиликнинг ақли, бир кишининг ақидан ортиқроқдир», - деб давлатнинг энг муҳим масалаларини жамоачилик асосида ҳал этишини маъқуллайди. Шунинг учун унинг қарашларида давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги ўз даври учун янгича қарашлар ўз аксини топган. Аҳмад Донишнинг фикрича, «Ақлу давлат бир-биридан ажралмас». Ёки «қайси салтанат – давлатнинг қоида ва қонунларига асосланиб кўрилмаган бўлса, ундан давлатда ҳеч вақт яхшилик бўлмайди».

Аҳмад Донишнинг сиёсий қарашларига кўра, давлатнинг пайдо бўлишига мулк сабаб бўлган. Бу ҳолатни қўйидагича асослашга ҳаракат қиласди: ижтиомий даврда ҳамма тенг яшаган, ушбу даврда давлат ва ҳуқуқка эҳтиёж ҳам бўлмаган. Лекин кейинчалик ерга бўлган муносабатнинг ўзгариши, яъни айрим кишиларнинг, ёки айрим халқларнинг ўзгалар ерини эгаллаши натижасида алоҳида кишилар кўпроқ ерга эгалик қила бошлашган. Яъни ер эгалари пайдо бўлган.

Аҳмад Донишнинг фикрича, ҳамма ўз ерига эга бўлиши учун ҳам давлат бошлиғи кучлидан кучсизнинг ҳаққини олиб бериши лозим. Фақат шундагина давлатда тинчлик ва осойишталиқ, тенглик қарор топади.

Айнан кишилар ўз мулкини ўгри, қароқчи, товламачилардан ҳимоя қилиш мақсадида шартнома орқали давлатга бирлашган эканлар, давлат бошлиғи ана шу шарт учун ҳам ўз фуқароларини ҳимоя қилишга мажбур. Шу билан бирга давлат иқтисодиётини ривожлантириш, сугориш иншоотлари қуриш, йўллар, кўприклар қуриш, маорифни ривожлантириш ҳукмдорнинг вазифасидир.

Аҳмад Донишнинг фикрича, ҳокимият беш нарсага таянади. Улар:

*адолат,
Ҳарбий қўшин,
халқ,
сув,
хазина.*

Булар ўзаро боғлиқ бўлиб, улардан биттаси мавжуд бўлмаса, ҳокимият, давлат ҳам узокка бормайди.

Аҳмад Дониш сиёсий қарашларининг муҳим тамойили адолатга асосланган давлат бошқаруви ғоясидир. Шунинг учун ҳам давлат бошлиғи бўлиши учун – илм-маърифатли, тажрибага эга бўлишиликини, адолатга риоя қилишликни асосий талаф деб билади. Унинг фикрича, «Адолатга асосланган ҳокимиятгина мустаҳкам бўлади. Агар давлат тартибларидан, салтанат сиёсатидан халқ норози бўлиб, ғалва кўтарар экан, подшоҳни хазина ҳам, лашкар ҳам сақлаб қоломайди. Агар халқ ундан рози бўлар экан, аниқ билсинки, ҳеч ким унга қарши бош кўтара олмайди. Агар кўтарса, тор-мор бўлади».

Бундай қарашларига Бухоро амирлигидаги давлат тузуми таъсир этган. Шунинг учун ҳам амирликдаги бошқарувни ислоҳ қилиш ҳақидаги ғояни «Ўзаро ёрдам ва маданийлик тартиби ҳақида рисола» асарида илгари сурган.

Унинг фикрича, амирга берилган ваколатларга, яъни кенгаш аъзоларини, бошқа мансабдор шахсларни, элчиларни тайинлаш ва мансабидан бўшатиш, қонунларнинг ижросини текшириш, кенгаш қарорларини тасдиқлаш, бошқа давлатнинг элчиларини қабул қилиш ҳуқуқлари киради. Шунинг учун давлат бошлиғи қошида маслаҳат кенгаш ташкил этишини таклиф этади. Бу кенгаш аъзолари мамлакатдаги турли ижтиомий қатламлар вакилларидан иборат бўлиб, амир томонидан тайинланиши ва вазифасидан озод этилиши кўзда тутилади. Амир кенгашга илмли кишини бошлиқ этиб тайинлиши лозим. Кенгаш аъзолар вақт-вақти билан йиғилиб, мамлакатни ободонлаштириш, фуқаролар манфаати билан боғлиқ масалаларни

муҳокама қиласи, давлатнинг даромад ва ҳаражатларини текширади ва муҳокама қилинган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қиласи

Агар давлат бошлиғи кенгашнинг қарорларига қўшилса, уни тасдиқлаши ва ҳаётга татбик этиши йўлини топиши керак.

Аҳмад Дониш ба ҳақда : «Султон кўпчилик халқ ризолиги ва давлат уруғларининг маслаҳатлари билан ўзига икки вазири доно сайлаб олсин. Улардан бири мамлакат кирими, иккинчиси эса мамлакат чиқимини ҳисоб қилсин. Бу икки вазирдан ташқари ҳарбий ишлар вазири, йўллар вазири, ички ишлар вазири, девонхона бошлиғи, сув тақсимловчи лавзоимларини ҳам бўлишини таъкидлайди.

Унинг фикрича, бундай лавозимга кишилардаги қобилият, илм, фаросат, иқтидор давлат бошлиғи томонидан қаттиқ эътиборга олиниши керак. Бундан ташқари ҳар бир киши лавозимга кўтарилишдан олдин, синовдан ўтмоғи керак., шундан сўнг юқори мансабга тайинланса бўлади. Ҳар бир мансабдорнинг ҳуқуқий ҳолати, ваколати, бурчи аниқ белгиланган бўлиб, улар вақтвақти билан ёзма шаклда ҳукмдорга ўз ишлари юзасидан ҳисобот бериб туришлари лозим. Шу учун давлат хазинасидан уларга маош белгиланишини уқтиради.

«Бухоролик мангит амирларининг тарихи» асарида эса, Бухоро амирлигидаги сиёсий ҳаётни таҳлил этиб, амирликдаги давлат тузумини танқид қиласи.

Унинг фикрича, барча иллатларга амирликдаги давлат бошқарувининг адолатсизлиги, ноҳақликлар сабаб бўлиб, бундай ҳолатга қозиларнинг ҳам айби бор. Улар ҳақида «қалам аҳлларининг энг юқори мансаблари қозилик ва раисликдир. Замонга қаралса, бу икки ўринда ҳам адолат билан иш олиб бориш мумкин эмасдир. Чунки ҳар жойда қалам аҳли мансабларига сиёсий мансабдорлар ҳукмрондирлар. шариат ишлари шуларнинг хоҳишлирага қараб юргизилгач, зулм ва хиёнатсиз бўлиш ҳеч мумкин эмасдир. Бундай мансабда ўтирган қалам аҳли ҳукумат арбобларига, бойларга, чақимчи ва жосусларга хушомад қилмасалар, жон сақлай олмайдилар. Шунинг учун ҳам қози ва раислар биринчи қадамларидаёқ шариатни бузадилар, етимлар молига хиёнат қиладилар. Бўларнинг бутун қилган ишлари ҳаром – ҳариждан ҳоли бўлолмайди.

Умуман, Аҳмад Дониш сиёсий-ҳуқуқий қарашларидан давлатни адолатли бошқариш, жамият аъзоларнинг тенглиги, ҳатто, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши ғояси илгари сурилган.

Оширилаётган чора-тадбирларга, Ўрта Осиё республикаларини ривожлантириш йиллари тўғрисидаги масалага, яъни Туркистондаги янги сиёсий ва ҳуқуқий қарашларда, большевиклар партияси минтақада ўтказаётган сиёсатга шарқ ҳалқларини мустамлакачилик зулмидан, Ўрта Осиё ҳалқларини неоколониал ҳукмронликдан озод қилиш ва шу каби масалаларга муносабат борасида эди. Гоявий оқимлар намоёндалари юқоридаги масалалар бўйича турли нұқтаи назарга, баъзан бир-бирини инкор этувчи нұқтаи назарга эга эдилар. Аммо уларни битта ғоя-мустақиллик ғояси бирлаштиради. Мустақилликка эришиш йиллари борасида ҳам озодлик учун курашувчиларда бирлик йўқ эди. Мустақилликка эришишнинг турли йўллари таклиф этилар ва ўйлаб кўриларди. Бу давлат мустақиллиги мафкурасида ўз аксини топди. Унда бир неча оқимлар юзага келди.

Мустақилликни рўёбга чиқариш ва мустаҳкамлаш сиёсати қарамлик шароитида Ўзбекистон Республикаси худудида вужудга келган ва иш олиб борган турли ижтимоий-сиёсий кучлар, ҳаракатлар, партияларнинг ижтимоий сиёсий ва ҳуқуқий ғоялари ҳамда талабларини илмий таҳлил қилиш ва уларга илмий баҳо беришга ғоят зарурат туғдиради. Бу шу жиҳатдан, айниқса муҳимки, биз ҳозирги пайтда тўқнаш келиб турган масалалар турли кучларнинг вакиллари томонидан ўша пайтларидаёқ у ёки бу даражада ўртага қўйилган эди. Шуниси яна муҳимки, улар ўз имкониятлари доирасида мазкур масалаларга жавоб беришга ўриндилар.

Ҳозирги Ўзбекистон худудининг асосий қисмини қамраб олган Туркистоннинг мустамлака аҳволи мавжуд социал ва ижтимоий сиёсий зиддиятларни кескинлаштириб юборди.

Бу хол Туркистон жамиятининг турли ижтимоий-сиёсий ҳаракага келтирди. Улар орасида жадидчилик деб ном олган ҳаракат алоҳида ўрин тутарди. Мазкур ҳаракат Туркистондаги ижтимоий-иктисодий, маданий ўзгаришлар, тарихий ва сиёсий воқеалар айниқса, 1905-1907 йиллардаги биринчи рус инқилоби шунингдек, Туркия, Хитой, Ҳиндистон, Эрондаги миллий озодлик ва демократик ҳаракатлар таъсири остида юзага келди ва фаол тус олди.

У жамиятнинг ижтимоий мансублиги бўйича ҳам, айрим муаммоларга қарашли бўйича ҳам бир-биридан фарқ қилган турли табақалари вакилларини бирлаштирган эди. Бироқ улар бош масала Туркистоннинг мустақилликни қўлга киритиш масаласи бўйича яқдил эдилар.

Жадидларнинг Туркистон мустақиллиги тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари уларнинг фаолияти бошланган чоғданоқ тўла таркиб топган, нихоясига етган деб фараз қилинса, янгишилган эди. Бу фикрлар мустамлакачилик режимига ва уларнинг ҳимоячиларга қарши сабот билан олиб борилагн назарий ва амалий кураш ҳосил бўлди, ривожланди ва бир шаклга кириб борди. Жадидлар мустамлакачилик тартибларини ва ислоҳотчиликни танқид қилишдан Туркистоннинг тўла мустақиллигини қўлга киритиш учун ўтиш шакли сифатида миллий ҳудудий мухторият барпо этиш ғоясини илгари суришга ўта бошладилар.

Туркистон жадидларнинг ғоявий назарий ривожланишида, уч даврни: 1905 йилдан 1917 йил февралгача, 1917 мартадан 1918 йил февралигача, 1918 йил мартадан 30 йил охиригача бўлган даврни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, туркистон жадидлариниг ғоявий назарий жиҳатдан камол топишининг барча босқичларида сиёсий мустақилликни қўлга киритиш муаммоси марказий муаммо эди. Бироқ улар мустақилликни қўлга киритиш бир томондан, қаттиқ мустамлакачилик шароитида, иккинчи томондан, Туркистоннинг иктисодий-сиёсий ва маданий жиҳатдан қолоқлиги шароитида, биринчидан, мураккаб ва хал қилиш ғоят оғир муаммо эканлиги, иккинчидан, бу узоқ жараён эканлигини жуда яхши англаш етган эдилар. Учинчидан, мустақиллик ўлка халқларининг изчил фаол, лекин тинч йўл билан олиб бориладиган курашиш натижасидагина қўлга киритилиши мумкинligини тушуниб олган эдилар.

Биринчи босқичда Туркистон жадидлариниг ғоявий-назарий фаолияти маърифий хусусият касб этди. Жадидлар мустамлака туркистоннинг реал тарихий шароитларидан келиб чиқиб, ижтимоий-иктисодий, сиёсий ва маданий соҳалардаги муаммоларни хал қилишнинг бирдан бир йўли-маориф деб биладилар. Жадидларнинг ишончи комил эдики, ўлкани тиклаш, унинг халқларини асрий ғафлатдан уйғотиш, уларни маърифатли қилиш зарур эди. Туркистон халқларини хурофотдан, жаҳолатдан ва мутасиблиқдан озод қилмай туриб, ўлканинг тикланиши ва мустақиллиги тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Уларнинг фикрича, аввало, ўлка халқларининг кўзини очиш, уларга мавжуд тартибларнинг иллатларини кўрсатиб бериш, мусулмонларга ижтимоий ва мустамлакачилик зулмидан озод бўлиш, мустақилликни қўлга киритиш йўлларини ўргатиш лозим эди. Умуман олганда, маърифат, жадидларнинг фикрича, мустақилликни қўлга киритиш ҳамда мамлакатни тараққиёт ва демократия йўлида ривожлантириш гарови эди. Шу сабабли қараб чиқилаётган даврларда маорифни ислоҳ қилиш билан боғлиқ муаммолар жадидларнинг диққат марказида бўлди. Улар янги усуздаги мактаблар очдилар. Бу мактабларда Ўрта Осиё анъаналарига асосланган эски мусулмон мактабларида қараганда таълим беришнинг янада замонавий шакллари қўлланнила бошланди. Жадидлар мазкур мактаблар учун дастурлар туздилар, дарслклар ва ўқув қўлланмалар ёздилар. Маърифатчилар мақсадларида маблағлар йиғиш билан, маҳаллий миллатларнинг фарзандларини тарғибот ва ташвиқот ишлари учун Истанбул, Уфа, қозон, Оренбургга ўқишига жўнатиш билан шуғулланадиган турли жамиятлар ташкил этдилар.

Жадидлар фаолиятининг бошқа бир йўналиши ўз ғояларини матбуотда тарғиб қилишдан иборат бўлди. Кўриб чиқилаётган даврда улар «Тараққий», «Хуршид», «Тужжор», «Шуҳрат», «Самарқанд», «Садои Туркистон», «Садои Фарғона» рўзномаларини ҳамда «Ойина» жаридасини нашр эттиридилар. Улар саҳифаларида жадидлар жаҳолат ва мутаассибликка эски

урф-одатлар ва анъаналарга қарши ҳамда мустамлака Туркистоннинг иқтисодий, сиёсий маданий ҳаётини ислоҳ қилиб амалга оширишга қаратилган фаол тарғибот ишларини олиб бордилар.

Жадидларнинг вақтли матбуот саҳифаларида Туркистонни иқтисодий ривожлантириши муаммолари алоҳида ўрин тутар эди. Ўлка иқтисодий ҳаётининг реал шароитлардан келиб чиққан ҳолда жадидлар нафақат Туркистон учун, балки Фарбнинг ривожланган мамлакатларига қарамлик ҳолатида турган кўплаб Шарқ мамлакатлари учун ҳам дорлзарб бўлган ўткир муаммоларни кўтариб чиқдилар. Миллий саноатни барпо этиш ва ривожлантириш: миллий банклар очиш, қишлоқ хўжалигини, ички ва ташки савдони ривожлантириш: Туркистондан фойдали қазилмаларни ва бошқа моддий бойликларни ташиб кетишни чеклаш: уларни шу жойнинг ўзида қайта ишлашни ташкил этиш, ўлкада хом ашёни эмас, балки тайёр маҳсулотларни чиқариш, ишлаб чиқаришга фан техника, ютуқларини жорий этиш ва ҳоказолар ана шундай муаммоларни жумласидан эди.

Жадидлар кўриб чиқилаётган давридаги сиёсий кучларнинг нисбатани ҳисобга олиб, Туркистоннинг мустақиллиги тўғрисидаги масалани ошкора қилиб қўймадилар. Улар у даврда мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳукуқий ҳаётини ислоҳ қилишни босқичча босқич ўtkазиш тарафдори бўлиб чиқдилар, ислоҳотни бошлаш учун жадидлар маҳаллий ҳокимият вакиллари, суд идоралари томнидан қилинаётган ўзбошимчалик, зўравонлик ва суъистемоликларни чеклаш тўғрисидаги масалани кўндаланг қилиб қўйдилар. Улар Туркистоннинг маҳаллий аҳолисига турмуш ва диний ишлар бўйича мустақиллик бериш тарафдори бўлиб чиқдилар. Чунончи Беҳбудий «Туркистонни бошқаришни ислоҳ қилиш лойиҳаси»ни ишлаб чиқди. Бироқ жадидларнинг бу ва бошқа талблари қоғозда қолиб кетди. Чор ҳукумати ва унинг Туркистондаги вакиллари факат ваъда беришлар билан чекландилар.

Чоризмга ва унинг Туркистонда ўтказилаётган сиёсатига нисбатан танқидий фикрда бўлган жадидлар рус халқига ва унинг маданиятига ижобий муносабатда бўлдилар. Чунончи Беҳбудий шундай деб ёзган эди: «бизнинг нашримиз», «Самарқанд» рўзномасининг мақсади Туркистон мусулмонларида умумевропа ва айниқса, рус маданиятига қизиқиш уйғотишdir. Уларни рус маданияти, фуқаролиги ва қонунлар биз мусулмонларга катта фойда келтиришга, шунингдек, на қуръон, на шариат бу нарсалар билан зид келмаслигига ишонтироқдир». Жадидларнинг Россия гимназиялари ва дорилфунунларида ўргатилаётган илмий билимлар билан таништириб бориш ўзининг муҳим вазифаси эканлигини таъкидлаб ўтди.

Туркистон жадидларига, айниқса уларнинг етакчиларида бошқа халқларга, шу жумладан рус халқига, унинг тарихига, фан ва техника соҳасидаги ютуқларига нохушлик билан қараш бегона эди. Улар рус, яхудий, арман, немис ва европадаги бошқа халқларнинг иқтисодиёт сиёsat, маданият, фан ва техника соҳасида эришган ютуқлари тўғрисида катта завқ ва шавқ билан ёзган эдилар. Жадидлар ўз ватандошларини Европа халқларининг тарихи, адабиёти, маданий ютуқларини, тилини, сиёсий ҳукуқини, тажрибаларини ўрганишга даъват этдилар, Европа маданиятидан, фан ва техника ютуқларидан мусулмонлар учун барча яхши ва фойдали бўлган нарсаларни қабул қилиш ва ўзлаштириб олиш тарафдори бўлиб майдонга чиқдилар. Улар Туркистон мусулмонлари Европа маданиятидан баҳраманд бўлмай туриб, Европани ривожланган мамлакатларнинг фан ва техника соҳасидаги ютуқларидан фойдаланмай туриб, қолоқлиқдан чиқа олмасликни доимо таъкидлаб келдилар.

Умуман олганда, Туркистон жадидларнинг ғоявий-назарий ва амалий фаолиятини илмий таҳлил қилиш, айрим совет муаллифларнинг Туркистон жадидлари миллатчи бўлганлар, «уларнинг рус маданиятининг кириб келишига қарши қаратилган эди», қабилардаги фикрларнинг асоссизлигидан далолат беради.

Туркистон жадидларининг вақтли матбуот саҳифаларида кониститутциявий демократик ғояларни тарғиб қилиш алоҳида ўрин эгаллади. Жадидчилик ҳаракатининг раҳбарлари миллий ўйғониш ҳамда Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий, ҳукуқий ва маданий ҳаётини

демократиялаштириш муаммоси Россияда конституцион монархияни ўрнатиш билан боғлиқ деб билдиар. Уларнинг фикрича, мавжуд бошқарув шакллари орасида ғоят мақбули ва демократик шаклдагиси конституцион монархия бўлиб. У ўлканинг маҳаллий аҳолиси вакилларининг давлатни бошқаришда қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишида иштирок этишга имкон туғдирав эди.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Туркистон жадидларининг конституцион монархияни мусулмонлар учун энг демократик ва муносиб бошқарув шакли сифатида ҳимоя қилишлари тасодиф эмас эди. бу объектив ва субъектив сабаблар билан боғлиқ эди. Биринчидан, конституцион монархия XX аср бошларида ривожланган мамлакатларда кенг тарқалган бошқарув шакли эди. Россияда бу даврда конституцион монархияни ўрнатиш учун эндиғина кураш бошланди. Иккинчидан, Туркистон жадидларининг сиёсий қарашлари Россиядаги конституцион демократик партияларнинг сезиларли таъсири остида. Учинчидан, жадидларнинг конституцион монархияни ўрнатиш тўғрисидаги талаблари асосий ижтимоий кучлар-феодаллар ва миллий буржуазиянинг нисбатини ҳисобга олган эди, чунки мазкур бошқарув шаклини ўрнатиш уларни қаноатлантиради.

Бундан ташқари, жадидлар вактли матбуот сахифаларида нафақат тарихий жиҳатдан қизиқишига молик, балки замона билан ҳамоҳанг бўлган қатор муаммоларни кўтариб чиқдилар. Жаҳондаги, айниқса Европадаги ривожланган мамлакатлар ўқув юртларида миллий кадрлар тайёрлаш: Ислом динидан Туркистон халқларини юксак ахлоқийлик, ватанпарварлик бардамлик рухида тарбиялаш воситаси сифатида фойдаланиш: хотин-қизларни ижтимоий фойдали меҳнатга сиёсий ва маданий хаётга тортиш бўйича шарт шароит яратиб бериш: ижтимоий ва миллий келиб чиқиш, қайси динга мансублигидан қатъи назар фуқароларга кенг демократик ҳуқуқ ва эркинликлар бериш: ҳуқуқбузарликнинг турли кўринишларига қарши кураш олиб бориш ва ҳоказолар ана шундай муаммолар жумласига кирав эди.

Жадидларнинг 1917 йил февралига қадар бўлган ғоявий назарий ва амалий фаолиятни таҳлил қилиш шундан далолат берадики, уларнинг куч ғайрати Туркистоннинг мустақиллигига эришиш учун иқтисодий, сиёсий ва маданий жиҳатдан шарт шароит яратишга қаратилган эди. Жадидларнинг мустамлакачилик ва феодал режими иллатларини фош қилишлари, ислоҳот учун хормай, толмай кураш олиб боришлари, марифатни, демократик ҳуқуқий институтлар ва гояларни тарғиб этишлари, мустамлака Туркистонда миллий озодлик харакатининг шакилланиши ва ривожланишида анча катта роль ўйнайди.

Россияда 1917 йил феврал инқилобидан кейин Туркистон жадидлари харакати тарихида янги босқич бошланди. Жадидлар инқилобини зўр қувонч билан кутиб олдилар. Улар инқилобни Чоризм режимини ағдариб, демократик жамиятни барпо этиш учун йўл очган бошқарувнинг чинакам халқчилик шакилларини ўрнатиш. Мустамлакачилик зулми остида эзилиб келган халқларнинг мутакилликни кўлга киритиш йўлидаги харакат сифатида қабул қилдилар.

Февраль инқилобининг хуррият, тенглик, миллатларнинг ўзи тақдирини ўзи белгилаш тўғрисидаги ғоялар Туркистон жадидларининг сиёсий-ҳуқуқий қарашларининг янада ривожланишига ва фолиятининг кўчайишига катта таъсир кўрсатди. Уларнинг назарий ва амалий фаолияти дадил, событқадам ва ташкил тус олади. Феврал инқилобидан кейин Туркистонда жадидлар ташаббуси билан ушбу ижтимоий сиёсий ва диний ташкилотлар тузилди: Тошкентда - «Мурои-Исломия»; Самарқандда - «Мураваджул ислом», Каттакўрғонда - «Равнақул ислом» ва ҳоказо Сентябрда «Турк одами марказият» («Федералист») тузилди. 1917 йил апрели ва сентябрда жадидлар раҳбарлиги остида Туркистон мусулмонларининг иккита қурултойи бўлиб ўтди. Тошкентда жадидларнинг «Турон», «Турк эли», «Улуғ Туркистон», «Нажот», «Кенгаш», «Шўрои исломия», Самарқандда «Хуррият», кўқонда «Тирик сўз» рузномалари, «Хуррият» жаридаси чиқа бошлайди. Бу нашрлар жадидларнинг мустақиллик тўғрисидаги ғояларини тарғиб асосий минбар бўлиб қолдилар.

Қараб чиқилаётган даврда жадидларнинг Чоризмга унинг мустамлакачилик сиёсатига Туркистоннинг сиёсий ҳуқуқий институтлариға бўлган муносабати кескин ўзгарди. Энди улар мустамлакачилик маъмуриятининг айrim вакилларини ҳамда давлат идораларини фаолиятидаги иллатларини танқид қилиш билан қолмадилар. Улар янада илгарила бетдилар. Умуман мустамлакачиликни танқид остига олдилар, унинг илдизларини очиб ташлай бошладилар, Чоразимнинг агрессив, истилочилик ва халқка қарши бўлган сиёсатини ошкор фош қила бошладилар.

Аввал бошқа Туркистон жадидлари муввақат ҳукуматни ошкор қўллаб-қувватлаб чиқдилар, уларнинг вакиллари Туркистон комитети таркибиға кирдилар, улар маҳаллий аҳолини итоатгўйликка ҳамда янги ҳукуматни, у кўраётган чора тадбирларни қўллаб-қувватлашга даъват этдилар.

«Шўрои исломия»нинг 1917 йил 25 марта даги «Мусулмонларга» деб аталган даъватномасида шундай дейилган эди: «Золим подшонинг қулашида бутун рус халқига ҳеч қандай зиён келмади, чунки унинг ўрнида халқ ҳукумати ишляяпти. Бу халқ ҳукуматиadolat ҳукумат бўлиб, ҳаммага бирдай қарайди. Шу бойисдан янги ҳукумат тўғрисида номуносиб «Сўзлар гапирманг». «Шўро исломия»нинг 1917 йил 28 апрелда «Нажот» рўзномасида эълон қилинган «Муваққат» низомида мазкур ташкилотнинг вазифалари қаторида «Янги ҳукуматнинг сиёсатидаги мақсадларни амалга оширишга кўмаклашишга даъват этиш» вазифаси ҳам кўрсатилган эди.

1917 йил ўрталаридағи тарихий сиёсий воқеаларнинг таъсири остида жадидларнинг ижтимоий сиёсий фаолияти ва талаблар янада кескин тус олади, мустақилликни қўлга киритиши ғояси биринчи уринишида қўйилади. Бу ғоя Беҳбудий, Н.Якушев, О.Тиркишев, М.Шермуҳамедов ва бошқаларнинг мақолаларида ўз ифодасини топди. Бироқ мустақиллик концепциясининг ўзи 1917 йил апрел, сентябр ва ноябрда Тошкентда бўлиб ўтган Туркистон мусулмонларининг қурултойлари ҳужжатларида: Ш.Шораҳмедов томонидан ишлаб чиқилган ва 1917 йил сентябрда «Улуг Туркистон» рўзномасида эълон қилинган Туркистон муҳторият конституцияси лойиҳасида: «Турк одами марказияти», «Федералист»нинг 1917 йил септембрда нашр этилган дастурида бирмунча тўлиқ ва исчил баён қилиб берилган эди. Бу ўринда шуни таъкидлаш лозимки, қараб чиқилаётган жадидлар, кўпгина совет муаллифларини нотўғри ёзганларидек, Туркистоннинг Россиядан ажralиб чиқиши тўғрисидаги масалани қўймаган эдилар. Балки ўзларининг кониSTITUЦИОН монархияни қўллаб-қуватлаш тўғрисидаги ғоялардан батамом вос кечиб, Туркистонга Россия демократик федератив Республикаси доирасида миллий худудий муҳторият бериш тарафдори бўлиб чиқдилар. Чунончи мусулмонларнинг ўлка қурултойини «Туркистон». Ўлкасиning келгусидаги сиёсий тузилиши резолюцияларида" шундай деб кўрсатилган эди.: "Сирдарё, Самарқанд, Фарғона, Кавказорти вилоятлари вилоятларда яшовчи барча халқларнинг миллий-маданий жиҳатдан ўз тақдирини ўзи белгилашлари асосида ташкил этилган алоҳида худудий муҳтор федерация сифатида "Туркистон федератив республикаси" номи билан Россия республикаси таркибиға кириши керак", Туркистон жадидларининг бошқа дастурий ҳужжатлари ҳам ана шундай ғоя билан" суғорилган эди. Жадилларнинг кўриб чиқилаётган даврдаги мақолалари, нутқлари, лойиҳалари ва дастурий ҳужжатларида ҳокимиятнинг юқори идораларини, бошқарув ва суд идораларини ташкил зтиш муаммосига алоҳида эътибор берилган эди. Уларнинг муалифлари фикрича мазкур идоралар Туркистон федератив республикаси ваколаларини мустақил равишда амалга оширишлари лозим эди. Чунончи юқорида зикр эталган революцияларда шундай деб кўрсатилган эди. "Туркистон федерациясини ички бошқаришга доир масалалар бўйича қонунчилик ҳокимияти ва унинг ўз-ўзини бошқариш умумхалқ, тўғридан-тўғри, тенг ва яшириш овоз бериш йўли билан 5 йилга сайланадиган, Туркистон ўлкасида яшовчи барча халқлар ваколатининг зарур мутаносиблигига эга бўлган Туркистон парламентига тегишли бўлади. Революцияларда Туркистон парламенти томонидан сайланадиган ва Россия ҳукумати томонидан тасдиқланган маҳсус котибият ташкил

етиш кўзда тутилган бўлиб, унинг зиммасига Туркистон федерациясининг барча тармоқларини амалда бошқариш вазифаси юклатилади.

Шунингдек, "Резолюциялар"да Олий суд органи -"Махкамай Шария" деб аталган Сенат ташкил этиш кўзда тутилган бўлиб,. унга қонунларни эълон қилиш ва шарҳлаш, умумдавлат қонунлари ва шариат талаблари (мусулмон ахолиси учун) унинг аниқ ижро этилишини назорат қилиш, барча ҳукумат муассасалари ва шахслар устидан ҳамда барча суд муассасалари ва шахсларнинг суд қарорларини бажаришлари устидан назорат юргизиш ҳуқуқи берилган эди. Сенат Раис ва аъзоларидан иборат коллегиал орган кўринишида бўлиши керак эди. Сенат раиси бош прокурор Туркистон федерацияси қонунларининг олий пособни бўлиши лозим эди. Сенаторлар республика ахолиси томонидан умумхалқ, тўғридан-тўғри, тенг ва яширин овоз бериш йўли билан 5 йилга сайланиши керак эди.

"Революцияларнинг" маҳсус бандида Туркистон федератив республикасининг Россия республикаси ҳукуматидаги вакиллари ҳақида сўз юритилган эди. Бу вакиллар жадидларнинг фикрича умумдавлат масалаларини ишлаб чиқишида иштирок зтишлари лозим бўларди. Жадидлар Туркистон федератив республикаси билан Россия республикасининг вазифаларини чегаралаб қўйиш масаласига ҳам жиддий аҳамият бердилар. Улар Россия республикаси уруш даврида ташки чегараларини қўриқлаш жиноий ва фуқаролик судларини бошқариш маърифий-маънавий масалаларни (Россия фуқаролари учун), почта, телеграф, темир йўлни Туркистон қабул қилиш даражасига эришишганга қадар бошқариш, Россия ва хорижий давлатлар ўртасидаги сиёсий муносабатларни, Россия мудофааси ишларини бошқариш вазифаларини амалга ошириши лозим деб хисоблайдилар.

Туркистон федератив республикасининг ижтимоий-иқтисодий сиёсий-ҳуқукий ҳамда маданий ҳаёти билан боғлиқ қолган масалаларининг барчаси унинг тасарруфида бўлиши, давлат ҳокимияти, бошқарув ва суд идоралари томонидан мустақил равишда ҳал қилиниши лозим эди. Туркистон федератив республикаси ваколатига тегишли масалалар бўйича қонунлар чиқариш ўз тузилмаларини федерацияда ички хизматни ўташ учун ўз милициясини ҳамда тинч даврда федерациянинг хорижий мамлакатлар билан чегараларини қўриқлаш учун ўз кўшинларини хорижий давлатлар билан ҳамда Россия билан чегара жойларида ўз божхоналарини ғазначиликни ва федратив банкни ташкил этиш жирингчакаларга зарб қилиш ҳамда кредит билетларини чиқариш ана шундай масалалар бўлиб хизмат қиласи эди.

Шуни таъкидлаш зарурки жадидлар умман Туркистонинг мустақиллиги тарафдори бўлиб чиқар зканлар, иқтисодий мустақиллик тўғрисидагиояни биринчи ўринга қўйган эдилар Уларнинг шунга ишончи комил эдики, мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлай туриб, сиёsat, ҳуқук ва дин соҳасида мустақилликка эришиш мумкин эмасди. Туркистоннинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш чун ерни, ер хазиналарини, сувни Туркистон ҳалқларининг умумий бойлиги деб эълон қилиш, ерни, саноати, қишлоқ хўжалиги, савдо-сотикни, қўрилишини, бошқаришни бошқариш Туркистонликлар қўлига топшириш; зарур маҳсулотларни Туркистоннинг ўзида ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйиш, завод ва фабрикалар қуриш янги ерларни ўзлаштириш, савдо сотикни, саноат, сугорма деҳқончилик, боғдорчилик, сабзаводчилик ва ҳоказоларни ривожалантириш зарур. Буларнинг ҳаммаси, жадидларнинг тўла ишончига кўра Туркистонинг тўла мустақиллигини қўлга киритиш учун иқтисодий замин бўлиши лозим эди.

Туркистон жадидлари феврал инқилобидан кейин бошқарувнинг фуқароларга демократик ҳуқук ва эркинликлар берадиган ва кафолатланадиган республика шаклининг изчили тарафдорлари бўлиб майдонга чиқдилар. Жадидларнинг дастурий хужжатлари ва лойиҳаларида қўйидагилар эълон қилинади: фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш, йиғилиш ва митинглар ўтказиш, ижтимоий ташкилотларга ва уюшмаларга бирлашиш, ҳеч кимдан ижозат сўрамай, қўчиш сабаблари тўғрисида ҳеч кимга ҳисоб бермай бир жойдан иккинчи жойга эркин тарзда қўчиш, таълим олиш, рўзномалар, жадидлар ва китоблар нашр этиш ҳуқуqlари, сўз, матбуот,

виждан ва фикрлар эркинлиги, шахс мол-мулк, ёзишмалар даҳлсизлиги. Жадидлар фуқароларнинг ҳам қонун олдида ҳам ҳукумат олдида, тенг бўлиши тарафдори бўлиб чиқдилар. Улар қонунлар ва ҳукумат фуқароларни, уларнинг ижтимоий келиб чиқиши моддий ва диний мансублигидан қатъи назар уларнинг манфаатларини, ҳукуқ ва эркинликларини бир хил ҳимоя қилишлари лозим деб ҳисоблардилар. Фуқаролар эса ўзлари томонидан содир этиладиган хатти-ҳаракат ва жиноятлар учун қонун ва ҳукумат олдида бирдай жавобгар бўлишлари лозим.

Жадидлар ишчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга сезиларли эътибор бердилар. Чунончи "Турк адами марказияти" партиясининг дастурида маҳсус бўлимда ишчиларнинг касаба уюшмалар ва жамиятларга бирлашиш, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун умумий ва хусусий иш танлаш ўтказиш, карилек ва ногиронлик бўйича пенсиялар, касал бўлган вақти учун нафақалар олиш, ўз вакиллари орқали меҳнат низоларини хал қилишда қатнашиш ҳақида гапирилган эди.

"Дастур"да Туркистон федератив республикаси адлиясининг асосий принциплари: қонунийлик, айбиззлик презумцияси, суднинг мустақиллиги ва эркинлиги, ҳимоя ҳукуки, суднинг ноқонуний ҳукм ва қарори устидан шикоят қилиш ҳукуки ва ҳоказолар тузиб чиқилган эди.

Жадидлар Туркистон халқлари ва элатларининг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, ҳукуқий ва маданий ҳаётининг барча соҳаларида тенглиги тарафдори бўлиб майдонга чиқдилар. Улар кам сонли миллатларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор бердилар. Жадидлар ўз мақолаларида, дастурий ҳужжатлар ва лойиҳаларда туб жойи бўлмаган ва кам сонли миллатларни ташкил этган миллатлар ва элатларга мансуб фуқаролар барча ҳуқуқлар ва эркинликлардан Туркистонинг туб халқлари вакиллари билан баб-баравар фойдаланишлари лозим деб кўрсатдилар.

Жадидлар Туркистонинг мустақиллиги тўғрисидаги ўз ғояларининг рўёбга чиқарилишини энг аввало, мамлакатнинг турли ижтимоий кучлари ўртасидаги тинч-тотувлик билан боғладилар.

XX асрнинг бошида Ўзбекистон сиёсий -хукуқий ва ғоявий ҳаёти

1. Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг сиёсий қарашлари.
2. Беҳбудий ва унинг ҳукуқий қарашлари.
3. Фитратнинг сиёсий ва ҳукуқий қарашлари.

XX асрнинг бошида Ўзбекистон халқларининг сиёсий-ҳукуқий ҳаётида айрим ўзгаришлар юз берди. Бу фавқулотда бир ҳол бўлмасдан алки қонуний табиий ҳол бўлиб жамият ҳаётида юз берган иқтисодий ижтимоий ва маданий ўзгаршлар билан чамбарчарс боғлиқ эди. Ўзбекистон халқларининг сиёсий-ҳукуқий ҳаётига таъсир кўрсатган муҳим омиллардан бири бу чор ҳукуматининг қишлоқ ҳўжалиги соҳасида олиб борган сиёсатидир. Россия империясининг ҳукмрон доиралари ўзларининг қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш мақсадида Ўрта Осиёда мустамлакачилик зулмини янада кучайтириш бу ердан арzon маҳсулотларни табара кўпроқ ташиб кетиш билан боғлиқ бир қатор тадбирий чораларни кўрдилар. Бўлардан энг асосийси Россия енгил саноатининг талабларини қондириш мақсадида Туркистон ўлкаси.

Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳамда Абдурауф Фитратларнинг сиёсий-ҳукуқий қарашлари

Маҳмудхўжа Беҳбудий асримизнинг биринчи чорагидаги Туркистоннинг энг машҳур кишиларидан эди. Унинг номи Туркистон генерал губернаторлиги тугул, оқ подшоннинг ўзига

ҳам аён бўлган. Унинг сиёсий–ҳуқуқий қарашлари энг илғор демократик ғояларни ўзида акс этгани учун ҳам Бухоро амири уни ашаддий душмани сифатида кўрган.

Беҳбудий 1875 йилнинг 19 январида Самарқандда руҳоний оиласида туғилган. Эски мактаб-мадрасада ўқиган. Козихоналарда мирзалик, муфтилик қилган. Арабистон, Миср, Туркия каби бир неча давлатларда бўлган, жадидчилик ҳаракатининг асосчиси Исмоил Гаспарали билан учрашган, унинг сиёсий қарашлари билан яқиндан танишган, ҳамда уни ўзининг устози деб билган.

«Сиёсий, ижтимоий фаолияти, билимининг кенглиги жиҳатдан ўша замонда Туркистондаги жадидлар орасидан унга teng кела оладигани бўлмаса керак», - деб ёзган Файзула Хўжаев.

Беҳбудий ўз даврининг энг долзарб муаммоларини ҳал этишга қарши курашар экан, энг аввалло, ҳалқни маърифатли бўлишини илгари сўради. 1907 йил 9 февраляда «Вақт» газетасидаги «Фарёди Туркистон» мақоласида шундай ёзади

«Бир мадрасага 20 талаби гапи ила бир ноахил мударрис сайланур, бир волостда 40 нафар эл бошлариндан 21 нафарни садоси ила бир жоҳил қози сайланур ва Русия маъмурларина-да маъкул ўлур. Бир минг фақирнинг радду мудохаласи мўътабар ўлмаз ва сўзлари эшитилмас. Ишта бизим туркистон шаҳарларнинг бугунги қози, муфтий ва мударрис ҳам имом ва ўзга руҳонийларнинг юздан саксони, сахро ва қарияларда ўлонларининг ундай тўққизи шуйла номуносиб кишилардан иборатдур».

Бундай ижтимоий адолатсизлик жамият тараққиётiga заарлигини таъкидлайди. Кейинги мақолаларида чор мустамлакачилик сиёсатини, хусусан Думага сайлаш вақтида ўлкада 70 минг русдан 6 депутат бўлгани ҳолда 7 миллион мусулмонга 5 ўрин ажратилганини ҳам танқид қиласди.

Унинг миллатни туткунлик ва турғунликдан олиб чиқиши учун илгари сурган ғоялари 1912-13 йилларда ёзилган «Падаркуш» асарида ҳам қайд этилган.

Миллатнинг тақдирини, унинг келажагини, истиқболини ўйлар экан, Беҳбудий тенгҳуқуқлилик масаласини илгари суради. Ўзининг «Танқид сараламоқдур» мақоласида, туркистон забт этилгач, руслар маҳаллий ҳалққа «сартлар» деб ном беришганини танқид қиласди.

«Ҳар ким бизни сарт деса, мунга хурсанд бўлуб, фахр қилмоғимиз даркордур, зероки, сарт дегани масжидлик ва мадрасалик ва бозорлик ва озода ва уламони маъдани дегани бўлур, деб ёзилган мақолани рад этади. Ш.Лапиннинг «сарт»-сари ит»дан деган фикри қанчалар ҳақоратли бўлса, «Озодаваш» дейиш ҳам шунчалик асоссизлигини таъкидлайди ва тарихий – илмий манбаларга суюниб, «Сарт на маънода бўлса бўлсун, арбоби томонидан ҳал қилинмагунича они қабул этмасликка ҳаққимиз бор, - деб хисоблайди.

«Ҳаёт ва мамот масаласи қадар муҳим бўлган неча масалалар кўзимиз олдига турган ҳолда аларни эхмол этуб, фақат сарт сўзи ила шуғулланиб, фурсатларни бўшқа ўткармоклик яхши эмас, лекин ёвруполилар қошида миллият масаласи дин масаласидан муҳим ва муқаддас тутилган бир замонда бизлар ҳам миллият масаласидан саналган «сарт» ҳақида гоҳ-гоҳ баҳс этиб, миллиятизни хотирлаб турганда, зарар қўрмасмиз», - деган фикрни илгари сўради.

Беҳбудийнинг фикрича, миллат ўзини англагандагина ижтимоий-сиёсий масалаларга бошқалари сингари teng аралаша олади.

Сиёсий қарашларида Беҳбудий ўз замонасидаги мавжуд идора усувлари ҳақида фикр юритиб, уларни учга ажратади.

Идораи мустақла (идораи мутлақо-монархия)

Идораи машрута (конституцияли парламентли ҳокимиёт)

Идораи жумҳурият (Республика)

Беҳбудий бу идора усувларини шундай изоҳлаган

«Ани устидан қарагувчи подшоҳ соҳиби ихтиёр ва ҳар бир ройи ва амри закун ва низом бўладур. Амри, ҳукми, ройи ноғиз (қонун)дур. Қўл остидаги барча маждислар, маслаҳатхоналарни иттифоқи, ҳоҳиши, ҳукми ўшал импературларни янидан мансуб бўлуши ҳар бир давлат ва ҳукуматда муқаррарий қонун ва одатлар бўйича мерос ёинки валиаҳдлик қоидалари ва ўшал ҳукуматни қўйган «тартиб ва тадбирига мувофиқ бўладур».

Идораи машрута – «...ба ҳукуматга тобеъ одамлар аксар ахли илм ва ҳунардурлар. Элу уруғлари илм, ҳунар ва дунё ишларига тараққий қилгандурки, шу тариқа фуқаролар ўз ароларидан инсонлик, илм ва дунёдан хабарлик одамларни ўзларига катта ва бошқарувчи вакил сайлайдурлар ва шул тариқа сайланган вакилларни подшоҳ жамлаб, муқаррарий маҳкамаларга мамлакатдорлик ишларига аралashiб, машварат ила тузатилмоқ ва муҳофизат қилинмоғига кўз бўлмоқлари учун қарор берадурки, аларнинг мажлис ва маҳкамаларини «Миллат мажлиси», «маслаҳатхона», «парламенту», «государски Дум», «Мажлиси синодий» (сенат мажлси), «Эл мажлиси» деган номлар ила ёд қилинадур. Айримларини маслаҳатбошисини ҳукмдорнинг ўзи тайин қиласур....

Хулоса, императўр соҳиб ихтиёр бўлмай, дурустроқ ишларга қонун ва низомлари чикорилмоғига бутун эл мажлисга тобеъ бўлуб турадур».

«Идораи жумҳурият» - ...аксар фуқароси ахли илм бўлуб, бу ахли дониш аҳолини сайлаган вакиллари яъни ҳукуматга етти йилгача ўз мамлакат ва ҳукуматини бошқармоғи учун ўз ароларидан бир нафар донишманд одамни бошлиқ сайлайдурларки, «раиси жумҳурият», «президент» аталадур. Бу раис гўё бир оризи (вақтинча), омонат подшоҳдур. Ҳар бир ҳукм ва амру тартибни, мамлакат ва элга тааллуқли ишни, Миллат мажлисининг қилиб берган дастуруламал, яъни қонун ва низомларига мувофиқ қилиб, бутун элга тобеъ бир кишидур. Ҳар бир ишга Миллат мажлиси ҳукмига тобеъ, аларнинг ҳукму талабларини ўрнига келтирувчидур.

Бу икки тоифанинг подшоҳи баъзи мамлакатда «Элга тобеъ бўлуб туарман» деб қасам ичиб, кейин мансабга чиқадур...

Умуман, Беҳбудийнинг сиёсий – ҳуқуқий қарашларида ҳалқнинг сиёсий жиҳатдан етук бўлиш, ўз қадр-қимматини улуғлаш, ўз тақдирини белгилашда миллат тақдирини устун қўйилиш ғоялари кенг ўрин олган.

Беҳбудий ўлими олдидан қўйидагича васиятномсини қолдирган.

«Биз ўз қисматимизни биламиз, аммо бечора ҳалқимизга ўз ҳаётимизда нома қилишимз мумкин бўлса, шуни қилганимизни ҳис этиш билан фаҳранганимиздан ўлимни хотиржам кутмоқдамиз.... Агар бизнинг ҳаётимиз хуррият ва ҳалқнинг баҳт-саодати учун қурбонлик сифатида керак бўлса, биз бу ўлимни ҳам хурсандчилик билан кутиб оламиз...

Мумкин қадар кўпроқ яхши мактаблар очиш, шунингдек, маориф ва ҳалқ саодатини таъминлаш соҳасида тинмай ишлаш бизга энг яхши ҳайкал бўлади».

Мустақиллик туфайли биз жадидчиларнинг сиёсий – ҳуқуқий таълимотларни кенг ўрганиш имкониятини кўлга киритдик. Уларнинг илгари сурган ғояларни ўрганиш, улардан ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш йўлида самарали фойдаланишимиз зарурдир.

Жадидчилардан бўлмиш Абдурауф Фитрат 1886 йилда Бухоро шаҳрида савдогар оиласида туғилган.

Истеъдодли Фитрат 1909-1913 йилларда Истамбулда ўқиган. Ушбу йилларда Фитрат Истамбулда ҳамشاҳарлари билан биргалиқда «Бухоро таъмими (умумий) маориф жамиятини» тузган, ҳамда бошқарган. Шу даврда Истамбулда Фитрат бир қатор форсий тилда асарларини ёзган. Улардан бири «Мунозара» асаридир. Асарда Ҳиндистонда бир фарангি ила бухороли бир мударриснинг бир неча масалалар ҳам усули жадида хусусида қилган мунозаралари орқали жамиятдаги сиёсий-ижтимоий масалаларга икки хил ёндашув, баҳслар ўз аксини топган.

Фитрат ўз қарашларида хурофотни, бидъатни қоралайди, унга чинакам эътиқодни қарши кўяди. Тараққиётни, ҳалқ фаровонлигини илму-заковотда деб ҳимоя қиласди.

Унинг сиёсий қарашларида жамиятни ислоҳ қилиш, халқнинг сиёсий фаоллигини ошириш ғоялари илгари сурилган. Унинг «Мусулмонлар, ғофил қолманг!» асарида халқнинг ўз келажагини кўришда бефарқ бўлмаслиги қўйидагича ёритилган.

«Яқинда шаҳар думаси очилур. Шаҳар думаси, шаҳримизнинг покизалик ва ободлиги, мактабларимизнинг тараққий ва интизоми, болаларимизнинг тарбияси ва халқимизнинг тинчлиги учун керак бўлган ишларни ўз кўлига олур. Шаҳримиздан хазинага киратурган ақчаларни шу йўлларда сарф қилмоқчи бўлур.

Бу олдимиздаги шаҳар думаси эски ҳукумат замонидги думларига ўхшамас. Йигирмадан ўтган бутун шаҳар одамларнинг ихтиёри билан сайланурлар. Бу шаҳар думасинда жуҳуддан, русдан, мусулмондан вакил қилиб ўтуур. Ва шаҳар ишлари учун гапирушурлар. Шаҳарнинг қайси қитъасинда йўлларни тузутмоқ керак, қанча мактаб кўрмоқ керак, қанча касалхоналар кўрмоқ ҳақидаги ишларни «вакиллар кўпчилиги»нинг қарори билан қилмоқчи бўлурлар...

Мана шуларни онглаган ҳар жамоат, ҳар миллат шаҳар думасига ўзидан кўпроқ вакил ўтказмоқ учун тиришадир, думанинг кўпчилигининг ўзига олмоқчи бўладир...

Қисқаси шулким: бизнинг ҳақимиз уларнинг ҳақлариндан уч йўла берқдир. Мана шуларни тилаоб олмоқ учун шаҳар думасининг кўпчилигини олмоқ керак, бу учун эса сайлов куни мусулмонларнинг кўпчилиги сайловга иштирок этишлари лозимлигини таъкидлайди.

Фитрат сайловларга бефарқ бўлмаслик учун «...ўз халқларини яна бошқаларнинг оёқлари остинда қўймоқчи бўлмаган мусулмонлар! Сайлов куни ғофил қолманглар, кўпчилик бўлиб келурга тиришинглар»- деб халқни сайловларга фаол қатнашишини, ўз ҳақ-хукуқи учун курашиб кераклигини уқтиради.

Бухородаги сиёсий-ижтимоий вазиятни таҳлил этар экан, Бухоронинг ери, меҳнаткаш халқи фаровон турмуш қуришга ҳақли бўлса-да, бундай ночор турмуш кечиришнинг сабаби деб давлат бошлиқларини, раҳбарларни кўрсатади. Унинг фикрича, Бухородаги давлатни идора қилиш усулининг тўғри йўлга қуйилмаганидан вазият шундай оғир ахволда деб қўйидагича тасвиirlайди....

«Бухоронинг машхур обдастлари, гиламлари, алачалари Европа молларидан нозикроқ, пишиқроқ. Лекин бозори йўқ. Бозор Европа фабрикантларининг қўлида. Бир минг азоб билан қўлда тайёрланган, иккинчиси – осонгина, машиналарда. Ҳам кўп. Унинг устига харидор талабига қараб бирини тезгина қайта қуриш мумкин, иккинчисининг деярли иложи йўқ.»

Фитрат чет элда ўқиб келган ёш бухороликлар билан бирга

Бухорода ижтимоий, сиёсий ислоҳотларни амалга оширишга ҳаракат қилган. Унинг қарашларида солиқларни камайтириш, дехқонлар ахволини яхшилаш, амалдорларнинг ўзбошимчалигини чеклаш каби ишларни амалга ошириш ғоялари акс этган.

Ушбу қарашлари «Оила», «Бегижон», «раҳбари нажот» каби асарларида ёритилган.

Фитрат Туркистон мухторияти эълон қилинган кунни (1917 й 27 ноябрь тунини) миллий лайлатурқадримиз» деб атади.

Ушбу кун ҳақида шундай дейди

«Эллик йилдан бери эзилдик, таҳқир этилдик. Қўлимиз боғланди, тилимиз кесилди. Оғзимиз қопланди. Еримиз босилди. Молимиз таланди. Шарафимиз емурулди. Номусимиз гасб қилинди. Инсонлигимиз оёғлар остига олинди. Тўзимли турдик, сабр этдик. Кучга таянган ҳар буйруққа бўйун сундук. Бутун борлигимизни қўлдан бердик. Ёлғиз бир фикрни бермадук, ёшунтурдуқ, имонларимизга ёраб сақладук. Бу – Туркистон мухторияти»...

Фитрат сиёсий-хукуқий қарашларида жамиятни қайта ислоҳ қилиш тарафдори бўлиб, биринчи галда бу ислоҳни амирликдан бошлаб, амирликда - конституцион маърифатли монархия ўрнатишни илгари сўради. Иккинчидан, дехқонларни судхўрлардан ҳимоя қилиши учун қишлоқ хўжалик банки очишни, дехқончилик учун зарур бўлган техникани қишлоқда жорий этишни, ҳамда ер ишларини тўғри ташкил этиш учун назорат тайинлашни таклиф этади.

Унинг яна бир муҳим хизмати, адлия ишларини шариат қонунлари асосида белгилашғоюсыдир. Адлия нозири қозикалон бўлган.

Давлатнинг муҳим вазифаси ўз ҳудудини, ўз аҳолисини ташки кучлардан ҳимоя қилиши бўлгани учун ҳам Фитрат ва унинг издошлари ҳарбий ишларга катта аҳамият беришган.

Ҳарбий хизмат 22 ёшдан деб белгилашган. Ҳар бир йигит учун хизмат муддат 2 йил мажбурий деб кўрсатилган. Барча ҳарбий таълим-тарбия, таъминот европача усуlda бўлишни, ҳамда марказлашган нозирлик орқали амалга оширилиш ғоясини маъкуллашган.

Фитратнинг ҳуқуқий қарашларида Бухоро амирлигидаги солиқлар, уларни ташкил этиш, йиғиш, ҳалқнинг солиқларга бўлган муносабати алоҳида ўринни эгаллади. Унинг қарашларига кўра, Бухоро дехқонлари зиммасига юкланган солиқларнинг кўплиги, уларни ундиришда амир амалдорларининг ноҳақлиги, адолатсизлиги дехқонлар турмушини янада оғир аҳволга солади. Сабаби, солиқ йиғишида амир амалдорлари дехқоннинг ерини, оладиган ҳосилини ҳаққоний билмасдан туриб, барчасини таҳминий ёзиб, дехқон зиммасига йўқ ҳосил ҳисобидан катта-катта солиқ ундиришларидир. Унинг «Бухоронинг ҳоли» деб аталмиш мақоласида шундай ҳолат тасвирланади:

«Энди бир дехқонни кўзимиз олдинда келтуриб шу ишларни унинг устинда юритайлик, кўрайлик нима бўлар. Масалан, Турсун отли бир дехқоннинг тўрт танобгина ери бор, кеча уйқусизликлари, кун очликлари орасинда югуриб, иссиқ-совуқ демай, кўш боғлар, хирмон совурап, ўн ботмонгина хирмон қилиб ҳозирлаб кўяр, лекин бола-чақалари очлиқдан ўлса ҳам амалдор бек келмагунча шунча меҳнат билан ҳосил бўлган буғдойдан бир ҳовуч ололмас. Олса, бир ҳовуч еринда бир ботмон буғдойни йигирма ботмон таҳмин қиласлар. Шунинг учун ҳам дехқоннинг уйини қўйдирадилар.

Фитратнинг фикрича, бундай ҳолат факат дехқончилиқда эмас, балки закот солигида ҳам учрайди. Закотнинг икки тури бўлиб биринчиси мол закоти, иккincinnisi-качи закотидир, яъни қўй, эчки каби чорвалардан келадиган фойданинг қирқдан бири миқдорида олинадиган солиқ. Бундай ҳолларда ҳам аҳолидан ноқонуний солиқлар ҳам ундириладики, улар масалан, ҳисобга олинмаган уй ҳайвонларидан олинадиган солиқ. Масалан рўйхатга олингандан кейин туғилган уй ҳайвонлари учун чакана закотни ундирилиши каби... Албатта, бундай ҳолатларга кўплаб мисоллар келтирадики, уларнинг барчаси маҳаллий ҳукмдорларнинг факат манфаатлари, бойишлари учун ҳалқнинг зиммасига туширилган янгидан янги солиқларни қоралайди.

«Шарқ сиёсати» асарида эса инглизлар томонидан Ҳиндистонда ўрнатилган бошқарув сиёсатини қоралар экан, маҳаллий ҳалқ учун инглизлар қабул қилган қонунларнинг Англия давлатидаги қонунлардан фарқ қилишини ёзади. Унинг фикрича, инглизлар қўлида Шарқнинг олтин хазинаси бўлган Ҳиндистон, унинг аҳолисининг тақдири туради.

Инглизлар эса бу ҳалқ устидан адолатсизларча ҳокимлик қилишади.

Улар инсофисзлик ва зулм билан бошқаришади. Инглизлар билан ерли аҳоли ўртаида тенглик йўқ. Ҳиндистонда ерлилар учун алоҳида зиндан, маҳкамама тартибсиз, қоронғу ва кўрқинч шаклда курулган бўлса, инглизлар учун тескари-маҳкамалар ёруғ, қонунга асосан қурилган. Худди шундай жазо сиёсати ҳам. Икки ҳалқ учун битта жиноят бўлсада, лекин жазо маҳаллий аҳолига нисбатан кучли, қаттиқ оғир қилиб белгиланган. Масалан, «Ҳиндистонда бир инглиз итига тош отиб, олти ой зинданга буюрилган ерли кўбдур, лекин юз ҳиндини ўлдурууб, қонун ёнинда масъул бўлган бир инглиз топилмайди. Ҳатто, ҳар йил Ҳиндистондан 450 млн сўмлик фойда оладиган Англиз ҳукумати шу фойданинг бир миллионини ҳам хинд маорифи учун сарфламаслигини танқид қиласди...

Худди шундай ҳолатни Франциянинг мустамлакаси бўлган Жазойир мисолида ҳам келтиради. Франциянинг жаҳонгир ҳукумати ўзининг бутун маъмурлари билан Тунис, Жазойир мусулмонларини йўқ қилмоқ учун онт ичганга ўхшатади. Сабаби, Франциянинг энг кичик бир қишлоғида кўрилган мактабнинг изи Туниснинг энг катта шаҳрида ҳам топилмайди. Франциянинг энг ахмоқ бир боласига берилган сўз эрки – Жазийирнинг энг улуғ бир

файласуфига ҳам берилмаганини куйиниб ёзади. Француз маъмуриятига Тунис аҳолисининг мурожаатини шундай ёзади: «қанча аскар истасангиз берармиз, ҳаммамиз уруш майдонларига бориб ёвларингиз билан урушармиз, жонимиз ва молимиз билан сизга кўмакчи бўламиз. Сиз ҳам бизга ўз французларингизга берилган хуқуқни берингиз! Бизга ўгай кўзи билан қарамангиз, Францияда юрутилганadolat қонунларини бизнинг ўлкада ҳам юритингиз».

Умуман, Фитратнинг сиёсий-хуқуқий қарашларида мустақиллик, хурлик, тенлик ғоялари билан биргаadolatли қонунлар, қонунларни барча халқлар учун умумий ва тенглик асосида қабул қилиниши масаласи асосий ўринни эгаллаган.

Адабиётлар:

1. Вохидов Х. Просвитительская идеология в Туркистане. Т., 1979, 64 бет:
2. Хидоятов Г.А. менинг жонажон тарихим. Т., 293 бет.
3. Махмудхўжа Беҳбудий. Бизнинг дастуримиз:// Самарқанд, 1913, 19 апрель». Қаранг: «Манифестнинг баёни. // Тараккӣ Ўрта Осиё умр ғузорлиги. 1906.
4. Махмудхўжа Беҳбудий. Танланган асарлар. Д.Ташкулов и др.
5. Р.Шарипов. Ф.Муҳиддинова. Ўзбекистон халқларининг сиёсий -хуқуқий таълимотлар тарихи. (Жадидлар) Т., -2004.
6. Ф.Муҳиддинова. Ўзбекистон халқларининг сиёсий-хуқуқий таълимотлар тарихи. Ўқув қўлланма. Т., -2004.

9-мавзу. Ўзбекистонда ҳозирги давр сиёсий-хуқуқий таълимотлари: демократия, хуқуқий давлат, либерализм, фуқаролик жамияти тўғрисидаги ғоялар

Режа:

1. Ўзбекистоннинг янги давр сиёсий-хуқуқий таълимотларида давлат мустақиллиги ва суверенитети ғоялари.
2. Ўзбекистоннинг янги давр сиёсий-хуқуқий таълимотларида демократия, инсон хуқуқи, эркинлиги масалалари.
3. Ислом Каримов - мустакил Ўзбекистон давлати асосчиси. “Ўзбек модели” ва сиёсий-хуқуқий таълимотлар.
4. Ўзбекистоннинг ҳозирги давр сиёсий-хуқуқий таълимотларида сиёсий партиялар, парламент ва сайлов ҳақидаги ғоялар. Сиёсий-хуқуқий таълимотларда либерализм ғоялари.
5. Ўзбекистоннинг ҳозирги давр сиёсий-хуқуқий таълимотларида диний оқимлар: соф ислом дини ғоялари.
6. Янги давр сиёсий-хуқуқий таълимотларида хуқуқий давлат қуриш, ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантириш тўғрисидаги ғоялар. Глобализм ва сиёсий-хуқуқий қарашлар.

Ҳозирги шароитда, яъни янги даврда Ўзбекистон Республикаси ўз миллий давлатчилигини тиклашга, унинг хуқуқий тизимини шакллантиришни, шу асосда хуқуқий давлат барпо этиш йўлидан бормоқда.

Ўзбек миллий давлатчилигининг асослари ўтмиш тарихий тажрибамизда, давлат фаолиятимизда, ўша даврда илгари сурилган сиёсий-хуқуқий ғояларда мужассамдир. Давлатчилик тажрибамизни, унинг ғоявий, сиёсий, хуқуқий асосларини илмий тадқиқ қилиш, уни ҳар томонлама ўрганиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган стратегик вазифага айланди. Ўзбек давлатчилиги ривожланишининг ғоявий-тарихий тажрибасига таяниш конституциявий тамойил бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Муқаддимасида кўрсатиб берилган яъни, Ўзбекистон ўз миллий давлатчилигини тиклашда ўз давлатчилик тарихига таяниши илгари сурилган.

Айниқса, Республика Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон мустақилликка эришган кунидан бошлаб барча маъруза, нутқ ва асрларида Ўзбекистоннинг бундан бўёнги сиёсий, иқтисодий, хуқуқий, ижтимоий, маънавий – маърифий ислоҳотлари кенг ёритилиб келинмоқда.

Ҳаттоқи, юртбошимиз томонидан мустақилликка ҳалқимизнинг азалий орзуси бўлиб, унинг қадр-киммати юксак баҳоланиб, унга шундай таъриф берилган:

“Ўзбекистон мустақил давлат. Бу ўз тақдири ва истиқболини ўзи ҳал қилишdir, бу миллатни маънавий, ахлоқий, маърифий инқироздан қутқаришdir, бу ўз ерига, ўз ер ости бойликлариға эгалик қилишdir, бу тенглараро тенг бўлиш, кенг дунёга даллоллар ва воситачиларсиз чиқиш, ҳалқаро муносабатлар ўрнатиш, миллатлар ҳамдўстлигига қўшилишdir. Президент И.Каримов бу сўзларида мустақил давлат бўлиш бизга, юртимизга, ватанимизга, ҳалқимизга инъом этган бойликлар, кулагилклар, ҳуқуқлар, имкониятлар нечоғлик салмоқли, мазмунли эканини ва бизнинг ҳалқ, миллат, давлат, худуд сифатида кўтарилишимиз, ҳалқаро миқёсга чиқишимиз, аждодларимизнинг улуғлигини муносаби равишда давом эттириш учун ўзимизни сафарбад қилишимиз зарурлигини кўрсатади.

Миллий мустақиллик республикамиз фаолиятининг барча соҳаларига янгича тараққиёт жараёнини, ислоҳотларни жорий этмоқда. Шу боис, давлат бошқаруви тизимида алоҳида аҳамиятга эга бўлган демократик тамойиллардан: ҳокимият тақсимланиши ҳақидаги жаҳон ҳалқларининг сиёсий-хуқуқий таълимотларини, шу жумладан ушбу тамойилнинг Ўзбекистондаги амалий ифодасини тадбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Давлат бошқаруви тизимида рўй бераётган туб ислоҳотларнинг таъсири остида қўйидаги ўзгаришларни таъкидлаш мумкин:

президентлик ҳокимияти институтининг жорий қилиниши;

Ҳокимиятнинг тақсимланиши тамойилининг амалда қўлланиши;

бошқарувнинг янги ҳудудий органлари тузилиши;

ташкилий жиҳатдан замонавий тамойилларга асосланган янги типдаги бошқарув тузилмаларнинг пайдо бўлиши ва амал қилиши.

Бундай сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ислоҳотлар эволюцион тарзда амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришиши билан демократик-хуқуқий давлат қуриш йўлидан борди ва ўз давлатчилигини режалаштиришда ҳокимиятнинг бўлиниши принципига амал қила бошлади. Бу борада дунёнинг илфор ривожланган демоқратик давлатлари тажрибасини, демократик-хуқуқий давлатчилик тўғрисидаги институтларни ўрганганд ҳолда халқимизнинг асрлар давомида шаклланиб келган турмуш тарзи, маънавияти, маданияти, менталитети асосида давлатчилик тизимни шакллантиришга киришди.

Замонавий хуқуқий-демократик талабларга жавоб берадиган давлат ҳокимиятининг ташкил қилишини тамойили 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциямизда белгилаб қўйилиши бу борадаги энг муҳим илк қадамлардан бири бўлди.

Конституциянинг 11-моддасида, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими - ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади, деб белгилаб қўйилди. Бу билан асрлар давомида ривожланган мамлакатларда синалган ва демократик принципларга амал қилинишининг кафолати бўлган ҳокимиятлар бўлиниши тамойили давлат ҳокимияти шакллантиришнинг асоси қилиб белгилаб олинди.

Албатта, бу жараённинг ўзи конституцияга белгилаш билан етарли эмас. Уни амалга ошириш учун, реал ҳокимиятлар бўлинишига эришиш учун ушбу соҳада хорижий мамлакатларда эришилган тажрибани ўрганиш, уларни сиёсий-хуқуқий таълимот сифатида тадқиқ этиш муҳим вазифасидир.

Ҳокимиятлар бўлиниши тамойили ҳақида мулоҳаза қиласар эканмиз, энг аввало ушбу тамойилнинг келиб чиқиши, уни яратувчилари, ушбу таълимот шаклланишининг сиёсий-хуқуқий омиллари ҳақида тўхталиб ўтиш, ушбу назариянинг моҳиятини янада чукурроқ англашга, замонавий юридик фанда ва давлатчилик амалиётида самарали фойдаланишга имкон яратади.

Ҳокимиятнинг бўлиниши – давлатда хуқуқнинг ривожланганлик даражасини кўрсатади. Ушбу тамойилнинг аҳамияти шундаки, ҳокимият тармоқларининг бир-бири томонидан сунистехнологияни қилиниши, тазийк қилиниши ҳимоя қилинади, ҳамда давлат идораларининг самарали фаолият кўрсатишига шарт-шароит яратади.

Ҳокимиятнинг бўлиниш принципига кўра, Ўзбекистонда ҳокимият қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлинган.

Ўзбекистон Республикасида қонун чиқарувчи ҳокимиятни Олий Мажлис - олий давлат вакиллик органи амалга оширади.

Ҳар қандай демократик хуқуқий давлатнинг асосий белгиси бу суд ҳокимиятининг мустақиллигидир. Давлатнинг Асосий қонуни суд ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан сиёсий партиялардан, бошқа жамоа бирлашмаларидан мустақил иш юритишини эълон қиласади.

Истиқлолга эришган Ўзбекистон ўзининг миллий хуқуқий тизимини вужудга келтирмоқда. Республика парламенти қонун яратувчилик фаолияти билан фаол шуғулланмоқда. Бундан мақсад ёш мустақил давлатнинг шаклланишини хуқуқий жиҳатдан ҳар томонлама таъминлашdir.

Мустақиллик йиллари 400 га яқин қонунлар қабул қилинди. Улар янгиланган жамиятнинг сиёсий ва давлат тузилиши, унинг иқтисодий, ижтимоий, маданий ва халқаро муносабатларини хуқуқий тартибга солишга қаратилган.

Биринчидан, сиёсий соҳага авваламбор давлат мустақиллигини хуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилган қонунлар киради. Булар жумласига, 1990 йил 20 июнда қабул қилинган “Мустақиллик декларацияси”, 1991 йил 31 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари ҳақида”ги конституциявий қонун ва 1992 йил 8 декабрдаги истиқлолимиз қомуси бўлмиш – Конституция киради.

Жамиятнинг янги сиёсий тизимини, давлат идораларининг тузилмасини такомиллаштириш, республика ҳокимияти билан маҳаллий ҳокимият идораларининг ваколатлари ва вазифаларини аниқ белгилаб қўйишга қаратилган қонунлар қабул қилинди. Булар Президентлик сайлови тўғрисидаги қонунлар, Олий Мажлис ва маҳаллий советларга сайловлар ҳақидаги, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, Конституциявий суд, Судлар тўғрисида, Олий хўжалик суди, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш тўғрисидаги ва бошқа бир қатор қонунлардир.

Иккинчидан, инсон хуқуqlари тўғрисида муайян қонунчилик тизими шаклланмоқда. Бу борада фуқаролик тўғрисидаги (1992) қонун алоҳида ўрин тутади. Чунки фуқаролик ҳар бир шахсга Ўзбекистоннинг иқтисодий, сиёсий, хуқуқий ва маданий турмушида мумкин қадар тўлароқ иштирок этиш имконини беради. Бундан ташқари, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги, Матбуот ҳақидаги, Сайловлар тўғрисидаги, Жамоат бирлашмалари ҳақидаги, Касаба уюшмалари тўғрисидаги, Ёшлар давлат сиёсати ҳақидаги ва бошқа қонунлар Конституциямизнинг иккинчи бўлимида кўрсатилган фуқароларнинг асосий шахсий, сиёсий, иқтисодий ва маданий хуқуқларини амалга оширишнинг аниқ механизмини яратишга қаратилгандир.

Учинчидан, Ўзбекистонда бозор иқтисодиётининг амал қилиши учун хуқуқий негиз яратувчи қонунлар қабул қилинган. Чунки ижтимоий йўналтирилган маданий-маърифий бозор муносабатларини тегишли равишда хуқуқий жиҳатдан таъминланмасдан туриб бозор хўжалигини шакллантириб бўлмайди. Бу қонунлар жумласига мулкчилик (1990), хусусийлаштириш (1991), корхоналар, тадбиркорлик, банклар ва банк фаолияти, корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган соликлар, ташқи иқтисодий алоқалар, чет эл инвестициялари ва уларнинг хуқуқий кафолатлари, валютани тартибга солиш, биржалар, аудиторлик фаолияти, якка ҳокимликка қарши қонунлар киради. Мазкур қонунларда мулкчилик барча шаклларнинг teng хуқуқлиги, мулк эгаси хукуқининг кафолати ва ҳамсояланганлиги, турли ташкилий-хуқуқий шаклда хўжалик юритувчи субъектларни тузиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш механизми, ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этиш тамойиллари ва тизими каби қоидалар ўз аксини топган. Бу қонунлар Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва миллий-тариҳий хусусиятларини ҳисобга олган.

Бозор ҳуқуқи ва қонунчилиги негизини ташкил этувчи фуқаролик ва фуқаролик процессуал кодекслари тайёрланди.

Тўртинчидан, ижтимоий ва маънавий соҳада таълим тўғрисидаги, пенсиялар, ногиронлар, меҳнат қоидаларига ўзгартиришлар каби ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди

Бешинчидан, давлат рамзлари тўғрисидаги қонунлар, яъни байроқ (1991), Герб, Мадхия, қабул қилинди.

Олтинчидан, ташқи сиёсат соҳасида илк бор қонунлар қабул қилинди. Бу – Ўзбекистон Республикасининг чет давлатдаги дипломатия, ваколатхоналари бошлиқларини тайинлаш ҳамда чақириб олиш тартиби, Ўзбекистон Республикасининг дипломатия ходимлари учун дипломатия даража ва мартабаларини белгилаш тўғрисидаги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар Вазирлиги ҳақидаги низом, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва дипломатик ваколатхоналар ходимларининг дипломатик даражалари ҳақидаги Низом қабилар

бир қатор кўп томонлама ва икки томонлама шартномаларни ратификация қилиш ҳақидаги парламентнинг қарорлари Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятининг ҳуқуқий асосларини ташкил этади. Ислом Каримовнинг ҳуқуқ-тартибот органлари ҳақида билдирган фикр-мулоҳазаларида; яъни

1996 йил 29 августда Ў.О.М.VI сессиясида И.Каримов сўзлаган нутқида: "Суд ислоҳотини чуқурлаштириш, ҳокимиётнинг учинчи, мустақил ва қарам бўлмаган тармоғи сифатида бутун одил судлов тизимини демократлаштириш-ҳуқуқий давлатни мустаҳкамлашнинг яна бир муҳим йўналишидир". Суд жазоловчи органдан оддий одамларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилувчи органга айланиб, ҳақиқатан ҳам мустақил бўлиб қолиши лозим", - деб уқтирган эди.

Ҳуқуқий демократи давлатни барпо этиш, фуқаролик жамиятини вужудга келтириш, қонун устуворлигига эришиш, Президент ва у раҳбарлик қилаётган ҳукуматнинг асосий мақсадларидан бири. Президент И.Каримов "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёти йўли" китобида: "Янгиланган жамиятнинг сиёсий ва давлат тузилиши инсонга унинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий турмуш тарзини эркин танлаб олишини кафолатлаши керак", деб кўрсатган эди.

Фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг сиёсий-ҳуқуқий, маънавий асослари ҳақида

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг умуминсоний ва милий қадриятлари билан боғлиқ жиҳатларини, шарт – шароитларини мушоҳада қилиш долзарб масаладир. Бу миллий камолатда маданий – тарихий изчиллик мавжуд бўлиб, у сиёсий-ҳуқуқий тараққиёт универсал тамойилларини демократик амалга оширишнинг ҳам ўзига хос шакл ва услубларини юзага келтиради. Хусусан, Президент И.А.Каримов ўзининг қатор чиқишларида барчанинг диққат-эътиборини демократиянинг турли замонавий маданиятлари томонидан ўзига хос ва бошқалардан фарқли ўлароқ қабул қилиниши ҳамда ўзлаштирилиши кузатилаётганлигига қаратди. "Демократик жараёнлар, – деб таъкидлайди юртбошимиз, – халқимиз миллий маданиятининг ўзига хос жиҳатларини, унинг табиатини ўзида мужассам этмоғи керак"¹. Маълумки, "гарб намунаси кўп ҳолларда индивидуализм фалсафасига таянади ва омманни ҳаддан ташқари сиёсийлаштиришга олиб келади. Осиё минтақаси ва мусулмон Шарқидаги демократик қадриятлар ва ўзгаришларнинг ривожланиш тажрибаси ўзига хос хусусиятлар, ўзига хос анъаналарга эга. Шарқда демократия тушунчалик ҳамжиҳатлик гояси, жамоатчилик фикрининг устуворлиги заминида шаклланади"². Демократиянинг бизда бугунги давр муаммо ва масалаларини ҳал этишнинг энг оқил йўл эканлигини эътироф этиб ҳар қандай мунозарали масалаларни тинч йўл билан ҳал этиш, музокаралар йўли билан фикр алмашиб ва энг тўғри, ҳамма учун бирдай манфаатли бўлган хулосаларга келиш ва ҳар қандай зўравонликларга, таъзийқ ва куч ишлатишга қарши равишда муносабатлар илмини эгаллаш – демакки, демократия тамойиллари асосида иш юритиш, демократик ривожланишнинг турли хил асослари, ҳаттоқи бу борадаги айрим номутаносибликлар ҳам уларнинг ҳаётйлиги ҳамда мувофиқлигини инкор этолмайди. Улар ўз навбатида яна бир бор, дунёда кечеётган иқтисодий ҳамда маънавий-маданий интеграция жараёнларига қарамасдан, ўз тузилмасига қўра, бир хил бўлган давлатлар йўқлиги ҳақидаги фикрни тасдиқлайди.

Демократия – умумэътироф этилган категория сифатида баҳоланса ҳам, ҳар бир давлат ва жамият қурилиши ва бошқарувида турли алломатларга, ўзига хос белгиларга эга. Бошқача айтганда, давлат ва жамиятнинг демократик қиёфаси, гарчи мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий қурилишини жаҳон тан олган умумий тамойиллар ва меъёрлар орқали акс этсада, миллий-анъанавий негизда шаклланади ҳамда ривожланади. Бу қонуниятнинг устувор ҳақиқат эканлигини мустақил Ўзбекистон миллий давлатчилиги тажрибаси ёрқин исботлайди. Гап

шундаки, давлат кўрилиши ва бошқарувининг асрий миллий тарихий тажриба ҳамда анъаналари, уларнинг демократик ҳуқуқий давлатчиликни барпо этиш, институционал тизимтаркибларини шакллантириш, такомиллаштиришдаги беназир ижобий жиҳатларини омилона ижодий ўзлаштириш дунёвий Ўзбекистон давлати кўрилишининг, бошқарувининг конституциявий тамойилларини белгилашда қўл келди.

Бугунги Ўзбекистонда давлат ва жамият кўрилиши ва бошқарувининг асосий тамойиллари:

Ижтимоий тенглик, кўпчиликнинг иродаси асосида давлат ва жамиятни адолатли бошқариш ҳамда озчилик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш; аҳолининг кам даромадли қисмини ижтимоий ҳимоялаш; иқтисодий тараққиёт жараёнларига меъеридан ортиқ аралашмаслик; фуқароларнинг осойишта ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш қабилардан иборат.

Мустақиллик ислоҳотларининг дастлабки босқичларидаёк И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган давлат ва жамият қурилиши ҳамда бошқаруви стратегияси, жумладан, тарихимизнинг ана шундай ғояларига ҳам суюнди, десак тўғри бўлади. "Жаҳон ва ўзимизнинг амалиётимиздан олинган барча унумли тажрибани рад этмаган ҳолда, ўз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий тараққиёт йўлимизни танлаб олиш республиканинг қатъий позициясидир"¹, деганди юртбошимиз.

Ҳокимиятнинг Олий Мажлис ва халқ депутатлари Кенгаши шаклида ўз аксини топган вакиллик органлари институтининг ривожи давлат бошқаруви тизими тараққиётида демократлашувнинг узвийлик қўринишларидан бири ҳисобланади. Шулардан биринчиси, яъни Олий Мажлис, ҳатто, ўз номланишига кўра, тарихий узоқ даврларга бориб тақалувчи миллий-анъанавий қурилмалар моҳиятига мос келади. Олий Мажлис олдинги Олий Кенгашдан тубдан фарқ қиласди. И.А.Каримов ўзининг "Ўзбекистонни ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожлантиришнинг асосий тамойиллари" деб номланган маъruzасида улар орасидаги тузилмавий, вазифавий ва бошқа фарқларни, шунингдек, шаклланишидаги ижтимоий хусусиятларни очиб берди. Масалан, Олий Кенгаш ижтимоий-синфий ёндашув асосида ҳамда ишчилар, колхозчилар, зиёлилар, ёшлар, аёллар каби тоифалар сонига нисбатан белгиланган квоталар асосида сайланар эди. Олий Мажлисга сайловларда депутатликка номзодларнинг ижтимоий келиб чиқишига эмас, балки уларнинг авваламбор, ишбилармонлиги ва маънавий, аҳлоқий сифатларига ҳамда ижтимоий дастурига бўлган эътибор асосий ўрин эгаллади.

Бинобарин, ҳозирги замон сиёсий-ҳуқуқий қарашларда – демократия деганда, айтайлик нафақат муайян жамиятдаги сайлов тизими ёки инсон ҳуқуқларига бўлган эътибор, балки бошқа, яъни субъектив омиллар ҳам бўлиб, бу омилларни ҳисобга олиш ва улар билан ҳисоблашиш демократиянинг моҳиятини тўла очиб беради. Аслида, демократиянинг ўзи ҳам – инсоннинг ана шундай ҳар томонлама баркамол ривожланиши учун берилган имкондир.

Демократия шахс билан жамиятнинг уйғунлигини таъминловчи омил бўлиб, жамият тараққиётининг тезлашиши ўша уйғунлик қанчалик такомиллашишига боғлиқдир. Демократия нафақат шахс эркинлигини таъминловчи ва уни тартибга солувчи омил, балки у шахс шаклланишига "чегара" ҳам кўяди. Яъни, конституциявий қоида ва қатъиятлар шахснинг ижтимоий ҳаёти ва кундалик ҳатти- харакатларини тартибга солади.

Республикада демократик асосларнинг шаклланиши кескин руҳий ички кечинмалар ҳамда чайқалишларсиз ва жамоатчиликнинг ларзага солувчи намойишларсиз, жиддий тўқнашув ва ўта хавфли қарама-қаршиликларсиз ўтди, дейиш мумкин. Бунинг асосий сабаби давлатнинг бошқарув калитини ўз қўлига қатъий олганлиги, яъни "давлат – бош ислоҳотчи" тамойили бўлди.

Ўзбекистонда демократлаштириш жараёнларининг тинч кечеётгани, авваламбор, миллий тикланиш, ислоҳотларининг ўзига хос моделига, жумладан, қонун устуворлиги тамойилига асосланди, қолаверса, миллатчилик ва ажralишига қаратилган ҳаракатлари пайдо бўлишининг олдини олади, шунингдек, тоталитар йўналишдаги институтлар пайдо бўлишига йўл қўймайди.

Бу ҳокимият тузилмалари тизимиши танлаш ва ташкил қилишда, жумладан, ҳокимлик институтининг, ўзини ўзи бошқарув даражасида эса фуқаролар йиғини институтларининг қайта тикланишида ҳам аксини топади. Улар ўзида давлат ҳокимиятининг бутун кучини мужассамлаган ва ўз фаолиятларида сиёсий ҳамда мафкуравий ҳолатдан, партиявий тарафкашлик ва содиқликдан ҳоли ҳамда мустақилдирлар. Зоро, Президентимиз таъкидлаганидек, "Жамият тубдан янгиланаётган бир пайтда бизга малакали, ҳар томонлама тажрибага эга бўлган, ўзгаришларни ҳаётга татбиқ қодир кучли давлат бошқарув ҳокимияти керак"¹. Бошқача айтганда, ўтиш даврида, бир тизимнинг бошқа бир тизим билан алмашиниши рўй берадиган шароитда кучли ҳокимиятнинг юзага келиши, маълум даражада, демократиянинг айнан ўзини ҳимоя қилиш эктиёжларидан ҳам келиб чиқади. Шу билан бирга, демократлаштириш кучли давлат ҳокимиятини юзага келтириши ва қўллаб-қувватлаши лозим.

Ўзбекистон ўзини демократик республика деб эълон қиласкан, бундан келиб чиқадиган барча вазифалар, ваколатлар, ҳуқуқ ва мажбуриятларни сўзсиз тан олади. Мазкур шаклнинг муштараклиги муҳим бўлиб, у ўтиш даврида кучли давлат тизимнинг мақбул эканлигини тасдиқлашга асос бўла олади.

Биринчидан, кучли ҳокимият ва нуфуз давлатга ўз ислоҳотчилик вазифаларини амалга оширишга, миллий тикланиш, жараёнлари устидан назорат юритиш имконини беради.

Иккинчидан, кучли ҳокимият кескин сакрашларга йўл қўймасдан, ривожланишнинг тадрижий, босқичма-босқич кечишини марказлаштирилган тартибда бошқаришни таъминлади.

Учинчидан, ҳудудда ижтимоий интизом ва тартибни, фуқаролараро тотувлик, миллатлараро келишувни таъминлаш имкониятлари ошади.

Тўртинчидан, кучли ҳокимият, жамиятда сиёсий бекарорлик ва ижтимоий тангликни келтириб чиқарадиган қарама-қарши, гурухбозлик ва бошқа тузилмалар билан бўладиган курашда ишончли қурдат касб этади.

Бешинчидан, инсоннинг конституциявий эркинлиги ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишда, шунингдек, жамиятнинг ўта бой ва ўта камбағал қатламларга кескин ажралиши жараёнининг олдини олишда кафолат бўла олади.

Олтинчидан, қучли ҳокимият маданий-маънавий маконни, шунингдек, касбий-маърифий ва тиббий – соғломлаштириш мажмуаларини ривожлантиришга қодир бўлади.

Бошқарув тузилмаси ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг уйгунашганлик даражаси, авваламбор, ошкоралик ҳолати, мустақил оммавий воситаларининг ривожланиши, аҳолининг ахборот манбаларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиши муаммоларини таҳлил қилиш ва баҳолаш жараённида намоён бўлади. Жамиятни демократлаштириш, унинг фикрлар хилма-хиллиги, турли партия ва харакатларнинг, мафкура ва оқимларнинг, турли дунёқараш ва сиёсий фикрларнинг ривожланиши билан бирга кечади. Давлат бошқаруви янги тамойилларининг ривожи кўп жиҳатдан шундай жараёнларга асосланадики, айнан улар янги сифатларда шаклланиш ва мустаҳкамланиш учун замин тайёрлади. Таракқийлашган демократик ҳуқуқий давлатда қонун устуворлиги ва ҳуқуқий пойdevорга асосланган ҳокимият ўз фаолиятида жамоатчилик фикрига таянади. Кенг ҳалқ оммасига нафақат сайловларда, балким бошқарувда ҳам иштирок қилиш ҳуқуқи берилади.

Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш, демократик туб ислоҳотларни янада чукурлаштириш кенг ҳалқ оммасига сайлаш, сайланиш ҳуқуқидан ташқари давлат бошқарувда ҳам фаол иштирок этиш имконини беради

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида – ҳар бир фуқаро фикр, сўз ва дунёқараш эркинлиги ҳуқуқига эга, қолаверса, мавжуд тузумга қарши йўналтирилмаган ва қонунда белгиланган бошқа чекланишлар билан чегараланмаган ҳар қандай ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига ҳам эгадир. Цензурага йўл қўйилмайди – дейилади.

Ҳар бир фуқаро, ҳокимият тузилмаларидан уларнинг фаолиятлари, қабул қилаётган қарорлари, амалга ошираётган тадбирлари тўғрисида ахборот беришни сўраши ёки талаб қилиши мумкин.

Бу ҳолатларнинг амалда бўлиши – ҳуқуқий давлат тамойилларига мос келади.

Ҳуқуқий давлат қуришнинг назарий асослари ва амалий муаммолари Ўзбекистоннинг 1992 йилги Конституциясида ва мамлакат Президенти И.А.Каримовнинг "Ўзбекистон-келажаги буюк давлат", "Буюк келажагимизни ҳуқуқий кафолати" каби асарларида Олий Мажлиснинг I ва VI сессияларидаги "Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари", "Хозирги босқичда демократик ислоҳотларни чукурлаштиришнинг мухим вазифалари" номли маъруза ва нутқларида етарлича аниқ белгилаб берилган.

Хуллас, ҳуқуқий давлатнинг асосий белигиси шуки, бундай давлат ҳуқуқ доирасида ҳаракат қиласи, унинг жамият ва инсон билан барча муносабатлари ҳуқуқий меъёрга асосланади. Ўз навбатида ҳуқуқ ихтиёрий ва давлат таъсири орқали ижро этилиб борилади. ҳуқуқий давлатнинг шаклланиши ва фаолият кўрасатишида давлат органлари, мансабдор ва юридик шахслар, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари ҳамда фуқаролар бевосита иштирок қиласидар. Ҳуқуқий давлатда Конституциянинг ва қонуннинг устуворлиги тўла таъминлана боради.

Фуқаролик жамияти қўйидаги ижтимоий қоидаларга асосланади:

- мамлакатимиз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллатлар ва элатлар тили, динидан қатъи назар тенг ҳуқуқлилиги;
- эркаклар ва аёлларнинг тенглиги;
- фуқароларнинг шахсий, ижтимоий келиб чикиши, мулки, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, уларнинг ҳуқуқий ҳолатини бир хил белгиланганлиги;
- бутун Ўзбекистон ҳудудида ягона фуқаролик ўрнатилганлиги;
- "икки давлат фуқароси" бўлиш қонун билан ман этилганлиги;
- фуқароликни олиш ва тўхтатиш тартиби ҳуқуқий ҳал этилганлиги;
- ота ва оналарнинг фуқаролиги ўзгарганда, болалар фуқаролигининг ўзгариши тартиби аниқ белгиланганлиги;
- фуқаролик масалалари бўйича ҳуқуқий актларни қабул қилувчи ва ижросини текширувчи давлат органлари тизими бирлиги;
- фуқаролик масалалари бўйича ҳуқуқий актларни қабул қилувчи ва ижросини текширувчи давлат органлари тизими бирлиги;
- фуқаролик масалаларига оид қарорлар юзасидан шикоят қилиш тартибининг аниқ равшанлиги;

-Фуқаролик бўйича ҳалқаро шартномалар турлари, характери конунда белгиланган.

Ислом Каримов "Биздан озод ва обод Ватан қолсин" асарида бундай деган эди: "Адолатли жамият қуриш учун энг аввало, шу табаррук заминда таваллуд ва тарбия топган шахс, ўзини айнан шу юрт фарзанди деб билгувчи инсон ўз давлати, ўз ҳалқи олдидаги, уни катта умидлар билан тарбия этган, вояга етказган жамият олдидаги бурчини адо этиши керак..."

Содда қилиб айтганда, ҳар қайси фуқаро, ҳар биримиз: "шу давлат, шу жамият менга нима берди?" деб эмас, балки: "Мен ўз Ватанимга, элу юртимга нима бердим? деб ўйлашимиз ва шу ақида билан яшашимиз керак" ("Фуқаро-жамият-давлат"принципи).

Умуман, мустақилликка эришган Ўзбекистон учун давлат ҳокимиятини янгидан ташкил этиш, демократик тамойилларга асосланган давлат бошқарувини ташкил этиш давлатнинг асосий вазифасига айланди.

Ўзбекистонда илгари сурилаётган сиёсий ғояларда фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларини ривожлантириш, ҳамда унинг аҳамияти.

Жамиятни тубдан ислоҳ қилиш жараёнлари фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш маҳаллий органлари фаолиятини ўзгартириши, уни миллий анъаналар ва жаҳон тажрибалари асосида ташкил этишни тоқазо этади.

"Бошқарув вазифаларининг асосий қисмини марказдан вилоятларга, вилоятлардан шаҳар-туманлардаги давлат ва бошқарув идораларига ўтишини таъминлаш даркор. Шу тариқа бу босқич аста-секин ўз-ўзини бошқарш жамоатчилик ташкилотларига ҳам етиб боради", - дейди Президент И.Каримов. Бу йўл бевосита мамлакатимизда фуқаролик жамияти шаклланиши ва фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш тамойилларининг бош йўналишига айланиб қолди.

Ўзини-ўзи бошқариш органларини ташкил этишда Ўзбекистон Республикаси О.К.нинг XII сессиясида қабул қилинган. "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонуни ва Олий Мажлиснинг 1998 йил XIII сессиясида "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳрирда лойиҳаси қабул қилиниши эса алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Бу қонунда фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларнинг мақоми белгиланган, уларни ташкил этишнинг хуқуқий асослари ҳамда аҳолининг посёлкалар, қишлоқлар, овуллар ва маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларини ҳал этишда қатнашувини таъминлаш асослари меъёрига етказиб ифодаланган...

И.Каримов "Туркистон" газетаси мухбирининг саволларига берган жавобларида ҳам бу масалага тўхталиб, "...бу ноёб тажриба аҳолининг маҳалла бўлиб яшаш тарзи жаҳоннинг бошқа мамлакатларида ҳам учрайди. Шунинг учун ҳам инсонни жамият билан яшашга ўргатадиган, шу руҳда тарбиялайдиган бирламчи ва бекиёс макон - бу маҳалладир", деб таъкидладилар.

Хаттоқи, 2003 йил – Обод маҳалла иили деб эълон қилинди.

Ўзбекистон халқларининг сиёсий-хуқуқий таълимотларини ўрганар эканмиз юртбошимиз сўзларига бир назар ташласак:

Узоқ тарихимиз давомида не-не босқинчилар кириб келмаган, кўп йиллар, балки асрлар давомида юртимизда не-не ўзга сулолалар хукмронлик қилмаган, дейсиз. Бир сўз билан айтганда, минг йиллар давомида юртимизга келиб-кетганлар озми.

Эрондан Аҳамонийлар, Юнонистондан Александр келди, Арабистондан қутайба, Мўгулистандан Чингизхон келди, рус истиочилари келди. Лекин халқ қолди-ку. Халқ қандай ички куч-қудратга таяниб ўзлигини сақлаб қолди.

Ёки халқимизнинг тарихан бой меросига эга бўлгани, ана шу бой меросимиз дунёга ўзбек халқи мавжудлигини неча асрлардан буён тараннум этиб келаётгани ҳақида ҳам тўхталиб, шундай сўзларни юртбошимиз:

Кимгадир ворис бўлиш керак бўлса, биз Берунийларга, Бухорийларга, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Мирзо Бобурларга ворис бўламиз. Ўзбекнинг феъл-автори барчага аён. У ерни, табиатни севади.

Дўпписида сув ташиб бўлса ҳам, дарахт кўкартиради. Ўзбек маънодаги бунёдкордир. Унга бирорнинг ери керак эмас, - деб таъкидлагандилар.

Шунингдек, «жамиятда демократия қай даражада эканлигини белгиловчи камидатча мезони бор», -деб ёзади И.Каримов. Булар халқ қарорлар қабул қилиш жараёнидан қанчалик хабардорлидир.

Ҳукумат қарорлари халқ томонидан қанчалик назорат қилиниши, оддий фуқаролар давлатни бошқаришда қанчалик иштирок этишидир. Ана шу уч соҳада ҳақиқий силжишлар бўймас экан, демократия ҳақида ҳамма гап-сўзлар ё халққа хушомад қилиш, ёки оддий сиёсий ўйин бўлиб қолаверади.

Шунингдек, Ўзбекистон жамиятни демократлаштириш сиёсатида авлодлар ижобий тажрибасига, ворислигига, миллий манфаатлар устуворлигига, умумбашарий қадриятларга амал қилган ҳолда ўз йўлини танлаган.

“Биз танлаган йўл ўзбек халқининг асрий анъаналарига, одатларига, маданиятига, шунингдек, жаҳон цивилизацияси ютуқларига асосланган ҳолда мазкур тузулмаларини янги мафкуравий негизга ўтказиш, мослаштиришдан иборат бўлади.

Ушбу даврда яратилган таълимотлар мамлакатимиз Президентининг барча нутқ ва маърузаларида, асарларида, жумладан, “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” китобида кенг ёритилган.

“Биз учун фуқаролик жамияти, - деган эди Юрбошимиз ушбу китобида, - ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришига монелик қилмайди, аксинча, ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади. Айни вақтда бошқа одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари камситилишига йўл кўйилмайди. Яъни эркинлик ва қонунга бўйсуниш бир вақтнинг ўзида амал қиласи, бир-бирини тўлдиради ва бир-бирини тоқазо этади. Бошқача айтганда, давлатнинг қонунлари инсон ва фуқаро ҳуқуқларини камситмаслиги лозим. Шунинг баробарида барча одамлар қонунларга сўзсиз риоя қилишлари шарт!”.

Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида ўзбек давлатчилигини мустаҳкамлаш ва ҳуқуқий тартибга солишининг ролини ошириш ғояси илгари сурилди. Маълумки, ушбу сессияда Президентимиз давлатимиз олдига қўйган навбатдаги вазифалар ва мақсадларимизга тўхталиб: “Бизнинг вазифамиз мамлакатимиз, жамиятимизни демократиялаш ҳамда янгилаш йўлидаги ҳаракатларимизни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ва сўзсиз бу борада амалга оширган ижобий ишларимизни қатъият билан давом эттириш, уларни халқимиз орзу қилган мэрраларга етказишидир”, дея таъкидлаганди.

Айни пайтда Президент Ислом Каримов ушбу маърузасида сиёсий соҳадаги асосий устуворликларни аниқ таърифлаб берди. Чунончи, унинг таъкидлашича, улардан биринчи ва энг асосийси - бундан буён ҳам бебаҳо бойлигимиз - мустақиллигимизни асраб-авайлаш, мустаҳкамлаб боришдан иборат. Иккинчи устувор мақсад - бу мамлакатда ҳавфсизлик ва барқарорликни, унинг ҳудудий бутунлиги ва чегаралари даҳлсизлигини, фуқароларимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлашдир. Учинчи муҳим йўналиш - бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, қудратли бозор инфраструктурасини яратиш, эркин иқтисодиёт принципларини рўёбга чиқариш; тўртинчиси - жамиятимизни янада ривожлантириш ва сифат жиҳатидан янгилаш, яъни фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг, сўз ва ахборот воситалари эркинлигининг, шунингдек, жамиятда олиб борилаётган ислоҳотлар ошкоралиги ва очиқлигининг зарур кафолатларини таъминлайдиган демократик принципларни амалда ҳаётга жорий этиш; фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг энг муҳим шартларидан бири бўлган бешинчи устувор йўналиш жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат ташкилотлари аҳамияти ва ролини оширишдан иборат; олтинчи устувор йўналиш суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш ва ниҳоят еттинчи муҳим йўналиш - инсон омилидир.

Янги давр сиёсий-ҳуқуқий таълимотларида адолат ғояси:

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаб ўтканидек, ҳуқуқ ижтимоий ҳамжиҳатлик ва келишувга асосланган ижтимоий тартиб-интизомга эришиш, эркинлик, адолатпарварлик ва тенгликни вужудга келтириш воситасидир⁵. Ушбу таърифдан келиб чиқиб, ҳуқуқнинг жамиятдаги вазифаларини (ролини) белгилаш мумкин. Унинг биринчи вазифаси ижтимоий тартиб интизомни ўрнатиш бўлиб ҳисобланади. Албатта жамиятда тартиб интизомни, адолатни ўрнатишида, қарор топтиришда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг, жумладан, суд ҳокимиятининг ўрни бекиёсдир. “Суд ҳокимияти мустақил ҳокимият. Қонунга қатъий риоя қилиш ва унинг фуқаролар томонидан сўзсиз бажарилишини таъминлаш-суд ҳокимиятининг

⁵ Қаранг: И.А.Каримов. Ватан саждагос каби мукаддасдир. Т.3. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б.19-20.

олий бурчидир.”⁶-деб таъкидлаб ўтган эди И.А.Каримов. Шунингдек, “...фуқароларнинг манфаатлари ва хуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш соҳасини мумкин қадар кенгайтириш даркор. Ваҳоланки, айрим тармоқ қонунларида хуқуқлари поймол этилган фуқароларнинг шикоятларини судлов йўли билан эмас, маъмурий йўл билан кўриб чиқиш тартиби ҳам учрайди.

Албатта, бу ҳол-Инсон хуқуқлари умумжаҳон декларациясига ва бизнинг Конституциямиз талабларига зид. Фуқаро, агар унинг қонуний манфаатлари ва ҳақ-хуқуқлари поймол этилган тақдирда, ҳар қандай масала бўйича ҳимоя учун судга мурожаат қилиш хуқуқига эга бўлмоғи даркор!”⁷ “Суд бугунги кунда аввалгидек хукмрон коммунистик тизимнинг қатоғон ва жазолаш аппарати эмас, балки у ҳар бир инсон ва фуқароларнинг хуқуқ ҳамда эркинликларини ишончли тарзда қўриқлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган чинакам мустақил давлат институтига айланмоқда. Фуқароларнинг судга ишончи мустаҳкамланиб бормоқда.”⁸

“Бугун бизнинг хуқуқий докторинамиз мутлақо янгича, демократик тамойилларга асосланган. У, энг аввало, Ўзбекистон Конституцияси талабларига кўра, инсон хуқукларининг устуворлигини таъминлайди. Инсон ҳимоянинг бош субъекти бўлиб, унинг ҳаёти ва соғлигига суиқасд қилиш оғир жиноят ҳисобланади”.⁹

Шунингдек, И.А.Каримов фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини таъминлашда суднинг ахамиятига тўхталиб, “Фуқароларнинг хуқуқлари ва эркинликлари дахлсиз бўлиб, ҳеч ким уларни суднинг қарорисиз маҳрум этиши ёки чеклаши мумкин эмас. Айни вақтда фуқароларнинг ўз хуқуқ ва эркинликларини амалга оширишлари бошқа фуқароларнинг , давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатларига зид бўлмаслиги лозим”¹⁰ деган эди. Ушбу билдирилиб ўтган фикр Конституциямизнинг 26-моддасида ҳам мустаҳкамланган. Маълумки, инсон ва фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини тўла амалга оширишда ва ҳимоя қилинишида, жамиятда тартиб интизомни, адолатни ўрнатишда суднинг роли бекиёс эканлиги ҳаммамизга маълум. ҳозирги кунда Республикаизда суд ҳокимиятининг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилган. Булар жумласига, биринчидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бўлса, иккинчидан Ўзбекистон Республикасининг Судлар тўғрисидаги қонунини (янги таҳрири) киритиш мумкин.

Президентимиз И.А.Каримов “Биз қонунга бўйсиниб яшашни турмуш тарзига айлантирмас эканмиз, жиноятчиликнинг олдини олиш муаммо бўлиб қолаверади.”¹¹ деган гапларни айтиб ўтган эди. Албатта, давлатда конун устувор бўлса, унга ҳамма амал қилса, унинг талаблари сўзсиз бажарилса жамиятнинг салбий ҳолатлари бўлган ҳуқуқбузарлик ҳам, жиноятчилик ҳам камайган бўлар эди. Шу ўринда, Президентимиз И.А.Каримовнинг “...қонун устуворлиги заминида кучли тартиб ва интизом ўрнатайлик! Ирқи, миллати ва эътиқодидан қатъи назар, ҳар бир фуқаронинг ҳақ-хуқуқларини таъминлайлик!”¹² деган гаплари ёдга тушади.

“қонунни ҳимоя қилиш суд, прокуратура органларининг асосий вазифаси, аввало, фуқароларнинг хуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг ўз хуқуқларини, қонунларни яхши билишларига эришиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича иш олиб боришдан иборат.

Биз мана шу оддий ҳақиқатни тушуниб етсак, ўшанда жамиятимизда жиноятчилар сони ҳам, эҳтимол, бу соҳада ишловчи ходимларнинг сони ҳам кескин камаяди.”¹³

⁶ И.А.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёsat, мафкура. Т.1. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -Б.15-16.

⁷ И.А.Каримов. Ватан саждагос каби муқаддасидир. Т.3. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б.17-18.

⁸ И.А.Каримов. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. –Т.: Ўзбекистон, 2002. –Б.29.

⁹ Ўша асар. –Б.35.

¹⁰ И.А.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёsat, мафкура. Т.1. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -Б.125-126.

¹¹ И.А.Каримов. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б.19-20.

¹² И.А.Каримов. Биздан озод ва обод Ватан колсин. Т.2. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -Б.312.

¹³ И.А.Каримов. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. –Т.: Ўзбекистон, 2002. –Б.51.

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, жамиятда ижтимоий ҳамжиҳатлик ва келишувга асосланган ижтимоий тартиб-интизомга эришиш учун, аввало, фуқароларнинг ўзи маъсулдир, яъни улар ижтимоий-сиёсий ҳаётда содир бўлаётган ҳар бир воқеага ва қабул қилинаётган қонунларга ўз муносабатини билдириб бориши лозим. Зоро, фуқароларимиз юксак хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятга эга бўлсагина ҳар қандай хукуқбузарлик, жиноят содир этишдан ўзини тўхтата олади.

“Жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши қурашиш самарадорлиги жазонинг оғирлиги ва шафқатсизлигига эмас, балки биринчи навбатда, қонунни бузган шахснинг жазонинг муқаррарлигини нечоғли англашига боғлиқ” деб таъкидлар экан юртбошимиз¹⁴. Шу ўринда жазонинг муқаррарлиги жиноятчиликнинг олдини олишда самарали таъсир кўрсатувчи омиллардан ҳисобланишини уқтирадилар.

Жиноят кодексининг бешта моддасига, агар жиноят содир этган шахс етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаган тақдирда, судлар томонидан озодликдан маҳрум этиш жазосини қўлламаслик ҳақидаги нормалар киритиш таклиф этилмоқда.

Учинчидан, бутун жаҳонда муҳокама этилаётган муҳим масалалардан бири- ўлим жазосининг жиноий жазо чораси сифатида қолаётганлиги билан боғлиқ муаммодир. БМТ Бош Ассамблеясининг 1977 йил 8 декабрда қабул қилинган резолюциясида жаҳон ҳамжамиятининг ушбу муаммога муносабати аниқ-равshan баён қилинган: “Ўлим жазоси масаласида кўзда тутиладиган асосий мақсад- дейилади ушбу ҳужжатда, - бундай жазони бекор қилиш эҳтиёжидан келиб чиқсан ҳолда, ўлим жазоси қўлланиладиган хукуқбузарликлар миқдорини камайтириб боришдан иборат бўлмоғи лозим”.¹⁵

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда ўлим жазосини қўллашга доир жиноят қонунчилиги сиёсати бутун жаҳонда кечётган жараёнларга тўла мос бўлиб, Ўзбекистон конституцияси моҳиятидан келиб чиқадиган инсонпарварлик тамойилини ўзида акс эттиради.¹⁶

иккинчи вазифаси, эркинликни вужудга келтириши, яъни қонун ҳужжатларида белгиланган ва тақиқланмаган барча ҳаракатларни эркин амалга олширилишини таъминлашдир.

“Мақсадимиз эркин, демократик хуқуқий давлат қуриш, адолатли жамият барпо этиш. ҳеч бир инсонни камситмаслик, эътиқодини ҳурмат қилиш, эркинлигини таъминлаш”¹⁷

“Конституцияга биноан ҳар бир кишига эркин танлаш, фикрлаш, эркин сайлов хуқуки берилган, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликлари аниқ белгилаб қўйилган. Бу хуқуқ ва эркинликлар давлат ҳокимиятининг бутун кучи, қонун кучи билан ишончли тарзда ҳимоя қилинади. Барчамиз жамиятнинг ҳар бир аъзоси фикри билан ҳисоблашишни ўрганишимиз, унинг хукуқларини, аввало, ҳар бир кишининг ўз келажагини ўзи яратиш хуқуқини ҳурмат қилишимиз лозим.

Бу бугунги энг мушкул муаммо бўлиб, уни биргалиқда бартараф этишимиз ва янги тушунчалар асосида фикр юритишни ўрганишимиз даркор.

Табиийки, фуқароларга берилган хуқуқ ва эркинликлар жамиятимиз қабул қилган қонун-қоидалар доирасида амал қилиши керак.

Бу хукуқларни ҳаётга жорий этиш учун ҳар бир инсон, ҳар бир фуқаро ўз конституцион хукуқларини, унга шу хукуқларни берадиган қонунларни пухта билиши зарур. Бусиз инсон хукуқлари ва инсон эркинликлари тўғрисидаги барча мушоҳадалар қуруқ гап бўлиб қолаверади.

Қисқаси, кишиларимизнинг, фуқароларимизнинг хуқуқий онгини, хуқуқий маданиятини юксалтириш зарурлиги ҳақида тақрор-такрор гапиришга тўғри келади. Бу ўринда кўп нарса раҳбарларимизга, ана шу қонун ва хукуқларни муҳофаза қиладиган кишиларга боғлиқ. Энг

¹⁴ И.А.Каримов.Хавфсизлик ва тинчлик учун қурашмок керак Т.10..Т.Ўзбекистон.2002.36-б.

¹⁵ И.А.Каримов. Хавфсизлик ва тинчлик учун қурашмок керак.Т.10. –Т.: Ўзбекистон.2002.39-б.

¹⁶ Шу асарда.

¹⁷ И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан курамиз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б.52

муҳими, улар қонун талабларини сўзсиз бажаришда, қонунларга итоат қилишда бошқаларга ўрнак бўлишлари лозим”¹⁸.

Жамиятда эркинликни вужудга келтириш учун, маълум соҳаларни эркинлаштириш ҳам талаб этилади. Бу тўғрисидаги фикрлар Президентимиз И.А.Каримов томонидан Ўзбекистон XXI асрга интилоқда, деб номланган маърузасида баён қилинган. Ушбу маърузада, давлат ва жамият қурилишини, сиёсий соҳани, фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнини эркинлаштириш борасида масалаларга тўхталиб ўтилган.

учинчи вазифаси, адолатпарварликни вужудга келтириши хисобланади. Президентимиз И.А.Каримов, “Мамлакатда адолат тамойили амал қилиши, барқарорлик ҳукм суриши учун уч субъектнинг, яъни давлат, жамият ва фуқароларнинг ўзаро муносабатларидағи қонунийлик асос бўлади. Бошқача айтганда ана шу уч субъект-давлат, жамият ва инсон муносабатларида уйғунликка, уларнинг манфаатлари бир-бирига мос келишига эришилсагина, ота-боболаримиз орзу қилган адолатли жамият барпо бўлади. Улар бир бирининг ҳуқуқини яхши билиши ва ҳурмат қилиши осойишталик ва фаровонликнинг зарур шарти ва муҳим омилидир”¹⁹, деб таъкидлаб ўтган эди.

“Дунёда адолат қонуни мавжуд эканини ҳеч ким инкор этолмайди. Эртами-кечми ҳар бир инсон ана шу қонун олдида жавоб бериши муқаррар. Буни асло унитмаслик керак.”²⁰ “Адолат ва қонун устуворлиги учун, унинг талабларини ҳаётимизга жорий этиш учун биргалашиб курашмоғимиз, фидойи бўлмоғимиз керак. Қонун, яна бир бор қонун-каттаю кичик, жинсидан, миллати, эътиқоди ва мансабидан қатъи назар,-барчамиз учун устувор бўлмоғи даркор!”²¹,

Шунингдек, адолатни вужудга келтиришда ҳуқуқни қўлловчи шахсларнинг ҳам ўрни бекиёс. Улар оддий фуқаролар билан бир қаторда қонунларга бўйсуниши лозим, зеро қонун олдида барча баро-бардир. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек, “Кимки, ҳуқуқтарни тартибот органларида ишлайман, қонунни истаганча оёқости қилишим мумкин, мушугимни бирор “пишт” деёлмайди, деб ўйлаган бўлса, янгилишади. Органларда содир этилган ҳар қандай жиноят, аввало, органларнинг, ҳокимият тизимининг обрўсини тўқади, ҳуқуқий давлат қуриш йўлидаги савъ-харакатларимизга катта зиён етказади.

Мана шу юксак минбардан туриб, мазкур соҳа ходимларини огоҳлантиromoқчиман: сизларга бошқаларга нисбатан алоҳида талаб қўйилади. Шундан хулоса: сафингизда йўл қўйилган ҳар қандай қонунбузарлик ва жиноят учун шафқатсиз жазо оласизлар!

Мен бир вақт айтувдимки, ҳалқимиз ҳар қандай қийинчиликка чидайди, лекин ҳеч қачон адолат бузилишига чидамайди.

Адолат қачон бузилади?

Амалда ўтирган, вазифада ўтирган одам ўзи ахлоқий, маънавий нуқтаи назардан бузилса, нафсини тиёлмаса, тўғри йўлдан чиқса, мана шунда адолат бузилади, мана шунда одамлар бизларга нисбатан ишончини йўқотади.”²²

“Адолат” сўзи минг йиллар давомида инсонга ҳамроҳ бўлиб келган. Асрлар давомида кишилар адолат учун курашган, мислсиз қурбонлар берган.

Адолат ҳақида жуда чиройли гапириш мумкин. Адолат ҳақида жуда узоқ гапириш мумкин. Аммо гап чиройли ва узоқ гапиришда эмас, балки ҳаётда адолатни ўрната олишда.”²³

“Адолат ва ҳақиқат ғояси ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олмоғи даркор. Адолат ва ҳақиқат ғояси қонунчилик фаолиятимизнинг замини, бош йўналиши бўлмоғи шарт”.²⁴

¹⁸ И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курамиз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б.158-159.

¹⁹ И.А.Каримов. Хафсиз ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. –Т.: Ўзбекистон, 1998. –Б.26-27.

²⁰ И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курамиз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б.240.

²¹ Ўша асар. –Б.252.

²² И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курамиз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б.34.

²³ Ўша асар. –Б239.

“Раҳбарликнинг энг буюк мезони адолат. Бу сўзнинг замирида бутун халқ тақдири, жамият истиқболи, мамлакатимиз келажаги мужассам бўлган. Буни чуқурроқ тушунайлик, чуқурроқ англайлик. Адолат ҳамма нарсадан устун бўлиши керак.

“Куч-адолатда” деган Амир Темур бобомизнинг бизга қолдирган ўғит-насиҳатларини эсимиздан, хаёлимиздан чиқариига ҳаққимиз йўқ.

Ўзидан бир поғона юқори бўлган кишининг олдида икки букилиб, ўзидан бир поғона паст бўлган одамни оёқ ости қилиш эски мустабид тузум ва жамиятнинг тимсоли эди. Биз бундай иллатлардан қутулишимиз, уни бутунлай йўқотишимиз керак.

Ҳақиқий раҳбар барчага бирдай одилона муносабатда бўлади. Албатга, одамлар ҳар хил бўлади. Уларнинг орасида гап уқмайдиган, баъзан эса рўй-рост эътиroz билдирадиганлари ҳам бўлади. Халқ дегани барча фазилатлари билан бир қаторда нуқсонлари билан ҳам яхлитлигича ҳалқdir. Ҳақиқий раҳбар ана шу яхлитликни англаб, ақл билан ҳис этиб, уларнинг бошини қовуштириб, ўзига эргаштира олиши билан ҳалқ олдида муносиб ҳурмат ва иззат қозонади.

Ҳақиқий раҳбар, одамларнинг кўнглига йўл топиб, уларни эзгуликка, яхшиликка даъват қиласи ва ўзи ҳам одамлар юрагидан жой олади. Ана шундай баҳт барчага каттаю- кичик раҳбарларга насиб этишини хоҳлайман”.²⁵

“Мана, Бош Прокуратура, Олий Суд, Адлия вазирлиги, Олий Хўжалик суди... Сизларга катта ишонч билдиранмиз, сизларни қонунни ҳимоя қиладиган одамлар деб биламиз. Сизлар ҳалол ва одилона иш юритсангиз, бизда ҳукуқий давлат, адолатли жамият қуришга имконият пайдо бўлади.”²⁶

Шунингдек, Президентимиз И.А.Каримов баъзи бир шахсларнинг ўз ишларига лоқайдлигини танқид қилиб, шундай ачинарли ҳолатларни таъкидлаб ўтган эди, “Нима, ҳукуқий асосларимиз бўшми ёки умуман масъулиятни унутиб қўйдикми? Балки баъзи бир мансабдор кимсалар иккиламчи сиёsat олиб бораётгандир?

...Ўзи ҳудудларда қонунларимизни ҳимоя қиладиганлар борми-йўқми?!

...қонунларнинг ижроси устидан назорат прокурорнинг вазифаси эмасми?! Агар туманда қонун бажарилмаса, прокурор унда нима қилиб ўтирибди?!”²⁷

“Агар қонунларда кўзда тутилган мақсадларга эришмоқчи бўлсак, авваламбор ташкилий ишларни-бу қонунларни ҳаётга татбиқ этиш ишларини қатъият билан амалга оширишимиз керак”.²⁸

“қонун, яна бир бор қонун-каттаю кичик, жинсидан, миллати, эътиқоди ва мансабидан қатъи назар,-барчамиз учун устувор бўлмоғи даркор!”²⁹

“Энг аввало, қонунчилик фаолиятимиздаги камчиликларни танқидий баҳолаб, бартараф этиш, қонунларимизнинг мукаммал ва изчил бўлишига эришмоғимиз ва энг муҳими, барча ҳукуқий давлатлар қаторида қонун асосида яшашни ўрганишимиз зарур. Шу билан бирга, қонунчилик ва меъёрий аосларни шакллантириш жамиятни ўзгартириш ва ислоҳ этиш жараёнидан олдинроқ юриши керак.”³⁰

Жамиятда адолатни ўрнатишда суднинг ўрни ҳам бекиёс эканлиги ҳаммамизга маълум. Президентимиз ташаббуси билан, жамиятда адолатни ўрнатиш, тартиб интизомга эришиш мақсадида мамлакатимизда суд-ҳукуқ ислоҳотлари амалга оширилмоқда.

• Президентимиз И.А.Каримов Озод ва обод Ватан, эркин ва фаравон ҳаёт-пировард мақсадимиз, деб номланган маъруzasida шундай фикрни билдириб ўтади: “Суд жараёнида

²⁴ И.А.Каримов. Ватан саждагос каби муқаддасдир. Т.3. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -Б.11.

²⁵ И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлими билан қурамиз. Т.7. -Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б.76-77.

²⁶ Ўша асар. –Б.34.

²⁷ И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлими билан қурамиз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б.52-53.

²⁸ Ўша асар. –Б.37.

²⁹ Ўша асар. –Б252.

³⁰ Ўша асар. –Б383.

айблов ва ҳимоянинг амалда тенглиги таъминланмоғи ва бунинг учун адвокатура идораларининг мавқеини кўтариш даркор”. Албатта суд жараёнида адвокатнинг аҳамияти катта. Чунки фуқаролар тергов органлари томонидан амалга оширилаётган ҳарактлар қонунийми ёки қонуний эмасми, у ўзини ҳимоя қилишнинг қандай воситаларидан фойдалана олади, деган саволларга жавоб топишида маълум бир қийинчиликларга дучор бўлиши мумкин. Адвокат эса, ушбу ҳаракатлар қонуний бўлишини назорат қилиб, ўз мижозига тегишли маслаҳатлар бериб, ҳуқуқини ҳимоя қилиб туради.

Тўртинчи вазифаси тенглик бўлиб ушибу қоида Конституциямизда белгилаб қўйилганидек, Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқук ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мовқеидан қатъи назар қонун олдида тенгдирлар.

Ҳуқуқнинг ушбу тенгликни ўрнатиш вазифаси ҳақида гапирганда Президентимиз И.А.Каримов томонидан таъкидлаб ўтилган қўйидаги гапларни келтириш мақсадга мувофиқдир. У: “ҳуқуқий давлатнинг барча фуқаролари қонун олдида тенг. Қонун жамият тинчлиги ва ҳавфсизлигини муҳофаза этади”³¹ деган эди. Шунингдек, “Ўзбекистонда туғилган, унинг заминида яшаётган ва меҳнат қилаётган ҳар бир киши, миллий мансублигидан ва эътиқодидан қатъи назар, Республикамизнинг тенг ҳуқуқли фуқароси бўлишига муносибдир”³², деган foяларни илгари сурган.

Албатта, тенглик ҳақида гапирганда ҳар бир шахснинг, аввало, қонун олдида тенглиги эътироф этилади. Бу иқтисодий тенгликни назарда тутмайди, балки ҳуқуқий тенгликни, яъни билим олишда, эркин касб танлашда, малакали тиббий хизматдан фоойдаланишда тенг имкониятларнинг берилишини назарда тутади.

Адабиётлар :

1. И.А.Каримов. Адолатли жамият сари. –Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. –Т.: «Ўзбекистон», 1999.
3. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. – Т.:”Ўзбекистон”. 2000.
4. И.А.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёsat, мафкура. Т.1. –Т.: Ўзбекистон, 1996. -Б.1
5. И.А.Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т.: Ўзбекистон, 1999. -Б.16.
6. Каримов И.А. Янгича ҳаётни эскича қараш ва ёндашувлар билан қуриб бўлмайди. “Халқ сўзи” 2005 йил 18 февраль.
7. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар деб, ҳисоблашлар эди. –Т.: Ўзбекистон, 2005.
8. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 96 б.
9. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқук ва эркинликлари ҳамда манфаатлари-энг олий қадрият. // Халқ сўзи, 2005 йил 10 декабр.
10. Ҳ.Бобоев. К.Норматов. Миллий давлатчилик ҳақида. –Т.: «Ёзувчи».1999.
11. Ҳ.Бобоев. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Т., 2005.
12. Ф.Мухиддинова. Ўзбекистон сиёсий-ҳуқуқий таълимолар тарихи. Маъruzalар матни. 2006.

³¹ И.А.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёsat, мафкура. Т.1. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -Б.15.

³² И.А.Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон, 1999. -Б.16.

Фан бўйича намунавий тест-синовлари:

1. Ўзбекистон сиёсий ҳуқуқий таълимотлари қачон вужудга келган?
 - А. М.а. 1-минг йилликда
 - Б. М.а. 2-минг йилликда
 - С. М.а. 3-минг йилликда
 - Д. м.а. 5-минг йилликда
2. Широқ афсонаси тўғрисидаги маълумотлар бизга қайси асар орқали етиб келган?
 - А. Полиеннинг «Харбий хийлалар» асари
 - Б. Геродотнинг «Тарих» асари
 - С. Аристотелнинг « Сиёсат» асари
 - Д. Арияннинг “Буюк Искандар тарихи” асари
3. Ўзбекистон халқларининг дастлабки сиёсий- ҳуқуқий таълимотлари қандай аҳамият касб этган?
 - А. Илохий-тарихий
 - Б. Диний-афсонавий
 - С. Сиёсий- фалсафий
 - Д. Халқ оғзаки ижоди
4. Ўзбекистон сиёсий ҳуқуқий таълимотлари тарихини эсга олинг. “Билмсиз кишилар – дононларнинг душмани. Билимсиз доимо дононларга хорлик тилайди. Бу улар кўнглиниң тубтубига чўкиб ётган ҳасад аломати”. Мазкур фикрлар қайси асардан олинган?
 - А. Сиёсатнома
 - Б. Зафарнома
 - С. Девони хикмат
 - Д. Кутадғу билиг
5. Моний Ибн Фаттоҳ яшаган йилларни аниқланг?
 - А. 216-276 й.
 - Б. 213-297 й.
 - С. 216-274 й.
 - Д. 243-273 й.
8. Қўйидагилардан қайси Бухоро фиқҳ мактаби асосчиларидан бири ҳисобланади?
 - А. Абу Лайс Самарқандий
 - Б. Абу Ҳафс Кабир Бухорий
 - С. И мом Бухорий
 - Д. Абу Мансур Мотурудий
9. Зардуштийлик таълимотига кўра давлат давлат шаклланиши уч босқичда амалга ошиб.
2 босқич қандай жараён билан белгиланган?
 - А. Адолат ва инсоний саодат ҳукмронлиги бошланиши
 - В. Яхши ҳокимларнинг адолатли қонунларини қабул қилиши
 - С. Эзгу руҳлар ва ёвуз руҳлар ўртасида курашнинг бошланиши
 - Д. Ақл идрок ва адолат тантанаси

10. Низомулмулк Салжуқийлар давлатида вазир бўлган даврида ким давлатнинг султони-хукмдори бўлган эди?

- А. Султон Махмуд
- Б. Султон Санжар
- С. Малишоҳ
- Д. Султон Мақсуд

11. Машхур тарихчи Бойхақийнинг “Маъсуд тарихи” асарида ғазнавийлар давлатида султон ва вазир ўртасидаги бошқа давлатларга кўзга ташланмайдиган ўзига хос бир муносабат борлиги кўрсатилган. Бу қандай муносабат эди?

- А. Султон ва вазир ўртасидаги ваколатлар тўғрисида битим ҳақида
- Б. Султон ва вазир ўртасидагисолиқ миқдори тўғрисида битим ҳақида
- С. Султон ва вазир ўртасидагивазифаларини мерос тариқасида ўтиши ҳақидаги битим
- Д. Тўғри жавоб йўқ

12. Хожа Самандар Термизий сиёсий-хуқуқий қарашлари билан танишсиз. Айтингчи, Термизий ҳаёт фаолиятида икки марта шаҳар раиси лавозимида тайинлагани ҳақида нималарни биласиз. Билим-ларингизга таяниб. Унинг раис бўлган шаҳрини жавобда кўрсатинг.

- А. Самарқанд
- Б. Бухоро
- С. Андижон
- Д. Карши.

13. Хожа Самандар Термизий сиёсий-хуқуқий қарашлари билан танишсиз. Сизнингча, Термизий ҳаёт фаолиятида ҳарбий юришларда иштирок этгани ҳақида маълумотлар бор, у қайси ҳукмдорлар билан юришларда иштирок этган?

- А. Амир Темур ва Шайбонийхон билан бўлган юришларда
- Б. Абдуллахон 2 ва Абул Баҳодирхон билан
- С. Абдул Азизхон ва Субхонқулихон билан
- Д. Илбарсхон билан.

14. Суннийлар тарафдорларининг масхаблари кўрсатилган қаторни кўрсатинг? 1) ханафия; 2) моликия; 3) хорижийлар; 4) исмоилия; 5)ханбалия; 6) шофия.

- А. 1, 2, 5, 6.
- Б. 3, 4, 5.
- С. 1, 3, 4.
- Д. 1, 2, 3, 4.

14. «Бобомиз Захриддин Муҳаммад Бобур номи билан ҳар қанча фахрлансак арзиди. Ўзбек халқининг довругини дунёга таратган улуғ аждодларимиздан бири ўлароқ, ул зот бизни тарихимизни қадрлашга, келажакка буюк ишонч билан қарашга ўргатади. Бобур каби мумтоз инсонларни дунёга берган халқ ҳеч қачон хор бўлмайди, муқаррар тарзда саодатга эришади....» Ушбу сўзлар қайси асардан олинган.

- А. “Бобурнома” асаридан
- Б. Бобурнинг сиёсий-хуқуқий қарашлари.
- С. 1994 йил «Хотира дафтари» дан
- Д. Барча жавоб тўғри.

15. Амир Темур сиёсий-хуқуқий қарашларини эсланг. Амир Темурнинг 1402 йилда Испанияга элчилик вазифасини ўтаган Мовароуннахрлик шахсни топинг...

- А. Мұхаммад ал-Кеший
- Б. Мавлоно Жалолиддин Кеший
- С. Мавлоно Абдуллоҳ Кеший
- Д. Сайдо Насафий.

16. Мусулмон хуқуқшунослигига Шайх ул-исломнинг мартабаси (лавозими)?

- А. Суд ишларини амалга оширган
- Б. айрим мамлакатлардаги фатво берувчи, қарор чиқарувчи, суд ишларини амалга оширувчи олий мартабали шахс
- С. ижарага берувчи киши
- Д. олий даражадаги хуқуқшунос

18. Амир Темур сиёсий-хуқуқий қарашларини эсланг. Амир Темурнинг Хоразм волийси Ҳусайн Сўфи ҳузурига элчилик вазифасини ўташ учун юборилган Мовароуннахрлик шахсни топинг...

- А. Мұхаммад ал-Кеший
- Б. Мавлоно Жалолиддин Кеший
- С. Мавлоно Абдуллоҳ Кеший
- Д. Сайдо Насафий.

19. «Ҳар ким бизни сарт деса, мунга хурсанд бўлуб. фахр қилмоғимиз даркордур, зероки, сарт дегани масжидлик ва мадрасалик ва бозорлик ва озода ва уламони маъдани дегани бўлур, деб ёзилган мақолани рад этган шахс ким ?.

- А. Файзула Ҳўжаев
- Б. Махмудхўжа Бехбудий
- С. Фитрат
- Д. Ахмад Дониш

20. Шарқона полития гоясини илагри сурган мутафаккир ким?

- А. Беруний
- Б.Ибн Сино
- С. Ал Фарғоний
- Д.Форобий

21. Қўқон хонлиги тарихида “амир – ул-муслимин” унвонига эга бўлган ҳукмдорни аниқланг?

- А. Олимхон
- Б. Абдурахимбой
- С. Мадалихон
- Д. Умархон

22. Форобийнинг фикрича, жохил шахар турлари кўрсатилган қаторни қайси?

- А. Беномуслар ва Шухратпастлар шахри
- Б. Разолат ва Зарурий шахар
- С. Ўғрилар ва Каззоблар
- Д. А ва Б

23. Беруний фикрича, давлатнинг пайдо бўлишига асосий сабаб.?

- А. Кишиларнинг шартномавий муносабати
- Б. Кишиларнинг илохий муносабатлари
- С. Кишиларнинг моддий эҳтиёжи
- Д. Кишиларнинг ўзаро бирлашуви

24. «...ўз халқларини яна бошқаларнинг оёқлари остинда кўймоқчи бўлмаган мусулмонлар! Сайлов куни ғофил қолманлар, кўпчилик бўлиб келурга тиришинглар»-ушбу фикрлар кимга тегишли ?

- А. Файзулла Хўжаев
- Б. Махмудхўжа Бехбудий
- С. Фитрат
- Д. Ахмад Дониш

25. Сатторхон Абдуғаффоровнинг фикрича, қонунларнинг неча тури бўлган?

- А. Адолатли ва Адолатсиз
- Б. Фукаройи ва Илохий
- С. Ёзма ва Оғзаки
- Д. Ижтимоий ва сиёсий

26. Корахонийлар ҳукмдори Тамгачхонга атаб ёзилган асарни кўрсатинг?

- А. “Девони луготит турк”
- Б. “Кутадѓу билиг”
- С. “Девони ҳикмат”
- Д. “Сиёсатнома”

27. Бурхонуддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” асари қачон ёзилган?

- А. 1148й
- Б. 1150й
- С. 1157й
- Д. 1137й

28. “Ҳидоя” да оила-никоҳ муносабатлари таҳлил этилгани сизга маълум. Шунга кўра, “Муқтая никоҳ” нима?

- А. Вактинчалик никоҳ
- Б. моногам оила
- В. пул бериб тузиладиган никоҳ
- Д. Умрбод никоҳ

29. Низомулмулкнинг фикрича, давлатда ҳукмдорнинг асосий вазифаси нима?

- А. Адолатли қонун чиқариш
- Б. Давлатда адолатни урнатиб одил қонун чиқариш
- С. Адолат ўрнатиш
- Д. Халқни бошқариш

30. “Бу оламда кўпчиликка бош бўлган киши бир неча ярорксиз нарсаларга яқин юрмаслиги лозим”. Сизнингча буларга қайсилар киради?

1. ҳаромга қўшилмаслик. 2. зулм ва зўравонлик қилмаслик. 3. киши қонини тўқмаслик.
4. асло ўч олмаслик. 5. кек сақламаслик. 6. гина қилмаслик. 7. адолатсизлик қилмаслик.
8. Қиморга ружуъ қўймаслик.
- A. 1, 2, 3, 4, 5, 6.
B. 1, 3, 4, 5, 6, 7.
C. 2, 4, 5, 6, 7, 8.
D. 4, 5, 6, 7, 8.

31. "Бошлиқ тили ва қўнглини тўғри тутадиган бўлса, унинг ходимлари, қўл остидаги ишчилари ҳам тўғрилик йўлини танлайди. Бошлиқлар золим бўлса, уларнинг ҳаёти афсус билан ўтади. Унинг қўл остидагилар ҳам эзгу ишни, яъни тўғрилик йўлини йўқотишади". Ушбу фикрлар муаллифи кимлигини аниқланг.

- A. Низом ул мулк.
B. Юсуф хос Хожиб.
C. Термизий.
D. Замахшарий.

32. Бухорий Самарқанддаги Хартанг қишлоғида бетоблиқда вафот эган. Бу жой Республика Президенти Ислом Каримовнинг бевосита рахнамолигида замонавий, шарқона услубдаги зиёратгоҳга айлантирилди. Айтинг қайси йилда буюк алломанинг 1225 йиллиги нишонланди.

- A, 1998 йил
Б. 1998 йил
С. 2000 йил
Д. 1996 йил

33. Ушбу фикрларнинг муаллифи қайси жавобда берилган ? «одил ҳокимнинг вазифаси олий ва паст табақалар, кучлилар ва кучсизлар орасида тенглик, адолат ўрнатишдан иборатдир».

- A. Форобий
Б. Ибн Сино
С. Алишер Навоий
Д. Беруний

34. Ушбу фикрларнинг муаллифи қайси жавобда берилган? «Идора қилиш ва бошқаришининг моҳияти балки бошлиқ золимлардан азият чекканларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бирорларнинг тинчлиги йўлида ўз тинчлигини йўқотишдир. Бу уларнинг оиласини, уларнинг ҳаёти ва мол-мулкини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш йўлида бадан чарчашидан иборат».

- A. Форобий
Б. Ибн Сино
С. Алишер Навоий
Д. Беруний

35. «Халқлардан ҳеч бири ҳам никоҳдан ҳоли эмасдир. Ҳар миллатнинг никоҳга оид ўзига хос расми ва одати бор” Юқоридаги фикрларнинг муаллифи қайси жавобда берилган?

- A. Форобий
Б. Бобур
С. Алишер Навоий
Д. Беруний

36. Сўфизм таълимоти қачон пайдо бўлган?

- А. 7 асрда
- Б. 8 асрнинг биринчи ярмида
- С. 8-асрда
- Д. 7 аср 1 ярми

37. Сўфизм таълимотининг йирик намоёндаларини кўрсатинг?

- А. Накшбандий, Яссавий, Кубро
- Б. Накшбандий, Яссавий, Хос хожиб
- С. Накшбандий, Навоий, Яссавий
- Д. Навоий, Кубро, Накшбандий

38. “...давлат бошлигини улуғлайдиган, Эл-юртда мартабасини оширадиган асосий нарса - билим, ақл-идрок ва зakovatdir. Билимли, оқилу-доно, тадбиркор, адолатли, эзгу ниятли кишилар бекликка муносибдир”-ушбу фикрлар қайси асардан олинган?

- А. Куръони карим ва Ҳадислардан
- Б.. “Фозил одамлар шахри”
- С. “Қутадғу билиг”
- Д.“Сиёсатнома”

39. Ҳадиснинг нечта тури бор?

- А. 3 хил
- Б. 4 хил
- С. 2 хил
- Д. 5 хил

40. “Қозининг пора олиши унинг диндан чиқишидир” ушбу гапнинг моҳияти нимадан иборат?

- А. ҳадис
- Б. макол
- С. киёс
- Д. сунна

41, “Эл-юртни куч билан босиб, ушлаб туришдан минг чандон устундир ғоялар қуйидагилардан қайсилари ҳисобланади.

- А. Давлатни ақл-заковат билан бошқариш
- Б. адолат асосида бошқариш
- С. Барча жавоб тўғри
- Д. маънавият ва маърифат билан бошқариш

42. «Ат-тажтун-навозил» (икки фатволар мажмуаси) номли асар муаллифини аниқланг?

- А. Форобий
- Б. Ибн Сино
- С. Беруний
- Д. Бурхониддин Марғиноний

43. «Қутадғу билиг»да таъкидланишича, Эл учун икки нарса мустаҳкам таянчdir:. Иккаласи адолат илдизидир.

- А. бири хушёрлик, иккинчиси адолат

- Б. бири тенглик, иккинчиси билим
С. Бири маърифат, иккинчиси қонун
Д. Бири саховат, иккинчиси адолат
44. Бурхониддин Марғинонийнинг неча йиллик юбилейи мустақил давлатимиз томонидан нишонланганини топинг?
- А. 1025 йиллиги
Б. 910 йиллиги
С. 980 йиллиги
Д. 1010 йиллиги
45. «Қутадғу билиг» асарида Ойтўлди ниманинг рамзи сифатида ёритилган?
- А. Адолат
Б. Қаноат
С. Ақл-заковат
Д. Давлат
46. «Давлату салтанат, - уч нарса мулк, хазина ва лашкар билан тириkdir. Доно вазир буларнинг ҳар учаласини тадбиркорлик билан яхши ахволда, саранжом тутади,- дея таъкидлаган шахс қайси жавобда түғри күрсатилган?
- А. Амир Темур
Б. Бобур
С. Низомумулк
Д. Ю.Х.Хожиб
47. Аҳмад Донишнинг фикрича, ҳокимият нечта нарсага таяниб, ўз фаолиятини амалга оширади?
- А. 5 та
Б. 4 та
С. 3 та
Д. 6 та
48. 870-950 йилларда яшаган қомусий олимни аниқланғ
- А.Ибн Сино
Б. Форобий
С. Беруний
Д. Марғиноний
49. Ушбу фикр қайси мутафаккирга тегишли? “Пора фақат ноҳақлигу золимларга ёрдам бергувчиdir”.
- А.Абу Наср Форобийга
Б. Бурхонуддин Марғононийга
С. Махмуд аз-Замахшарийга
Д. Имом Бухорийга
50. Ушбу фикр қайси мутафаккирга тегишли? “ Бирор мамлакат (ҳокимият) ишларининг орқага кетишига сабаб – вабо қўп бўлиб, тузуклари-ю тартиботларнинг сусайишидандир.
- А.Абу Наср Форобийга
Б. Бурхонуддин Марғононийга
С. Махмуд аз-Замахшарийга

Д. Имом Бухорийга

51. . Гулханийнинг фикрича, адолатли давлат бошлиғининг уч ёрдамчиси бўлиши лозим.
Улардан иккинчисига қўйилган талаб?

А. Доно бўлиб, ҳукмдорга давлатни бошқаришни амалга оширишнинг тўғри йўлларини кўрсатишги лозим.

Б. Тўғри фикрли киши бўлиб, унга давлат ишларини амалга ошириш, давлат эҳтиёжларини аниқлаш ва уни қониқтириш билан боғлиқ чораларни кўришга раҳбарлик қилиш юклатилган.

С. Саройдаги ёзув-чизув, ҳисоб-китоб ишларига раҳбарлик қилиш юклатилган.

Д. Аслзодалар ўртасидаги низоларни кўриб чиқсан.

52. Кимнинг сиёсий-хуқуқий таълимотига кўра, адолатли давлат бошлиғининг уч ёрдамчиси бўлиши лозим?

А. Замахшарий.

Б. Низом ул мулк.

С. Гулханий

Д. Термизий.

53. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг қайси асари миллий истиқлол мафкураси учун назарий асос бўлган?

А. “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли”

Б. “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда”

С. “Бунёдкорлик йўлида”

Д. “Ўзбекистон – келажаги буюк давлат”

54. И.А.Каримовнинг танланган асарларининг 7-жилди ...

А. “Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби” деб номланган

Б. “Биздан озод ва обод Ватан қолсин” деб номланган

С. “Бунёдкорлик йўлидан” деб номланган

Д. “Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз” деб номланган

55. Буюк Амир Теймурнинг “Куч – адолатда” деган иборасини Президент И.Каримов қандай ибора билан тўлдирган?

А. “Куч – таълим ва соғлиқда”

Б. “Куч – имон ва эркинликда”

С. “Куч – фан ва тафаккурда”

Д. “Куч – билим ва тафаккурда”

56. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси тўғрисида Ўзбекистон Конституциясининг қайси бобида гап боради?

А. XX боб

Б. XV боб

С. XXI боб

Д. XIX боб

57. Республикаизда президентлик лавозими таъсис этиш тўғрисидаги қарор ... қабул қилинган?

- А. 1990 йил 20 апрелда
- Б. 1991 йил 29 декабрда
- С. 1990 йил 24 марта
- Д. 1990 йил 15 февралда

58. «Менга қандай юксак масъулият юкланганлигини хис қилган ҳолда халқнинг муносиб ҳаёт кечириши учун қандай йўллар танлаганимиз ҳақида баъзи фикрлар билан ўртоқлашмоқчиман». Президентимиз бу сўзлар билан бошланувчи нутқини неchanчи сессияда сўзлаган?

- А. 1992 йил 4 март, IX сессияда
- Б. 1993 йил 2 май, X сессияда
- С. 1994 йил 24-25 апрел, XII сессияда
- Д. 1996 йил 29-30 август, IV сессияда

59. Тараққиётнинг «ўзбек модули» ни ишлаб чиқишида қандай шарт-шароитлар асос қилиб олинди?

- А. Жаҳон тажрибаси
- Б. Ўзбекистоннинг миллий хусусиятлари ва имкониятлари
- С. А ва В
- Д. А,В ва С

60. 1996 йил қайси давлатда «Ислом Каримов – янги Ўзбекистон президенти» номли китоб нашрдан чиқди?

- А. Австралия
- Б. АҚШ
- С. Австрия
- Д. Ўзбекистон

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР.

Рахбарий адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – 40 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мағкура. Т. 1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.
3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 380 б.
4. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 366 б.
5. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 394 б.
6. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т. 5. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 384 б.
7. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 429 б.
8. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т. 7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 413 б.
9. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т. 8. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 525 б.
10. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 439 б.
11. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – 432 б.
12. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т. 11. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – 320 б.
13. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудрати-мизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т. 12. – Т.: Ўзбекистон, 2004. – 400 б.
14. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 448 б.
15. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 96 б.
16. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари-энг олий қадрият. // Халқ сўзи, 2005 йил 10 декабр.

Норматив-ҳуқуқий актлар.

1. «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури» // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1997. – № 9.
2. "Ўзбекистон Республикаси референдуми тўғрисида"ги Қонун (Янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотно-маси 30.08.2001 й. N 265-II // N 9-10, 176 м. // ЎзР Қонуни билан ўзгартириш киритилган 03.12.2004 й. N 714-II // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2005, № 1, 18 м.

Дарсликлар.

1. Бобоев. Ҳ.Б. Сиёсий ҳуқуқий таълимотлар тарихи. – Т.: ТДЮИ 2003. -205б.
2. Бобоев. Ҳ.Б. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Т.: "Фан" 2004. – 294 б.
3. История политических и правовых учений. под редакцией лейста. учебник для вузов. – М.: Норма., 2001. - 680 с.
4. Нерсесянц. В.с. История политических и правовых учений. учебник для вузов. –М.: Норма-инфра., 1999.-730 с.
5. Нерсесянц. В.С Философия права. ученик для вузов. –М.: Норма, 2005. -656с.

Ўқув қўлланмалар.

1. Адилходжаева С.М. Либерализм: эволюция идей от прошлого до настоящего. Монография. Т.: ТДЮИ, 2002
2. Исломов З.М. Давлат ва хуқуқ: умумназарий масалалар. (Давлат назарияси). –Т.: Адолат, 2000. –272 б.
3. Исламов З. Общество. Государство. Право. –Т.: Адолат, 2001. 695 б.
4. Исломов З.М. Хукуқ тушунчаси, моҳияти, ижтимоий вазифаси. –Т.: ТДЮИ, 2004. – 138 б.
5. Мухитдинова Ф.А. “Сиёсий-хукуқий таълимотлар тарихи” ўқув қўлланма. –Т.: ТДЮИ. 2003. -230 б.
6. Мухитдинова. Ф.А. Ўзбекистон халкларининг сиёсий-хукуқий таълимотлар тарихи. (ўқув қўлланма). –Т.: ТДЮИ. 2004. –208 б.
7. Тошкулов. Ж.Ў. Ўзбекистон халклари сиёсий-хукуқий фикрлари тарихидан. Т.: «Узбекистан», 1996.-128б.
8. Шарипов. Р.Мухитдинова Ф. Ўзбекистон халқларининг сиёсий-хукуқий таълимотлари. (Жадидлар). –Т.: ТДЮИ. 2004. -295 б.
9. Таджиханов У., Саидов А. Хукуқий маданият назарияси. 2-том-ли. Т.1. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1998. –316 б.
10. Таджиханов У., Саидов А. Хукуқий маданият назарияси. 2-том-ли. Т.2. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1998. –447 б.

Ўқув-услубий қўлланмалар.

1. Мухитдинова Ф.А. Сиёсий-хукуқий таълимотлар тарихи. –Т.: ТДЮИ. 2003. –30 б.
2. Мухитдинова Ф.А. Фаробий сиёсий-хукуқий таълимотида қонун ва қонунчиликни такомиллаштириш. –Т.: ТДЮИ. 2005. -30 б.
3. Исломов З.М. Фуқаролик жамияти: кеча, бугун, эрта. –Т.: ТДЮИ, 2003. –87 б.
4. Мухамедов Х.М. Ислом ва давлат назарияси муаммолари. –Т.: Адолат, 1998. -39 б.
5. Мухитдинова.Ф.А. Форобийнинг хукуқий қарашлари. –Т.: Адолат 2002. –56 б.
6. Мухитдинова.Ф.А.Форобийнинг давлат ва хуқуқ хакидаги таълимоти. –Т.: ТДЮИ. 2002. –125 б.
7. Мухитдинова.Ф.А. Концепция законодательства и правовой культуры в трудах Фараби. –Т.: ТДЮИ 2002. –30 с.

Қўшимча адабиётлар.

1. Агзамходжаев А. Правовые основы государственной независимости Республики Узбекистан. / Отв.ред. А.Х.Саидов. -Т.: Ўзбекистон, 1993. -93 с.
2. Адилходжаева. С.М. Либерализм–правовой и теоретический фундамент рыночной экономики. “Хўжалик ва хуқуқ”, 2002, №6, С.84-87.
3. Амир Темур васиятлари, маслаҳатлари, танбеҳлари. –Т.: “Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти”.-2001.,80б.
4. Бобоев Ҳ.Б., Қаххоров А. Демократик конституциянинг ижтимоий-хукуқий қирралари. -Т.: Ўзбекистон, 2000. -77 б.
5. Бойдадаев М. Политико-правовые основы становления и развития системы государственного управления в Республике Узбекистан. –Т.: «Адолат». 1996. -172с.
6. Исломов З.М. Ўзбекистон модернизациялаш ва демоқратик тараққиёт сари. – Т.: “Ўзбекистон” 2005. 262б.

- 7.Исламов З.М. Проблемў власти: ее понимание, назначение, социальная ценность.-Т.: ТГЮИ, 2003. -244 с
- 8.Каримова Л.А. Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари. // Ўзбекистон Республикаси – мустақил давлат / Масъул муҳаррир А.Х.Сайдов. – Т..: Адолат, 1995. -232 б.
9. Низомулмулк. Сиёсатнома. -Т.: «Адолат», 1997, -256 б.
10. Одилқориев Х., Тультеев И.Т. Икки палатали парламент. ЎзР ИИВ Академияси,Т.,2005. -344 б.
11. Одилқориев Х. Конституция ва фуқаролик жамияти. -Т.: Шарқ, 2002.-320 б.
12. Сайдов А. Жузжоний А. Шарқ ва инсон ҳуқуқлари. -Т.: “Ижтимоий фикр”. 1998-1426.
13. Ташкулов.Д. Дониш..М : «Юридическая литература» .1990,-160с.
14. Термизий Хожа Самандар. Дастур ул-мулук. -Т.: «Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти».1997, -272 б.
15. Файзиев М.М. Ўзбекистон Конституцияси – мустақиллик қомуси. -Т., 1995.
16. Файзиев М.М. Мустақиллик нима? –Т.: Адолат, 1992. –60 б.
17. Халилов Э.Х. Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи олий органи: сохта вакилликдан ҳақиқий парламентаризмга қадар. -Т.: Ўзбекистон, 2001. -384 б.
18. Ўзбекистон: фуқаролик жамияти сари. Узбекистан на пути к гражданскому обществу./ Отв. ред. Р.Алимов. –Т.: Шарқ, 2003. -304 с.
19. Ўразаев Ш.З. Мустақил Ўзбекистон Конституцияси. -Т.: Адолат, 1994. –112 б.
20. Ҳидоя. Бурхонуддин ал-Марғиноний. 1-жилд. Т.: «Адолат», 2000- 848б.
21. Адилходжаева.С.М. Либерализм: эволюция идей от прошлого до настоящего. Монография. -Т.: ТДЮИ, 2002
22. Амир Темур васиятлари, маслаҳатлари, танбеҳлари. –Т.: “Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти”. -2001. 80б.
23. Бобоев Ҳ.Б., Қаҳҳоров А. Демократик конституциянинг ижтимоий-хуқуқий қирралари. -Т.: Ўзбекистон, 2000. -77 б.
24. Бобоев. Ҳ.Б.Сиёсий хуқуқий таълимотлар тарихи. –Т.: ТДЮИ 2003.-205Б.
25. Бобоев. Ҳ.Б. Ўзбек давлатчилиги тарихи. –Т.: “Фан”. 2004. 294 б.
26. Бойдадаев М. Политико-правовые основы становления и развития системы государственного управления в Республике Узбекистан. Т.: «Адолат».1996,-172с.
27. Исламов З. Общество. Государство. Право. –Т.: Адолат, 2001. 695б.
28. Исламов З.М. Проблемы власти: ее понимание, назначение, социальная ценность. -Т.: ТГЮИ, 2003. -244 с
29. Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ: умумназарий масалалар. (Давлат назарияси). –Т.: Адолат, 2000. -272 б.
30. Исломов З.М. Ўзбекистон модернизациялаш ва демократик тараққиёт сари. – Т.: “Ўзбекистон” 2005. 262б.
31. Исломов З.М. Ҳуқуқ тушунчаси, моҳияти, ижтимоий вазифаси. –Т.: ТДЮИ, 2004. -138 б.
32. Исломов.З.М. Фуқаролик жамияти: кеча, бугун, эрта. –Т.: ТДЮИ, 2003.-87б.
33. Каримова Л.А. Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари. // Ўзбекистон Республикаси – мустақил давлат / Масъул муҳаррир А.Х.Сайдов. – Т..: Адолат, 1995. -232 б.
34. Қаюмов Р.Қ. Амир Темурни давлат бошқаруви тўғрисидаги ғоялари. –Т.: “Академия”, 1995 й. -34 б.
35. Мухитдинова Ф.А. “Сиёсий-хуқуқий таълимотлар тарихи” ўқув қўлланма. –Т.: ТДЮИ. 2003.,-230б.
36. Мухитдинова Ф.А. Сиёсий-хуқуқий таълимотлар тарихи. –Т.: ТДЮИ. 2003-306.

37. Мухитдинова Ф.А. Фаробий сиёсий-хуқуқий таълимотида қонун ва қонунчиликни такомиллаштириш. –Т.: ТДЮИ. 2005 -30 б.
38. Мухитдинова Ф.А. Ўзбекистон халқарининг сиёсий-хуқуқий таълимотлар тарихи. (ўқув қўлланма). –Т.: ТДЮИ. 2004. -208б.
39. Мухитдинова Ф.А. Форобийнинг хуқуқий қарашлари. –Т.: Адолат, 2002 й.-56б.
40. Мухитдинова Ф.А.Форобийнинг давлат ва хуқуқ ҳақидаги таълимоти. –Т.: ТДЮИ. 2002.-125б.
41. Одилқориев Х. Конституция ва фуқаролик жамияти. –Т.: Шарқ, 2002.-320 б.
42. Одилқориев Х., Тультеев И.Т. Икки палатали парламент. ЎзР ИИВ Академияси, – Т.: “Академия” 2005. –344 б.
43. Саидов А.Жузжоний А. Шарқ ва инсон хуқуқлари. –Т.: “Ижтимоий фикр”.1998-1426.
44. Таджиханов У., Саидов А. Хуқуқий маданият назарияси. 2-томли. Т.1. –Т.: ЎзР ИИВ Академияси, 1998. –316 б.
45. Таджиханов У., Саидов А. Хуқуқий маданият назарияси. 2-томли. Т.2. –Т.: ЎзР ИИВ Академияси, 1998. –447 б.
46. Тошқулов Ж.Ў. Ўзбекистон халклари сиёсий-хуқуқий фикрлари тарихидан. –Т.: «Ўзбекистон»,1996.-128б.
47. Турғунов М. Форобийнинг адолатли давлат тўғрисидаги қарашлари. –Т.: “Академия”, 2002. -72 б.
48. Турғунов М. Форобийнинг давлат бошқаруви ҳақидаги қарашлари. –Т.: Демократлаштириш ва инсон хуқуқлари. № 1-2. 2002 й. 46-49 бетлар.
49. Турғунов М. Форобийнинг сиёсий хуқуқий қарашлари. Т.: Ҳаёт ва қонун. №11-12. 1999 й. 89-91бетлар.
50. Шарипов Р. Мухитдинова Ф. Ўзбекистон халқарининг сиёсий-хуқуқий таълимотлари. (Жадидлар). –Т.: ТДЮИ 2004. -295 б.

ФЕРУЗА МУХИДДИНОВА

ЎЗБЕКИСТОН СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАРИ ТАРИХИ